

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

**2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган
энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги
“Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини
юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат
қиласи” мавзуусидаги маъruzасини ўрганиш бўйича**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2011

Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – ___ бет.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи” мавзусидаги маърузалари асосида яратилган бўлиб, унда маърузаларни ўрганиш бўйича иқтисодий ва ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун Махсус курс ўкув дастури, ўкув қўлланма, таълим технологияси, тест саволлари, маърузаларда келтирилган атамаларнинг глоссарийси ҳамда умумий назорат саволлари жамланган.

Яратилган ўқув-услубий мажмуа Президентимизнинг ўта муҳим ва долзарб фикр ва фоялари, амалий таклиф ва тавсияларини ҳамда 2011 йилда белгилаб берган мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини талаба ёшлар ўртасида тарғиб этиш, уларнинг онгу тафаккурига чукур сингдиришга қаратилган. Шунингдек, ўқув-услубий мажмуудан ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар, республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотлар жараёнларига қизиқувчилар ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2011 йил __ февралдаги -сонли қарорига мувофиқ наирга тавсия этилган.

МУҚАДДИМА

Ижтимоий-иктисодий тараққиёт тажрибаларидан маълумки, мамлакат иқтисодиёти уни ривожланишининг объектив қонуниятларини, иқтисодий салоҳият ва имкониятларини, миллий қадрият ва хусусиятларини, маънавий бойликларини тўла ҳисобга олувчи, мукаммал иқтисодий сиёсат ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилган шароитдагина барқарор ва мутаносиб ривожлана олади. Айнан мана шундай омилларни ўз мазмун-моҳиятига сингдирган, бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан тўлиқ эътироф этилаётган тараққиётнинг “ўзбек модели” мамлакатимизнинг жадал равнақ топиши, ҳалқимиз моддий ва маънавий ҳаётининг тез суръатлар билан юксалиб бориши учун мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётда тўғри йўл тутганилиги, унинг ривожланиши асосида қабул қилинган тамойилларнинг мантиқий яхлитлиги ва кенг қамрови, энг муҳими, уларнинг ҳалқимиз ҳаёти мазмун-моҳиятини чуқур ифодалай олганлиги яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, 2008 йилда бошланган ҳамда бугунги кунда ҳамон ўзининг таъсир оқибатларини кўрсатиб келаётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида мамлакатимиз, унинг ижтимоий-иктисодий тараққиётининг миллий модели яна бир бор синовдан муваффақиятли ўтганлиги эътирофга лойикдир.

Мамлакатимиздаги чуқур иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, кенг таркибий ўзгаришлар 2010 йилда ҳам ўзининг салмоқли натижаларини кўрсатди. Эришилган натижа ва муваффақиятларнинг кенг таҳлили ҳамда келгусида эътибор қаратишимиз лозим бўлган масалаларни янада чуқурроқ ҳал этиш борасида Президентимиз И.Каримов шу йилнинг 21 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг асосий яқунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган мажлисида маъруза қилди. Унда мамлакатда танланган иқтисодий ривожлантиришнинг ўз модели ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган, чуқур ва ҳар томонлама ўйланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилиши жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берганлиги қайд этилди.

Шунингдек, маърузада 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг қуидаги энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини давом эттириш;

иккинчидан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш;

учинчидан, чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш;

тўртингчидан, инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш;

бешинчидан, ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш;

олтинчидан, 2011 йил – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш;

еттингчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш.

Президентимизнинг ушбу маъruzасида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, банк-молия тизимининг барқарорлигини ошириш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориши, ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Айниқса, 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши ҳамда бу борадаги маҳсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши барчамиздан аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни талаоб этади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди” номли маъruzасини талабалар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини билиш мақсадида маҳсус курсни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Маҳсус курсни ўрганиш бўйича тузилган мазкур ўқув дастурида Президентимиз И.Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 18 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги “**Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир**” номли маъruzасида баён этилган “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида эришилган натижалар, 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши ва бу борадаги дастурда амалга оширилиши кўзда тутилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги материаллар тегишли мавзу ва ўринларда ўз ифодасини топган. Бу эса талабаларга 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини мамлакатимизнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига оид Президентимизнинг қатор дастурий чиқишилари билан изчил боғлиқ ҳолда ўрганиш имконини беради.

Маҳсус курсни Президентимиз маъruzаси мазмuni, унда баён этилган муаммо ва масалалар, уларни ҳал этиш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар тавсифи ва йўналишидан келиб чиқсан ҳолда иқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун 8 соатлик (4 соат маъруза, 4 соат семинар машғулотлари), ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун 6 соатлик (4 соат маъруза, 2 соат семинар машғулотлари) ҳажмда белгилаш тавсия этилади.

Мазкур ўқув дастур маъруза машғулотлари мавзулари ва улар мазмунининг қисқача баёнларини, маъruzада кўтарилган муҳим масалаларни қамраб олган амалий машғулотлар мавзу ва режаларини, машғулотларни самарали ташкил этиш борасидаги услубий кўрсатмалар ва талабаларни ўқитишида қўллаш тавсия этилаётган замонавий педагогик технологиялар ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

**2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий
ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг
муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва
дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз
фаровонлигини оширишга хизмат қиласи” мавзусидаги
маърузасини ўрганиш бўйича маҳсус курснинг**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

*(иқтисодий таълим йўналишлари
ва мутахассисликлари учун)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга багишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди” номли маърузасини олий таълим муассасаларида ўрганиш бўйича маҳсус курснинг

ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

(иқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассислари учун)

Мавзу тартиб рақами	Мавзу номи	Ажратилган ўқув соатлари
Маъруза машғулотлари		
1-мавзу	Ватанимиз тараққиёти ва ахоли фаровонлигини юксалтириш борасида эришилган ютуқлар – ҳар томонлама ва чукур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга ошириш натижаси	2 соат
2-мавзу	2011 йилга мўлжалланган мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари	2 соат
Жами:		4 соат
Амалий машғулотлар		
1-мавзу	Ватанимиз тараққиёти ва ахоли фаровонлигини юксалтириш борасида эришилган ютуқлар – ҳар томонлама ва чукур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга ошириш натижаси	2 соат
2-мавзу	2011 йилга мўлжалланган мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари	2 соат
Жами:		4 соат
Ҳаммаси:		8 соат

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

1-мавзу. Ватанимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида эришилган ютуқлар – ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга ошириш натижаси (2 соат)

2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунларини танқидий баҳолаш ва 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини аниқлаб олиш зарурлиги.

“Ўзбек модели”нинг тамойиллари асосида тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга оширганимиз жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг иқтисодиётимизга, молия ва банк тизимиға салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берганлиги.

Жаҳон иқтисодиётидаги бугунги аҳволни таҳлил қилиш асосида чиқарилган хulosалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиктисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётгандиги. 2010 йилда эришилган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар.

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар. Миллий маҳсулотларни диверсификация қилиш бўйича эришилган натижалар. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган лойиҳалар. Корхоналар ўртасида кооперация алоқалари мустаҳкамлашда кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектлари кенг иштирокининг таъминланиши.

Мамлакатимиз молия-банк тизимининг барқарорлигини кучайтириш бўйича амалга оширилган ишлар. Банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банклари фаолиятининг юксак баҳоланиши.

Иқтисодиётимизнинг аграр секторида юз бераётган таркибий сифат ўзгаришлари. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгандиги.

Инвестицион фаолиятнинг кенгайиши, Инвестиция дастури доирасида амалга оширилган лойиҳалар. Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича эришилган натижалар. Тикланиш ва тараққиёт фондининг стратегик муҳим лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги ролининг ортиб бораётгандиги.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга оширишнинг якуннига етказилганлиги. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш борасидаги ишлар.

Қишлоқ жойларда якка тартибдаги туарар-жой массивларини комплекс қуриш борасида эришилган натижалар. Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар. Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида юз бераётган сифат жихатидан чуқур ўзгаришлар. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича кўлга киритилган ютуқлар.

Маъруза машғулотини ўтказишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Мазкур маъруза машғулотини ўтказишида дастлаб талабалар билимини фаоллаштириб олиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун интерфаол ўқитишнинг «Ақлий ҳужум», блиц-сўров, Инсерт техникиси усулларини қўллаган ҳолда 2010 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисидаги билимларни фаоллаштириб олиш мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг, визуал-маъруза усули воситасида 2010 йилда эришилган асосий натижалар баён этилади. Мамлакатимиз иқтисодиётидаги амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар, молия-банк тизимининг барқарорлигини кучайтириш тадбирлари, Инвестиция дастури доирасида амалга оширилган лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни мультимедия ёрдамида визуал-тақдимот кўринишида

баён этиш мумкин. Тақдим этилган маълумотларнинг талабалар томонидан мустаҳкам ўзлаширилишини таъминлаш учун тарқатма материаллардан самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Мамлакатимизда 2010 йилда қабул қилинган “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида эришилган натижалар бўйича маҳсус маълумотнома тузиш ҳамда талабаларга тарқатиш уларнинг борадаги билимларини янада мустаҳкамлашга имкон яратади. Шунингдек, мамлакатимиз молия ва иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритувчи таникли мутахассис ва амалиётчиларни таклиф этган ҳолда муаллифлик маъруzasи, бинар маъруза, эксперталар иштирокидаги маъруза, муаммоли маъруза усулларини ҳам қўллаш мумкин.

2-мавзу. 2011 йилга мўлжалланган мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари (2 соат)

2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий прогноз кўрсаткичлари. 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини давом эттириш – асосий устувор йўналиш. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастурнинг асосий мақсади, вазифалари ва аҳамияти.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш – энг муҳим устувор вазифа сифатида. Инвестициялар салмоқли қисмининг саноатни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтирилиши. Йирик ишлаб чиқариш корхоналарини қуришни якунлаш ва фойдаланишга топшириш. Барча йирик корхона ва ишлаб чиқариш қувватларида жаҳон тажрибасида синовдан ўтган замонавий технологиялар билан алмаштирилиши лозим бўлган ускуна ва технологияларнинг рўйхатини аниқлаш учун техник аудит ўтказиш зарурлиги. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, унинг таркибиغا кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга ошириш. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни мақсадли ишлатиш, замонавий технологиялар ва техникани жорий этиш борасидаги ишларни тартибга солиш. Замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда жорий этиш, селекция ишларини янада тақомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш зарурлиги.

Чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш – муҳим устувор йўналиш. Ўзбекистонда инвесторлар учун бекиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилганлиги. Хорижий шериклар билан ўзаро ҳамкорликни чукурлаштириш, мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдаги мавжуд имкониятларни ишга солишда ишончли кафолатларни яратиш, хорижий инвесторларнинг ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш зарурлиги. Тикланиш ва тараққиёт фонднинг ролини, унинг хорижий шериклар билан биргалиқда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасидаги самарали ҳамкорлигини кучайтириш.

Инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш – устувор йўналиш. Инфратузилма, транспорт ва коммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган дастурини изчил амалга ошириш. Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибида кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро

ишончли боғлайдиган ягона миллий автомобиль транспорт тизимини ташкил этиш лойиҳаларига биринчи даражали аҳамият қартиш. Темир йўл тармоқларини электрлаштириш, йўловчи ташиш локомотивлари паркини янгилаш, юк ташиш локомотивлари ҳамда вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш, темир йўлларни модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш. Ўзбекистон худудида юкларнинг ички ва халқаро транзитини ишончли равиша таъминлайдиган транспорт ва логистика тизимларини такомиллаштириш. Замонавий компьютер ва телекоммуникация тизимлари ҳамда технологияларини янада ривожлантириш. Ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш. 2015 йилгача мамлакатимизнинг барча худудларида рақамли телевидениега ўтишни таъминлаш.

Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш – устувор йўналиш. Ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилган Давлат бюджети сарфларининг муттассил равиша оширилиб бориши. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишларнинг давом эттирилиши. Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш. 2011-2015 йилларда Олий ўқув юртларини ривожлантириш дастурининг асосий мақсади. Йирик соғлиқни сақлаш объектларини фойдаланишга топшириш ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишларнинг давом эттирилиши. Уй-жой қуриш кўламини кенгайтириш ва қишлоқларни ободонлаштириш дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиши.

2011 йил – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш – муҳим устувор йўналиш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётни жадал ривожлантиришда ўта муҳим роль ўйнаши. Мазкур соҳанинг мамлакатимизда катта суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қилиниши лозим бўлган ишлар. Мамлакатимизнинг барча мінтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хом ашё ресурслари, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш. Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, хуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиб бериш.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш – мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва энг муҳим шарти. Республикада янги иш ўринларини яратиш дастурида қишлоқ жойларда яратиладиган иш ўринларининг салмоқли улушга эгалиги. 2011 йилда қасб-хунар коллажлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласининг эътиборимиз марказида бўлиши. Қасб-хунар коллажлари фаолиятида энг заиф бўғин бўлиб қолаётган масалалар. Ҳар бир туман ва шаҳар бўйича коллажларнинг битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш юзасидан аниқ мақсадли режаларни тайёрлаш зарурлиги. Муайян корхона ва иш берувчиларни турдош коллажларга бириктириш тажрибасини, доимий амал қиласидиган “корхона – коллаж” ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги ишларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш. 2011 йилга мўлжалланган дастурий вазифаларни амалга ошириш ҳар биримиз ўз ишимизни қандай ташкил этишимиз, куч ва имкониятларимизни, билим ва тажрибамизни қанчалик самарали сафарбар эта олишимизга боғлиқ эканлиги.

Маъруза машгулотини ўтказишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиши бўйича услугий қўрсатмалар:

Маърузани эксперталар иштирокида ёки маъруза-конференция кўринишида ташкил этиш нисбатан юқори самара беради. Эксперталар сифатида иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги мутахассислар, банк-молия тизими ходимлари, юқори малакали педагог-мураббийлар таклиф этилиши мумкин. Шунингдек, маъруза-конференцияда талабаларнинг маҳсус тайёргарлик асосидаги чиқишлиари, фикр-мулоҳазалари тингланади.

Маърузада мамлакатимизда олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсати, қишлоқ ҳаёти, унинг мустақиллик йилларида юксалиб бориши, қишлоқ аҳолиси фаровонлигининг яхшиланиб боришига оид кинолавҳалар, қисқа муддатли ҳужжатли фильмлардан фойдаланиш мумкин. Мавзунинг асосий мазмунини баён этишда олдиндан тайёрлаб олинган тақдимот материалларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Олинган маълумотларнинг талабалар томонидан мустаҳкам ўзлаштирилишини назорат қилиб бориш мақсадида Инсерт жадвали илова қилинган тарқатма материаллардан самарали фойдаланиш мумкин. Маъруза машгулотини олиб боришида талабаларнинг фаоллигини таъминловчи ақлий ҳужум, мулоқот, мунозара каби усулларни қўллаш тавсия этилади.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

1-машғулот. Ватанимиз тараққиёти ва ахоли фаровонлигини юксалтириш борасида эришилган ютуқлар – ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга ошириш натижаси (2 соат)

Режа:

1. Жаҳон иқтисодиётидаги бугунги аҳволни таҳлил қилиш асосида чиқарилган хуносалар.
2. 2010 йилда мамлакатимизда эришилган асосий макроиктисодий қўрсаткичлар – изчил таркибий ўзгаришлар, иқтисодиётни диверсификациялаш ва маҳаллийлаштириш жараёнларининг натижаси.
3. Мамлакатимиз молия-банк тизимининг барқарорлигини кучайтириш борасида қўлга киритилган муваффақиятлар.
4. Хизмат қўрсатиши ва сервис соҳасида замонавий хизмат турларини ривожлантириш натижалари.
5. Самарали инвестицион фаолият – ижтимоий-иктисодий тараққиёт асоси.
6. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш борасидаги ишлар.
7. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича қўлга киритилган ютуқлар.

2-машғулот. 2011 йилга мўлжалланган мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари (2 соат)

Режа:

1. Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги ракобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини давом эттириш.
2. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш.
3. Чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш.

4. Инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишида ривожлантириш.

5. Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш.

6. 2011 йил – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш.

7. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш.

Амалий машғулотларни ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиши бўйича услубий кўрсатмалар:

Амалий машғулотларни самарали ва юқори савияда ўтказиш учун талабаларнинг гуруҳларда ва ўзаро ҳамкорлиқдаги ўқитиши усусларидан кенг фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Макроиқтисодий кўрсаткичлар, уларга эришиш омиллари ҳамда олдинги йиллар билан таққослаш ҳолатларини гуруҳларга ажраган ҳолда, тақдимот кўринишида баён этиш муҳимдир. Бунда Инсерт, график органайзерлар техникаси, «Т-схема», категориялар жадвали, «Б/БХ/БО» жадвалидан фойдаланиш тавсия этилади.

Муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимини топишга қаратилган ҳолатларда «Балиқ склети», «Ҳаракатларни йўналтириш», «Нима учун?» каби усуслардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида видеомаъзуза, мультимедия воситалари, видеопроектор, флип-чат ва бошқа техник воситаларнинг қўлланилиши жараёнларини олдиндан технологик карталарда режалаштириб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

«Иқтисодиёт» нашриёти томонидан 2010 йилда чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа, “Бу мұқаддас Ватанда азиздир инсон” Ўзбекистоннинг 19 йил мустақил тараққиёт йўлида жамиятни модеронизациялаш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг дадил одимлари ва муваффақиятлари: талаба ёшлар ва кенг жамоатчилик билан учрашувларда фойдаланиш учун ижтимоий-иктисодий ва маънавий-маърифий мавзуда илмий-оммабоп рисола, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингийллик ривожланиш мақсадларига бағишлиланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа, жумладан, уларнинг электрон-визуал версияларидан фойдаланиш тавсия этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

**2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий
ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг
муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва
дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз
фаровонлигини оширишга хизмат қиласи” мавзусидаги
маърузасини ўрганиш бўйича маҳсус курснинг**

ЎҚУВ ДАСТУРИ

*(нонктиносидий таълим йўналишлари
ва мутахассисликлари учун)*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга багишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи” номли маърузасини олий таълим муассасаларида ўрганиш бўйича маҳсус курснинг

ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

(ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун)

Мавзу тартиб раками	Мавзу номи	Ажратилган ўқув соатлари
Маъруза машғулотлари		
1-мавзу	Ватанимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида эришилган ютуқлар – ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга ошириш натижаси	2 соат
2-мавзу	2011 йилга мўлжалланган мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари	2 соат
Жами:		4 соат
Амалий машғулот		
Мавзу	Ватанимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида 2010 йилда эришилган ютуқлар ҳамда 2011 йилга мўлжалланган мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари	2 соат
Жами:		2 соат
Ҳаммаси:		6 соат

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

1-мавзу. Ватанимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида эришилган ютуқлар – ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга ошириш натижаси (2 соат)

2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунларини танқидий баҳолаш ва 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини аниқлаб олиш зарурлиги.

“Ўзбек модели”нинг тамойиллари асосида тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга оширганимиз жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг иқтисодиётимизга, молия ва банк тизимиға салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берганлиги.

Жаҳон иқтисодиётидаги бугунги аҳволни таҳлил қилиш асосида чиқарилган хуносалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиктисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётгандиги. 2010 йилда эришилган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар.

Мамлакатимиз иқтисодиётидаги амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар. Миллий маҳсулотларни диверсификация қилиш бўйича эришилган натижалар. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган лойиҳалар. Корхоналар ўртасида кооперация алоқалари мустаҳкамлашда кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектлари кенг иштирокининг таъминланиши.

Мамлакатимиз молия-банк тизимининг барқарорлигини кучайтириш бўйича амалга оширилган ишлар. Банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банклари фаолиятининг юксак баҳоланиши.

Иқтисодиётимизнинг аграр секторида юз бераётган таркибий сифат ўзгаришлари. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгандиги.

Инвестицион фаолиятнинг кенгайиши, Инвестиция дастури доирасида амалга оширилган лойиҳалар. Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича эришилган натижалар. Тикланиш ва тараққиёт фондининг стратегик муҳим лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги ролининг ортиб бораётгандиги.

Касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга оширишнинг якуннига етказилганлиги. Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва сифат ўзгаришларини амалга оширишни таъминлаш борасидаги ишлар.

Қишлоқ жойларда якка тартибдаги тураг-жой массивларини комплекс қуриш борасида эришилган натижалар. Мамлакатимизда меҳнатга лаёкатли аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар. Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида юз бераётган сифат жихатидан чуқур ўзгаришлар. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича кўлга киритилган ютуқлар.

Маъруза машғулотини ўтказишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар:

Мазкур маъруза машғулотини ўтказишида дастлаб талабалар билимини фаоллаштириб олиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун интерфаол ўқитишнинг «Ақлий ҳужум», блиц-сўров, Инсерт техникиси усулларини қўллаган ҳолда 2010 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисидаги билимларни фаоллаштириб олиш максадга мувофиқ. Шундан сўнг, визуал-маъруза усули воситасида 2010 йилда эришилган асосий натижалар баён этилади. Мамлакатимиз иқтисодиётидаги амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар, молия-банк тизимининг барқарорлигини кучайтириш тадбирлари, Инвестиция дастури доирасида амалга оширилган лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни мультимедия ёрдамида визуал-тақдимот кўринишида

баён этиш мумкин. Тақдим этилган маълумотларнинг талабалар томонидан мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлаш учун тарқатма материаллардан самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Мамлакатимизда 2010 йилда қабул қилинган “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида эришилган натижалар бўйича маҳсус маълумотнома тузиш ҳамда талабаларга тарқатиш уларнинг борадаги билимларини янада мустаҳкамлашга имкон яратади. Шунингдек, мамлакатимиз молия ва иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритувчи таникли мутахассис ва амалиётчиларни таклиф этган ҳолда муаллифлик маъруzasи, бинар маъруза, эксперталар иштирокидаги маъруза, муаммоли маъруза усулларини ҳам қўллаш мумкин.

2-мавзу. 2011 йилга мўлжалланган мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари (2 соат)

2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий прогноз кўрсаткичлари. 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини давом эттириш – асосий устувор йўналиш. “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастурнинг асосий мақсади, вазифалари ва аҳамияти.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш – энг муҳим устувор вазифа сифатида. Инвестициялар салмоқли қисмининг саноатни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтирилиши. Йирик ишлаб чиқариш корхоналарини қуришни якунлаш ва фойдаланишга топшириш. Барча йирик корхона ва ишлаб чиқариш қувватларида жаҳон тажрибасида синовдан ўтган замонавий технологиялар билан алмаштирилиши лозим бўлган ускуна ва технологияларнинг рўйхатини аниқлаш учун техник аудит ўтказиш зарурлиги. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, унинг таркибиغا кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга ошириш. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилаётган маблаглардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва уларни мақсадли ишлатиш, замонавий технологиялар ва техникани жорий этиш борасидаги ишларни тартибга солиш. Замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда жорий этиш, селекция ишларини янада тақомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш зарурлиги.

Чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш – муҳим устувор йўналиш. Ўзбекистонда инвесторлар учун бекиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилганлиги. Хорижий шериклар билан ўзаро ҳамкорликни чукурлаштириш, мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини шакллантиришдаги мавжуд имкониятларни ишга солишда ишончли кафолатларни яратиш, хорижий инвесторларнинг ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш зарурлиги. Тикланиш ва тараққиёт фонднинг ролини, унинг хорижий шериклар билан биргалиқда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасидаги самарали ҳамкорлигини кучайтириш.

Инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш – устувор йўналиш. Инфратузилма, транспорт ва коммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган дастурини изчил амалга ошириш. Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибида кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро

ишончли боғлайдиган ягона миллий автомобиль транспорт тизимини ташкил этиш лойиҳаларига биринчи даражали аҳамият қартиш. Темир йўл тармоқларини электрлаштириш, йўловчи ташиш локомотивлари паркини янгилаш, юк ташиш локомотивлари ҳамда вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш, темир йўлларни модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш. Ўзбекистон худудида юкларнинг ички ва халқаро транзитини ишончли равиша таъминлайдиган транспорт ва логистика тизимларини такомиллаштириш. Замонавий компьютер ва телекоммуникация тизимлари ҳамда технологияларини янада ривожлантириш. Ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш. 2015 йилгача мамлакатимизнинг барча худудларида рақамли телевидениега ўтишни таъминлаш.

Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш – устувор йўналиш. Ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилган Давлат бюджети сарфларининг муттассил равиша оширилиб бориши. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишларнинг давом эттирилиши. Молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш. 2011-2015 йилларда Олий ўқув юртларини ривожлантириш дастурининг асосий мақсади. Йирик соғлиқни сақлаш объектларини фойдаланишга топшириш ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишларнинг давом эттирилиши. Уй-жой қуриш кўламини кенгайтириш ва қишлоқларни ободонлаштириш дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилиши.

2011 йил – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш – муҳим устувор йўналиш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётни жадал ривожлантиришда ўта муҳим роль ўйнаши. Мазкур соҳанинг мамлакатимизда катта суръатлар билан ривожланиб бораётганлиги. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қилиниши лозим бўлган ишлар. Мамлакатимизнинг барча мінтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиган қонун ҳужжатларини танқидий таҳлил қилиш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хом ашё ресурслари, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш. Кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, хуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиб бериш.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш – мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва энг муҳим шарти. Республикада янги иш ўринларини яратиш дастурида қишлоқ жойларда яратиладиган иш ўринларининг салмоқли улушга эгалиги. 2011 йилда қасб-хунар коллажлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласининг эътиборимиз марказида бўлиши. Қасб-хунар коллажлари фаолиятида энг заиф бўғин бўлиб қолаётган масалалар. Ҳар бир туман ва шаҳар бўйича коллажларнинг битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш юзасидан аниқ мақсадли режаларни тайёрлаш зарурлиги. Муайян корхона ва иш берувчиларни турдош коллажларга бириктириш тажрибасини, доимий амал қиласидиган “корхона – коллаж” ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги ишларни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш. 2011 йилга мўлжалланган дастурий вазифаларни амалга ошириш ҳар биримиз ўз ишимизни қандай ташкил этишимиз, куч ва имкониятларимизни, билим ва тажрибамизни қанчалик самарали сафарбар эта олишимизга боғлиқ эканлиги.

Маъруза машғулотини ўтказишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиши бўйича услубий қўрсатмалар:

Маърузани эксперталар иштирокида ёки маъруза-конференция кўринишида ташкил этиш нисбатан юқори самара беради. Эксперталар сифатида иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги мутахассислар, банк-молия тизими ходимлари, юқори малакали педагог-мураббийлар таклиф этилиши мумкин. Шунингдек, маъруза-конференцияда талабаларнинг маҳсус тайёргарлик асосидаги чиқишлиари, фикр-мулоҳазалари тингланади.

Маърузада мамлакатимизда олиб борилаётган фаол инвестиция сиёсати, қишлоқ ҳаёти, унинг мустақиллик йилларида юксалиб бориши, қишлоқ аҳолиси фаровонлигининг яхшиланиб боришига оид кинолавҳалар, қисқа муддатли ҳужжатли фильмлардан фойдаланиш мумкин. Мавзунинг асосий мазмунини баён этишда олдиндан тайёрлаб олинган тақдимот материалларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Олинган маълумотларнинг талабалар томонидан мустаҳкам ўзлаштирилишини назорат қилиб бориш мақсадида Инсерт жадвали илова қилинган тарқатма материаллардан самарали фойдаланиш мумкин. Маъруза машғулотини олиб боришда талабаларнинг фаоллигини таъминловчи ақлий ҳужум, мулоқот, мунозара каби усусларни қўллаш тавсия этилади.

АМАЛИЙ МАШГУЛОТ

Мавзу: Ватанимиз тараққиёти ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш борасида 2010

йилда эришилган ютуқлар ҳамда 2011 йилга мўлжалланган мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор йўналишлари (2 соат)

Режа:

1. 2010 йилда мамлакатимизда эришилган асосий макроиктисодий қўрсаткичлар – изчил таркибий ўзгаришлар, иқтисодиётни диверсификациялаш ва маҳаллийлаштириш жараёнларининг натижаси.

2. Мамлакатимиз молия-банк тизимининг барқарорлигини қучайтириш борасида қўлга киритилган муваффақиятлар.

3. Самарали инвестицион фаолият – ижтимоий-иктисодий тараққиёт асоси.

4. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича қўлга киритилган ютуқлар.

5. Таркибий ўзгаришлар сиёсатини давом эттириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш.

6. Чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш.

7. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш.

8. 2011 йил – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш.

Амалий машғулотларни ўтказишида янги педагогик технологиялардан фойдаланиши бўйича услубий қўрсатмалар:

Амалий машғулотларни самарали ва юқори савияда ўтказиш учун талабаларнинг гуруҳларда ва ўзаро ҳамкорликдаги ўқитиш усусларидан кенг фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Макроиктисодий қўрсаткичлар, уларга эришиш омиллари ҳамда олдинги йиллар билан таққослаш ҳолатларини гуруҳларга ажраган ҳолда, тақдимот қўринишида баён

етиш мұхимдир. Бунда Инсерт, график органайзерлар техникаси, «Т-схема», категориялар жадвали, «Б/БХ/БО» жадвалидан фойдаланиш тавсия этилади.

Муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимини топишга қаратилган ҳолатларда «Балиқ склети», «Ҳаракатларни йўналтириш», «Нима учун?» каби усуслардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида видеомаъзуза, мультимедия воситалари, видеопроектор, флип-чат ва бошқа техник воситаларнинг қўлланилиши жараёнларини олдиндан технологик карталарда режалаштириб қўйилиши мақсадга мувофиқ.

«Иқтисодиёт» нашриёти томонидан 2010 йилда чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуя, “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” Ўзбекистоннинг 19 йил мустақил тараққиёт йўлида жамиятни модеронизациялаш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг дадил одимлари ва муваффақиятлари: талаба ёшлар ва кенг жамоатчилик билан учрашувларда фойдаланиш учун ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий мавзуда илмий-оммабоп рисола, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингийиллик ривожланиш мақсадларига бағишенланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуя, жумладан, уларнинг электрон-визуал версияларидан фойдаланиш тавсия этилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

**2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий
ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг
муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва
дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз
фаровонлигини оширишга хизмат қиласи” мавзусидаги
маъruzасини ўрганиш бўйича**

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

КИРИШ

Ижтимоий-иктисодий тараққиёт тажрибаларидан маълумки, мамлакат иқтисодиёти уни ривожланишининг объектив қонуниятларини, иқтисодий салоҳият ва имкониятларини, миллий қадрият ва хусусиятларини, маънавий бойликларини тўла ҳисобга олувчи, мукаммал иқтисодий сиёсат ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилган шароитдагина барқарор ва мутаносиб ривожлана олади. Айнан мана шундай омилларни ўз мазмун-моҳиятига сингдирган, бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти томонидан тўлиқ эътироф этилаётган тараққиётнинг “ўзбек модели” мамлакатимизнинг жадал равнақ топиши, ҳалқимиз моддий ва маънавий ҳаётининг тез суръатлар билан юксалиб бориши учун мустаҳкам негиз бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётда тўғри йўл тутганилиги, унинг ривожланиши асосида қабул қилинган тамойилларнинг мантиқий яхлитлиги ва кенг қамрови, энг муҳими, уларнинг ҳалқимиз ҳаёти мазмун-моҳиятини чуқур ифодалай олганлиги яққол намоён бўлмоқда. Айниқса, 2008 йилда бошланган ҳамда бугунги кунда ҳамон ўзининг таъсир оқибатларини кўрсатиб келаётган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида мамлакатимиз, унинг ижтимоий-иктисодий тараққиётининг миллий модели яна бир бор синовдан муваффақиятли ўтганлиги эътирофга лойикдир.

Мамлакатимиздаги чуқур иқтисодий ислоҳотлар, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, кенг таркибий ўзгаришлар 2010 йилда ҳам ўзининг салмоқли натижаларини кўрсатди. Эришилган натижа ва муваффақиятларнинг кенг таҳлили ҳамда келгусида эътибор қаратишимиш лозим бўлган масалаларни янада чуқурроқ ҳал этиш борасида Президентимиз И.Каримов шу йилнинг 21 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида маъруза қилди. Унда мамлакатда танланган иқтисодий ривожлантиришнинг ўз модели ва унинг тамойиллари асосида ишлаб чиқилган, чуқур ва ҳар томонлама ўйланган мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг тадрижий дастури изчил амалга оширилиши жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиёти, унинг молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берганлиги қайд этилди.

Шунингдек, маърузада 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг қуидаги энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини давом эттириш;

иккинчидан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш;

учинчидан, чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш;

тўртингчидан, инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш;

бешинчидан, ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш;

олтинчидан, 2011 йил – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш;

еттингчидан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш.

Президентимизнинг ушбу маъruzасида белгилаб берилган Ўзбекистон иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, банк-молия тизимининг барқарорлигини ошириш, стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориши, ҳалқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Айниқса, 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши ҳамда бу борадаги маҳсус Давлат дастурининг ишлаб чиқилиши барчамиздан аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларни талаоб этади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди” номли маъruzасини талабалар томонидан чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш, 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини билиш мақсадида маҳсус курсни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Маҳсус курсни ўрганиш бўйича тузилган мазкур ўқув дастурида Президентимиз И.Каримовнинг 2010 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 18 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги “**Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир**” номли маъruzасида баён этилган “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида эришилган натижалар, 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланиши ва бу борадаги дастурда амалга оширилиши кўзда тутилаётган чора-тадбирлар ҳақидаги материаллар тегишли мавзу ва ўринларда ўз ифодасини топган. Бу эса талабаларга 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини мамлакатимизнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига оид Президентимизнинг қатор дастурий чиқишилари билан изчил боғлиқ ҳолда ўрганиш имконини беради.

Маҳсус курсни Президентимиз маъruzаси мазмuni, унда баён этилган муаммо ва масалалар, уларни ҳал этиш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар тавсифи ва йўналишидан келиб чиқсан ҳолда иқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун 8 соатлик (4 соат маъруза, 4 соат семинар машғулотлари), ноиқтисодий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун 6 соатлик (4 соат маъруза, 2 соат семинар машғулотлари) ҳажмда белгилаш тавсия этилади.

Мазкур ўқув дастур маъруза машғулотлари мавзулари ва улар мазмунининг қисқача баёнларини, маъruzада кўтарилган муҳим масалаларни қамраб олган амалий машғулотлар мавзу ва режаларини, машғулотларни самарали ташкил этиш борасидаги услубий кўрсатмалар ва талабаларни ўқитишида қўллаш тавсия этилаётган замонавий педагогик технологиялар ва адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади.

І БЎЛIM. 2010 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ТАҲЛИЛИ

1-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЮҚОРИ БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ ВА МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ

1.1. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини танқидий баҳолаш ва 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини аниқлаб олиш зарурлиги

Президентимиз И.А.Каримовнинг ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини баҳолаш ва навбатдаги йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишга бағишланган маъruzalari замонавий демократия принципларининг энг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади. Ушбу маъruzalardan юртимиз раҳбари ўтган бир йил давомида ҳукуматимиз бошчилигига халқимиз томонидан қўлга киритилган ютуқ ва муваффакиятларни, эришилган натижаларни сарҳисоб қилиб, кейинги йилларда алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳат ва масалаларни кўрсатиб берадилар.

2011 йилнинг 21 январида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз ушбу йилнинг ўзига хос аҳамиятига эътибор қаратиб, “Бу йил барчамиз она юртимиз, Ўзбекистонимизнинг янги тарихидаги энг буюк ва кутлуғ саналардан бири – Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллик шонли байрамини кенг нишонлаймиз. Табиийки, бу биздан барча соҳа ва тармоқларда амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотларимизни атрофлича таҳлил этиб, келгуси режаларимизни аниқ-равшан белгилаб олишни талаб этади”, дея таъкидлаб ўтдилар.

Бу эса, шубҳасиз, 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини танқидий баҳолаш ва шу асосда 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини аниқлаб олиш тадбирларининг аҳамиятини янада оширади.

Шунингдек, ушбу тадбирнинг зарурлиги ижтимоий-иқтисодий тараққиётимиз суръатларини янада ошириш, мавжуд салоҳият ва имкониятлардан янада кенгроқ фойдаланиш учун замин яратиш орқали ҳам намоён бўлади.

Айни пайтда биз ўз вақтида танлаб олган иқтисодий тараққиёт моделининг нақадар тўғри эканини ва амалда ўзини тўла оқлаганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна тасдиқлаб бермоқда.

Ушбу модельнинг тамоиллари асосида мамлакатимизни ислоҳ этиши ва модернизация қилиши бўйича ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга оширганимиз инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгаршии ва бекарорликнинг иқтисодиётимизга, молия ва банк тизимига салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириши имконини берди.

Ислом Каримов

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози – жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида молиявий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги мутаносиблик ва нисбатларнинг кескин издан чиқиши натижасидаги бекарорлик ва чуқур танглик ҳолатларининг вужудга келиши.

¹ Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди. - Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzasi // “Ҳалқ сўзи” газетаси, 2011 йил 22 январь.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иктисодий инқирози оқибатларининг кўплаб давлатлар, шу жумладан бизнинг мамлакатимизга ҳам кўрсатаётган салбий таъсирига қарамай 2010 йилда иктиносидий ривожланиш борасида аҳмиятли ютуқларни кўлга киритдик. Бунда 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурининг энг муҳим йўналишларни тўлиқ қамраб олганлиги ҳамда уларда белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилганлиги муваффақиятлар гарови бўлди (1.1.1-расм).

2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган асосий йўналишлар

Экспорт қилувчи корхоналарни кўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари

Мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари ва хизмат кўрсатувчилари маҳсулотларига ички талабни ноинфляциявий рағбатлантириш бўйича чоралар

Иктиносидётнинг реал сектори соҳасида ресурс базасини кенгайтириш ва инвестицион фаоллик ўсишини таъминлаш чоралари

Электро-энергетика соҳасини модернизация қилиш, энергия сифимини қисқартириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш

Кичик бизнеснинг ривожланишини кўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳоли бандлигига ва янги иш ўринларини ташкил этишга кўмаклашиш

1.1.1-расм.

Ушбу белгиланган чора-тадбирлар доирасида амалга оширилаётган иктиносидий ислоҳотлар ва модернизация сиёсати қўйидаги ижобий натижаларга олиб келди:

- тўлиқ макроиктисодий барқарорлик ва миллий иктиносидётимизни юқори ўсиш суръатлари таъминланди;

- инфляция даражаси йилига 7-8%дан ошмаган ҳолда сақланиб келинмоқда;

- миллий валютамиз барқарорлиги тобора ўсиб бораётган олтин-валюта захираси билан мустаҳкамланиб келмоқда;

- Ўзбекистон Республикасининг жами давлат ташқи қарзи бугунги кунда ЯИМнинг 10 фоизидан ошмайди. Бундай жами ташқи қарз кўрсаткичи Жаҳон банкининг барча асосий мезонлари бўйича “жуда ўртамиёна” деб таснифланади.

- 2002 йилдан бери бюджет камомади ЯИМнинг 1 фоизидан ошмаган бўлса, 2005 йилдан бери профицит билан ижро этилмоқда;

- реал ЯИМнинг ўсиш даражаси охирги беш йил мобайнида 7%дан юқори бўлиб келмоқда, жумладан 2005 йилда - 7%ни, 2006 йилда - 7,3%ни, 2007 йилда - 9,5%, 2008 йилда - 9%, 2009 йилда 8,1% ва 2010 йилда эса 8,5%ни ташкил этди.

1.2. Жаҳон иктиносидётидаги бугунги аҳволни таҳлил қилиш асосида чиқарилган хулосалар

Президентимиз кейинги йилларда жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солган ва бугунги кунда ҳам дунё иктиносидётига ўз салбий таъсирини ўтказиб келаётган глобал молиявий-иктиносидий инқироз тўғрисидаги хулосаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Бу

борадаги ахволнинг таҳлили орқали жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози ҳали-бери ниҳоясига етгани йўқ, деб айтишга барча асослар мавжудлигини таъкидладилар.

Маълумки, жаҳон молиявий-иктисодий инқирози бошланиши билан унга қарши биргаликда курашиш мақсадида “Катта йигирмалик” мамлакатлар гурӯҳи ташкил этилган эди. Ушбу гурӯҳ таркибига ялпи ички маҳсулоти ҳажми жаҳон ялпи ички маҳсулотнинг 90 фоизини ташкил этувчи 20 та ривожланган ва ривожланаётган йирик давлатлар, жумладан, Аргентина, Австралия, Бразилия, Буюк Британия, Германия, Хиндистон, Индонезия, Италия, Канада, Мексика, Хитой, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Франция, ЖАР, Жанубий Корея, Япония, Европа Иттифоқи давлатлари киради.

Бугун дунё иқтисодиётидаги ахволни таҳлил қилас эканмиз, жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози ҳали-бери ниҳоясига етгани йўқ, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Ислом Каримов

“Катта йигирмалик” (G-20) – жаҳондаги 20 та энг бой ва ривожланаётган йирик давлатларни ўз ичига оловчи мамлакатлар гурӯҳи бўлиб, ушбу мамлакатларда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми жаҳон ялпи ички маҳсулотнинг 90 фоизини ташкил этади.

“Катта йигирмалик” гурӯҳи жаҳон молиявий-иктисодий инқирозига қарши курашиш самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва бу борадаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш мақсадида вақти-вақти билан саммит (йиғилиш)лар ўтказиб туради. Дастребки саммит 2008 йил нояброда Вашингтон (АҚШ)да, кейинчалик 2009 йил апрелда Лондон (Буюк Британия)да, Канада, 2010 йил ноябрда Сеул (Жанубий Корея)да ўтказилди.

Хусусан, Сеул саммитида АҚШ ва Хитойнинг валюта сиёсалари, Халқаро ҳисобкитоблар банкини назорат қилиш бўйича Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган жаҳон банк соҳаси учун янги қоидалар, ХВФни ислоҳ қилиш каби масалалар қўриб чиқилди. Бундан ташқари, саммит тасдиғига жаҳон иқтисодиёти ўсиши ва ижтимоий тараққиётнинг “Сеул консенсуси” деб ном олган янги концепцияси киритилди. У “Вашингтон консенсуси” номи билан танилган тараққиётнинг олдинги эталонини алмаштириши лозим эди. “Вашингтон консенсуси” 1980 йилларнинг сўнгидан амал қилиб, ўзига ўта либерал (эркин) бозор ғояларини сингдирган эди. Ҳозирги жаҳон молиявий-иктисодий инқирозининг вужудга келиши билан ушбу ғоялар инкор этила бошлади.


Сеул саммити ниҳоясида Якуний декларация қабул қилиниб, унда хусусан, 2013 йилга бориб ривожланган мамлакатлар бюджет тақчиллигини камидан 2 баробарга қисқартириш мажбурияти белгиланди. “Катта йигирмалик” гурӯхининг навбатдаги учрашувлари 2011 йил нояброда Францияда, 2012 йили эса Мексикада ўтказилиши режалаштирилган.

Президентимиз “Катта йигирмалик” гурӯхининг ўзаро биргаликда қабул қилган чора-тадбирлари, инқирозга қарши курашиш йўллари ва воситаларининг амалдаги хатти-ҳаракатлар сустлиги, кўп ҳолларда белгиланган қоидаларга амал қилмаслик, мажбуриятларни бажармаслик оқибатида самараси пастлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган эдилар. Ушбу маърузада ҳам мазкур гурӯх доирасида қабул қилинаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, жаҳон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларига эришиш йўлида ҳозирча бирон-бир жиддий силжиш кўзга ташланмаётганлигини қайд этдилар.

Ҳақиқатан ҳам, энг ривожланган мамлакатлардаги ЯИМ ўсиш суръатлари аксарият ҳолларда инқироздан олдинги даражага етмаганлигини кўришимиз мумкин (1.2.1-расм).

Дунёдаги тараққий топган 20 та давлат иштироқида ташкил этилган, “Катта йигирмалик” деб ном олган гурӯх доирасида қабул қилинаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, жаҳон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларига эришиш йўлида ҳозирча бирон-бир жиддий силжиш кўзга ташланмаётгани йўқ.

И.А.Каримов




*Изоҳ: 2010 йилда тезкор ҳолда олдиндан олинган маълумотлар келтирилган.

1.2.1-расм. Айрим ривожланган мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)

Расмда ифодаланган 2010 йилдаги тезкор олинган маълумотларга кўра, ЯИМнинг ўсиш суръати АҚШда 1,5 фоизни, Японияда 1,7 фоизни, Буюк Британияда 0,9 фоизни, Германияда 3,6 фоизни ташкил этган. Фақат Германия ўзининг иқтисодий ўсиш суръати бўйича инқироздан олдинги давр кўрсаткичларига етган. Бироқ, умумий ҳолда жаҳон иқтисодиётидаги ўсиш суръатларини барқарор деб бўлмайди.

Бу хуносанинг тўғрилигини ривожланган мамлакатларда ҳамон ишсизлик юқори даражасининг сақланиб қолаётганлиги ҳам яна бир бор тасдиқлайди (1.2.2-расм).



*Изоҳ: 2010 йилда тезкор ҳолда олдиндан олинган маълумотлар келтирилган.

1.2.2-расм. Ривожланган мамлакатларда ишсизлик даражаси.

Расмдан кўринадики, ривожланган мамлакатларда ишсизлик даражаси кескин равишда ортиб бормоқда. Хусусан, инқирознинг дастлабки палладаги иқтисодиётга кескин таъсиrlари пасайганлигига қарамай, ишсизлик даражаси АҚШ ва Германияда 10,6 фоизни, Буюк Британияда 9,3 фоизни, Японияда 6,2 фоизни ташкил этмоқда.

Аксарият ривожланган мамлакатлар тажрибасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози салбий таъсирларининг олдини олиш ва бартараф этиш чоралари орасида ҳар қандай йўл билан банк-молия тизимини сақлаб қолишга уриниш ҳолатлари кенг намоён бўлди.

Инқизоз йилларида кўплаб давлатлар ўз иқтисодиётига, айниқса, молия-банк соҳасини сақлаб қолиши мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтиришига мажбур бўлди. Бу, ўз навбатида, бир қатор давлатларда, аввало, ривожланган мамлакатларда катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди, молиявий номутаносиблигнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Ислом Каримов

Жумладан, АҚШ биринчилардан бўлиб узоқ йиллар давомида хусусий банклар сифатида фаолият кўрсатиб келган тўртта йирик банкни миллийлаштириди, яъни уларни давлат маблағлари хисобига сотиб олиш орқали банкротликдан сақлаб қолди. Шунингдек, Европа Иттифоқи мамлакатларида банк тизимининг юқори рискли активларини давлат томонидан кафолатлаш орқали узоқ

муддатли молиялаштириш хатти-ҳаракатлари амалга оширилди. Натижада, банк-молия соҳасида ликвидлик пасайган бир паллада давлатлар турли йўллар билан йирик ҳажмдаги маблағларни ушбу соҳага йўналтира бошладилар.

Маълумки, давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидағи ролининг узлуксиз ўсиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши давлат бюджети харажатларининг даромадлардан ортиб кетиши, яъни бюджет тақчиллигига олиб келади. Бюджет тақчиллигининг ўзгариши хўжалик конъюнктурасидаги жорий тебранишлар, ишлаб чиқаришдаги даврий инқизоз ва юксалишларни ҳам акс эттиради, инқизозлар даврида давлат бюджет маблағлари хисобидан иқтисодиётнинг маълум секторларини молиявий таъминлаб туришга, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган тармоқларда инвестициялар ҳажмини сақлаб туришга мажбур бўлади.

Бюджет тақчиллиги асосан давлат қарзи хисобига қопланиб, у ички ва ташки қарзлардан иборат бўлади. Ички қарз давлатнинг мамлакат ичида заёмлар ва бошқа қимматли қоғозларини чиқариш, турли нобюджет фондлари (суғурта фонди, ишсизлик бўйича суғурталаш фонди, пенсия фонди)дан олинган қарзларидан иборат бўлса, ташки қарз хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинган қарз хисобланади.

Бюджет тақчиллигини молиялаштириш, яъни қоплашнинг муҳим кўринишларидан бири давлат кредити хисобланиб, бунда давлат қарз олувчи сифатида майдонга тушади. Молиявий ресурсларни давлат томонидан қарзга олишнинг асосий шакли – бу давлат қарз мажбуриятлари (заёмлари)ни чиқариш хисобланади. Уларни жойлаштириш жараёнида давлат аҳоли, банклар, савдо ва саноат компанияларининг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб қиласди.

Давлат ўз мажбуриятларини нафақат хусусий секторда жойлаштириши, балки уларни Марказий банкда хисобга олиши ҳам мумкин. Бунда банк муомалага пулнинг товар ҳажмининг кўпайиши билан боғлиқ бўлмаган қўшимча миқдорини чиқаради. Мазкур ҳолда, давлат бюджетини молиялаштириш пул муомаласига тўғридан-тўғри инфляцион таъсир кўрсатади. Пул массасининг ўсиши жамият ҳақиқий бойлигининг кўпайиши билан бирга бормайди. Давлат қарзларининг тўхтовсиз кўпайиб бориши, миллий даромадни фоиз тўловлари шаклида тобора кўпроқ қайта тақсимланишга олиб келади.

Катта бюджет тақчиллиги ва давлат мажбуриятлари бўйича фоиз тўловлари ўсиш шароитида, давлат қарзларини тўлаш вақтини имкон даражада чўзишга ҳаракат қиласди. Бунинг учун турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Жумладан давлат ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини ўтра ва узоқ муддатли заёмларга алмаштиради. У ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини, анча юқори фоиз бўйича янги, узоқ муддатли заёмлар чиқариш хисобига ҳам сотиб олиши мумкин. Бундай турдаги тадбирлар қисқа даврли самара бериши ва вақтинча давлатнинг молиявий аҳволини енгиллаштириши мумкин, чунки у одатда келгусида фоиз ставкасининг ошиши ва қарзлар умумий миқдорининг ўсиши билан боғлиқ.

Ташқи қарзнинг меъёридан ошиб кетиши миллий иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Агар ташқи қарз бўйича тўловлар мамлакат товар ва хизматлари экспортидан тушумнинг аҳамиятли қисми, масалан, 20-25% дан ошиб кетса, бу ҳолат мамлакатнинг кредит бўйича рейтингини пасайтириб юборади. Натижада, четдан янги қарз маблағларини жалб этиш мушкуллашади. Шунга кўра, давлатлар мунтазам равишда ташқи қарзни тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириб борадилар. Булар қаторига мамлакат олтин-валюта захираси ҳисобидан қарзларни тўлаб бориш; кредиторларнинг қарз тўлов муддатларини ўзгартиришлари, айрим ҳолларда уларнинг маълум қисмидан воз кечишларига эришиш; қарзларни мамлакатдаги қўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, капиталда иштирок этиш ва бошқа хукуқларни сотиш ҳисобига тўлаш; халқаро банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан ёрдам олиш ва ҳ.к.

Давлатларнинг инқироз даврида ўз иқтисодиётига, айниқса, молия-банк соҳасини сақлаб қолиш мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтириши, ўз навбатида, бир қатор давлатларда, аввало, ривожланган мамлакатларда катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди, молиявий номутаносибликтининг юзага келишига сабаб бўлди.

Давлат бюджети – давлат даромадлари ва харажатлари ҳамда уларни молиявий таъминлаш манбаларининг тартиблаштирилган режаси.

Давлат бюджети тақчиллиги – бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик.

Давлат қарзлари – давлатнинг мамлакат ичida қимматли қоғозларини чиқариш, турли нобюджет фондлардан (ички қарз) ҳамда хорижий давлатлардан, улардаги жисмоний ва юридик шахслардан, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан (ташқи қарз) олган қарзлари.

Молиявий номутаносиблик – мамлакат молиявий тизими ва молиявий муносабатларида риоя этилиши лозим бўлган муайян талаб ва меъёrlарнинг бузилиши.

Инфляция бозор иқтисодиёти шароитида макроиқтисодий бекарорликнинг кўринишларидан бири бўлиб, ҳозирги даврда барча мамлакатлар учун умумий бўлган ҳолат ҳисобланади. Реал қийматга эга бўлмаган қоғоз пулларнинг муомалага кириб келиши инфляциянинг келиб чиқиши учун асосий манба ҳисобланади. Чунки қоғоз пулларни жамғарма сифатида муомаладан чиқариш кам самарали ва ишончсиз восита бўлиб, улар пулларнинг ортиқчалиги шароитида ҳам муомалада қоладилар. Натижада муомалада ортиқча қоғоз пулларнинг кўпайиши мавжуд ялпи талабни янада кучайтириб, нархларнинг ўсишини

Бугунги кунда бозорни пул ресурслари билан зўр бериб тўлдириши давом этаётгани фонд ва хом ашё бозорларида сунъий равишида ошириб борилган спекулятив нархларнинг янада кўтарилиб кетишига, таъбир жсоиз бўлса, молиявий кўпикларнинг баттар авж олишига, инфляциянинг жиловлаб бўлмас даражада ўсиши хавфининг кучайшишига олиб келмоқда.

Ислом Каримов

Фонд бозори – қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларнинг олди-сотди жараёнлари амалга оширилувчи маҳсус ташкиллаштирилган бозор.

Хом ашё бозори – турли кўринишдаги хом ашё ва материаллар, ишлаб чиқарини ташкил этиш учун асосий манба ҳисобланувчи ресурслар олди-сотди жараёнлари амалга оширилувчи маҳсус ташкиллаштирилган бозор.


Спекулятив нарх – маҳсулот ва хизматларнинг сунъий равишида ўзининг реал қийматидан аҳамиятли даражада ошириб юборилган нархи.

Молиявий кўпик – реал қийматга эга бўлмаган пул ва облигациялар ҳажмининг кўпайиши.

Инфляция – пул муомаласи қонунлари бузилиши билан боғлиқ ҳолда қоғоз пулларнинг кадрсизланиши ва бунинг оқибатида нарх даражасининг ўсиши.

тезлаштиради.

Президентимиз ўз маърузаларида бугунги қунда бозорни пул ресурслари билан зўр бериб тўлдириш давом этаётгани фонд ва хом ашё бозорларида сунъий равишда ошириб борилган спекулятив нархларнинг янада кўтарилиб кетишига, таъбир жоиз бўлса, молиявий кўпикларнинг баттар авж олишига, инфляциянинг жиловлаб бўлмас даражада ўсиш хавфининг кучайишига олиб келаётганлигини кўрсатиб ўтдилар.



1.2.3-расм. 2010 йилда айрим МДҲ давлатларининг ЯИМ ва инфляция кўрсаткичлари (олдинги йилнинг шу муддатига нисбатан фоизда)

Инфляция даражасининг реал маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан тезроқ суръатларда ўсишини МДҲнинг бир қатор мамлакатлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин (1.2.3-расм). 2010 йилдаги реал ЯИМнинг ўсиш суръати ҳамда шу йилнинг январь-декабрь ойларидаги инфляция суръатлари нисбати Россия, Украина ва Қирғизистонда салбий кўринишга эга бўлган. Қозоғистон Республикасида реал маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиш суръати жуда оз даражада ($107,1/107,3$) фарқ қилган бўлса, мамлакатимизда бу кўрсаткичижобий кўринишга эга бўлган, яъни инфляциянинг ўртача йиллик 106,1 фоизлик ўсиши даражасида реал ЯИМнинг ўсиши 108,5 фоизни ташкил этган.

Жаҳон миёсида конвертация қилинадиган асосий валюталарнинг бекарорлиги жiddий хавотир уйғотмасдан қолмайди. Бу, биринчи навбатда, ривожланаётган мамлакатларнинг ушбу валюталарга бўлган ишончига жiddий путур етказмоқда.

Ислом Каримов

Жаҳон иқтисодиётидаги барқарорлик кўп жиҳатдан мамлакатларнинг ташки савдо ва бошқа иқтисодий алоқаларда кўлланиувчи эркин конвертация қилинувчи асосий валюталарга нисбатан ишончига ҳам боғлиқ.

Маълумки, жаҳон валюта тизими ўзининг ривожланишида уч тизимни босиб ўтган. Дастребликик икки тизим, яъни олтин стандарт (1879-1934 йиллар) ва олтин-девизли (Бретон-Вудс тизими деб номланувчи) (1944-1971 йиллар) тизимлар қайд қилинадиган валюта курсларига асосланган. Учинчи босқич, яъни ҳозирги даврда амал қилувчи жаҳон валюта тизими 1971 йилда ташкил топган бўлиб, бу тизим бошқариладиган, сузиб юрувчи валюта тизими номини олди. Долларнинг олtinga алмашиниши расман тўхтагандан кейин, валютанинг қайд қилинган курси сузиб юрувчи курсига ўрин бўшатади. Халқаро валюта тизимидағи бу ўзгариш 1976 йил Кингстон (Ямайка) даги келишувга биноан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланади. Қоғоз пул тизимига ўтиш билан, қоғоз пуллар олтинга алмаштирилмайди. Бекарор курслар шароитида валюта курси ҳам ҳар қандай бошқа нархлар каби талаб ва таклифнинг бозор кучлари билан белгиланади.

Кейинги йилларда жаҳон молиявий-иктисодий инқизорзининг таъсир оқибатларини жиловлаш, айниқса, зудлик билан молия-банк соҳасини кутқариб қолиш, тўлов балансини яхшилаш, аҳоли ўртасида пайдо бўлиши мумкин бўлган саросиманинг олдини олиш ва

бошқа мақсадлар йўлида пул муомаласи қонунларига хилоф равишда қилинган хатти-ҳаракатлар жаҳон миқёсида конвертация қилинадиган асосий валюталарнинг бекарорлигини янада кучайтироқда. Бу эса, ўзининг олтин-валюта захирасининг салмоқли қисмини эркин конвертация қилинувчи асосий валюталарда шакллантирган мамлакатларда, ва умуман, ўз иқтисодий фаолиятида ушбу валюталардан фойдаланувчи ҳар қандай мамлакатда ташвишли ҳолатларни келтириб чиқармоқда. Қатъий валюталарга нисбатан ишончнинг пасайиши бевосита ташқи савдо алоқаларидағи бекарорликка ва пировардида жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

1.3. Иқтисодиётнинг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолганлиги


Президентимиз 2010 йил яқунларини баҳолашда аввало мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этиш зарурлигини таъкидладилар. Дарҳақиқат, жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва бошқа барча муаммоларни ҳал қилишнинг асосий йўли – бу миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва иқтисодий ўсишига эришишdir. Аҳоли фаровонлигининг ошиб бориши ҳам пировард натижада иқтисодий ўсиш даражаси ва суръатларига боғлиқ.

Иқтисодий ўсиш бевосита ялпи ички маҳсулот ҳажмининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари ҳар бир бирлиги ҳисобига ўсиши, сифатининг яхшиланиши ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади. Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш бунинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон-бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ миқдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотлар натижасида 1996 йилдан бошлаб олдинги йилга нисбатан, 2001 йилдан бошлаб эса 1991 йилдаги даражага нисбатан ЯИМ ҳажмининг барқарор равишида ўсишига эришилди. Жаҳон молиявий-иктисодий инқизорида юзага келган муаммо ва қийинчиликларга қарамай, 2008 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди (1.3.1-расм).

Шуни яна бир бор эслатиб ўтмоқчиманки, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг хulosасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири экани албатта барчамизга мамнуният бағишилади.

Ислом Каримов



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

1.3.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда

Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, ахоли жон бошига хисоблаганда эса 1,7 баробар ошиди.

Ушбу кўрсаткичларнинг аҳамияти, уларнинг ҳақиқий салмоғи миллий валютанинг

Макроиктисодий мутаносиблик – миллий иқтисодиёт даражасидаги турли томонлар ва жараёнларнинг ўзаро мувофиқ нисбатларда шаклланиши ва амал қилиши.

Ялпи ички маҳсулот – мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор қиймати.

Ўсиши суръатлари – иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариш даражаси.

Жаҳон молия институтлари – жаҳон молиявий ва иқтисодий тизими барқарорлигини таъминлаш мақсадида мамлакатлардаги ушбу жараёнларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқувчи, турли восита ва йўллар билан қўллаб-куватловчи ва тавсиялар берувчи молиявий ташкилотлар.

Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда янада ошади. Харид имкониятлари мутаносиблиги миллий валюталарнинг харид имкониятлари, яъни ҳар бир мамлакатдаги товар ва хизматларнинг муайян тўплами нархларини ҳисобга олган ҳолда улар ўртасидаги нисбатни англатади. Маълумки, миллий валютанинг алмашув курсини ўрнатиша мазкур валютага талаб ва таклифнинг нисбати ҳисобга олиниб, бу нисбат ташки

Харид имкониятлари мутаносиблиги – миллий валюталарнинг харид имкониятлари, яъни ҳар бир мамлакатдаги товар ва хизматларнинг муайян тўплами нархларини ҳисобга олган ҳолда улар ўртасидаги нисбат.

савдо операциялари, яъни савдо-сотиқда иштирок этувчи товар ва хизматлар асосида таркиб топади. Бироқ, жаҳоннинг аксарият мамлакатларида бу товар ва хизматлар ЯИМнинг жуда оз қисмини ташкил этади. Харид имкониятлари мутаносиблигини анқлашда имкон қадар товар ва хизматларнинг кенгроқ доирасини қамраб олишга ҳаракат қилинади. Масалан, миллий валюта харид имкониятлари мутаносиблиги бўйича турли мамлакатлар ЯИМ ҳажмини аниқлашга мўлжалланган БМТ Халқаро таққослашлар дастури доирасида 600-800 турдаги асосий истеъмол товарлари ва хизматлар, 200-300 турдаги асосий инвестиция

Реал даромад – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, ахолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори.

Пул-кредит сиёсати – Марказий банк томонидан пул таклифи, кредит ресурслари ва фоиз ставкалари соҳасида олиб бориладиган сиёсат.

товарлари, 10-20 та намунавий қурилиш обьектлари ҳисобга олиниади. Сўнгра мазкур тўпламнинг тадқиқ этилаётган мамлакат миллий валютасидаги ҳамда АҚШ долларидаги қиймати аниқланади. Харид имкониятлари мутаносиблигини ўрнатиш асосида у ёки бу миллий валютанинг харид қобилияти баҳоланади².

Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаганда, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 каррани ташкил қилди.

Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

² Мировая экономика: Учебник / Под ред. проф. А.С.Булатова. – М.: Экономистъ, 2005. – С.51.

Иқтисодиётимизда 2010 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошди, ўтган йилда инфляция даражаси 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилди. Бу авваламбор қатъий, шу билан бирга, пухта йўланган пул-кредит сиёсати ва инқирозга қарши кўрилган самарали чора-тадбирларимизнинг натижасидир.

1.4. Молия-бюджет тизимининг ривожланиши

Ўзбекистонда эришилаётган иқтисодий ўсиш кўп жиҳатдан иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришга қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боғлиқ. Мамлакатимизда бюджет ва солиқ тизимини такомиллаштириш иқтисодий ислоҳотлар ва давлат иқтисодий сиёсатининг марказий масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, изчил солиқ-бюджет сиёсатининг амалга оширилиши, солиқ юкини камайтириш билан боғлиқ чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши солиқ тўловчиларда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга шароит яратилиши, ишлаб топилган ва уларнинг ўзларида қолдирилаётган маблағларнинг реинвестиция қилиниши оқибатида қўшимча солиқ обьектининг пайдо бўлиши ҳисобига нафақат бюджетдаги йўқотишлар ўрнининг копланиши, балки солиқ тўловчиларнинг қўшимча даромадларга эга бўлиб, ишлаб чиқариш имкониятининг ошишига олиб келади.

Республикамида ишлаб чиқаришни юқори ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, аҳолининг реал даромадларини ва истеъмол талабларини оширишда мунтазам равишда солиқ юкини камайтириш чораларининг кенг қўлланилиши ўз натижаларини бермоқда. Айниқса, солиқлар ва тўловларни бирхиллаштиришга катта эътибор қаратилиши солиққа тортиш механизмларининг ошкоралигига, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашга оид корхоналар фаолиятини соддалаштиришга, шунингдек солиқ мажбуриятларининг бажарилишини самарали назорат қилишга ёрдам беради.

Жумладан, 2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиги 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шу борада ўтган йили Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,3 фоиз профицит билан бажарилганини таъкидлаш зарур (1.4.1-расм).



1.4.1-расм.

Солиқ юки – маблағларни бошқа фойдаланиш мүмкін бўлган йўналишлардан олиб, солиқларни тўлаш учун йўналтириш орқали вужудга келадиган иқтисодий чекловлар даражаси бўлиб, одатда солиқ тўловчининг муайян даврда бюджеттга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Мамлакат миқёсида солиқ юки даражасини солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи орқали ифодаланади.

Микрофирма – кичик бизнес корхонасининг бир тури. Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришнинг тармокларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Кичик бизнес – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикаимизда кичик бизнес субъектлари тоифасига якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради.


Ягона тўлов – кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солиқ ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи ягона солиқ тури.

Профицит – давлат бюджети даромадларининг харажатлардан кўпроқ бўлиши.

1.5. Ташқи савдо ва тўлов балансларининг мустаҳкамланганлиги

Хозирги жаҳон ривожининг хусусиятли белгиси ташқи иқтисодий алоқаларнинг, аввало, ташқи савдонинг тез ўсиши ҳисобланади. Ташқи савдо ҳалқаро ҳамкорликнинг ишлаб чиқариш, илмий-техника ва бошқа шакллари (кадрларни тайёрлаш, туризм ва х.к.) билан бир қатордаги ҳалқаро иқтисодий муносабатларнинг муҳим шакли ҳисобланади.

Мамлакат ташқи савдосининг ҳолатини унинг савдо баланси орқали баҳолаш мүмкун. Ташки савдо баланси товарларнинг барча – экспорт, импорт ва реэкспорт операциялари бўйича пул тушумлари ва тўловларнинг нисбатини ифодалайди. Савдо баланси, ўз навбатида, мамлакат тўлов балансининг муҳим таркиби ёки қисми ҳисобланади. Тўлов баланси хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилувчи нафақат товар, балки барча пул операцияларини ҳам акс эттиради (1.5.1-расм).



1.5.1-расм. Мамлакат тўлов ва савдо балансларининг асосий мазмуни

Ижобий сальдога эга тўлов-савдо баланслари (хорижий давлатлардан пул тушумлари миқдори пул тўловлари миқдоридан кўп бўлган ҳолат)ни актив, манфий сальдо (пул тўловлари пул тушумларидан кўп бўлган ҳолат)га эга бўлганлар пассив баланс деб аталади.

Ҳар бир мамлакат актив балансга эга бўлишга интилади, чунки манфий сальдо давлатнинг олтин-валюта захираси ёки давлат қарзи ҳисобига қопланади.

Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш борасида амалга оширилган

Ташқи савдо – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси.

Ташқи савдо айланмаси – мамлакат, мамлакатлар гурӯҳи ташқи савдо фаолияти ҳажмининг пул кўринишидаги ифодаси бўлиб, муайян вақт оралиғидаги (масалан, йил давомидаги) экспорт ва импорт ҳажмининг йиғиндисига тенг бўлади.

Ташқи савдо баланси сальдоси - мамлакат экспорти ва импорти ҳажмлари ўртасидаги фарқ, тафовут.

Тўлов баланси – муайян муддат давомида мамлакатнинг чет элларга тўлаган ва худди шу давр мобайнида мамлакатга чет элдан тушган тўловлар суммалари нисбатини тавсифлайди. Тўлов туркумига ташқи қарз, унинг фоизи, четдан олинган товарлар ва хизматлар ҳақи, хорижий инвестициялар, хорижда дипломатик ишларни, иқтисодий алоқаларни юритиш харажатлари, фуқаролар ва қўшма корхоналарнинг чет элга пул ўтказмалари ва бошқалар киради.

Экспорт – товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қофозлар, технологиялар ва бошқаларни ташқи бозорга чиқариш.

аҳамиятли чора-тадбирлар натижасида 2010 йилда ташқи савдо ва тўлов баланслари ҳам сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо балансининг ижобий сальдоси эса 1,8 баробар ошди ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди. Мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси ҳам шунга мувофиқ равишда кўпайди.

Юқоридаги 2010 йилда мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиктисодий кўрсаткичлар таҳлили шуни кўрсатадики, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон ўз таъсирини кўрсатиб, аксарият мамлакатлар миллий ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келаётган бир шароитда Ўзбекистонда тараққиётнинг миллий модели ва изчил самарали иқтисодий сиёсатни амалга ошириш асосида салмоқли натижаларга эришилмоқда.

2-БОБ. МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

2.1. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг моҳияти ва зарурати

Ўзбекистон ўзи танлаган мустақил тараққиёт йўлидан бориб, бозор муносабатлари тизимини шакиллантириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, турли соҳа ва тармоқлар ўртасида мутаносибликни таъминлаш вазифаларини амалга ошириб келмоқда. Бозор иқтисодиётини шакиллантиришнинг устувор йўналишларидан бири иқтисодиёт тармоқлари таркибида ислоҳотларни амалга ошириш ҳисобланади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида олиб борилган иқтисодий ўсиш сиёсати иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш заруратини кўрсатади. Бозор иқтисодиёти шароитида таркибий ислоҳотлар макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, корхоналарни янги технология ва жиҳозлар билан жиҳозлаш, иқтисодиётда нодавлат сектор

Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши – иқтисодиётнинг турли қисм ва бўлаклари ўртасидаги пропорциялар ва ўзаро нисбатлар.

улушини ошириш ва бошқаларга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақилликга эришгандан сўнг мамлакатимиз Президенти бошчилигида иқтисодиётимизда замонавий бозор талабларига мувофиқ чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишни ўз олдига асосий мақсадлардан бири сифатида белгилаб олди.

Президентимиз Ислом Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар алоҳида эътиборга лойиқдир. Ҳаммамиз яхши биламизки, бизга собиқ совет тизимидан бир томонлама ривожланган, факат хом ашё етиштиришга йўналтирилган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли даражада авжига чиққан, ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси ўта қолоқ, аҳоли жон бошига истеъмол кўрсаткичи энг паст бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Шуни эътиборга оладиган бўлсак, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш вазифасини ҳал этиш қанчалик муҳим стратегик аҳамиятга эга экани ҳакида ортиқча гапиришга зарурат йўқ, деб ўйлайман”³ – деб таъкидлаб ўтган эди. Дарҳақиқат мамлакатнинг жаҳон хўжалиги тизимиға фаол кириб бориши иқтисодиёнинг очиқлигини кенгайтириш ва эркинлаштиришнинг таркибий ислоҳотлар муаммосига алоҳида аҳамият берилишини тақозо этади. Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида иқтисодиётнинг таркибий жиҳатидан ўзгаририш дастурининг бажарилишини таъминлаш, корхоналарни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш тизимларини бунёд этишга ўта муҳим масала сифатида қараш зарурлиги давр талабидир.

Миллий иқтисодиёт бир бири билан чамбарчас боғланган кўпгина макроиқтисодий элементлардан иборат мураккаб тизимдир. Бу элементлар орасидаги нисбатлар иқтисодий таркиб деб юритилади.

Иқтисодиётнинг таркиби ҳалқ хўжалигининг мутаносиблигини, унинг самарадорлиги ва барқарор ўсишини таъминлаш учун улкан аҳамиятга эга. Ривожланган давлатларнинг иқтисодий муваффақиятлари кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришдаги умумий динамикани ва бошка сифат ўзгаришларини таъминлаб берган чуқур таркибий ўзгаришлар билан изоҳланади. Жанубий-Шарқий Осиёнинг янги индустрисал мамлакатларида ишлаб чиқаришнинг жадал ўсиши аввалам бор бу мамлакатлар учун ноанъанавий бўлган тармоқларни ривожлантириш ҳисобига рўй беди.

³ Ислом Каримов. “2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодитй ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси”. – Т.: Ҳалқ сўзи, 2011 йил, 22 январь.

Таркибий тузилиш назарияси иқтисодиётда мухим ўрин тутади. Бу муаммога, шу жумладан Нобель мукофоти лауреатлари Л.Кантарович, С.Кузнец, В.Леонтьев ва бошқалар катта эътибор беришган.

Иқтисодиёт таркиби – кўп киррали тушунча бўлиб, уни хўжалик тизимининг турли элементларининг ўзаро нисбатини акс эттирувчи ҳар хил нуқтаи – назардан кўриб чиқиш мумкин. Одатда тармоқ, тақрор-ишлиб чиқариш, ҳудудий ва ташқи савдо таркиблари ўзаро фарқланади.

Тармоқ таркиби миллий хўжалик тизимидағи турли тармоқлар ва бу тармоқлар ичига кирувчи кичик тармоқларнинг ўзаро нисбатларидан иборат. У ўта мураккаб бўлиб фан-техника тараққиёти, иқтисодиётнинг даврий ривожланиши ҳамда бошқа омиллар таъсирида миқдорий ва сифат ўзгаришларига учраб туради. Миллий иқтисодиётнинг тармоқ таркиби ижтимоий меҳнат таксимоти асосида шаклланади.

Миллий хўжаликни иқтисодиётнинг асосий соҳаларига (қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт ва алоқа, ва ҳ.к.) бўлиниши умумий меҳнат тақсимотини ифодалайди. Ўз навбатида хусусий меҳнат тақсимоти бу соҳаларнинг ҳар бирида бир қатор тармоқлар мавжудлигини кўзда тутади. Масалан саноатда қазиб ва қайта ишловчи тармоқлар, қайта ишловчи тармоқларда - енгил ва озиқ овқат саноати, машинасозлик каби тармоқлар мавжуд. Машинасозлик тармоғининг ўзи бир неча кичик тармоқларга бўлинниб кетади.

Постиндустриал жамиятга ўтиш жараёнлари бу ривожланган давлатлар иқтисодиётининг тармоқ таркибида туб ўзгаришлар рўй бериши билан бирга борди:

- ЯИМни яратишида қишлоқ ва ўрмон хўжаликларининг, қазиши ва оғир саноатнинг ҳиссаси муттасил камайиб борди;
- бир вақтнинг ўзида моддий ишилаб чиқаришнинг электрон машинасозлик, ракета-космик техника, назорат-ўлчов асбобларини ишилаб чиқарувчи илм талаб тармоқларинг устувор ривожланиши кузатилди;
- хизматлар соҳасининг, аввало соғлиқни сақлаш, фан, таълим, ижтимоий таъминот каби тармоқларнинг улуши ўсиб бормоқда. Иқтисодиётнинг тармоқ таркибидаги таркибий ўзгаришлар иш билан бандлилик таркибида ҳам ҳудди шундай ўзгаришларни келтириб чиқарди.

Фан-техника кўз ўнгимизда кундан кунга ривожланиб тараққий этиб бораётган, иқтисодий ва барча ижтимоий муносабатлар тизимида чуқур сифатий ўзгаришлар кечеётган ҳозирги мураккаб ўтиш даврида иқтисодиётда салмоқли таркибий ўзгаришлар юз бормоқда. Шу нуқтаи назардан таркибий ўзгаришларни ўрганиш, тадқиқотларни олиб бориш назария ва услубларини яратиш, уларни амалга оширишнинг йўллари ва усулларини ишилаб чиқиш бугунги куннинг мухим вазифаларидан хисобланади. Мазкур масаланинг ижобий ҳал қилиниши эса иқтисодий мустақилликка эришиш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятини яратади.

2.2. Иқтисодий ислоҳотлар даврида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг устувор вазифалари

Таркибий ислоҳотлар мақсади иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини, фан ва техниканинг охирги ютуқларидан фойдаланган ҳолда ишилаб чиқаришни такомиллаштириш, аҳоли ижтимоий ҳимоясини ва фаровонлигини оширишни таъминлашдан иборат бўлади.

Таркибий ўзгаришлар сиёсати – давлат томонидан амалга ошириладиган, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш, унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.

Мазкур сиёсат асосини мамлакатнинг йирик табиий ресурслари, ички салоҳиятларидан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг асосий тармоқларини тараққий эттириш ва уларнинг

мамлакат ички иқтисодий муаммоларини ҳал этишга йўналтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва бошқалар ташкил этади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг иқтисодиётда ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра мутлақо янги мазмунга эга бўлган жараёнлар юзага кела бошлади. Бу, энг аввало, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида таркибий ўзгаришларнинг изчил амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ эди. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиз хукумати томонидан таркибий ўзгаришларни амалга оширишда қўйидаги вазифаларнинг устуворлиги белгилаб олинди:

- ҳом ашё этиширишга ихтисослашган иқтисодиётимизнинг бир томонламалигини бартараф этиш;
- тармоқ тузулишини тубдан ўзгартириш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатдошлигини жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган даражага етказиш;
- мамлакатимиз энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни, ўзак тармоқлар ҳисобланувчи нефть ва газ саноатини ривожлантириш;
- ички бозорда талаб билан таклиф ўртасидаги мутаносибликка эришиш;
- қишлоқ хўжалигида пахта билан бир қаторда ғаллачилик, картошкочилик, ем-хашак этиширишни ривожлантириш ва бошқалар.

Миллий тараққиётимизнинг дастлабки босқичидаёқ оқилона ва самарали иқтисодий сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва ҳаётга изчил равишда тадбиқ этилиши, барқарор ривожланишнинг асосий манба, омилларининг тўғри танланиши ва уларга устувор аҳамият қаратилиши кейинги йилларда иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари таъминланишига имконият яратмоқда. Жумладан, бундай энг муҳим омиллар сифатида қўйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

- макроиктисодий барқарорликнинг таъминланиши ва қулай макроиктисодий шароитни яратилиши;
- иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида таркибий ислоҳотларнинг янада чукурлашуви;
- иқтисодиётни янада эркинлаштирилиши ва модернизациялаштирилиши;
- иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятининг оширилиши;
- тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий мустақиллиги ва хуқуқларини кенгайтириш орқали хусусий секторнинг ривожланишининг рағбатлантирилиши;
- моддий-техника ресурслари ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш тизимини эркинлаштирилиши;
- корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятига давлат назорати органлари аралашувини кескин қисқартирилиши ва ҳ.к.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечеётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориши заруратини янада кучайтириди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсати:

- мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби кўрсаткичларида алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гурухининг устунлик қилишига барҳам бериш;
- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликтаги улушкининг юқори бўлишини таъминлаш;
- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек, экспорт килувчи корхона ва тармоқларнинг ҳом ашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушкининг устунлигига эришиш;

- юқори технологиялар ва замонавий техника билан билан қуролланган, арzon ва сифатли, ташки бозорда bemалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушкини ошириш;
- конъюнктура ўзгаришларига тез мосглашувчан, капитал сифими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилмоқда.

2.3. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилган таркибий ислоҳотлар таҳлили

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чуқур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат хиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушкини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Республикамида иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш борасида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ижобий сифат ўзгаришларига эришилди. Бу аввалам бор ЯИМнинг тармоқ таркибида рўй берган ўзгаришларда ўз аксини топади.

Саноатни устувор тарзда ривожлантириш, тармоққа инвестициялар жалб қилиш борасидаги саъи ҳаракатлар натижасида тармоқнинг ЯИМдаги улushi кескин ортди. “Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг хиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улushi тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсади”.⁴

2.3.1-жадвал

ЯИМ ишлаб чиқариш таркиби (умумий ҳажмга нисбатан %да)


	Йиллар				
	2000	2005	2008	2009	2010
Саноат	14,2	21,1	22,3	23,6	24
Қишлоқ хўжалиги	30,1	26,3	19,4	18,2	17,5
Қурилиш	6,0	4,8	5,6	7,4	7,7
Транспорт ва алоқа	7,7	10,6	12,7	11,9	12,4
Савдо ва умумий овқатланиш	10,8	8,8	9,1	9,1	9,2
Бошқа тармоқлар	18,7	17,8	21,5	23,1	22,2
Соф солиқлар	12,5	10,6	9,3	6,7	7,0

Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш суръатларининг юқорилиги тармоқнинг ЯИМдаги улushi ортиб боришига олиб келди. Саноат тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмларининг юқори суръатда ўсиши, аввалам бор, янги қувватларни ишга тушириш, корхоналарни техник ва технологик модернизация қилиш мақсадларига жалб қилинган инвестициялар ҳажмининг ортиши ва уларни самарали ўзлаштирилиши натижасида таъминланди.

Мамлакатимизда қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб қувватлаш бўйича белгиланган вазифаларни изчиллик билан амалга оширилиши, жумладан, маҳсулот экспорт килувчи корхоналарнинг бюджет олдидаги ва банк кредитлари бўйича қарзларини тўлаш муддатларини узайтирилиши, саноат корхоналарида маҳсулот таннархини камайтириш

⁴ Ислом Каримов “2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодитӣ ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруzasи”. – Т.: Ҳалқ сўзи, 2011 йил, 22 январь.

бўйича чоралар, ички талабни кўпайтириш орқали саноат корхоналари маҳсулоти бозорини кенгайтириш, зарар кўриб ишлаётган саноат корхоналарини банклар балансига ўтказиш орқали уларни молиявий соғломлаштириш ишлари йирик инвестиция дастурларини муваффақият билан амалга ошириш саноат ишлаб чиқаришининг 2010 йилда ҳам ижобий динамикаси таъминланишига олиб келди.



2.3.1-расм. Ўзбекистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришининг ўтиш суръати (ўтган йилга нисбатан % да).

Республикамиз бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг 2000 йилда 29,7 %и, 2005 йилда 32,6 %и, 2008 йилда 34,5 %и, 2009 йилда 28,4 фоизи саноат тармоқларига йўналтирилган. Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг катта қисми (2000 йилда 62,4 %и, 2005 йилда 46,4 %и, 2008 йилда 47,2 %и, 2009 йилда 21,5 % и) саноат тармоқларига йўналтирилганлиги ҳам юқоридаги фикрни яна бир бор тасдиқлайди.

Янги қувватларни ишга туширилиши, маҳсулот турларини диверсификация қилиш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш нафақат тармоқнинг ЯИМдаги улуши ўзгаришига, балки ички тармоқ таркибининг ўзгаришига ҳам олиб келди.

2000-2010 йиллар давомида саноат ишлаб чиқариш таркибида ёқилғи саноати, металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати тармоқларининг улуши ортди.


Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоғининг улуши 2000 йилда 9,9 фоиздан иборат бўлган бўлса 2008-2010 йиллар давомида 16,2 фоизни ташкил этди.

2.3.2-жадвал

Саноат ишлаб чиқаришининг тармоқ таркиби (жамига нисбатан %да)

	Йиллар				
	2000	2005	2008	2009	2010
Саноат	100	100	100	100	100
Электроэнергетика	8,5	11,3	8,6	8,9	8,4
Ёқиғи	15,3	16,2	20,1	21,5	19,7
Металлургия	11,4	19,4	15,5	14,1	14,7
Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	9,9	13,0	16,2	16,2	16,2
Курилиш материаллари	5,4	3,6	4,9	4,7	5,0
Енгил саноат	19,1	16,6	12,9	12,2	12,2
Озиқ -овқат саноати	13,3	8,2	10,6	11,2	12,6
Бошқалар	17,1	11,7	11,2	11,2	11,2

Хизматлар соҳасининг жадал ривожланиб бориши соҳанинг ЯИМдаги улушининг ортиб боришига ва 2010 йил якунларига кўра 49 фоиз даражасига этишига олиб келди. Анъанавий хизмат турларидан ташқари янги хизмат турларининг кўлами кенгайиб борди.



2.3.2-расм. Хизмат кўрсатиши соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуси, фоизда.

“Ўтган йили хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасида 13,4 фоиз ўсишга эришилди, сўнгги ўн йилда эса аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар ҳажми, киши бошига ҳисоблаганда, қарийиб 20 баравар ошди. Бу борада мобиль алоқа, интернет, видеотелефон тизими, рақамли телеведение, замонавий банк хизматлари, литзинг, суғурта, аудит, инжинирнинг ва бошқа замонавий хизмат турларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда”⁵

“Бугунги кунда уяли алоқа соҳасида Ўзбекистонда 5 та йирик компания фаолият юритяпти. Уларнинг энг йириги МТС (8,4 млн. фойдаланувчилар), UCell (7 млн.дан кўпроқ абонент) ва Билайн (қарийиб 4,4 млн. фойдаланувчилар Кейиги беш йил ичida алоқа ва ахборот технологиялари соҳасига киритилган хорижий инвестициялар ҳажми 1,2 млрд.доллардан ошиб кетди”⁶.

2000-2010 йиллар давомида мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 200 баравардан ошиб, абонентлар сони 19 млн. дан ортганлигини таъкидлаш зарур.

⁵ Ислом Каримов. “2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодитй ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси”. – Т.: Ҳалқ сўзи, 2011 йил, 22 январь

⁶ Потребителью хорошо, когда за нее сражаются/Экономическое обозрение.№11, 2010, 6-стр

Алоқа тармоғининг модернизация қилиниши ва интернет хизматлари кўламини кенгайтиришга ҳам ижобий таъсир қўрсатмоқда. “2010 йилда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1,4 баробар кўпайди ва 6,6 миллион кишидан ошди”⁷.

Транспорт, банк, майший хизматлар, сервис хизматлари кўрсатиш ҳажмлари барқарор ўсиш динамикасига эга эканлигини қайд этиш зарур.


Ўзбекистон автотранспорт компанияларининг халқаро юқ ташиш бозорида операцион қувватларининг оширилши қўшимча 50-55 млн. АҚШ доллари миқдорида даромад келтириши мумкин экан.

Аҳоли реал даромадларининг ўсиши ва товарлар таклифининг миқдор ва сифат жиҳатдан яхшиланиши оқибатида шахсий автомобиллар ва майший сонини муттасил кўпайиб бормоқда.

Магистрал йўллар қуриш бўйича амалга оширилаётган дастурлар хизматлар соҳасининг ривожланишига ижобий таъсир қўрсатувчи омиллардан биридир. Мутахассислар баҳоларига қўра Ўзбекистон худудидан транзит сифатида ўтаётган хорижий автомобил бюджетга 1000 АҚШ доллари миқдорида даромод келтириши мумкин экан. Бунда хизмат кўрсатиш ва сервис ҳал қилувчи рол ўйнайди. Йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш дастурига қўра миллий магистрал атрофида: 28 та мотелл; 23 та кемпинг; 75 та АГЗС ва АЗС; 59 та АГНКС; 73 та техник хизмат станцияси; 45 та санитария-гиеник узеллар; 47 та ТИР майдонларини қуриш кўзда тутилган. Ўзбек миллий автомагистрали бўйида йўл бўйи сервис объектларини қуришнинг жозибадорлиги бу магистрал бўйлаб халқаро автоташувларнинг кўпайиб бораётганлиги билан ҳам белгиланади.

Ўтган 2010 йил мобайнида амалга оширилган изчил чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилдан 2010 йилда 52,5 фоизга ошди.

Бу кўрсаткич йилдан йилга ошиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда. 2000 йилда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижга биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-кувватланаётгани самарасидир.



2.3.4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши, фоизда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам

⁷ Ислом Каримов. “2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодитй ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси”. – Т.: Ҳалқ сўзи, 2011 йил, 22 январь

намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2009 йилда 16,9 фоиздан 2010 йилда 19,6 фоизга, қурилиш соҳасида тегишли равиша 41,6 фоиздан 52,3 фоизга, савода 46,5 физдан 50,5 фоизга ошди.

2.3.3-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодиёт асосий тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмидағи улуши, фоизда

Кўрсаткичлар	2008 й	2009 й	2010 й
Саноат	13,9	16,9	19,6
Қишлоқ хўжалиги	97,8	97,9	97,9
Қурилиш	48,3	41,6	52,3
Савдо	48,1	46,5	50,5
Пуллик хизмат	48,5	48,7	47,7
Экспорт	12,4	14,6	13,6
Импорт	35,7	42,5	36,6

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Жумладан, 2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиги 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача тушурildи.

Ўтган 2010 йил мобийнида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробар кўпайди ва 2 триллион 700 миллиард сўмни ташкил этди. Жумладан, микрокредитлар ҳажми 485 миллиард сўмдан ортиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,5 баробар кўпайган.

Юқоридаги каби чора тадбирларнинг амалга оширилиши янги иш ўринларини яратишга ҳам ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Жумладан, 2010 йилда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган бўлса, мазкур янги иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳасига тўғри келади.

2010 йилда иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш борасида амалга оширилган чора тадбирлар натижасида саноат ишлаб чиқариши ва хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши янада ортиб ва белгиланган параметрлар даражасига етди.

Амалга оширилган инвестицион-таркибий ўзгаришлар иқтисодиётимизнинг жаҳон бозоридаги конъюктура ўзгаришлари таъсирига чидамли, иқтисодий ривожланишнинг ички потенциалини тўлиқ ишга туширишга қаратилган таркибини шакллантириш борасдаги муваффақиятни таъминлади;

Таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга оширишда эришилган ютуқлар категорига маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ва уларнинг ЯИМдаги улушининг ортиб бораётсанлигини, кичик бизнес соҳасининг ЯИМ, иш билан банд аҳолининг умумий сони ва аҳоли даромадларидағи ҳиссаси янада кўтарилилганлигини, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар улушининг ортиб бораётганлигини ҳам киритиш мумкин.

З-БОБ. МОЛИЯ-БАНК ТИЗИМИ ЛИКВИДЛИГИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ, УНИНГ БАРҚАРОРЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ

3.1. Солиқ юкини камайтириб бориш бюджет солиқ сиёсатининг устувор йўналиши сифатида

Иқтисодиётни модернизациялаш ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш натижаси ўлароқ кейинги йилларда макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бунда макроиктисодий тартибга солиш тизимининг муҳим воситаларидан бири бўлган давлат бюджетининг аҳамияти ғоят юксакдир.

Амалга оширилган бюджет-солиқ сиёсати биринчидан, иқтисодиётнинг истиқболли соҳа ва тармоқларини давлат томонидан молиявий қўллаб қувватлаш тизимида муҳим фискал омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Қолаверса, амалдаги фаол ижтимоий сиёсат ва кучли ижтимоий ҳимоя тизимларини шакллантиришда давлат бюджетига алоҳида вазифалар юклатилган бўлиб, ушбу вазифаларни самарали ижроси таъминланмоқда.

Кейинги йилларда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида давлат молиясининг барқарорлиги кузатилди.

Солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқларнинг иқтисодиётга рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш мақсадида солиқ тизимининг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, моддий, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, тўпланган мол-мулқдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсирини оширишга қаратилган ислоҳотлар устувор аҳамиятга эга бўлди. Корхоналар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш, фойда солиги ва ягона солиқ тўлови ставкаларини камайтириш орқали иқтисодиётдаги соғлом муҳитни шакллантириш ва

Айтиши керакки, бундай иқтисодий ўсиши, кўп жиҳатдан, иқтисодиётда солиқ юкини пасайтиришига қаратилган ва изчил амалга оширилаётган сиёсат билан боеги.

Ислом Каримов

Солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлашдан тўлиқ, кисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

Преференция – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

Солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби – кичик бизнес субъектларини рағбатлантириш мақсадида қўлланиладиган солиқقا тортиш тартиби.


Солиқ ставкаси – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёрини ифодалайди.

Солиқ юки –солиқ тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси.

тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада жонлантириш таъминланди. 2010 йилда хўжалик юритувчи субъектлар учун фойда солиғининг 10 фоиздан 9 фоизга туширилиши натижасида улар ихтиёрида 52 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар қолдирилишига, пировардида эса ушбу маблағлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватини янада мустаҳкамлашга, хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини

янада енгиллаштиришга, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, фуқароларнинг даромадларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг харид қобилиятининг ошишига замин яратилди. Солик сиёсатидаги ушбу жараён кичик бизнес субъектлари учун ягона солик тўловини камайтириш орқали давом эттирилиб, 2011 йил учун ягона солик тўлови ставкасининг 7 фоиздан 6 фоизга туширилиши, жорий йилда кичик бизнес субъектларига 50 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар тежаб қолиш имконини беради.

Хусусан, иқтисодиётдаги солик юкини янада қисқартириш ва солик маъмурчилигини такомиллаштириш бўйича ислоҳотлар давом эттирилди. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.



3.1.1-расм. Иқтисодиётдаги солик юкини қисқартириш бўйича амалга оширилган ишлар.

2008 йилда иқтисодиётдаги умумий солик юки (давлат бюджетининг мақсадли фонdlари билан биргаликда) 33,5%ни, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 2010 йилда 31,5%ни ташкил этди. 2011 йилда эса унинг ҳажми 30,1 %ни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Соликлар бўйича берилаётган имтиёзлар натижаси ўлароқ, давлат бюджетининг ЯИМдаги улуши 2010 йилда 22,1%ни ташкил қилган. 2011 йилда эса ушбу кўрсаткич 20,9 %бўлиши кўзда тутилмоқда.

2010 йилда ҳам солик сиёсатида етакчи тармоқ корхоналарини молиявий воситалар орқали қўллаб қўвватлаш механизми давом эттирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 марта ПҚ-1306-сонли “2010 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ иқтисодиётнинг 12 та энг муҳим базавий тармоқлари бўйича 180 дан ортиқ корхоналарга солик тўловлари бўйича солик имтиёзлари ва преференциялар берилди ва уларнинг муддатлари узайтирилди. Натижада, тадбиркорлик субъектларининг соликдан бўшаган маблағлари ҳисобига ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича инвестицияларни молиялаштириш учун мақсадли йўналтириш имкониятлари вужудга келди.

3.2. Давлат бюджетининг харажатлари ва унинг устувор йўналишлари

Давлат бюджетининг харажатларига тўхталиб, авваламбор, давлат бюджети харажатлари номинал мазмунда (мутлақ кўрсаткичларида) ортиб бораётганлиги кузатилаётган бўлса-да, ялпи ички маҳсулотга нисбатан харажатлар миқдори камайиб бормоқда. Шу билан бир қаторда давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатларининг изчил равишида ортиб бораётганлиги давлатимиз томонидан олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг самарали ижросини ифодаси - деб хуоса қилишимиз мумкин. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

3.2.1-жадвал

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби

Кўрсаткичлар	2009 йил		2010 йил (режа)		2011 йил (режа)	
	Млрд. сўм.	%да	Млрд. сўм	%да	Млрд. сўм	%да
Давлат бюджети харажатлари, млрд.сўм	10 761	100	13 733	100	16991	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш харажатлари - жами	5 901	54,8	8 113	59,1	10112	59,5
Маориф	3 326	30,9	4 635	33,8	5890	34,6
соғлиқни сақлаш	1 256	11,7	1 704	12,4	2217	13,0
маданият ва спорт	126	1,2	160	1,2	194	1,1
фан	63	0,6	84	0,6	111	0,6
ижтимоий таъминот	46	0,4	59	0,4	74	0,4
оилаларга ижтимоий нафақалар	1 039	9,7	1 432	10,4	1582	9,3
Иқтисодиётга харажатлар	1 290	12,0	1 573	11,5	1952	11,5
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	829	7,7	825	6,0	950	5,7
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	273	2,5	352	2,6	472	2,7
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	84	0,8	119	0,9	152	0,9
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	41	0,4	54	0,4	57	0,3
Бошқа харажатлар	2 338	21,7	2 692	19,6	3290	19,3
Давлат бюджети тақчиллиги (-), профицити (+)	73		-616		812	
ЯИМга нисбатан, %	0,2%		-1,0%		-1,0%	

Давлат бюджети харажатларининг таркибидаги ижтимоий-маданий тадбир харажатлари йил сайин ошиб борган. Охириги йилларда жами бюджет харажатларининг 59-60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилиб келинмоқда, бу эса, жаҳондаги барча давлатлар орасида энг юқори кўрсаткични ташкил этадики, ўз навбатида Республикаизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг узоқ, стратегик аҳамиятга эга эканлигидан далолатdir. Бу нарсани биргина ҳолат 2011 йилда ижтимоий соҳага қилинадиган харажатларнинг ҳажми 2009 йилдаги жами бюджет харажатларига тенглигидан ҳам қўриш мумкин ва, ўз навбатида, таълим соҳасига қилинаётган харажатларда ҳам шундай жараённи кузатиш мумкин.

Ушбу харажатларнинг таркибida маориф, соғлиқни сақлаш, оилаларга ижтимоий нафақалар асосий салмоқقا эга бўлмоқда. Аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш ва уларнинг даромадларини изчил ошириш, яъни иш ҳақи, стипендия, ижтимоий нафақа ва пенсия миқдорини кўпайтириш йўли билан фуқароларни ижтимоий қўллаб-куватлаш тизими кучайтирилди.

Молия тизими барқарорлигини таъминлашдаги муҳим қадамлардан бири бу 2010 йилдан бошлаб бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия болалари муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллекларининг бюджетини режалаштириш

ва харажатларини молиялаштириш тартибини республиканинг барча ҳудудларидағи мазкур муассасаларга татбиқ этилди. Натижада йўналтирилган бюджетлаштиришнинг ушбу элементи бюджет муассасаларининг молиявий мустақиллигини оширилишини таъминлади ва харажатларнинг манзилли ва мақсадли сарфланиши учун шароит яратилишига олиб келди.

Давлат бюджети - давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

2010 йилда иш ҳақи ва аҳолининг турмуш фаровонлигини изчил ошириб бориш бўйича чора тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилгача иш ҳақини 2,5 баробарга кўпайтириш бўйича белгилаб берилган вазифасини ижросини таъминлаш давом эттирилди ва 2010 йилда бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар стипендиялар миқдори 32 фоизга, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1,3 баробарга оширилди. 2011 йилда ҳам бюджет ташкилотлари иш ҳақлари 1,25 баробар ошириш ва бунга қўшимча 1,1 трлн. сўм сарфланиши кўзда тутилмоқда.

2010 йилда давлат бюджетидан иқтисодиётга қилинган харажатлар 2009 йилга нисбатан 300 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, асосан ушбу маблағлар Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергия тўловлари, Молия вазирлиги хузуридаги сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди харажатларини молиявий таъминлашга, ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб қувватлашга йўналтирилди ва шу орқали аграр тармоқда таркибий ўзгартиришларни кенгайтиришга, маҳсулот таннархини камайтиришга ижобий таъсир кўрсатилди. 2011 йилда ҳам иқтисодиётга қилинадиган харажатлар 2010 йилдагига қараганда 400 млрд. сўмдан ортиқ кўп, яъни, 1952 млрд. сўмлик маблағ ажратилди.

Аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириши борасида ҳам сифат жиҳатдан чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиласидиган маҳсулотлар таркибининг сифати ортомоқда.

Ислом Каримов

3.3. Маҳаллий бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш ва уларни дотациядан чиқариш бўйича чора тадбирлар

Маҳаллий бюджетлар барқарорлигини таъминлаш, уларнинг даромад базасини мустаҳкамлаш масаласи бюджет сиёсатида долзарб аҳамият касб этувчи вазифалардан бирига айланаб бормоқда.

Жойларда янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш ва амалда ишлаб турганларини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожлантирилишини рағбатлантириш йўли билан аҳоли бандлигини ошириш, шунингдек, бюджет ташкилотларининг харажатлари ва тармоқларини мақбуллаштиришни назарда тутган ҳолда маҳаллий бюджетларнинг дотацияга муҳтоҷлигини камайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар давом эттирилди.

Маҳаллий ҳокимиятларда мустақиллик ва масъулиятлилик ролини ошириш, барча даражадаги маҳаллий бюджетнинг даромад ва харажатлар тузилишини бошқариш ва Давлат бюджетида маҳаллий бюджет улушкини кўпайтириш мақсадида:

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;

- фаолиятни айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солик;
- юридик шахсни ташкил этмасдан савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солик;
- республикамизда ишлаб чиқарилган пиво ва ўсимлик ёғи учун акциз солиги каби умумдавлат солиқлари ва тушумларни түлиқ ҳажмда маҳаллий бюджетлар хисобига киритилмоқда. Натижада кейинги йилларда маҳаллий бюджетларнинг даромад базаси сезиларли даражада мустаҳкамланди. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари орқали таҳлил қилишимиз мумкин.

3.3.1-жадвал

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари (дотация, субвенцияларсиз) тўғрисида маълумот (%да)


№	Худудлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	49,2	46,7	49,2
2.	Андижон вилояти	48,0	51,6	55,2
3.	Бухоро вилояти	100,0	100,0	100,0
4.	Жizzах вилояти	37,9	40,9	46,2
5.	Қашқадарё вилояти	100,0	100,0	100,0
6.	Навоий вилояти	100,0	100,0	100,0
7.	Наманган вилояти	35,0	40,8	44,2
8.	Самарқанд вилояти	41,8	44,8	47,2
9.	Сурхондарё вилояти	40,1	41,7	47,7
10.	Сирдарё вилояти	68,8	70,2	69,8
11.	Тошкент вилояти	100,0	100,0	100,0
12.	Фарғона вилояти	100,0	100,0	100,0
13.	Хоразм вилояти	53,2	53,4	52,6
14.	Тошкент шаҳри	100,0	100,0	100,0
	Жами	70,6	71,5	72,9

Маълумотлардан кўриниб турибдики, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари таркибида бириктирилган ва умумдавлат солиқларидан меъёрий ажратмалар шаклидаги даромадлар 2009 йилда 70,6%ни, 2010 йилда 71,5%ни ташкил қилган. 2011 йилда эса ушбу кўрсаткич 72,9%ни ташкил қилган.

Маҳаллий бюджет - Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамгармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишилари ва миқдори назарда тутилади.

Бюджет дотацияси - ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишимаган тақдирда қуийи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуийи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

Маҳаллий бюджетларни молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида дотацион режимдаги бюджетлар сони кескин қисқартирилишига эришилди. Буни қуйидаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.



3.3.1-расм. Махаллий бюджетларни дотациядан чиқариш Дастири

2000 йилда жами 8 та худудлар дотацион режимда бўлиб, уларнинг харажатлардаги улуши 16,8%ни ташкил қилган. 2006 йилда эса 6 та худуд ва улар харажатларидаги дотацияларнинг улуши 9%ни ташкил қилган. 2009 йилда 2 та худуд дотацион режимда қолган, бўлиб харажатлардаги улуши 4,1%ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилга келиб факат Наманган вилояти дотацион режимда қолган. Дотацияларнинг харажатлардаги улуши 2010 йилда 2%ни, 2011 йилда эса 0,2%ни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.

Дотациялар, субвенциялар ва ссудалар ажратиша уларнинг миқдорларини худудлар бўйича барча соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушишидан, шунингдек, ҳисоблаб ёзилган иш ҳаки, стипендиялар, нафақалар ва уларга тенглаштирилган тўловлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг биринчи навбатдаги харажатларини сўзсиз молиялаштириш зарурлигидан келиб чиқкан холда аниqlаштириш жорий этилди.

3.4. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларини бошқариш самарадорлиги

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аксарият мамлакатлар давлат молияси тизимининг долзарб муаммоларидан бири - давлат бюджетининг тақчиллиги муаммосидир. Республикаиз миллий иқтисодиётидаги барқарор иқтисодий ўсиш суръатининг таъминланиши, иқтисодиётдаги соғлом молиявий мухитнинг шаклланишига таъсир кўрсатмоқда.

Натижада давлат бюджети ўртacha ЯИМга нисбатан 1% тақчиллик билан режалаштирилаётган бўлса-да, давлат бюджетининг самарали ижроси натижаси ўлароқ, профицит билан якунланмоқда. Бу ўз навбатида, иқтисодиётда ва хусусан, давлат молиясини ислоҳ қилишда олиб борилган ислоҳотларнинг натижасидир. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

3.4.1-жадвал

Айрим мамлакатларда бюджет тақчиллиги, ташқи қарзларнинг ҳолати тўғрисида маълумот

ЯИМга нисбатан

Мамлакатлар	Бюджет тақчиллиги	Ташқи қарз
Италия	5,3 фоиз	115,8 фоиз
Франция	7,5 фоиз	78,0 фоиз
Португалия	9,3 фоиз	76,0 фоиз
Испания	11,1 фоиз	91,0 фоиз
Буюк Британия	11,4 фоиз	68,0 фоиз

Греция	15,4 фоиз	115,1 фоиз
Ирландия	32,0 фоиз	116,0 фоиз
Ўзбекистон	0,3 фоиз профицит	10,0 фоиз камрок

Манба: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида Европанинг айрим мамлакатларида бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотга нисбатан юқори миқдорни ташкил қилаётган бир шароитда, Ўзбекстон Республикасида 2007 йилдан бошлаб давлат бюджети профицит билан бажарилмоқда.

2010 йилда давлат бюджети 0,3% профицит билан бажарилди. Давлат бюджетининг профицит билан бажарилишида давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимининг ҳам аҳамияти улкандир. Хусусан, ғазначилик тизимини жорий қилиниши бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширилишига олиб келмоқда. Давлат молиявий ресурсларини ғазна ҳисоб варакларида жамланиши, давлат молиявий ресурсларини оператив бошқариш имкониятларини, уларни сарфланиши бўйича назорат тизимини такомилашувига олиб келмоқда. Натижада, бюджет интизоми мустаҳкамланди ва бюджет маблағларини максимал даражада иқтисод қилиш имкониятлари юзага келтирилмоқда.

...Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,3 фоиз профицит билан бажарилганлигини таъкидлаш зарур.

Ислом Каримов

Бюджет профицити - муайян даврда бюджет даромадларининг бюджет харажатларидан ортиқ бўлган суммаси.

Бюджет тақчиллиги - муайян даврда бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ортиқ бўлган суммаси.

Давлат ички қарзлари - давлат томонидан ички маблагни жалб қилиши натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йигиндиси.

Давлат ташқи қарзи - давлат томонидан хориждан маблаг жалб қилиши натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йигиндиси.

Ташқи қарзларинг умумий миқдори эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан 10%дан кам миқдорни ташкил қилмоқда. Бу ўз навбатида, Республикаизда ҳар хил иқтисодий самарага эга бўлмаган спекулятив тавсифдаги кредитлардан воз кечиш ҳисобига оқилона қарз сиёсатини олиб борилганлиги билан ҳам бевосита боғлиқдир.

3.5. Иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича йирик ва стратегик лойиҳаларни амалга оширишда бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlарнинг аҳамияти

Республикаизда иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширишда биринчи навбатда ички имкониятлардан фойдаланишга харакат қилинмоқда. Хусусан, иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича амалдга оширилаётган йирик ва стратегик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда давлат бюджетининг ҳам аҳамияти юқори бўлмоқда.

Давлат мақсадли жамгармалари-Давлат бюджети таркибида жамлантириладиган жамгармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблаглар манбалари, ҳар бир манбадан маблаг тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблаглардан фойдаланишиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларни янада чукурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан тўғри хорижий инвестициялар кенг жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланишишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш

ўринларини шакллантириш ва булар асосида миллий иқтисодиётимизни барқарор ва динамик ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ПП-1213 “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга инвестицион дастури ҳақида”ги Қарори тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур асосидаги капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондларнинг аҳамияти юқори бўлмоқда. Буни қўйидаги жадвал маълумотлари орқали кўришимиз мумкин.

3.5.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2010 йилги инвестицион дастури капитал қўйилмаларининг асосий параметрлари⁸

№	Молиялаштириш манбаларининг номлари	2010 йилги прогноз, млрд. сўм	Жамига нисбатан фоизда
	Капитал қўйилмалар, жами	18220,3	100
1.	Марказлаштирилган инвестициялар	3819,8	20,9
1.1.	Давлат бюджети маблағлари	825,0	4,5
1.2.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди	92,9	0,5
1.3.	Бюджетдан ташқари фондлар маблағлари	654,9	3,5
1.4.	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (сўм эквивалентида)	1372,2	7,5
1.5.	Хукумат кафолатлари асосидаги хорижий инвестициялар(сўм эквивалентида)	874,7	4,8
2.	Номарказлаштирилган инвестициялар	14400,5	79,1

Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010 йилги инвестицион дастурда белгилангшан капитал қўйилмаларнинг умумий хажми 18220,3 млрд. сўмни ташкил қилиб, унинг 20,9 %ини марказлаштирилган инвестицияларга тўғри келади. 3819,8 млрд. сўмлик марказлаштирилган инвестицияларнинг 825 млрд. сўмлик қисми давлат бюджетидан молиялаштирилади.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури ижросини 2010 йилдаги ижросини давом эттириш мақсадида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондидан мелиорация тармоқларини реконструкция қилиш, таъмирлаш ва қувурларни тозалаш тадбирларини амалга ошириш ҳамда тегишли ускуналарни сотиб олиш учун 92,9 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Ушбу фонд маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган лойиҳашлар тўғрисидаги маълумотлар қўйидаги жадвалда келтирилган.

3.5.2-жадвал

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди маблағларининг сарфланиши (млн. сўм.)

№	Маблағлардан фойдаланиш йўналишлари	Киймати	Жамига нисбатан фоизда
1.	Мелиоратив объектларни қуриш ва таъмирлаш	65811,0	70,7
2.	Сув хўжалигини қуриш ва эксплуатация қилиш ташкилотларининг моддий-техник базаси юксалтириш	27165,0	29,3
	Жами	92976,0	100

Биз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаши ва унумдорлигини оширишига йўналтирилаётган инвестициялар хажмини бундан буён ҳам кўпайтириб борамиз.

Ислом Каримов

⁸ Қаранг:www.lex.uz

Ушбу фонд маблағларининг сарфланиш йўналишларидан қўриниб турибдики, жами маблағларининг 70,7%и мелиоратив объектларни қуриш ва таъмирлаш лойиҳаларига сарфланмоқда. Ушбу йўналишдаги лойиҳалар коллекторларни қуриш ва таъмирлаш, ёпик горизонтал дренаж тармоқларини қайта тиклаш, мелиоратив насос станцияларни қуриш ва таъмирлаш каби лойиҳалар учун сарфланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури самарали ижросини таъминлаш “Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси” алоҳида аҳамият касб этади.

Жамғарманинг асосий вазифалари:

-давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан тижорат банклари, хорижий жамғарма ва инвесторлар ҳамда бошқа манфаатдор тузилмаларнинг молиявий маблағларини жамлаш;

-иқтисодиётни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва модернизация қилиш борасида устувор вазифаларни амалга ошириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ғоят муҳим лойиҳаларни молиялаштириш;

-стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган корхоналар, аввало иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарини янгилаш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини кредитлаш;

-ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати, машинасозлик ва рангли металлургия тармоқларини техникавий қайта қуроллантиришга ҳамда ишлаб чиқариш суръатлари ва ҳажмларини оширишга йўналтирилган лойиҳалар молиялаштирилишини таъминлаш;

-биринчи навбатда истиқболли, аммо етарлича ривожланмаган минтақаларда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш бўйича ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли миллий давлат дастурлари ва лойиҳалари амалга оширилишини молиялаштириш;

-республиканинг халқаро коммуникациялар тармоғига интеграциялашуви учун шартшароитлар яратадиган, халқаро транспорт йўллаклари ва жаҳон бозорларига энг қисқа йўл билан чиқишини таъминлайдиган транспорт ҳамда телекоммуникациялар инфратузилмасини модернизациялаш ва ривожлантиришни молиялаштириш;

-халқаро молия институтлари, республика ва хорижий мамлакатларнинг кредит муассасалари билан лойиҳаларнинг қўшма молиялаштирилишини ташкил этишини таъминлаш хисобланади.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил қилиниши реал секторнинг таянч тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш, самарали тарқбий ислоҳотларни амалга ошириш ва инвестиция сиёсатини молиявий таъминлашнинг самарали манбаларини шаклланишига олиб келди. Айниқса ушбу жамғарма инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган чора тадбирларни самарали ижросини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Шуни алоҳида таъқидлашини истардимки,
Тикланиш ва тараққиёт фондининг стратегик муҳим
войиҳаларни мустақил равишда ҳамда халқаро молия
институтлари ва хорижий компаниялар билан
бирағаликда молиялаштириши борасидаги роли ортиб
бормоқда.

Ислом Каримов

3.5.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини жалб қилиш орқали амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларнинг 2010 йилда йўналтириладиган хажми (млн. долл.)

Буюртмачилар ва лойиҳанинг номи	2010 йилда йўналтириладиган маблағларини	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари хисобига	Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағларини нг улуши,%да
Жами	2033,5	870,9	42,8
Янги қурилиш	1403,8	542,7	38,6
Модернизация ва қайта таъмирлаш	377,2	223,3	59,1
Бошқа йўналишлар	252,3	104,8	41,5
Шундан			
Геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефт кимё ва metallurgия саноати масалалари бўйича мажмуа	1392,3	660,0	47,4
Машинасозлик, электротехника ва авиация саноати, маҳсулотларни андозалаштириш масалалари бўйича мажмуа	280,0	50,0	17,8
Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш саноати бўйича мажмуа	347,8	147,3	42,3
Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ва истеъмол товарлари масалалари бўйича мажмуа	0,5	0,26	52
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри хокимиётлари	12,79	12,79	100

Ушбу фонд маблағлари хисобидан 2010 йилда жами 870,9 млн. доллар хажмдаги лойиҳалар молиялаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, жами молиялаштириш манбалари таркибида ушбу фонд маблағларининг улуши 42,8%ни ташкил этади.

Янги қурилиш лойиҳалари учун 542,7 млн. доллар маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Модернизация ва қайта таъмирлаш лойиҳалари учун эса 223,3 млн. доллар маблағ жалб қилиниши кўзда тутилган бўлиб, жами молиялаштириш манбалари таркибида 59,1%ни ташкил қилган. Бошқа йўналишларда жами 252,3 млн. долларни капитал сифумига эга бўлган лойиҳаларнинг 104,8 млн. доллар қисми яъни 41,5%ни ушбу фонд малағлари хисобига тўғри келган.

Иқтисодиётнинг таняч тармоқлари хисобланган геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефт-кимё ва metallurgия, машинасозлик, электротехника ва авиация, қурилиш саноати, инфраструктура обьектлари ва қишлоқ хўжалиги тармоқларидағи янги қурилиш, модернизация ва қайта таъмирлаш бўйича инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва амалга оширишда ғоят юксак аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси тасдиқланадиган ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари ўз ичига олади.

Ўтган даврда Фонд маблағлари хисобидан 14 та йирик инвестиция лойиҳаси молиялаштирилди. Ўзбекистон-Уммон қўшма инвестиция компанияси иштирокида тўқимачилик, телекоммуникация тармоқлари ва молия секторида умумий қиймати қарийиб

80 миллион долларлик 3 та инвестиция лойиҳасини молиялаштириш ишлари бошланганлигини Муҳтарам Президентимиз ўз маърузаларида таъкидлаб ўтган эдилар.

Ушбу истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш ва таркибий ўзгаришлардаги Тикланиш ва тараққиёт фондинининг аҳамиятини янада ошириш мақсадида унинг низом жамғармасини 2014 йилгача икки баробар ошириш яъни 5 миллиард доллардан 10 миллиард долларгача кўпайтириш бўйича Қарор қабул қилинди.

3.6. Иқтисодиётни модернизациялаш ва инвестицион фаолликни оширишда банкларнинг аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида иқтисодиётни барқарор, мувозанатли ва изчил ривожлантиришнинг белгиланган прогнозларига эришилди ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги таъминланди.

Бу Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуплари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишлиланган мажлисидаги маърузасида алоҳида таъкидланди.

Бу борада авваламбор мамлакатимиз иқтисодиётидаги ижобий кўрсаткичлар ва нохуш тенденцияларни нафақат қайд этиш, балки иқтисодиётимизнинг ривожини белгилаб берадиган сабаб ва омилларни чуқур ва холисона таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этди. Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослагандан, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблагандан эса 1,7 баробар ошди.

Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санагандан, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 каррани ташкил қилди.

Ўз-ўзидан равшанки, буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Барча соҳаларда бўлгани каби молия бозорида, шу жумладан, банк секторида ўтказилаётган ислоҳотларда унда сезиларли силжишлар ва ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу ўзгаришлар мустақиллик йилларида жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини босқичма босқич барпо этиш билан ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларини қамраб олган молиявий инқироз кўлами кенггаётганига қарамай, Ўзбекистон банк тизими ишончлилиги ва барқарор ривожланаётгани, хорижий молиялаштириш манбаларига қарамлиги йўқлиги ва ташқи инқироз ҳолатларининг салбий таъсирига берилмаслик хусусиятлари билан ажralиб турди.

Президентимиз томонидан: “Бугун дунё иқтисодиётидаги аҳволни таҳлил қиласиз эканмиз, жаҳон молиявий ва иқтисодий инқирози ҳали-бери ниҳоясига етгани йўқ, деб айтишга барча асосларимиз бор.

Дунёдаги тараққий топган 20 та давлат иштирокида ташкил этилган, “Катта йигирмалик” деб ном олган гурух доирасида қабул қилинаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, жаҳон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларига эришиш йўлида ҳозирча бирон-бир жиддий силжиш кўзга ташланаётгани йўқ”⁹ деб айтган гаплари мамлакатимиз иқтисодиётида, айниқса молия-банк тизимида сезиларли ишлар амалга оширилганидан дарак беради.

⁹Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласиз. Банк ахборотномаси. 26.01.2011 й.№ 4(767).

Чунки, жаҳонда давом этаётган иқтисодий-молиявий инқироз йилларида кўплаб давлатлар ўз иқтисодиётига, айниқса, молия-банк соҳасини сақлаб қолиши мақсадида айнан шу соҳага улкан маблағларни йўналтиришга мажбур бўлди. Бу, ўз навбатида, бир қатор давлатларда, аввало, ривожланган мамлакатларда катта миқдордаги давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзларини келтириб чиқарди, молиявий номутаносибликнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Бугунги кунда халқаро миқёсда молия бозорларини пул ресурслари билан зўр бериб тўлдириш давом этаётгани фонд ва хом ашё бозорларида сунъий равишда ошириб борилган спекулятив нархларнинг янада кўтарилиб кетишига, таъбир жоиз бўлса, молиявий кўпикларнинг баттар авж олишига, инфляциянинг жиловлаб бўлмас даражада ўсиш хавфининг кучайишига олиб келмоқда.

Пул муомаласи – пулларнинг нақд ва нақд пулсиз шаклда узлуксиз харакати бўлиб, ушбу жараёнда пул муомала ва тўлов функциясини бажаради. Нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ўзаро узвий боғлиқдир.

Пул массаси- ҳар қандай мамлакат иқтисодиётида товарлар ва хизматлар айланишини таъминлайдиган, хусусий шахслар, институционал мулкдорлар(корхоналар, бирламалар, ташкилотлар ва б.) ва давлат эгалик қиладиан нақд ва нақд пулсиз ҳарид ҳамда тўлов воситалари мажмуидир.

Шунинг учун ҳам банк тизими ҳар доим ҳам ҳукумат эътиборидаги масала бўлиб қолмоқда. Ҳар йили бўладиган мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва кейинги йилларга мўлжаллаган иқтисодий дастурига бағищланган мажлислардаги Президент маъruzаларида бунга алоҳида эътибор қаратилмоқда ва банк тизимини янада ривожлантириши йўллари белгилаб берилмоқда.

Ҳисобот даврида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати 2010 йил учун мўлжалланган макроиктисодий кўрсаткичларнинг бажарилишига, шунингдек 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилди.

Пул - кредит сиёсати – давлат томонидан иқтисодий қисиши таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи.

2010 йилда мамлакатимиз банк тизимини ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг барқарорлигини кучайтириш ва макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилди.

Банк тизими – бу мамлакат ҳудудида тарихан шаклланган ва қонун билан мустаҳкамланган кредит ташкилотларининг фаолият кўрсатиш шакли

Банк ликвидлилиги- банклар мажбуриятларини ўз вақтида қайтара олиш қобилияти ёки пассивлардаги мажбуриятларни қайтариш учун активларни пулга айланиш қобилиятидир.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки “Фитч Рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” деган рейтинг даражасига эгадир.

Жаҳон миқёсида конвертация қилинадиган асосий валюталарнинг бекарорлиги жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди. Бу, биринчи навбатда, ривожланаётган мамлакатларнинг ушбу валюталарга бўлган ишончига жиддий путур етказмоқда.

Бизнинг мамлакатимизда эса 2010 йилда ташки савдо ва тўлов баланслари сезиларли даражада мустаҳкамланди. Экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташки савдо балансининг ижобий салдоси эса 1,8 баробар ошди ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этди. Мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси ҳам шунга мувофиқ равишда қўпайди.

Ташқи қарзлар асосан узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектларини қўллаб-кувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун жалб қилинди.

3.7. Банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш - уларнинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий ислоҳотлардаги аҳамиятини оширишнинг молиявий омили сифатида

Банкларнинг капиталлашув даражасини оширилиши, банк ликвидлилигини оширилиши пировардида уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратади. Шу билан биргалиқда кенг қўламли ислоҳотларни амалга оширишда банкларнинг инвестиция кредитлари орқали иштирокини таъминлашни фаоллаштиришда уларнинг барқарор ресурс базасини шаклантириб беради. Инвестициялашнинг узоқ муддатли ресурс базасини мустаҳкамлаш, шунингдек жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози оқибатларини бартараф этиш мақсадида тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш мақсад қилиб қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари учун 2010 йил ҳам 2009 йил каби ўзига хос ислоҳотлар ва ўзгаришларга бой бўлди. Бунда асосан, республика тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш ва молиявий инқизозга карши курашиб борасида мамлакатимиз Президенти томонидан қабул қилинган қарор ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган "Инқизозга қарши чоралар" Давлат дастури муҳим аҳамият касб этди.

Дарҳақиқат, ушбу ютуқларга мамлакатимиз раҳбарияти томонидан банк тизимиға, банкларнинг капиталлашувига алоҳида эътибор қаратилаётганлиги натижасида эришилмоқда.

Банкларнинг умумий капитали – банкларнинг ўз фаолиятларини (банк операцияларини) амалга ошириш учун мўлжалланган молиявий ресурслари бўлиб, у банклар томонидан турли манбалар орқали жалб этилган пул капиталидан иборат. Банкларнинг умумий капитали хусусий капитал билан бир қаторда ундан бир неча баробар кўпроқ бўлган жалб этилган капитални ҳам ўз ичига олади.

Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб фаолият кўрсатмоқда.

2010 йилда тижорат банкларининг жами капиталини камида 20%га ошириш ва яқин 2 йилда банклар жами банклар капитали даражасини ЯИМГа нисбатан 10%га етказиш кўзда тутилган эди.

Шу билан бирга 2010 йилда ҳам тижорат банклари томонидан яна 250 млрд. сўмлик қўшимча акциялар муомалага чиқарилиб, банклар устав капиталларини оширилиш режаси белгилаб берилган эди.

2010 йилда тижорат банкларининг жами капитали 36 фоизга ортди ва банкларимиз эришган 23 фоиз микдоридаги капиталнинг етарлилик даражаси дунёда қабул қилинган халқаро Базель-2 стандартлари бўйича бегилangan меъёрдан банкларимизнинг капиталларини етарлилик даражаси 3 баробардан кўпdir. Фақат ўтган йилнинг ўзида депозитлар хажми 1,5 баробардан зиёд ошди.

Банк капиталининг етарлилик даражаси – бу жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига кўра камида 8% ни ташкил этиши керак.

Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди ва бугунги кунда 3 трлн. сўмдан ошиб кетди.

Натижада, тижорат банкларининг жами капитали 2009 йилга нисбатан 1,4 баробар ошиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 4,1 трлн. сўмни ташкил этди.

Буни 2010 йил августида «Moody's» халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш истиқболларини «барқарор» деб баҳолангани ҳамда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки фаолияти «Fitch ratings», «Moody's» ва «Standard & Poor's» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» деган юқори рейтинг баҳосини олганликлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670 сонли «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори ва Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш 2010 йил 6 апрелда Ўзбекистон республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317-сонли Қарорларига асосан банкларнинг минимал устав капиталлари миқдорига ўзгартиришлар киритилди. Ушбу қарорларга мувофиқ янги ташкил этилаётган тижорат банкларининг минимал устав капитали 2011 йилнинг 1 январидан бошлаб қўйидагича миқдорда белгилаб қўйилди:

Тижорат банклари учун сўм эквивалентида 10 млн.евро миқдорида;

Хусусий банклар учун сўм эквивалентида 5,0 млн.евро миқдорида;

Хорижий капитал иштирокидаги банклар учун сўм эквивалентида 10 млн.евро миқдорида.

3.8. Тижорат банклари кредитлари ва уларни кўпайтириш

Республикамиз банк амалиётида кредитлаш шаклларидан кенг фойдаланиш мижозларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга, банкларнинг кредит операциялари кўламини кенгайтиришга, кредит рискини маълум даражада

Кредит-бу вақтинча бўш турган пул маблағларини маълум муддатга, ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқсан иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

минималлаштиришга ва ниҳоят, банкларнинг кредит операцияларидан оладиган даромадлари ошишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317-сонли Қарорига асосан:

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта янгилаш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда тижорат банкларининг иштирокини янада фаоллаштириш мақсадида 2010 йилда жами 3,2 трлн. сўмлик кредит ресурсларини ажратиш белгилаб берилган. 2010 йилда тижорат банклари томонидан корхоналар ва тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга йўналтирилган инвестицион кредитларнинг миқдори 3,1 трлн. сўмни ташкил этиб, йиллик режанинг 96 фоизи бажарилди.

Тижорат банклари томонидан, шу жумладан, бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизида ташкил этилган корхоналарга, янги инвесторларга сотилгунга қадар, улар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб уч йилдан кўп бўлмаган муддатга қўйидаги хукуқлар берилган:

Сўнгги йилларда банкларнинг кредит ва инвестиция фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Банк активлари 2009 йилга нисбатан 32,1 фоиз ўсиб, 20,7 трлн. сўмдан ошиб кетди.

Ҳисобот йилида иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайиб, бугунги кунда уларнинг миқдори 11,5 трлн. сўмдан ошиб кетди.

Шуниси эътиборга лойиқки, 2010 йилнинг охиридаги ҳолат бўйича ички манбалар ҳисобидан берилган кредитларнинг тижорат банклари умумий кредит портфелидаги ялпи улуши 85,1 фоизни ташкил этди.

Банкларнинг кредит портфели таркибида ҳам сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Умумий кредит портфелида узоқ муддатли, яъни 3 йилдан ортиқ муддатга бериладиган инвестиция кредитларининг улуши 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

Банкларнинг кредит портфели – тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий жамланмаси бўлиб, улар қўйидагича таснифланади: а) яхши; б) стандарт; в) субстандарт; г) шубҳали; д) умидсиз. Тижорат банкларининг маълум санага ссуда хисобваракаларида қолган пул маблағлари мажмуаси (қолдиғи).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2009 й. (Н ПҚ-1166) “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушкини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” Қарорига биноан тижорат банкларига қўйидаги имтиёзлар берилди:

■ 2015 йилнинг 1 январигача тижорат банклари кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушкига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғини тўлаш;

■ Тижорат банкларига корхона ва ташкилотлар - йирик инвестиция лойиҳалари ташаббускорларига лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиши ва уларни инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун қабул қилишда умуман лойиҳани молиялаш учун бериладиган кредитнинг умумий суммасига киритган ҳолда, экспертизадан ўтказиш бўйича харажатларни молиялашга кредитлар беришни амалиётга татбиқ қилиши.

3.9. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш

Сўнгги йилларда Республика тижорат банклари ўртасида ҳамда янги ташкил топаётган кредит институтлари ўртасида тенг ва беғараз рақобат муҳити шакллантирилмоқда. Бу эса ўз навбатида тижорат банкларининг активларини бошқариш стратегиясини тўғри танлашни, мажбуриятларини ўз вақтида бажариш ва шу асосда юқори даромадга эришиш мумкинлигидан дарак бермоқда.

2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсатгичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ти ПҚ-1438 сонли Қарорида банк молия тизими ҳамда кредит ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидлаб ўтилган. Бунинг натижасида, бугун мазкур тизим жадаллик билан ривожланиб, нобанк кредит ташкилотлари хизматларидан фойдаланаётган аҳоли сони тобора кўпайиб бормоқда.

2011 йил 1 январь ҳолатига республиканинг барча худудларида жами 209 та нобанк кредит ташкилоти, хусусан 116 та кредит уюшмаси, 35 та микрокредит ташкилоти ва 58 та ломбардлар фаолият юритиб келмоқдалар.

Нобанк кредит ташкилотларининг кредит портфели 2011 йил 1 январь ҳолатига 304 млрд.сўмни ташкил этди. Бу кўрсатгич ўтган йилга нисбатан 58 фоизга кўпдир.

Микролизинг-микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан лизинг олувчининг топшириғига биноан учинчи тарафдан мол-мулк олиш ҳамда уни эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига шартномада белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бериш назарда тутиладиган хизматдир.

Аммо нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини ва улар томонидан кўрсатаётган хизматларини сифат жиҳатдан юксалтириш бугунги куннинг долзарб масаласи бўлиб қолмоқда.

Шу боис мамлакатимиз Президенти томонидан хусусий банклар, хусусий мулкка асосланган лизинг, сугурта компаниялари, микромолиявий ташкилотлар, кредит уюшмалари каби нобанк ташкилотларини ташкил этишининг қонунчилик асосларини шакллантириш талаб этилмоқда.

Шунинг учун айни пайтда мамлакатимизда “Хусусий банк ва молия институтлари ва улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”, “Рақобат тўғрисида”, “Риэлторлик фаолияти тўғрисида”, “Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида”, “Гаров реестри тўғрисида”ги қонунлар лойиҳасини ишлаб чиқиши амалга оширилмоқда.

Микролизинг-тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун лизинг тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ энг кам иш ҳақининг икки минг баравари микдоридан ошмайдиган суммада берилади.

3.10. Зарап кўриб ишлаётган ва иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштириш жараёнида банкларнинг аҳамияти ва уни янада ошириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги Ф-4010 сонли “Иқтисодий начор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармойиши билан иқтисодий начор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар(кўмаклар) берилган. Жумладан:

➤ Ушбу фармойишининг 2-банди асосида берилган имтиёзлар бўйича мол-мулк солиги суммасини корхона харажатларига киритмаслик;

➤ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сон Фармонига мувофиқ, асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича амортизация ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш.

Юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжат орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган. Жумладан:

- банкрот корхона негизида устав жамғармаси 100% гача бўлган янги корхона ташкил этиш;

- банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

- банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва х.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реконструкция қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлик ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиши белгиланган.

Ушбу қарорни бажариш натижасида ҳисобот йилида, паст рентабелли ва иқтисодий начор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб этишга каратилган чора-тадбирлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда. Чунки тўланмай қолган қарзлари туфайли банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш борасидаги тижорат банкларининг бугунги кундаги фаолияти юксак баҳолашга моликдир.

Ўзбекистон Республикасида жорий этилган бундай механизм банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция киритиш, ана шундай корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усусларини татбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратишни кўзда тутади.

Шу тариқа фаолият кўрсатишга лаёқатли, илгаригига қараганда технологик жиҳатдан анча юқори даражада ишлайдиган, фаолияти қайта тикланган корхоналар янги инвесторлар эътиборини тобора кўпроқ ўзига тортмоқда. Инвесторлар ҳозирги пайтда бундай корхоналарни банклардан фаол сотиб олмоқда.

Бугунги кунда тижорат банклари балансига берилган 147 та банкрот корхонанинг 140 тасида ишлаб чиқариш қайта тиклангани, уларнинг 64 таси янги инвесторларга сотилгани бу фикрнинг ёрқин далилидир. Қайд этиш керакки, банклар томонидан бу корхоналарни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлаш учун 156 миллиард сўм миқдорида инвестиция йўналтирилди, 21 мингдан кўпроқ иш ўрни ташкил қилинди.

Бу борадаги ўтган давомида тижорат банклари томонидан ушбу корхоналарга киритилган 156 млрд. сўмлик инвестициялар ҳисобига жами 460 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, шундан 165 млн. АҚШ долл. маҳсулот экспорт қилинди ҳамда 21 мингдан ортиқ ишчи ўринлари яратилди.

Бундай ёндашув келгусида ҳам банкларнинг балансига ўтказилган банкрот корхоналарни қайта тиклаш ишларида энг муҳим йўналиш бўлиб қолиши зарур.

3.11. Тижорат банклари депозитларига ахоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этиш ва банк хизматлари турини ривожлантириш

Банклар томонидан ахолига кўрсатилаётган хизматлар қўламини кенгайтириш, замонавий технологиялар асосида қулайликлар яратиш мақсадида амалга оширилиб келинаётган бир қатор чора-тадбирлар ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз аксини топмоқда.

Ахоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида ҳам сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз бормоқда. Ахолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмоқда, фуқароларимиз истеъмол қиласидан маҳсулотлар таркибининг сифати ортмоқда.

Биргина 2010 йилда бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафакалар, стипендиялар миқдори 32 фоизга, ахолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1,3 баробар ошди.

Ахолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад улуши тобора салмоқли ўрин эгалламоқда ва барча даромадларнинг 47 фоиздан ортиғи ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда.

Президентимиз «Банкдан ташқари пул айланмасини кескин қисқартириш ва пул мумомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик карточкалардан фойдаланишини кенгайтириш масалалари бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши даркор», деб таъкидлаб ўтган эдилар.

Ахолининг бўш пул маблағларини кредит ташкилотларининг депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш чоралари кўрилаётгани, қулай омонат турлари таклиф этилаётгани, уларнинг банклардаги жамғармалари қонун билан кафолатлангани ва ўз вақтида қайтарилаётгани омонатлар миқдорининг 2009 йилга нисбатан 52,6 фоиз ошиб, ҳозирга кунда 4,4 трлн. сўмга етишига пухта замин яратди. Бу фуқароларимизнинг банк тизимиға бўлган юксак ишончидан далолат беради.

Мамлакат пул обороти-маълум бир давр мобайнида корхоналар, ташкилотлар ва ахоли томонидан нақд пул ва нақд пулсиз шаклда амалга оширилган тўловлар мажмуасидир.

Айниқса бунда Президентимизнинг 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банклари депозитларига ахоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу вазифадан келиб чиккан холда, банк тизимида ахолига кўрсатилаётган замонавий банк хизматлари турларини кенгайтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенг жорий этиш, жумладан пластик карточкалардан фойдаланишни ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриб борилди.

Ўз навбатида, пластик карточкалар ва терминаллар ёрдамида амалга оширилган ўтказмалар хажми йилдан-йилга юкори суръатларда ошиб бориши кўзда тутилгандир.

Республикамизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида муомалага чиқарилган пластик карточкалар сони 7,9 миллион донадан ошиб кетди. Савдо ва хизмат кўрсатиш шоҳобчаларига ўрнатилган ҳисоб-китоб терминаллари сони эса 85 минг 741 тага етди.

Шуни такидлаш лозимки мамлакатимиз ҳукумати томонидан банк тизимида пластик карточкалар миқдорини ошириш ва аҳолини пластик карточкалар билан ҳисоб китобларини амалга оширишни рағбатлантириш борасида бир қанча имтиёзлар берилмоқда.

Ўзбекистон республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433сонли Қарорининг 1 –банди, 2-хатбошига мувофиқ , банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2010 йилнинг 1 январигача банк микропроцессор пластик карточкалари ва тўлов терминалларини ишлаб чиқариш учун импорт қилинадиган хом ашё, сарфланувчи ва бутловчи материаллар, дастурий таъминот ва лицензиялар божхона тўловлари(божхона расмийлаштирувчи йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг Марказий банкдаги юридик шахсларнинг жалб этиладиган депозитлари бўйича мажбурий захиралари нормаларининг табақалаштирилган ставкаларини татбиқ этиш:

- муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар бўйича - умумжорий этилган нормаларнинг 80% миқдорида;
- муддати 3 йилдан ортиқ депозитлар бўйича - умумжорий этилган нормаларнинг 70% миқдорида.

Куйидагилар:

- тижорат банкларининг депозитларига ва қимматли қарз қофозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар беш йил муддатга солиққа тортишдан;
- тижорат банклари аввал берилган кредитларни тўлаш ҳисобига ундириб олинадиган мулкни сотишда қўшилган қиймат солиги тўлашдан;
- лизинг хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уч йил муддатга фойда солиги ва лизинг операцияларидан тушадиган даромадлар бўйича ягона солиқ тўловидан озод этилди.

Шу билан ҳозирги кунда мамлакатимиз банклари томонидан мижозларга кўрсатилаётган хизматлар қўламини кенгайтириш ва мижозлар ишончини янада ошириш борасида мавжуд ички имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш вазифалари белгилаб берилди.

3.12. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тижорат банклари фаолиятига берилган имтиёзлар

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификация қилиш бўйича ҳам ижобий ишлар амалга оширилди. Корхоналар ўртасида кооперация алоқалари мустаҳкамланмоқда, бу жараёнга кичик корхоналар ва хусусий бизнес субектлари тобора кенг жалб қилинмоқда.

Ўтган йили банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилди. Мазкур соҳага ажратилган

Микромолиялаш-микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган микдордан ошмайдиган суммада микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш, шунингдек микромолиявий хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги шартномага мувофиқ бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

кредитлар микдори 2009 йилга нисбатан 1,4 баробар ошиб, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 2 триллион 700 млн. сўмни ташкил этди. Жумладан, микрокредитлар ҳажми 485 млрд. сўмдан ошиб, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 1,5 баробарга кўпайди.

Мазкур кредитлар ҳисобига ҳудудларда 280 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

2011 йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 108,3 фоиз, саноатдаги ўсиш – 109,3 фоиз, қишлоқ хўжалигига – 105,8 фоиз ҳажмида бўлиши кўзда тутилмоқда. Инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши назарда тутилмоқда.

Микрокредит-карз олувчига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада тўловлилиқ, муддатлилиқ ва қайтариш шартлари асосида бериладиган пул маблағларидир.

Тижорат банклари раҳбарлари зиммаларига мамлакатимиз Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил якунларига бағишилаб, шу йил 21 январда ўтказилган мажлисида 2011 йил учун белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳамда банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг инвестицион фаолиятини кучайтириш, банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш, аҳоли ва чет эллик инвесторларнинг банк тизимиға бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётдаги узоқ муддатли кредит қўйилмалари улушини янада ошириш етакчи халқаро рейтинг компаниялари томонидан қабул қилинган халқаро меъёрлар, мезонлар ва стандартларга асосланган ҳолда банк тизимини баҳолаш кўрсаткичларининг замонавий тизимини жорий этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар топширилди.

Тижорат банклари умумий капиталини ўстириш, шу жумладан уларнинг қўшимча акцияларини чиқариш орқали ошириш, 2011-2015 йилларда унинг ўртача 2,1 мартаға оширилишини таъминлаш;

Шунингдек, барча тижорат банклари раҳбарлари зиммасига мамлакатимизда 2011 йилни - "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши муносабати билан бу борада қабул қилинадиган Давлат Даствурида белгиланган вазифаларни оғишмай бажарилишини таъминлаш, банкларнинг барча бўлим ва филиалларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишchan муҳитни яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни фаол давом эттириш вазифалари ҳам юклатилди.

Ўзбекистон банклар ассоциацияси тижорат банклари билан ҳамкорликда Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари тайёрлашни молиялаштириш жамғармасини ташкил қилиши зарур. Бу эса кичик бизнес субектларининг бизнес режаларини тайёрлаш сарф-харажатларини камайтириш, уларнинг сифатини ошириш ва кредитлар бериш муддатларини қисқартириш имконини яратади.

Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбарлигига тижорат банклари ва нобанк ташкилотлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хомашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш зарур.

Бу эса Ўзбекистон Республикаси Марказий банкidan тижорат банклари билан биргаликда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субектларига кредитлар ажратиш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ажратиш механизмларини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, бошланғич капитални шакллантириш, микрокредитлар бериш кўламини кенгайтириш борасидаги ишларни давом эттиришни талаб этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда банкларнинг ролини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди. Мазкур соҳага жорий йилда 2010 йилга нисбатан кредит ресурслари микдорини 1,4 баробар кўпайтириш вазифаси қўйилди.

Барча қўриб ўтилган ҳолатлар ва белгиланган вазифаларни тўлиқ амалга ошириш, кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарурий ташкилий, хуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни туғдириб бериш каби долзарб муаммоларни ҳал қилиш лозимлигини англатади.

4-БОБ. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИНИ ИСЛОХ ҚИЛИШ ВА ФЕРМЕР ХҮЖАЛИКЛАРИГА БИРИКТИРИЛГАН ЕР УЧАСТКАЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ АГРАР СЕКТОРДА ЮЗ БЕРГАН ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР

4.1. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш шарт-шароитлари

Қишлоқ хўжалиги – Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларини эса хомашёга бўлган талабини қондиради. Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизига яқини аграр сектор тармоқларида тайёрланади. Қишлоқ хўжалиги истеъмол бозорига барча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда пахтани қайта ишлаш, ёғ-мой саноатига хомашё етказиб бериши билан бирга, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё саноати ва бошқа саноат тармоқлари маҳсулотлари учун кафолатли бозор бўлиб ҳам ҳисобланади.

2010 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 17,5 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳолининг 25,5 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келди. Шу жиҳатдан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш республикамизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ва арзигулик ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техникаларни ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капиталдан ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда. Қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар ўз натижасини бермоқда.

Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. Ўтган 2000-2010 йиллар оралиғида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қиймати амалдаги нархларда ўсиб бориш суръатига эга бўлган. Хусусан, бу кўрсаткич амалдаги нархларда 2000 йилдаги 1 387,2 млрд. сўмдан 2010 йилда 15 810,7 млрд. сўмга етган ёки қарийб 11,4 мартаға ўсган. Ўтган ўн йил давомида қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ўсиш суръатлари ҳар йили ўртacha 5 фоиздан юқори бўлди.

Қишлоқ хўжалигида асосий капиталга киритилаётган инвестициялар қиймати ҳам муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Агар 2000 йилда бу максадлар учун амалдаги нархларда 42,6 млрд. сўм сарфланган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 385,6 млрд. сўмни ташкил этди ёки 9,05 мартаға ошди. Бундай натижаларга халқимизнинг фидокорона меҳнати ҳамда табиий ва иқтисодий омиллардан, айниқса сугориладиган ер ресурсларидан самарали фойдаланиш эвазига эришилмоқда.


Мустақиллик йилларида мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг асосий таянчи бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, экин майдонлари таркибини оптималлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқаришга янги ва илғор технологияларни жорий этиш, юқори унумли ва самарали техникалар паркини кенгайтириш, экин навлари ва чорва моллари зотини яхшилаш,

Қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши камайиб бораётган бир шароитда ушиб соҳада маҳсулот етишиши юқори суръатлар билан кўпаймоқда.

2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарши 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

Ислом Каримов

урұғчилик-селекция ишларини тубдан яхшилаш борасыда кенг қамровли, шу билан бирга пухта үйланган ишлар амалға оширилди.



4.1.1-расм. Қашлоқ хұжалиги ривожланишининг асосий макроиктисодий күрсаткичлари, (% хисобда)

Амалға оширилған ишлар самарағаси ўлароқ, 2000-2010 йиллар оралиғида деярли барча турдаги қашлоқ хұжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларлы даражада оширишга еришилди. Жумладан, шу йиллар оралиғида дон ишлаб чиқариш ҳажми 3 929,4 минг тоннадан 6 897,3 минг тоннага ёки 175,5 фоизга, сабзавотлар 2 644,7 минг тоннадан 6 218,2 минг тоннага ёки 235,1 фоизга, полиз маҳсулотлари 451,1 минг тоннадан 1 246,8 минг тоннага ёки 276,4 фоизга, мева 790,9 минг тоннадан 1 696,4 минг тоннага ёки 214,5 фоизга, чорвачилик маҳсулотларидан гүшт ишлаб чиқариш 501,8 минг тоннадан 1 461,4 ёки 291,2 фоизга, сут 3 632,5 минг тоннадан 6 169,0 минг тоннага ёки 169,8 фоизга ва тұхум 1 254,4 млн. донадан 3058,8 млн. донага ёки 243,8 фоизга ошған.

Шуни алоқида таъкидлаб ўтиш жоизки, қашлоқ хұжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат әкин майдонларини көнгайтириш ёки чорва моллари бош сонини қўпайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни әкинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда

4.2. Қашлоқ хұжалигыда амалға оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари

Республикамиз қашлоқ хұжалигыда босқичма-босқич амалға оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини таҳлил этиш асосида уларнинг қуйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ➔ ердан фойдаланиш муносабатларидаги ислоҳотлар;
- ➔ сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларидаги ислоҳотлар;
- ➔ мулкий ва таркибий муносабатлардаги ислоҳотлар;
- ➔ молия-кредит, солиқ ва сугурта тизимларидаги ислоҳотлар;
- ➔ нарх-наво ва уни эркинлаштириш тизимишдаги ислоҳотлар.

Республикамиз қашлоқ хұжалигыда амалға оширилған **ер ва сув ислоҳотлари** ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва тупроқ унумдорлигини ошириш, ер ижараси ва ер солиғи муносабатларини такомиллаштиришга йўналтирилган.

Агар 1998 йилда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунга мувофиқ “фукароларга фермер хўжаликларини юритиш учун ер участкалари 50 йилгача бўлган, лекин 10 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши” кўзда тутилган бўлса, 2004 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонунга мувофиқ “фермер хўжаликлари юритиш учун ер участкалари танлов асосида ижарага 50 йилгача бўлган, лекин 30 йилдан кам бўлмаган муддатга биритирилиши” белгилаб берилди.

Ўтказилган ер ислоҳотлари натижасида:

- 2004 йилдан бошлаб барча қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ер участкаларидан фойдаланишнинг ижара шакли жорий қилинди;
- хўжалик юритувчи субъектларга ер участкалари факат туман ҳокими томонидан ижарага берилиши белгилаб қўйилди;
- ўз маблағи ҳисобидан ер майдонларини ўзлаштиришни рағбатлантириш тизими белгилаб берилди;
- ер ижараси ҳуқуқини мерос қилиб қолдириш тизими жорий этилди.

Ер-сув ислоҳотлари доирасида амалга оширилаётган устувор йўналишлардан бири - ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурини амалга оширишdir. Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси биринчи навбатда суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригацион-мелиоратив ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот ишларининг натижаларига кўра ўртacha шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50-60 % га, ўта шўрланган ерларда эса 90-100 % га паст бўлиши аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотларига қараганда 2001 йилда республика бўйича жами 4 252,6 минг гектар суғориладиган ерларнинг 2 324,6 минг гектари ёки 54,7 % ини у ёки бу даражада шўрланган ерлар ташкил этган. Жумладан, унинг 1212,9 гектарини ёки 28,5 фоизини кам шўрланган ерлар, 893,3 минг гектарини ёки 21,0 фоизини ўртacha шўрланган ерлар ва 218,4 минг гектарини ёки 5,1 фоизини кучли шўрланган ерлар ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини барқарор суръатлар билан ривожлантириш борасида бир қатор вазифалар белгиланди.

Мазкур Фармонга мувофиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ирригация-мелиорация тадбирларини молиялаштиришга давлат бюджетидан маблағлар ажратилмоқда. Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларини молиялаштириш тизимини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан 2010 йилга мўлжалланган марказлашган капитал қўйилмалар лимитида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадлари учун жами 92 976, млн. сўм ажратилиши кўзда тутилган.

2010 йилда йирик инвестиция лойихаларини амалга ошириш, ишлаб чиқариш ва коммуникация обектлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда мелиоратив қурилишни ривожлантириш билан бир қаторда ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш масалалари ҳужуматимизнинг дикқат марказида бўлди.

Суғориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2003-2009 йиллар давомида жами 801,5 млн. АҚШ доллари қийматидаги 21 та лойиҳа амалга оширилиб, шундан чет эл инвестициялари ҳисобидан киритилган маблағ 560,4 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. Жумладан, 2009 йилда жами 36,9 млн. АҚШ доллари қийматидаги 12 та, 2010 йилда эса жами қиймати 62,25 млн. АҚШ доллари бўлган 9 та инвестицион

лойиҳа асосида ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилди.

2010 йилда сугориладиган ерларнинг сув таъминоти ва мелиоратив ҳолатини яхшилашга 150 млрд. сўм маблағ сарфланди ва уларнинг қайтарилиши бюджет томонидан кафолатланди.

Давлатимиз томонидан сув хўжалиги тизимларини эксплуатация қилиш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги иншиотларини қуриш ва реконструкция қилиш, ерларнинг сув таъминотини ошириш ҳамда сув билан кафотли таъминлаш ишларига катта эътибор қаратилиб, 2004-2010 йилларда давомида давомида сув хўжалиги тизимларини эксплуатация қилиш, ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги иншиотларини қуриш ва реконструкция қилишга, ерларнинг сув таъминотини яхшилаш ҳамда сув билан кафолатли таъминлаш ишларига катта эътибор қаратилиб, ушбу тадбирларга қарийб 5 трлн. сўм маблағ йўналтирилди.

Бу тадбирлар, шубҳасиз, фермер хўжаликларининг ҳар томонлама барқарор ривожланишида муҳим омил бўлди. Пировард натижада, ерларнинг унумдорлигини, пахта, ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини ҳосилдорлигини сезиларли даражада ошишига олиб келди. Жумладан, пахта ҳосилдорлиги 2003 йилга нисбатан 4,9 ц/га, ғалла ҳосилдорлиги эса 9,5 ц/га кўпайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги ПҚ-725-сонли

“Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжаликларини қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи

фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-кувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳар йили Давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда мазкур мақсадларга ер солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан маблағлар ажратиш вазифаси белгилаб берилган эди. Мазкур қарорга мувофиқ балл-бонитети паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёси етиштириш билан шуғуланаётган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-кувватлаш учун 2009 йилда 180 млрд. сўм, 2010 йилда эса 130 млрд сўм маблағ ажратилди. Ушбу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидағи қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ва маҳсус ишлаб чиқилган кенг кўламли дастурни изчил амалга оширии ҳисобидан ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга оширии учун 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди ва бу 724 километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 208 та мелиоратив қудуқларни барпо этиши ва реконструкция қилиши, қарийб 14 минг километрлик коллектор-дренаж тизимини таъмирлаш, қайта тиклаш ва 335 та замонавий мелиорация техникасини харид қилиши имконини берди.

Ислом Каримов

Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Жizzах вилоятлари, шунингдек, Марказий Фарғона худуди ва Қорақалпогистон Республикасида ирригация ҳамда мелиорация иншиотларини қайта тиклаш учун 2010 йилда ҳалқаро молия институтларининг 62 миллион доллардан зиёд маблағлари жсалб қилинди ва ўзлаштирилди.

Амалга оширилган ана шундай кенгмиқёсдаги ишлар натижасида 260 минг гектар сугориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини, фермер ҳамда дехқон хўжаликларининг даромадини оширии учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Ислом Каримов

Ер-сув ислоҳотлари доирасида аграр тармоқда сувдан самарали фойдаланиш борасида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. Жумладан:

- ирригация тизимларини бошқаришнинг маъмурий-худудий тамойилидан ҳавза тамойилига ўтказилди;
- республика бўйича 10 та ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ва 1 та Фаргона водийси бўйича бирлаштирилган диспетчерлик марказига эга бўлган магистрал каналлари тизими бошқармаси ташкил этилди;
- фермер хўжаликларига сувдан фойдаланишни самарали йўлга қўйиш ва бу борада хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ташкил этилди.

Аграр соҳада амалга оширилаётган **мулкий-таркибий ислоҳотларда** энг аввало мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шаклларига, энг аввало хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларини жорий этишга асосий эътибор қаратилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки босқичларида қишлоқ хўжалигида салмоқли ўринни эгаллаган давлат мулкидан жамоа (ширкат) мулкига ўтиш амалга оширилган бўлса, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида мулкчилик муносабатлари тубдан ислоҳ қилиниб, хусусий секторнинг аҳамияти кескин ошиши муносабати билан хусусий, жамоа, ҳиссадорлик ёки хориж сармояси билан шаклланадиган мулклар юзага келди. Жамоа мулки бўлган боғ ва токзорлар, чорва фермалари ва моллари, техникалар ҳамда бошка мол-мулклар хусусийлаштирилди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотида нодавлат секторнинг улуши 99 фоизни ташкил этмоқда.

1999-2007 йилларда зарар келтириб ишлаётган ширкат хўжаликларини босқичма-босқич тугатиб, фермер хўжаликларига айлантириш борасида йирик таркибий ислоҳотлар амалга оширилди. Бу ислоҳотлар натижасида шу йиллар оралиғида жами 2102 та истиқболсиз ширкат хўжаликлари босқичма-босқич тугатилиб, улар негизида 158738 та фермер хўжаликлари ташкил этилган эди.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари аграр соҳанинг етакчи бўғинига – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланмоқда. 2009 йил якунига келиб фермер хўжаликлари пахта хом ашёсининг 99,1 фоизини, доннинг 79,2 фоизини, сабзавотларнинг 32,9 фоизини ва полиз маҳсулотларининг 47,1 фоизини етиштириб бердилар.



4.2.1-расм. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг хўжалик шакллари бўйича тақсимланиши, %да.

Аграр соҳада амалга оширилаётган **нарх ислоҳоти** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлариға нарх белгилашда эркин бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этишга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 августдаги «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида»ги ПФ-3114-сонли фармонига асосан давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хом ашёсининг нархини жаҳон бозоридаги нархлар даражасидан келиб чиқкан ҳолда белгилаш тизими жорий этилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига мувофиқ 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга сотиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизли қўшимча қиймат солиғи (КҚС) тўлашдан пахта тозалаш корхоналари озод этилди, натижада шу миқдорда фермерларга пахта учун тўланадиган ҳарид нархлари кўтарилиди. Шу орқали давлатимиз томонидан пахта этиштирувчи фермер хўжаликларини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан биргаликда бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толаси нархларининг бир мунча юқори эканлигини инобатга олган ҳолда нарх бўйича юзага келган ижобий фарқнинг 25 фоизини фермер хўжаликлариға тўлаб бериш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нархларини эса минтақавий бозорлардаги нархлардан келиб чиқкан ҳолда белгилаш тизими жорий этилган. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини нархлари бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиқкан ҳолда шартнома асосида белгиланади.

4.3. Фермер хўжаликларининг ер майдонларини оптималлаштириш

Фермер хўжаликлари эришаётган натижалар уларнинг аграр соҳада ишлаб чиқаришни ташкил этишининг энг самарали шаклларидан бири эканини тасдиқламоқда. Аммо, ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун бир қатор муҳим вазифаларни, жумладан, уларнинг молиявий барқарорлигини, рақобатбардошлигини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни талаб этди.

Фермер хўжаликларини шакллантиришнинг дастлабки босқичида аксарият фермер хўжаликлирида ер майдони ҳажмининг кичикилиги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига ва барқарор фойда олишга тўскинилик қилди. Иқтисодий аҳволи ночор бўлган бундай фермер хўжаликлари ўзларини зарур техника воситалари ва айланма маблаг билан таъминлашга, банкдан кредит олиш учун гаров таъминоти қўйишга имконияти етмади, олинган қарз мажбуриятларини қоплаш учун тўловга қобиллик (ликвидлик) даражасига эга бўлмади. Энг муҳими, улар ўз харажатларини ўзи қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадларини муттасил ошириб бориш сингари бозор иқтисодиёти тамойиллариға мос бўлиб тушмади.

Шундан келиб чиқкан ҳолда, ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликларининг ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва улар фаолиятини танқидий баҳолаш асосида фермерларга бириктирилган ер майдонларини мақбуллаштириш бўйича кенг кўламли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Мақбуллаштириш жараёнида фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ўстиришга имкон яратувчи қуидаги омиллар эътиборга олинди:

- республикадаги мавжуд фермер хўжаликлари ихтиёрида бўлган ер майдонларидан яхлит контурларда ягона тартибда мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш;
- фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли худудларидаги аҳоли зичлигини эътиборга олиш;
- сув ва бошқа моддий ресурсларини тежайдиган янги агротехнологияларни қўллашга қурайш яратиш;

- иириклаштирилган фермер хўжаликларининг комплекс механизациялашга молиявий имкониятларини кенгайтириш;


- зарар билан ишлаётган ва ўзини оқламаётган кичик фермер хўжаликларининг фаолиятига барҳам бериш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сонли “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонини мақбуллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармойиши юзасидан амалга оширилган мақбуллаштириш жараёнида 2009 йилда республикамиздаги фермер хўжаликларининг сони 215 776 тадан 105 200 тагача ёки 52 % га камайтирилди, бунда бир фермер хўжалигига тўғри келувчи ўртacha ер майдони ҳажмини 27,4 гектардан 56,5 гектаргача кўпайтиришга эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2009 йилдаги мақбуллаштириш жараёни натижалари фермер хўжаликларининг айланма маблағлари ошганлигини, ер участкалари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик техникалари ва бошқа моддий ресурслардан самарали фойдаланишга олиб келганлигини кўрсатди. 2009 йил дехқончилик соҳаси учун мураккаб бўлишига қарамасдан, фермерлар томонидан мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, фаллачиликда ҳосилдорлик 5,2 центнерга, пахтачиликда 1,9 центнерга ошганлигини катта ютуқ деб хисоблаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги “Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ф-3287-сонли фармойиши асосида фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш ишлари янада изчиллик билан давом эттирилди. Бунинг учун ўтган йилдагидан фарқли ўлароқ, хукуматимиз раҳномолигида бу ишга алоқадор барча вазирликлар, идоралар, банклар иштирокида мақбуллаштиришнинг барча жиҳатларини қамраб олган чора-тадбирлар дастурлари, услугубий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Пухта ўйланган дастур асосида ўтказилган мақбуллаштириш жараёни натижаларига кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми янада мақбуллаштирилди. Натижада 2010 йил бошига келиб фермер хўжаликлари сони 80 628 тага, уларга бириктирилган ўртacha ер майдони ҳажми 60,7 гектарга етди.



4.3.1-расм. Фермер хўжаликлари сонининг оптималлаштириш натижасида ўзгариши.

Ўтган 2010 йилда фермер хўжаликларининг ер майдонларини оптималлаштириш ишлари янада изчиллик билан давом эттирилди. Бугунги кунда республикамизда жами 66134 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.

4.4. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тизими

Республикамизда фермер хўжаликларининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар ичида қулай молия-кредит ва солик механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутади. Ислоҳотлар давомида фермер хўжаликларини молия-кредит ва солик механизмлари орқали қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимига асос солинди:

- давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш бўйича асосий харажатларини молиялаштириш бўйича имтиёзли кредитлаш тизими йўлга қўйилди;
- фермер хўжаликлари учун ерларнинг унумдорлигига боғлиқ бўлган ягона ер солиғи тўлаш бўйича имтиёзлар жорий этилди;
- фермерларга техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида етказиб бериш тартиби жорий этилди;
- фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди;
- балл-бонитети паст ерларда пахта ва ғалла етиштирадиган фермер хўжаликларининг зарарини қоплаш мақсадида уларга молиявий ёрдам бериш тизими жорий этилди;
- ирригация ва мелиорация тизимини Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш амалиётга жорий этилди.



4.4.1-расм. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш йўналишлари.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Хусусан, 2009 йилда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом-ашёси ва бошоқли дон етказиб берувчи фермер хўжаликларига бериладиган имтиёзли (йиллик 3 фоизли) кредитлар миқдори янада оширилди. Бу мақсад учун ажратилган имтиёзли кредитлар киймати пахта бўйича 2007-2010 йиллар оралиғида 701,98 млрд. сўмдан 1 006,0

млрд. сўмга, ғалла бўйича 136,87 млрд. сўмдан 332,8 млрд. сўмга ошган.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ бўлади. Бу шарт-шароитлар ичида қулай молия-кредит ва солик механизмларини шакллантириш муҳим ўрин тутади

Тижорат банклари ва бюджетдан ташкари жамғармаларнинг кредит сиёсатида дехқон (юридик шахс мақомидаги) ва фермер хўжаликлари учун бир қатор имтиёзлар белгиланган бўлиб, уларни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- тижорат банкларида кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш учун «имтиёзли кредит бериш маҳсус жамғармаси» шакллантирилади ҳамда ҳар йили тижорат банклари фойдасининг 25 фоизи имтиёзли жамғармани шакллантиришга йўналтирилмоқда;
- тижорат банкларининг имтиёзли кредит бериш маҳсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан берилган кредитлардан фойдаланганлик учун имтиёзли фоиз ставкаси миқдори

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки қайта молиялаш ставкасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда белгиланади;

- микрокредитлардан фойдаланганлик учун фоиз ставкалари Марказий банкнинг расмий қайта молиялаш ставкасидан ошиқ бўлмаган ҳажмда, тижорат банкларининг маҳсус микрокредитлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилаётган бўлса, имтиёзли фоиз ставкалари белгиланади;

- янги ташкил этилган юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 150 баравари, фермер хўжаликларига эса 300 баравари миқдорида бошланғич сармоя учун фоиз тўлашни 12 ойгача кечикитириш ва асосий қарзни кредит олингандан сўнг 18-24 ой ўтгач қайтаришни бошлаш шартларида йиллик 5 фоизли имтиёзли кредитларни бериш йўлга қўйилди;

- давлат эҳтиёжи учун дон ва пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига бериладиган аванс маблағларини олдиндан 3 % имтиёзли фоиз ставкаси билан кредит тарзида берилиши йўлга қўйилди.

Солиқса тортиш ва солиқ тўлаш механизмини соддалаштириш мақсадида Республика Президентининг Фармони билан, фермер хўжаликлари томонидан тўланадиган тўққизта солиқ тури ўрнига 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги корхоналари учун ягона ер солиғи жорий қилинган бўлиб, у ҳар томонлама қулайликка эга. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига қишлоқ хўжалиги соҳасида **бир қатор солиқ ва божхона имтиёzlари** қўлланилади:

- янгидан ташкил этилган пахта, ғалла, сабзавот, полиз, картошка ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш фермер хўжаликларига 2 йил муддатга, боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод этилган;

- фермер лойиха асосида ўз ҳисобидан ўзлаштирган ер учун беш йил давомида ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинди;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 марта 304-сонли қарорига асосан чет эл техникалари олиб келишда қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловлари, ҳамда чет эл техникалари учун эҳтиёт қисмлар олиб келишда қўшилган қиймат солигидан озод этилган;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 марта 308-сонли қарорига мувофиқ чет эллардан чорва моллари олиб келишда қўшимча қиймат солиғи тўловларидан озод этилган.

Фермер хўжаликлари техника воситаларини имтиёзли шартларда лизинг асосида ҳарид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 10 йил муддат ичida тўлаш имкониятига эга бўлдилар. Бунда лизингдан фойдаланганлик учун йиллик фоиз тўловлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган қилиб белгиланган.

Кейинги йилларда фермер хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва сервис хизматларини кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига кўра фермер хўжаликлариға самарали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиши бўйича амалга оширилган тадбирлар натижасида буғунги кунда 1720 та муқобил МТПлар, 1711 та сувдан фойдаланувчилар уюшмаслари (СФУлар), 1377 та ёнилғи-мойлаш материаллари (ЁММ) ва 917 та минерал ўғит сотиши шохобчалари, 1179 та минибанклар, 424 та қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш, 2540 та зотли чорва моллари сотиши ва зооветеринария хизматлари кўрсатувчи, 301 та ахборот таъминоти ва консалтинг шохобчалари, 82 та транспорт хизмати кўрсатиш, 78 та тара идишлари тайёрлаш ва қадоқлаш бўйича шохобчалар фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор

тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини кескин оширишга қаратилмоқда.

4.5. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган аграр тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли дастури қўйидаги энг муҳим йўналишларни ўз ичига олади:

1. Аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мулкий муносабатлар ва хўжалик юритиш шаклларини такомиллаштириш борасида барча субъектлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларни бозор тамойиллари асосида амалга ошириш, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишида томонлар маъсулиятини ошириш.

2. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ва самарали фойдаланишни рағбатлантириш йўналиши бўйича тупроқ унумдорлигини ошириш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида барча ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, унумдорлиги паст ер майдонлари салмоғини камайтириш. Ушбу мақсадда ўз маблағлари ҳисобидан ирригация-мелиорация тадбирларини амалга оширган фермерларни иқтисодий рағбатлантириш механизмини жорий этиш.

3. Сув хўжалиги тизимини такомиллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш мақсадида сув хўжалиги тизимида моддий ва маънавий эскирган ирригация-мелиорация тизимини янгилаш, унинг самарадорлигини ошириш, янги суғориш технологиялари ва сувдан фойдаланиш механизмларини жорий этиш, ер майдонлари мелиоратив ҳолатини яхшилаш, дренаж тармоқларини қуриш ва таъмирлаш тадбирларини амалга ошириш.

4. Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини вилоятлар ва туманларнинг табиий-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, маҳсулотлар сифати ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиши.

Қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилли, тезпишар, касаллик ва зарапкунандаларга чидамли, янги ва истиқболли, маҳсулот сифати бозор талабларига жавоб берувчи навларни жойлаштириш.

5. Чорвачилик тармоғини комплекс ривожлантириш асосан чорва молларининг наслини яхшилаш ҳисобига маҳсулдорлигини ошириш. Бунинг учун:

- чорвачилик тармоғининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

- наслчиликни тубдан яхшилаш;

- тармоқда сервис, жумладан, зооветеринария хизматлари кўрсатиш сифати ва ассортиментини ошириш;

- паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик ва пиллачилик соҳаларини ривожлантириш;

- чорва молларини юқумли касалликларга қарши кураш тизимини янада такомиллаштириш;

- озуқа экинларини жойлаштиришнинг мақбул даражаларига эришиш, бунда лалми ерлардан чорва озуқаси етиштириш учун фойдаланишни кенгайтириш.

6. Ўрмон хўжалигини комплекс ривожлантириш борасида табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси нуқтаи назаридан:

- қўриқланадиган ҳудудлар давлат кадастрини жорий этиш;

- ўрмон хўжалигида мевали, манзарали дарахт кўчатларини етиштиришни янада ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш;

- ҳудудларнинг экологик ҳолати географик-ахборот тизимини ишлаб чиқиши.

7. Қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш тармоғини ривожлантириш, аграр соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш.

Қишлоқ хўжалиги, хусусан чорва ва мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашга ихтисослашган кичик хусусий корхоналарни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш, хомашёни қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш, хўл мева-сабзавот ва тайёр маҳсулот экспорт қиладиган субъектлар учун имтиёzlар тизимини ишлаб чиқиши.

8. Қишлоқ жойларда сервис хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш аграр тармоқда сервис хизматлари кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бозорга тез мослашувчи субъектлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш.

9. Қишлоқ хўжалигида молия-кредит, солик ва суғурта тизимини такомиллаштириш:

- давлат эҳтиёjlари учун пахта хом ашёси ва ғалла етиштириш асосан имтиёzли кредитлаш орқали молиялаштириб бориш тизими такомиллаштириш;

- пахта ва ғалладан ташқари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни кредитлаш механизмини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалиги учун техника, эҳтиёт қисмлар, наслли чорва моллари, уруғлик ва кўччатлар, замонавий технологиялар ва ускуналар, дори-дармон, кимёвий препараллар импорт қилишда солик ва божхона имтиёzlари тизимини яна кенгайтириш;

- қишлоқ жойларига кичик саноатни жалб қилишда солик имтиёzlари ва молиявий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга ошириш;

- маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида протекционизм сиёsatини доимий равишда амалга ошириш;

- унумдорлиги паст бўлган, шунингдек, насослар билан суғориладиган майдонларда давлат эҳтиёjlари учун пахта ва ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириб бориш.

10. Аграр фанини ривожлантириш ва илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш. Бу соҳада:

- атроф-муҳитга экологик зарар келтирмайдиган техника ва технология ҳамда хом ашё ресурсларини қайта ишлашда янги услублар ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш;

- пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг истиқболли навлари бирламчи уруғчилигини ташкил қилиш тизимини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалигининг амалий муаммоларини ҳал этишда инновацион лойиҳалардан кенг фойдаланиш ва бунда инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг банк орқали кредитлаш тизимини жорий этиш;

- қишлоқ хўжалигида ген инженерияси борасида тўпланган жаҳон тажрибаларидан кенг фойдаланган ҳолда миллий тизимни яратиш;

- экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яратиш устида кенг қамровли ишлар олиб бориш;

- хориждан келтирилган наслли уруғлар асосида юқори маҳсулдор маҳаллий чорва моллари, паррандалар, пилла қурти зотларини яратиш.

11. Қишлоқ хўжалигида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва аҳоли даромадларини ошириш.

5-БОБ. ХИЗМАТ КҮРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТИЗИМИЙ ИШЛАР

5.1. Ўзбекистон республикаси минтақалари бўйича хизматларнинг ривожланиши

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш даражасини янада ошириш, ахолига янги замонавий ва сифатли хизмат турлари кўрсатиш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли, биринчи навбатда, қишлоқ жойларида бандлик масаласини ҳал этишда хизматлар кўрсатиш соҳасининг ролини кучайтириш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бунга Ўзбекистон республикаси Президентининг 2007 йил 21 майда “Ўзбекистон республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қабул қилинган 640-сонли қарорини келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу қарорда Ўзбекистон республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар, амалга ошириладиган ишлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтилган.

Жумладан, Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган енг муҳим устувор йўналишларга бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “**Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халиқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи**” номли маърузасида ҳам ушбу соҳада эришилаётган ютукларга алоҳида эътибор қаратган.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида хизмат кўрсатиш ҳажми 2010 йилда 31,8 трлн. сўмни ташкил этди, 2009 йилга нисбатан эса 113,4% ўсишга эришилди.

Дастур асосида янги иш ўринларини яратиш бўйича ижтимоий муаммолар ҳал этилди. Натижада 2010 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 214,3 минг янги иш ўринлари яратилди, режа бўйича эса 206,8 минг иш ўринлари яратилиши белгиланган эди.

5.2.1-жадвал

2007-2010 йилларда Ўзбекистон республикаси минтақалари бўйича хизматлар ривожланиши ҳолати (солиштирма нархларда)

Ўтган йилга нисбатан %да

Минтақалар номи	Хизматлар ҳажми ўсиши							
	2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил	
	режа	амал да	режа	амал да	режа	амал да	режа	амалда
Ўзбекистон Республикаси	117,4	126,6	118,0	121,3	118,9	116,7	121,8	114,9
Шу жумладан:								
Қорақалпогистон Республикаси	118,2	132,8	118,5	123,0	118,7	116,2	119,0	116,4
Андижон вилояти	116,5	130,2	117,0	123,5	117,2	120,1	118,0	116,6
Бухоро вилояти	117,9	143,2	118,0	123,5	118,2	121,2	119,0	118,4
Жиззах вилояти	119,5	130,7	119,7	120,2	122,0	114,8	125,0	119,6

Қашқадарё вилояти	117,4	118,1	117,7	117,7	118,2	117,1	121,6	115,1
Навоий вилояти	120,5	129,3	120,6	124,6	121,2	120,6	125,0	116,4
Наманган вилояти	118,9	122,4	119,4	120,6	122,1	122,8	125,0	121,6
Самарқанд вилояти	116,9	137,3	117,0	135,6	117,2	121,6	120,0	121,6
Сурхондарё вилояти	120,0	130,0	122,0	120,7	122,1	120,0	124,0	116,4
Сирдарё вилояти	115,9	135,4	116,2	126,6	116,7	124,3	120,0	117,2
Тошкент вилояти	122,0	129,3	122,2	132,0	122,5	123,7	125,0	119,6
Фарғона вилояти	119,8	124,6	120,0	125,6	120,1	124,5	122,5	120,5
Хоразм вилояти	119,6	120,4	120,0	121,0	120,1	118,9	122,0	115,8
Тошкент шаҳри	113,4	124,2	114,5	124,3	116,2	116,6	121,0	115,4

1. Умумий овқатланиш ва савдо хизматлари.

Умумий овқатланиш ва савдо хизматлари даражасининг 115,7% ўсиши, чакана савдо айланмасининг 114,7% га ўсишига, дўконларнинг, айниқса қишлоқ жойлардаги ва аҳоли пунктидан узоқда жойлашган дўконларнинг маҳсулотлар билан таъминланишига, шунингдек, янги савдо инфраструктурасини ташкил этилишига олиб келди.

Тахлил этилаётган жорий йилда 3584 чакана савдо корхоналари ташкил этилди, 821 та башорат қилинган эди. Жумладан, 2062 та корхона қишлоқ жойларда ташкил этилди (башорат бўйича 579 та). 2010 йилда 689 та умумий овқатланиш корхоналари ташкил этилди, шулардан 497 таси қишлоқ жойларда ташкил этилди, 302 та эса башорат қилинган эди.

Комплекс хизматларни ривожлантиришга шарт-шароитлар яратиш мақсадида “Гузар” шаклида 59 та савдо-маиший мажмуалари ташкил этилди, башорат бўйича 31 та эди, шу жумладан 43 та мажмуя қишлоқ жойларда ташкил этилди, башорат бўйича эса 24 та. Бу эса қишлоқ аҳолисининг хизмат кўрсатишга бўлган талаб даражасини янада ошишига олиб келди.

Сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастурини бажариш жараёнида республика, вилоят ва вилоятлараро ихтисослаштирилган улгуржи-савдо базаларини ташкил этиш бўйича амалий тадбирлар амалга оширилди, уларнинг фаолияти ва ҳом ашё таъминоти йўлга қўйилди. Республика ихтисослаштирилган улгуржи-савдо базаларига минтақавий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базаларни шаклантиришда ва уларга юқлатилган вазифаларни бажаришида ёрдам кўрсатилди.

5.2.2-жадвал

2007-2010 йилларда Ўзбекистон республикаси минтақалари бўйича савдо ва умумий овқатланиш хизматларини ривожланиш ҳолати(солишиштирма нархларда)

Ўтган йилга нисбатан %да

Минтақалар номи	Хизмат ҳажмининг ўсиши							
	2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил	
	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
Ўзбекистон Республикаси	16,2	132,5	117,8	126,8	119,0	121,8	121,5	116,9
Шу жумладан:								
Корақалпогистон Республикаси	118,4	130,8	118,6	124,6	118,8	119,1	121,0	117,5
Андижон вилояти	113,8	132,0	114,5	120,0	115,5	116,2	118,0	113,0
Бухоро вилояти	117,8	159,4	118,2	123,5	118,8	119,0	121,0	113,5
Жиззах вилояти	114,6	130,6	115,5	108,0	118,0	115,5	120,2	125,0

Қашқадарё вилояти	119, 1	123,0	119,2	117,4	119,7	120,8	122,0	113, 5
Навоий вилояти	122, 0	136,8	122,2	124,5	122,5	130,3	123,0	123, 0
Наманган вилояти	122, 0	124,5	125,0	126,0	125,0	125,0	132,2	121, 0
Самарқанд вилояти	112, 9	139,1	113,0	145,2	113,2	122,2	115,4	121, 0
Сурхондарё вилояти	120, 0	128,8	121,0	131,4	121,5	113,5	122,0	117, 0
Сирдарё вилояти	112, 0	134,9	115,0	127,6	118,0	120,9	120,0	119, 0
Тошкент вилояти	116, 5	144,6	116,8	131,0	117,0	128,8	119,2	108, 0
Фарғона вилояти	111, 6	128,8	120,0	120,0	125,0	124,9	127,1	130, 0
Хоразм вилояти	119, 4	126,9	124,0	122,6	125,0	125,4	127,6	114, 5
Тошкент шаҳри	115, 5	127,1	116,0	128,2	117,0	119,5	119,0	117, 0

2. Хизматлар ва транспорт.

Транспорт хизматларининг ўсиши башорат бўйича 118,9% белгиланган бўлса, амалда 121,5% ни ташкил этди. Умуман олганда барча миңтақаларда транспорт хизматларининг хажми ўсиши таъминланди. Транспорт хизматларининг ўсиш суврати асосан транспорт инфратузилмасининг кенгайиши ва йўловчиларни ташиш бўйича янги маршрутли йўналишларни ташкил этилишида номоён бўлди. Йўловчиларни ташиш бўйича маршрутли йўналишларининг сони режага нисбатан анча юқори кўрсаткичга эга. 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра республикада йўловчиларни ташиш бўйича 3721 маршрут фаолият кўрсатмоқда (башорат-3687 маршрут). Шаҳар ичидағи маршрутлар 2140 (башорат 2053 та) тани ёки республикадаги умумий маршрутлар сонининг 57,7 фоизини ташкил ташкил этди. Вилоятлар ичидағи шаҳарлараро йўловчи ташиш маршрутлари 351 тани ташкил этди, бу эса режа тўла мос келади. Вилоятлар ўртасидаги шаҳарлараро маршрутлар сони 2011 йил 1 январ ҳолатига кўра 250 тани ташкил этди. Қишлоқ жойлардаги транспорт хизматларининг улуши 44,1% га етди.

5.2.3-жадвал

2007-2010 йилларда Ўзбекистон республикаси миңтақалари бўйича транспорт хизматларини ривожланиш ҳолати (солиштирма нархларда)

Ўтган йилга нисбатан %да

Миңтақалар номи	Хизмат ҳажмининг ўсиши							
	2007 год		2008 год		2009 год		2010 год	
	Режа	амал да	режа	амал да	режа	амалд а	режа	амалда
Ўзбекистон Республикаси	114,3	117,6	116,9	119,7	119,3	118,6	121,8	124,2
Шу жумладан:								
Қорақалпоғистон Республикаси	114,0	125,3	114,0	120,5	115,5	123,4	116,0	117,0
Андижон вилояти	107,0	130,4	108,8	123,6	110,2	123,5	111,1	130,0
Бухоро вилояти	114,3	115,9	115,5	125,9	125,8	126,4	136,0	120,0

Жиззах вилояти	107,3	118,9	108,0	120,2	109,1	109,1	109,3	133,3
Қашқадарё вилояти	112,4	114,3	114,9	132,6	117,3	117,6	120,0	132,4
Навоий вилояти	118,2	119,4	121,0	123,6	124,0	135,4	125,4	140,1
Наманган вилояти	112,1	127,6	115,0	129,2	120,0	126,7	133,0	133,7
Самарқанд вилояти	114,0	125,9	116,0	124,6	118,0	118,4	120,0	119,0
Сурхондарё вилояти	120,5	146,8	141,0	115,0	143,0	114,6	145,0	121,4
Сирдарё вилояти	110,2	106,9	110,5	125,0	110,8	115,0	113,0	122,0
Тошкент вилояти	124,5	111,8	124,8	131,0	125,5	126,0	125,9	136,4
Фарғона вилояти	112,8	112,2	114,2	115,3	115,9	125,2	117,4	123,1
Хоразм вилояти	118,0	122,6	119,0	121,7	119,5	120,2	122,0	118,0
Тошкент шаҳри	105,0	113,4	105,7	110,1	106,5	110,6	107,0	116,0

3. Ахборотлаштириши ва алоқа хизматлари.

Республикада замонавий хизмат турларини ривожлантиришга йўналтирилган бир қатор чора тадбирлар қабул қилинган, уларга ахборотлаштириш ва алоқа хизматлари ҳам киради. Тармоқда рақамли технологияларга асосланган янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Натижада ахборотлаштириш ва алоқа хизматларининг 129,0% га ўсишига эришилди.

2010 йил якунида 517 та шаҳар ва 101 қишлоқ почта алоқаларига информацион технологиялар асосидаги электрон пул ўтказмалари (403 та)хизматлари тадбиқ этилди. Натижада қишлоқ жойларида кўрсатилган ахборотлаштириш ва алоқа хизматларининг улуши 4% ташкил этди.

5.2.4-жадвал

2007-2010 йилларда Ўзбекистон республикаси минтақалари бўйича алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини ривожлантириш ҳолати (солиштирма нархларда)

Ўтган йилга нисбатан %да

Минтақалар номи	Хизмат ҳажмининг ўсиши							
	2007 год		2008 год		2009 год		2010 год	
	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
Ўзбекистон Республикаси	120,7	151,5	125,2	140,1	130,0	121,6	130,0	101,9
Шу жумладан:								
Қорақалпогистон Республикаси	114,1	155,2	116,5	134,4	123,0	121,5	126,4	116
Андижон вилояти	117,0	133,2	120,0	121,6	127,5	113,6	128,9	109
Бухоро вилояти	131,5	154,0	132,0	134,3	137,0	125,1	140,0	102
Жиззах вилояти	114,1	236,7	116,0	131,0	125,0	113,6	128,0	102
Қашқадарё вилояти	117,0	160,4	120,0	152,1	130,0	108,4	130,0	117
Навоий вилояти	123,0	133,2	124,0	133,5	130,0	150,3	131,0	116
Наманган вилояти	125,0	177,2	128,0	146,0	130,0	118,9	132,0	109
Самарқанд вилояти	118,0	174,8	127,6	153,7	130,0	103,9	131,0	113
Сурхондарё вилояти	121,0	165,1	125,0	142,9	128,0	183,0	130,0	117
Сирдарё вилояти	117,8	176,3	120,0	124,9	125,0	143,0	128,0	112
Тошкент вилояти	126,0	157,3	130,0	141,4	132,0	145,0	133,0	108
Фарғона вилояти	131,5	167,2	133,0	138,9	135,5	130,0	136,0	116
Хоразм вилояти	122,0	150,2	126,2	130,1	132,0	119,3	135,0	114
Тошкент шаҳри	120,0	145,8	125,0	141,3	129,7	118,8	128,5	96

4. Молия-банк хизматлари.

2010 йил молия хизматлари 122,6% ни ташкил этди.

Молия инфратузилмасининг ўсиши, бутун республика бўйлаб ўзига ҳос кўринишга эгадир. Амалга оширилган тадбирлар натижасида ахолининг пул қўйилмалари 1,5 баробарга ёки 52%га ўсди ва 4185,0 млрд. сўмни ташкил этди, банкларнинг кредит қўйилмалари эса, 1,3 баробарга кўпайди. 2010 йил кредит қўйилмаларининг умумий ҳажми 11539,3 млрд. сўмни ташкил қилди.истеъмол кредитларининг ўсиши 1,1 баробар даражада таъминланди. Терминал орқали операцияларнинг ҳажми 2,5 баробарга кўпайди ва 5700,1 млрд. сўмга етди. 7,9 млн. дона пластик карточкалар амалиётга жорий қилинди.

Кичик бизнес субъектларига берилган кредитларнинг ўсиши 1,5 баробарни ташкил этди, режага нисбатан эса 12,8% ўсишга эришилди. Умуман олганда кичик бизнес субъектларига 261,2 млрд. сўм миқдордаги маблағ ажратилди.

2010 йил якунига кўра республикада 848 турдаги суғурта хизматлари жорий қилинди. Қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари учун суғурталашнинг замонавий турлари жорий қилинди (ҳосилни суғурталаш, қорамол, қишлоқ хўжалиги техникаларини суғурталаш ва х.к.). 2010 йил суғурта қилиш хизматлари ҳажми 171,4 млрд. сўмни ташкил этди.

5.2.5-жадвал

2007-2010 йилларда Ўзбекистон республикаси минтақалари бўйича молия-банк хизматларини ривожланиш ҳолати (солиширма нархларда)

Ўтган йилга нисбатан %да

Минтақалар номи	Хизмат ҳажмининг ўсиши							
	2007 год		2008 год		2009 год		2010 год	
	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
Ўзбекистон Республикаси	117,2	123,8	120,5	132,2	123,5	124,7	126,5	121,1
Шу жумладан:								
Корақалпогистон Республикаси	117,0	125,6	117,5	106,7	119,0	106,5	124,5	112,9
Андижон вилояти	118,0	122,2	119,5	121,3	122,6	139,2	125,6	109,0
Бухоро вилояти	119,5	153,9	121,0	124,1	125,3	117,5	128,1	105,0
Жиззах вилояти	116,0	115,8	117,9	111,6	120,0	116,7	124,4	135,0
Қашқадарё вилояти	115,0	115,1	117,0	130,2	120,0	110,5	125,5	113,0
Навоий вилояти	117,0	119,9	119,8	123,0	122,0	125,3	125,6	113,0
Наманган вилояти	115,5	107,3	117,9	123,1	121,5	124,0	124,5	12,0
Самарқанд вилояти	120,0	128,6	123,2	179,6	125,0	109,8	129,1	123,0
Сурхондарё вилояти	114,2	114,3	119,0	136,5	121,6	140,2	124,4	115,0
Сирдарё вилояти	114,0	99,6	118,0	119,5	121,0	122,8	124,0	115,0
Тошкент вилояти	122,0	131	123,5	127,2	124,0	116,6	126,0	118,0
Фарғона вилояти	122,0	121,4	125,5	125,6	127,0	119,1	128,5	113,0
Хоразм вилояти	119,8	103,8	122,0	112,6	124,2	111,8	126,0	111,0
Тошкент шаҳри	116,0	131,4	120,5	145,1	124,6	134,0	127,2	127,0

5. Туристик-экскурсия ва меҳмонхона хизматлари.

Туристик хизматларнинг ўсиш сұйрати 112,7% ни, кўрсатилган хизматлар ҳажми эса, 46,8 млрд. сўмни ташкил этди. Тахлил этилаётган даврда туристлар оқими 937,1 минг кишини ёки режага нисбатан 100,4% ни ташкил этди. “Шахристон” меҳмонхонасига ташриф буюрган туристлар сони 266 кишини ташкил этди. “Ўзбектуризм” Миллий компанияси инвентари ва маҳсус меҳмонхона жихозларини ва туристларга хизмат кўрсатишни яхшилаш

мақсадида 15 дона транспорт воситаларини сотиб олди, 2010 йилга эса 20 та транспорт воситаси режалаштирилган эди.

Мехмонхоналарда хизмат кўрсатиш хажми 87,4 млрд. сўмни ёки 2009 йилга нисбатан ўсиш даражаси 109,0% ни ташкил этди.

5.2.6-жадвал

2007-2010 йилларда Ўзбекистон республикаси минақалари бўйича туристик экскурсион хизматларини ривожланиш ҳолати (солиширма нархларда)

Ўтган йилга нисбатан %да

Минтақалар номи	Хизмат ҳажмининг ўсиши							
	2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил	
	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
Ўзбекистон Республикаси	119,3	122,3	121,3	126,3	123,4	130,4	127,5	110,6
Шу жумладан:								
Қорақалпогистон Республикаси	109,1	129,3	110,5	167,1	111,3	126,7	113,5	125
Андижон вилояти	115,6	483,6	118,0	138,1	119,5	128,8	120,0	132
Бухоро вилояти	119,0	118,7	120,0	127,2	120,2	101,2	128,0	105
Жиззах вилояти	118,0	218,2	118,5	177,4	120,0	106,2	122,0	125
Қашқадарё вилояти	118,0	123,4	119,5	126	124,0	116,3	130,0	130
Навоий вилояти	122,0	170,5	123,5	139,1	124,0	130,7	125,0	107
Наманган вилояти	115,0	117,7	118,0	0	122,0	127,6	125,0	115
Самарқанд вилояти	118,0	128	122,0	158,4	125,0	141,8	129,0	103
Сурхондарё вилояти	116,0	226,6	116,5	125	118,0	175,2	120,0	115
Сирдарё вилояти	110,0	18,3	120,0	0	130,5	113,1	135,0	2,6
Тошкент вилояти	120,0	127	122,0	177,4	123,5	191,0	125,0	140
Фарғона вилояти	118,0	118,1	119,5	113,2	122,0	123,0	123,0	103
Хоразм вилояти	115,0	126,2	120,0	200	121,1	105,1	130,0	105
Тошкент шаҳри	121,0	124,4	122,0	118,3	123,5	135,3	128,0	115

5.2.7-жадвал

2007-2010 йилларда Ўзбекистон республикаси минақалари бўйича меҳмонхона хизматларини ривожланиш ҳолати (солиширма нархларда)

Ўтган йилга нисбатан %да

Минтақалар номи	Хизмат ҳажмининг ўсиши							
	2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил	
	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
Ўзбекистон Республикаси	120,0	133,5	122,5	122,5	125,3	112,3	130,0	118

Шу жумладан:								
Қорақалпоғистон Республикаси	109,5	210,4	111,0	113,7	114,8	113,7	120,0	103
Андижон вилояти	116,2	119,9	119,5	123,6	122,0	126,8	125,0	120
Бухоро вилояти	119,2	142,8	120,1	125,3	124,2	102,7	130,0	106
Жиззах вилояти	118,2	154,2	118,5	132,7	120,5	126,7	122,0	122,1
Қашқадарё вилояти	118,0	121,2	119,8	120,5	124,0	100,6	130,0	120
Навоий вилояти	122,0	138,4	123,5	121,2	124,0	125,4	125,0	116
Наманган вилояти	115,5	149,5	118,5	220	122,2	165,7	125,0	130
Самарқанд вилояти	117,5	133,6	123,6	144	127,0	127,1	134,0	100
Сурхондарё вилояти	116,5	113,5	117,5	104,8	118,0	110,8	122,5	130
Сирдарё вилояти	111,0	104,9	120,0	124,1	128,0	128,3	135,0	65
Тошкент вилояти	120,0	128,5	122,0	161,9	123,5	148,8	125,0	110
Фарғона вилояти	118,5	137,9	120,0	116,2	122,0	146,6	126,0	114
Хоразм вилояти	116,0	127,4	120,2	168	121,5	100,0	130,0	106
Тошкент шаҳри	122,0	143,2	124,5	143,2	127,8	110,0	132,1	122

6. Майший-коммунал хизматлар.

Майший-коммунал хизматларнинг ўсиши 101,5% ни ташкил этди. 2010 йил якунига кўра 4083 та маҳаллий котёллар ўрнатилди, шу жумладан 2730 таси газга, 1353 таси табиий газ ва шунга ўхшаш ёқилғи турларида ишлайди.

2010 йилда аҳолига умумий ҳажми 789,5 млрд. сўмга teng миқдорда майший хизматлар кўрсатилди ва 2009 йилга 114,9% ўсишга эришилди.

Қабул қилингандастурни ривожлантиришга мавжуд имкониятлардан фойдаланиш ўз самарасини берди, шунингдек бозор тузилмаси ҳам ўз таъсирини ўтказди. 2010 йилда 562 та тикувчилик ательельари ва устахоналари, шунингдек қишлоқ жойларда 417 та (режа бўйича 366 ва 264) цехлар ташкил этилди; 442 та оёқ кийимларини таъмирлаш устахоналари, қишлоқ жойларда эса 367 та (режа бўйича 386 ва 323) устахоналар ташкил этилди; 257 дона фотосалон, қишлоқ жойларда эса 182 дона (режа бўйича 211 ва 151) ташкил этилди.

5.2.8-жадвал

2007-2010 йилларда Ўзбекистон республикаси минтақалари бўйича майший-коммунал хизматларини ривожланиш ҳолати (солишиштирма нархларда)

Ўтган йилга нисбатан %да

Минтақалар номи	Хизмат ҳажмининг ўсиши							
	2007 йил		2008 йил		2009 йил		2010 йил	
	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
Ўзбекистон Республикаси	115,8	111,1	118,7	110,4	122,0	103,1	125,0	103
Шу жумладан:								
Қорақалпоғистон Республикаси	117,0	112,5	118,0	108,1	122,1	108,7	123,4	111,0
Андижон вилояти	114,0	119,6	117,5	111,2	123,8	106,5	125,9	100,0
Бухоро вилояти	112,7	116,0	114,5	108,2	116,9	101,9	119,2	104,0
Жиззах вилояти	118,6	109,1	119,0	102,4	119,2	100,1	119,5	106,0
Қашқадарё вилояти	120,5	110,2	123,1	96,9	125,0	95,2	125,5	101,0

Навоий вилояти	120,0	123,3	124,1	122,3	127,2	105,8	131,4	102,5
Наманган вилояти	117,0	100,9	119,1	97,2	127,2	111,0	136,5	104,5
Самарқанд вилояти	109,0	112,2	110,6	102,6	112,0	103,0	113,0	107,0
Сурхондарё вилояти	128,0	116,3	130,1	103,6	134,0	102,8	135,0	100,0
Сирдарё вилояти	120,7	147,9	120,8	108,2	123,0	115,2	123,5	104,0
Тошкент вилояти	117,0	108,5	118,0	121,2	120,0	109,0	120,2	102,8
Фарғона вилояти	127,0	112,7	128,5	124,2	130,0	101,9	132,5	109,0
Хоразм вилояти	111,0	102,9	117,0	114,7	118,0	106,7	122,0	110,0
Тошкент шаҳри	102,0	102,6	105,0	107,0	106,5	95,1	108,5	97,0

7. Автомобил ва бошқа техникаларни таъмирлаши бўйича хизмат кўрсатиши
хажмининг ўсиши 124,4% ташкил этди, режада эса 123,8% эди.

8. Хизмат кўрсатиши соҳасида тадбиркорлар ташаббусини молиялаштириши.

Хизмат кўрсатиши соҳаси корхоналарини ташкил этиш “Микрокредитбанк” тижорат банкининг бандликни кўллаб-куватлаш Фонди хисобидан молиялаштирилди. Кредит қўйилмалари ҳажми 15,9 млрд. сўмни ташкил этди, режада эса 14,9 млрд. сўм эди.

6-БОБ. МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР, УНИНГ КҮЛАМИ

6.1. Мамлакатни модернизациялашда инвестициялар ва уларнинг аҳамияти

Юртбошимиз 2010 йилда мамлакатни модернизациялаш бўйича эришилган ютуқ ва натижаларни келтириб ўтар экан, асосий эътиборни иқтисодиётга киритилган инвестициялар ва уларнинг салмоғига қаратди. Маълумки, иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестициялар ҳажми ва унинг архитектураси муҳим аҳамият касб этади. Шуларни инобатга олган ҳолда, Президентимиз томонидан республика иқтисодий сиёсати истиқболини белгилаб беришда устувор йўналишлардан бири сифатида инвестицияларни кент жалб этиш, айниқса, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитларни яратишга эътибор қаратилмоқда.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ва бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб, жаҳонда инвестициялар учун қатъий рақобатли кураш изчил давом этмоқда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш, республика иқтисодиётига бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилинишини таъминлайдиган хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни такомиллаштириш, хорижий инвестицияларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини ўтказиш, маблағларни мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминловчи устувор йўналишларда ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам қилиш республикада ўтказилаётган инвестиция сиёсатининг асосий тамойилларидир.¹⁰

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буни биргина 2010 йилда киритилган жами инвестициялар ҳажмидан ҳам билиб олиш мумкин. Рақамларга назар соладиган бўлсак, ўтган 2010 йилда 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига teng бўлган инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич

Ялпи инвестиция – маълум давр ичida асосий воситалар ва номоддий активларни вужудга келтириш учун сарфланадиган инвестицион капиталнинг умумий ҳажми.

2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп эканлигидан далолатdir. Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илғор технологиялар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмida хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори 2 миллиард 400 миллион доллардан зиёдни ташкил этди.¹¹

Молиялаштириш манбалари таркибига тўхталашибиган бўлсак (1-жадвал), 2010 йилда умумий инвестициялар ҳажмida давлат бюджети маблағлари 7,4 фоиз; чет эл инвестициялари 28,8 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 47,3 фоизни ташкил этган.

Ушбу рақамлар 2011 йилда мос равишда давлат бюджети маблағлари 5,1 фоиз; чет эл инвестициялари 25,3 фоиз; корхоналар ва аҳоли маблағлари 49,0 фоиз ва бошқа манбалар 20,6 фоизга teng бўлиши башорат қилинмоқда.

¹⁰ Маҳмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўкув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 86 б.

¹¹ “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь, № 16 (5183).

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига teng миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

Ислом Каримов

6.1.1-жадвал

2005-2011 йилларда инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й. (прогноз)
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3
Корхоналар ва ахоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6


Кўрсаткичлар таҳлилидан хулоса қилиш мумкинки, бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз ҳукм суроғтган бир шароитда ҳам Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳидан жой олмоқда. Бунга албатта, мамлакатимизда олиб борилаётган ва узоқ стратегик мақсадларни кўзлаган инвестицион дастурлар ҳамда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги асосий омил бўлмоқда. 2006-2010 йиллар давомида Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилнган хорижий инвестициялар ҳажми 2010 йилда 2006 йилга қараганда 3,6 баробарга кўпайган. 2010 йилда тўғридан-тўғри инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг қарийб 84 фоизини, ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар эса атига 16,1 ташкил этган (1-расм). Ваҳоланки 2006 йилда ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар умумий хорижий инвестицияларнинг 23,7 фоизини ташкил қилган. Бу ҳам бўлса, Президентимиз томонидан мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнининг тўғри ва аниқ олиб борилаётганлигидан далолатdir.

Инвестиция мухити – бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий-хукуқий, ижтимоий ва бошқа шарт-шароитлар мажмуи.

Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлаштириш, хорижий инвестицияларни, аввало тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта қуроллантириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва булар асосида миллий иқтисодиётимизни барқарор ва динамик ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1213-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилга инвестицион дастури ҳақида”ги Қарори¹² тасдиқланган бўлиб, ушбу дастур асосидаги капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари таркибида банк тизими инвестицион кредитларининг аҳамияти юқори бўлмоқда. Ушбу дастурни амалга ошириш давомида 2010 йилнинг ўзидаёқ барча барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун йўналтирилган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал аҳамиятга эгадир. Буни биргина 2010 йилнинг ўзидаёқ Инвестиция дастури доирасида 200 дан зиёд лойиха амалга оширилганлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, йилига 50 мингта автомобиль ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, 200 минг тонна калий ўғитлари ишлаб чиқариш

¹² “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси”, 2009 й., 10-сон, 403-модда.


куватига эга бўлган “Дехқонобод калий ўғитлари заводи қурилиши”, “Хонжиза конида полиметалл рудаларга ишлов бериш” каби йирик лойиҳалар, Навоий комметаллургия комбинати, “Навоийазот” компаниясининг бир қатор янги обьектларни барпо этиш ишлари ва бошқа лойиҳалар ниҳоясига етказилди.¹³



6.1.1-расм. 2006-2010 йиллар давомида Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар динамикаси, млн. АҚШ доллари.

Чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият обьектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир хукуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир хукуқлар, шунингдек чет эл инвестицияридан олинган ҳар қандай даромад Ўзбекистон Республикаси худудида **чет эл инвестициялари** деб эътироф этилади.

¹³ “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараккиётини юксалтириш, ҳалқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласи”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажлисидаги маърузаси. Ҳалқ сўзи, 2011 йил 22 январь, № 16 (5183).



6.1.2-расм. 2005-2010 йиллар давлат Инвестиция дастурлари доирасида тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг жалб қилиниш динамикаси, млн. АҚШ доллари.

Юқорида келтирилган расмдан кўриш мумкинки, 2010 йилда иқтисодиётга киритилган туғридан-тўғри инвестициялар 2009 йилга нисбатан 10,5 фоизга ошган ва унинг катта қисми, яъни 60,1 фоизи нефт-газ тармоғини модернизациялашга, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуришга ва геология қидирув ишларига сарфланган. Агар ушбу кўрсаткич таҳлилини 2005 йилга нисбатан оладиган бўлсак, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармоялар 2010 йилда қарийб беш баробарга кўпайганлигини қайд этиш мумкин.

Президентимизнинг 2010 йилда мамлакат иқтисодиётига киритилган умумий инвестициялар ЯИМнинг қарийб 25 фозини ташкил этганлиги тўғрисидаги таҳлилларини давом эттирган ҳолда таъкидлаш мумкинки, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар ЯИМнинг қарийб 6,8 фоизини ташкил қилмоқда. Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини ва инвестиция муҳитига таъсир кўрсатувчи ижобий омиллардан бири сифатида сиёсий ва макроиктисодий барқарорликни ва инвесторлар ҳукуқларининг ишончли кафолати таъминланганлигини санаб ўтиш лозим (6.1.2-расм).

Барча молиявий манбалар ҳисобидан техник ва технологик қайта жиҳозлаши учун йўналтириладиган инвестициялар ҳажми 3 миллиард 800 миллион доллардан ошгани ёки 2010 йилдаги барча капитал қўйилмаларнинг 37,5 фоизини ташкил этгани принципиал мухим аҳамиятга эгадир.

Ислом Каримов

Ўзбекистон капитални импорт қилувчи **мамлакат** сифатида жаҳон майдонига чиқар экан, бир қатор муайян манфаатларни кўзлайди. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатга хориждан янги технологиялар, ускуналар, “ноу-хау”ни олиб киришга, чет эллик мутахассислар, эксперталар ва маслаҳатчиларни жалб қилиш орқали маҳсулот сифати ва ишчи кучи малакасини оширишга эришиш мумкин.

Шунингдек, хориж сармоялари ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, қўшимча иш ўринларига эга қиласди, янги техника, технологияларни иқтисодиёт тармоқларига олиб

Инвестицион лойиҳа - бу барпо этилаётган ёки модернизация қилинаётган объектлар, технологик жарабёнлар ва улар учун техник ва ташкилий ҳужжатлар, моддий, молиявий, меҳнат ва бошқа ресурсларни яратиш билан боғлиқ тадбирлар ва бошқарув қарорлари бажарилишини ўз ичига оладиган мақсад тизимиdir.

киради, мамлакат иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ёрдам беради.

6.2. Мамалқат иқтисодиётига киритилган хорижий инвестициялар таҳлили

Юртимизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнини фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашишини назарда тутади. Очиқ бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Фарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга барқарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни хамкорликка жадал жалб этмоқда.

Айни дамда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни барпо этиш қўйидаги босқичларни ўз ичига олмоқда: корхонани ташкил этиш сабабларини инобатга олиш; ишончли шерик танлаш; хорижий ининвестициялар иштирокидаги корхона барпо этиш ҳақида қарор қабул қилиш.

ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ИЖОБИЙ ОМИЛЛАР

Сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик

Инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари

Ишлаб чиқариш учун зарур инфратузилмаларнинг мавжудлиги

Хом ашё базаси ва ундан фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги

**Бозорларнинг нисбатан қулай географик жойлашуви
ва оптимал транспорт коридорларининг мавжудлиги**

Малакали иш кучининг мавжудлиги (институт, коллеж ва б.)

**Инвесторларга бериладиган солиқ ва божхона тўловлари
бўйича имтиёз ва афзалликлар**

6.2.1-расм.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани ташкил этиш сабабларининг асосан уч туркумини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар, ички, ташқи ва стратегик.

Ички сабаблар таркиби қўйидагилардан иборат:

- ❖ яратилган инвестиция муҳитидан фойдаланиш;
- ❖ бошқарувнинг янги усусларини ўзлаштириш;
- ❖ замонавий ва энг қулай тартибга эришиш;
- ❖ маҳаллий ишчи кучи ресурсларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш;
- ❖ хориж бозорига кириб боришни тезлаштириш;
- ❖ ижтимоий, маданий ва сиёсий билимларни кенгайтириш;
- ❖ ходимлар малакасини ошириш.

Ташқи сабаблар таркиби қўйидагича:

- ❖ жаҳон бозорига чиқиш;
- ❖ соғлом ва самарали рақобат муҳити;

- ❖ сиёсий кескинликнинг юмшиши;
- ❖ маҳаллий хокимиятнинг талаблари.

Стратегик сабаблар таркиби қўйидагилардан иборат:

- ❖ мамлакатда замонавий иш юритиш усулларидан фойдаланиш имконияти;
- ❖ мустаҳкам хом ашё базасига эга бўлиш;
- ❖ технологиялар трансферти;
- ❖ ишлаб чиқаришни кенгайтириш.¹⁴

Корхоналарни инвестицион фаолиятини ривожлантириш истиқболларини инвестицион дастур доирасида ҳамда алоҳида илмий асосланган лойиҳаларни ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Инвестицион лойиҳалар турли шакл ва мазмунга зга бўлиб, улар корхоналарни барпо этиш, турли объектларни қуриш, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа мақсадларни амалга оширишга йўналтирилади.

Республикамизда хорижий инвестицияларни жалб қилиш йўли билан самолётсозлик, радиоэлектроника, электроника соҳаларининг ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуналар, қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация воситалари ишлаб чиқаришни таъминловчи бошқа истиқболли тармоқлар, ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари амалга оширила бошланди.

Эндиликда Президент И.А.Каримовнинг ғояларидан келиб чиқиб, бошланган таркибий ўзгаришларни давом эттириш, уларни янги йўналишга ўтиш дастурлари, чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мўлжалланмоқда:

- республика иқтисодиётининг юқори самарали, экспортга йўналтирилган тузилмасини шакллантириш;
- иқтисодиётнинг ўзак тармоқларини техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;
- енгил ва қайта ишлаш саноати корхоналарини техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш;
- юқори технологияни ва илмталаб ишлаб чиқаришларни жадал ривожлантириши.¹⁵

6.2.1-жадвал

Инвестиция соҳасидаги макроиқтисодий кўрсаткичлар динамикаси

Кўрсаткичлар	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011*
Амалдаги баҳоларда, жами, млрд. сўм	3165,2	4041,0	5479,7	8587,1	12531,9	15409,1	20721,8
Жорий йилга нисбатан % ҳисобида	107,0	109,1	122,9	128,3	124,8	109,2	112,6
ЯИМда инвестиция миқдори, %	20,8	19,5	19,4	22,7	26,1	24,9	26,8
Марказлашган инвестициялар амалдаги баҳоларда, млрд.сўм	755,8	915,8	1099,7	1717,0	2517,9	2855,3	4696,5
Капитал қўйилмаларда марказлашган инвестициялар миқдори, %	23,9	23,1	20,1	20,0	20,1	18,5	22,7
Марказлашмаган инвестициялар амалдаги баҳоларда, млрд. сўм	2409,4	3109,0	4380,0	6870,1	10014,1	12553,8	16025,4

¹⁴ Махмудов Н.М, Маджидов Ш.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010. – 89-90 б.

¹⁵ Абулқосимов Х.П. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар. – Т., Akademiya, 2008.

Капитал қўйилмаларда марказлашмаган инвестициялар миқдори, %	76,1	76,9	79,9	80,0	79,9	81,5	77,3
---	-------------	-------------	-------------	-------------	-------------	-------------	-------------

2010 йилда иқтисодиётга киритилган инвестициялар ҳажми амалдаги баҳоларда жами 15409,1 миллиард сўмни ташкил этди (2-жадвал). Ушбу кўрсаткич 2011 йилда 20721,8 млрд.сўмни ташкил этиши ва ўтган 2010 йилга нисбатан 12,6 фоизга ортиши режалаштирилмоқда.

Умумий инвестицияларда марказлашган инвестицияларнинг улуши таҳлил қилинаётган, яъни 2010 йилда 18,5 фоизни, қолган 81,5 фоизи эса марказлашмаган инвестициялардан иборат бўлди. Ваҳоланки, ушбу кўрсаткичлар 2002 йилда бошқача нисбатни ташкил қилган, яъни мос равишда марказлашган инвестициялар умумий инвестицияларнинг 20,8 фоизини, марказлашмаган инвестициялар эса 76,1 фоизини ташкил этган. Бундан кўриш мумкинки, динамикада ялпи инвестицияларда марказлашган инвестицияларнинг улуши камайиб борган.

Аммо шуни ҳам қайд этиш лозимки, бугунги кунда инвестиция муҳитига бир қанча салбий омиллар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Булар сирасига мавжуд инфратузилмалардан фойдаланишдаги муаммоларни келтириш мумкин. Шунингдек, солик, божхона, банк соҳасида ва инвесторларга ер ажратиш билан боғлиқ тўсиқлар ҳам тез-тез учраб турибди (6.2.2-расм). Шу ўринда Президентимизнинг қуидаги ибораларни эсга олиш жоиз, яъни “Барчамиз оддий бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз даркор – инвестицияларсиз модернизация ҳам, янгилаш ҳам бўлмайди”.¹⁶

ИНВЕСТИЦИЯ МУХИТИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ САЛБИЙ ОМИЛЛАР

**Инвесторлар учун яратилган имтиёз ва афзаликлардан
фойдаланишдаги тўсиқлар
иёсий ва макроинтисодий барқарорлик**

**Солик, божхона, банк соҳаларида, шунингдек инвесторларга
ер ажратиш билан боғлиқ муаммо ва тўсиқлар**

**Мавжуд инфратузилмадан фойдаланишдаги муаммолар
(электр энергия, газ, сув, иссиқлик манбаи, канализация ва б.)**

**Тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятини назорат
қилувчи органлар томонидан текширувларнинг кўплиги**

**Бозорларнинг нисбатан ноқулай географик жойлашуви
ва оптималь транспорт коридорларининг мавжуд эмаслиги**

**Махаллий ҳокимликлар томонидан у ёки бу масалаларни ҳал
етишига оид қарорларни тезкорлик билан қабул қилинмаслиги,
бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги**

6.2.2-расм.

¹⁶ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз таракқиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2010.

6.3. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида инвестицияларнинг ўрни ва роли

Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, **мустақиллик йилларида Республикаизга 33,6 млрд. АҚШ долларидан зиёд хорижий инвестициялар жалб этилган**. Мазкур инвестицияларнинг барчаси асосан етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди. Хусусан, охирги йилларда амалга оширилиши тугалланган йирик инвестицион лойиҳаларни келтириб ўтадиган бўлсак, улар қуидагилардир:

➤ Янги русумдаги 480 дан ортиқ MAN оғир юқ автомобиллари ҳамда 7797 дона Спарк M300 енгил автомобиллар ишлаб чиқарилди (инвестиция ҳажми – 31,3 млн.долл.

ва 3 млн.евро);

➤ Йилига 30,0 млрд.куб.м. газни транзит қилиш қувватига эга бўлган “Ўзбекистон-Хитой” газ кувури ишга туширилди (инвестиция ҳажми – 3168,9 млн.долл.);

➤ Кўқдумалоқ конида йилига 6 млрд.куб.м. йўлдош газларни утилизация қилиш станцияси қурилди (инвестиция ҳажми – 373,0 млн.долл.);



➤ Хаузак конида йилига 3 млрд. метр куб газни бирламчи тайёрлов мосламаси ишга туширилди (ЛУКОЙЛ билан ҳамкорликда) (инвестиция ҳажми – 302,8 млн. долл.);

➤ «Тошгузар – Бойсун – Кумкўргон» йўналишидаги янги темир йўллар (инвестиция ҳажми – 34,4 млрд.сум);

➤ «Навоий – Учқудук – Султон Увайстоғ – Нукус» темир йўл линиясининг 6 та янги разезди ишга туширилди (инвестиция ҳажми – 6,8 млрд.сум);

➤ «Тукумачи-Ангрен» йўналишида янги темир йўллар (инвестиция ҳажми – 85,4 млн.долл.).

Инвестиция дастури - республика иқтисодиётини барқарор ва тадрижий ривожлантиришга эришишга, табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўли билан республика айrim тармоқлари ва минтақаларини таркибий ўзгартиришнинг асосий устуворликларини ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган бир-бири билан ўзаро боғланган чоратадбирлар комплекси.

2010 йилнинг 15 декабря мамлакатимиз Президентининг саноатни баркарор, жадал ва мутаносиб равишда ривожлантириш, асосий саноат тармоқларини диверсификация қилишга ва экспорт салоҳиятини ўстиришга йўналтирилган таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, саноат тармоқлари, комплекслари ва корхоналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш асосида уларнинг самарадорлиги ҳамда ракобатдошлигини янада ошириш мақсадида ПҚ-1442-сонли “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнингустувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда саноатни ривожлантиришнинг комплекс дастури ва модернизация қилиниши, техник ва технологик янгиланиши, янгидан барпо этилиши кутилаётган йирик инвестицион лойиҳалар акс этган бўлиб, тубандаги устувор йўналишлар белгилаб берилган:

- структура ҳосил қилувчи тармоқларни ва умуман саноатни ривожлантиришнинг аник, чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйланган узоқ муддатли истиқболларини ишлаб чиқиш, шу асосда иқтисодиётнинг асосий тармоқларини диверсификация қилишга йўналтирилган таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш;

- Ватанимиз саноат маҳсулотининг рақобатбардошлигини ошириш, республика саноати ва умуман иқтисодиётини ривожлантиришнинг жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга бојлиқлигини камайтириш мақсадида норматив кўрсаткичлар ва тарифларнинг барқарорлигини таъминлаш;

- Ўзбекистон Республикасининг жаҳон меҳнат тақсимотидаги роли ва ўрни юксалиб боришини таъминлайдиган энергетика, нефть-газ-кимё, кимё, тўқимачилик ва енгил саноат, рангли металлургия, машинасозлик ва автомобилсозлик, фармацевтика каби устувор тармоқларни илдам ривожлантиришга қаратилган саноатдаги таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сифатли ва чуқур қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, жаҳон бозорида доимий харидоргир бўлган, қўшилган қиймат улуши юқори рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқариш;

- саноат корхоналарини кенг миқёсда модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, уларни энг замонавий юқори технологик ускуналар билан жиҳозлаш, саноат тармоқларида замонавий илмий ютуқлар ва илJOR инновация технологияларини жадал татбиқ этиш, саноат учун юқори малакали кадрлар тайёрлашни кенгайтириш;

- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, маҳаллий хом ашёни чуқур ва сифатли қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини, экспортга мўлжалланган рақобатдош саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришни кўпайтиришни, уларни сотиш бозорлари кенгайтирилишини таъминлаш;

- ички саноат кооперацияси ва ишлаб чиқариш маҳаллийлаштирилишини янада ривожлантириш, саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, саноат корхоналарини мамлакатнинг барча минтақаларида жойлаштириш ва шу асосда импорт ўрнини босадиган маҳсулот ишлаб чиқарилишини, янги иш жойлари яратилиши ҳамда аҳолининг иш билан бандлиги ўсишини, одамларнинг даромадлари ва турмуш даражаси янада ошиб боришини таъминлаш;

- меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини изчил пасайтириш, энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни такомиллаштириш, нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатларни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

- саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда унинг ташки бозордаги рақобатдошлигини таъминлайдиган халқаро сифат стандартлари ва техник



регламентларни тизимли тарзда татбиқ этиш.¹⁷

2010 йилда “Навоий” эркин индустрiali иқтисодий зonasи ҳудудида хорижий инвесторлар билан эришилган битимлар доирасида 19 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишига киришилди. Ана шу лойиҳалар доирасида харидоргир бўлган замонавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган 7 та корхона фойдаланишига топширилди.

Ислом Каримов

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами. 2010 йил, 50-сон, 472-модда.

Келтирилган устувор йўналишларни амалга ошириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан жами **50** миллиард АҚШ долларига тенг бўлган **519** та лойиҳани ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Шундан молиялаштириш манбалари аниқ бўлган инвестицион лойиҳаларнинг сони 260 тани ташкил этгани ҳолда, ўзлаштириладиган маблағлар қиймати 30 074,2 миллион АҚШ долларига тенг.


Ишлаб чиқилаётган янги инвестиция лойиҳалар рўйхати бўйича:

- **6,03 млрд. доллар** истиқбол қийматига эга **99** та йирик тармоқ лойиҳалари, - **412 млн. долларга тенг 442 та худудий лойиҳаларни** амалга ошириш назарда тутилган.

Бундан кўриниб турибдики, ҳар йили саноатни ривожлантириш учун ўртacha 10 миллиард долларга тенг бўлган инвестицион маблағлар иқтисодиётга жалб қилинади. Бу эса, ўз навбатида, янги иш ўринларини ташкил этишни ва қўшимча даромадларнинг шаклланишини, шунинг билан бирга асосий макроиктисодий кўрсаткичлардан бири бўлган, яъни ЯИМнинг ўсишини таъминлашга ва натижада аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Мулоҳазаларни корреляцион ва регрессион таҳлиллар орқали мустаҳкамлаймиз. Бизга маълумки, ЯИМнинг шаклланишига бир қанча кўрсаткичлар (омиллар) таъсир кўрсатади. Шулардан бири инвестициялардир. Инвестиция билан ЯИМнинг чизиқли боғлиқлик тенгламасини статистик рақамларни киритган ҳолда EXCEL дастури орқали ҳисоблайдиган бўлсак, қуйидаги функция намоён бўлади (6.3.1-расм): $y = 0,535x - 5405$

Мазкур тенгламадан кўриш мумкинки, бошқа омиллар ўзгармас бўлган шароитда мультиплікатор самараси 2,15 га тенг бўлар экан. Бунидан, яъни инвестиция ҳажмининг бир миллиард сўмга ошиши ЯИМни 2,15 миллиард сўмга ўсишини таъминлайди деган хulosага келиш мумкин.



6.3.1-расм. ЯИМ билан инвестициялар, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг боғлиқлиги.

Худди шу таҳлилларни, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўрсаткичи билан ЯИМнинг боғлиқлигини алоҳида қараб чиқамиз. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми ва ЯИМ ўртасидаги чизиқли боғлиқлик тенгламаси $y = 0,935x - 2173$ га, қишлоқ хўжалиги билан


ЯИМ ўртасидаги чизиқли боғлиқлик тенгламаси эса $y = 0,391x + 473,6$ кўринишга эгадир. Ушбу омиллар билан ЯИМнинг чизиқли боғлиқлик графигини 3-расмда тасвирлаймиз. Расмда тасвирланганидек, ЯИМ билан юқори чизиқли боғлиқлик саноат ишлаб чиқариш ҳажми билан экан, яъни ўзгарувчиларнинг корреляция коэффициенти 0,935га тенг. Ушбу кўрсаткич мос равищда инвестиция билан 0,535 га, қишлоқ хўжалиги билан эса 0,391га тенг. Демак, келажакда ЯИМнинг ўсишига айнан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши юқори таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам Юртбошимиз томонидан қишлоқса саноатни олиб кириш, қишлоқ хўжалигида ортиқча бандликни қисқартириш ва бўшаган ишчи кучини янги иш ўринларини билан таъминлаш масаласига эътибор қаратилмоқда. Ва буларнинг барчасини амалга оширишда ўрта синф вакиллари бўлмиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга устуворлик қаратиш лозимлигини уқтироқдалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфи шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди.¹⁸

6.4. Худудий инвестиция дастурларига кирган лойиҳалар ва уларни молиялаштириш манбалари

Президентимиз томонидан 2011 йилда амалга оширишимиз лозим бўлган устувор вазифалардан бир сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг кредитлар, хом ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Бугунги кунда Республикаизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун куйидаги хорижий кредит линиялари фаолият олиб бормоқда (**жами 200 миллион долларлик**):

- Ислом тараққиёт банки – 15 млн.долл., LIBOR+2,5% (ИТБ маржаси) йиллик + 3% гача банк маржаси, 10 йилга;
- Хусусий секторни ривожлантириш буйича Ислом корпорацияси – 18.2 млн.долл., йиллик 12% гача, 5 йилга;



6.4.1-расм. Худудий инвестиция дастурига кирган лойиҳаларнинг худудлар бўйича тақсимланиши.

¹⁸ “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, ҳалкимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласади”. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига багишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажлисидаги маъруzasи. Ҳалқ сўзи, 2011 йил 22 январь, № 16 (5183).

- Хитой Тараққиёт банки – 75 млн.долл., LIBOR+4,5% йиллик + 3% гача банк маржаси; 7 йилга;
- Корея хукумати кредити 58,6 млн.долл., – CIRR ёки LIBOR + узбек банк маржаси, 5 йилгача;
- Германия Федератив Республикаси банклари –Euribor/LIBOR + хор.банк маржаси + банк маржаси, 6 йилгача: “Коммерцбанк” – 21,900 млн.долл.;, “Хипо Ферейне Банк” – 6,4 млн.евро.;, “ЛандесБанк Берлин АГ” - лимитсиз; КФВ банки.

2011 йилда ҳудудий инвестиция дастурига кирган лойиҳалар параметрлари хусусида фикрларни давом эттирадиган бўлсақ, Республика бўйича жами **759802,4** минг АҚШ долларига тенг бўлган инвестицион лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда (3-жадвал).. Мазкур лойиҳалар натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми **2166634,7** миллион сўмни ташкил этиши **30793** та янги иш ўринларининг яратилиши башорат қилинмоқда. Вилоятлар кесимида қараб чиқадиган бўлсақ, умумий лойиҳалар қийматида Тошкент шахрининг улуши 31,5 фоизни ташкил этаётгани ҳолда, энг юқори ўринни эгаллаб турибди. Шунингдек, лойиҳа доирасида прогноз вилинаётган даврда жами 310068,0 минг долларлик маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилмоқда. 2011 йилда амалга оширилиши кўзда тутилаётган инвестицион лойиҳаларнинг умумий сони 889 тани ташкил этгани ҳолда, шундан 146 таси енгил саноатни ривожлантиришга; 148 таси қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқаришга; 102 таси гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга; 43 таси нефт ва кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ва 450 таси қолган барча соҳаларга йўналтирилади. Ҳудудий тақсимланишига кўра 2011 йилда 156 та лойиҳа Навоий вилоятига, 99 та лойиҳа Тошкент шахрига, 63 та лойиҳа эса Сурхондарё вилоятига тўғри келади.

6.4.1-жадвал

Ҳудудий инвестиция дастурига кирган лойиҳалар параметрлари

	2011 йил прогнози		Маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик ҳажми (млн.сўм)	шу жумладан, экспортга (минг долл.)	Янги иш ўринлари сони, киши
	минг АҚШ долл.	Улуши, %			
Республика бўйича	759802,4	100,0	2166634,7	310068,0	30793
Қорақалпогистон Республикаси	16465,6	2,2	81882,5	4350,0	1710
Андижон вилояти	37743,0	5,0	93708,0	31180,0	1498
Бухоро вилояти	29671,3	3,9	37814,0	6250,0	1205
Жizzах вилояти	39149,5	5,2	102511,0	16900,0	2491
Қашқадарё вилояти	57286,7	7,5	93125,0	27181,2	2467
Навоий вилояти	28293,2	3,7	116181,0	2460,0	1551
Наманган вилояти	26223,8	3,5	85240,5	12440,0	3215
Самарқанд вилояти	38748,0	5,1	76313,1	1124,0	1613
Сурхондарё вилояти	45644,0	6,0	80535,8	6440,0	2135
Сирдарё вилояти	21300,0	2,8	230038,9	1970,0	1750
Тошкент вилояти	100773,8	13,3	240147,6	46275,8	3529
Фарғона вилояти	43628,7	5,7	192917,5	71100,0	3095
Хоразм вилояти	35093,0	4,6	189390,7	46000,0	1303
Тошкент шахри	239511,8	31,5	546829,1	36397,0	3231

Худудий инвестицион лойиҳаларнинг 19,3 фоизи корхона маблағлари; 43,1 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга; 21,3 фоизи хорижий кредитлар; 16,2 фоизи маҳаллий кредитлар орқали молиялаштирилиши кутилмоқда.

Давлат инвестиция дастурига лойиҳаларни киритишнинг ўзига хос талаблари мавжуд. Булар: инвестицион лойиҳанинг белгиланган тартибда тасдиқланган техник иқтисодий асосининг мавжудлиги; молиялаштириш манбаларнинг аниқлиги ва шартномада келишилган муддатда кредитларнинг

тўланиши; лойиҳа ташаббускори томонидан лойиҳа паспорти, амалга оширилиш графиги ва лойиҳа ҳолати ҳақида батафсил маълумотнинг тайёрлиги. Ушбу талаб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон Қарори билан тартибга солинади

Айтиб ўтилган фикрлар ва мулоҳазаларни умумлаштириб инвестициялардан фойдаланиш

самарадорлигини ошириш бўйича қуйидаги таклифларни қайд этиш мумкин:

- Тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолатгаров жамғармалари тизимини шакллантириш;
- Аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қофозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қофозларни муомалага чиқариш (уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);
- Ишлаб чиқарishни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қопладиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес обьектларига йўналтириш;
- Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг нокредит усусларидан бўлган лизинг, франчайзинг, факторинг кабилардан фойдаланишни кенгайтириш;
- Инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равишда фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар кўргазмасини ташкил қилиш ва ҳ.к.



7-БОБ. ТРАНСПОРТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БҮЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЛОЙИХАЛАР

7.1. Мамлакатимиз транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар

Маълумки, транспорт ва коммуникация инфратузилмаси мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида муҳим ўрин тутади. Шу сабабли транспорт ва коммуникация инфратузилмасини узлуксиз равишда ривожлатириб бориш республикамиз иқтисодиётининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Бу борада қатор дастурлар қабул қилиниб, улар ички ва ташқи манбалар ҳисобига молиялаштириб келинмоқда.

Таъкидлаш жоизки, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу лойиҳаларни учун йўналтирилган маблағлар мамлакатимизнинг барча тармоқ ва соҳаларига йўналтирилаётган инвестицияларнинг умумий ҳажмида салмоқли ҳиссага эга бўлмоқда. 2010 йилда автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 378 миллион долларга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилди. Бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 31,5 фоизга кўпайган. 2010 йилда мамлакатимизда ушбу маблағлар ҳисобидан 270 километрлик замонавий автомобил йўллари курилди ва фойдаланишига топширилди.

Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириши бўйича лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилган маблағлар инвестициялар умумий ҳажмида муҳим ўрин эгаллади. Ўтган йилнинг ўзида фақат автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиши учун 378 миллион долларга тенг бўлган маблағ ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 31,5 фоиз кўт демакдир. Шунинг ҳисобидан мамлакатимизда 270 километрлик замонавий автомобил йўли фойдаланишига топширилди.


Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикасининг қулай географик жойлашуви ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари орасида транспорт инфратузилмаси бўйича етакчи мавқега эгалигини ҳисобга олган хорижий инвесторлар ва молиявий муассасалар мамлакатимизда амалга оширилаётган истиқболли лойиҳаларда фаол иштирок этишга интилишмоқда. Бу борада Осиё тараққиёт банкини яққол мисол сифатида келтириш мумкин. Ушбу молиявий ташкилот билан Ўзбекистон миллий автомагистрали лойиҳаси таркибига кирадиган цемент-бетон қопламали 222 километрлик автомобил йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун 600 миллион доллар микдорида кредит маблағларини жалб қилиш тўғрисида шартнома имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишида транспорт хизматларининг аҳамияти бекиёсdir. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл атрофи инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ўз натижасини бериб, юк ва йўловчи ташиш, транспорт хизматларини кўрсатиш кўрсаткичлари ошиб бормоқда.

Агар ўн йил олдин, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялти ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил етган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишили равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди.

Ислом Каримов



7.1.1-расм. 2010 йилда Ўзбекистон Республикасида кўрсатилган хизматлар таркиби.

2010 йилда мамлакатимиз миқёсида жами 10031,30 миллиард сўмлик транспорт хизматлари кўрсатилди. Бу мамлакатимизда кўрсатилган барча хизматлар ҳажмида энг юқори улушни, яъни 32 %ни ташкил этади. Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 7,1 % га кўпdir.

2010 йилда транспорт хизматлари кўрсатиш доирасида 1173,2 миллион тонналик юк ҳамда 6045,3 миллион йўловчи ташилди ва прогноз кўрсаткичлар мос равишда 109,9 ва 106,2 фоиз қилиб бажарилди.(7.1.1-жадвал)

Коммуникация (лот. communicate - алоқа) - алоқа ва қатнов (транспорт коммуникациялари) воситалари, ахборот алмашиш муносабатлари.

7.1.1-жадвал

2010 йилда Ўзбекистон Республикасида юк ва йўловчи ташиш, транспорт хизматларини кўрсатиш ҳолати

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Январ-декабрь	2009 йил январ-декабрига нисбатан фоиз хисобида
Юк ташиш	млн. тн	1173,2	109,9
Йўловчилар ташиш	млн. киши	6045,3	106,2

Замонавий транспорт коммуникация тизимини яратиш мақсадида, 2010 йилнинг 9 ойлигига халқаро ва республика аҳамиятидаги умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини, шунингдек Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш учун 305,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар кўп демакдир.

2010 йилнинг 9 ойлигига халқаро ва республика аҳамиятидаги 191 км узунликдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция ишлари ниҳоясига етказилди.

Ўзбекистон Республикасида транспорт инфратузилмасини ривожлантириш баробарида транспорт воситаларини ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2010 йилда янги русумдаги 480 дан ортиқ “MAN” оғир юк автомобиллари ҳамда 7797 дона “Спарк М 300” енгил автомобиллар ишлаб чиқарилди. Ушбу лойиҳаларини молиялаштириш учун жами 31,3 млн. АҚШ долл. ва 3 млн. евро ҳажмида инвестиция жалб этилди.



2009-2013 йилларга мўлжалланган темир йўл тармоғини ривожлантириш ва модернизация қишлиш комплекс дастури доирасида 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида 232 миллион АҚШ доллари ҳажмида капитал қўйилмалар ўзлаштирилди.



2010 йилда ниҳоясига етказилган инвестиция лойиҳалар ичида инвестиция ҳажми 34,4 млрд.сўм бўлган «Тошгузар – Бойсун – Кумкўрғон» йўналишидаги янги темир йўлларни қурилишини яққол мисол тариқасида келтириш мумукин.

Шунингдек, 2010 йилда «Навоий–Учқудук – Султон Увайстоғ – Нукус» темир йўл линиясининг 6 та янги разезди ишга туширилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 6,8 млрд.сўмлик инвестиция киритилди.

2010 йилда инвестиция ҳажми 85,4 млн.АҚШ долл. Бўлган «Гукумачи-Ангрен» йўналишида янги темир йўллар ишга туширилди.

Сўнгги йилларда транспорт инфратузилмасини ривожлантириш дастурларида нафақат замонавий йўллар ва автомобилларга ёқилғи қуиши шахобчалари қурилишига, балки ҳайдовчи ва йўловчиларнинг сафар давомида мароқли дам олишлари ҳамда зарурий ҳолларда тегишли тиббий хизматлардан фойдаланишларига шароитлар яратишга ҳам кенг ўрин берилмоқда.

7.1.2-жадвал

Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл атрофи инфратузилмасини шакллантириш бўйича 2010 йилда амалга оширилган ишлар

Объектлар номи	Ўлчов бирлиги	2010 й.
Кемпинглар	дона	5
Мотеллар	дона	12
Кўп тармоқли ёқилғи қуиши шахобчалари	дона	22
Медицина ва авария-чақирув хизмати билан таъминланган техник ёрдам кўрсатиш пунктлари	дона	19
Автомобиллар учун қисқа тўхташ майдонлари ҳамда санитария гигиена тармоқлари	дона	24
Жами	дона	78

2010 йилда Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл атрофи инфратузилмасини шакллантириш бўйича 78 та объект, яъни 22 та кўп тармоқли ёқилғи қўйиш шахобчалари 5 та кемпинг, 12 та мотел, 19 та медицина ва авария-чақирав хизмати билан таъминланган техник ёрдам кўрсатиш пунктлари, 24 та автомобиллар учун қисқа тўхташ майдонлари ҳамда санитария гигиена тармоқлари қуриб битказилди.

7.2. 2010 йилда мамлакатимизда халқаро логистика марказларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижалари

Бугунги кунда Навоий аэропорти негизида ташкил этилган халқаро логистика маркази Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёни Европа, Яқин Шарқ ва МДҲ давлатлари билан боғлаш имконини бермоқда. Буни йўлга қўйилга рейслар географияси ҳам тасдиқлаб турибди. Ҳозирги пайтда ушбу интермодал логистика маркази томонидан ўндан ортиқ мамлакатларга халқаро рейслар йўлга қўйилган. 2008 йилдан бошлаб Жанубий Кореяning “Кореан Эйр” компанияси Сеул-Милан-Сеул маршрути бўйича юк ташувларини йўлга қўйган.



2010 йилда халқаро транспорт логистика марказларини ривожлантиришига доир ишлар давом еттирилди. Навоий шаҳридаги аэропортда фойдаланишга топширилган “Навоий” халқаро интермодал логистика марказининг юк терминали орқали 50,1 минг тонна ёки 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп юк ташилди

Ислом Каримов

Навоий-Тошкент-Москва йўналиши бўйича парвозларни амалга оширмоқда. 2010 йилда мамлакатимизда халқаро транспорт логистика марказларини ривожлантиришга оид ишлар ва лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги саъй-харакатлар давом эттирилди. Навоий шаҳридаги аэропортда фойдаланишга топширилган “Навоий” халқаро интермодал логистика марказининг юк терминали орқали 50,1 минг тонна юк ташилди. Бу 2009 йилга қараганда 3 баробар кўп демакдир.

Юк терминаллари - бу, ташкилий жиҳатдан ўзаро боғлиқ ва қабул қилиш, ортиштушириш, сақлаш, турларга ажратиш, турли партияли юкларни қайта ишлаш билан боғлиқ логистик амалиётларни бажариш кўзда тутилган иншоотлар, ходимлар, техник ва технологик асбобларнинг, шунингдек юк қабул қилиб олувчилик, ташувчилик, уни-, мульти-, интермодал ва бошқа турдаги юкларни ташишда бошқа логистик воситачиларга тижорат-ахборот хизматлари кўрсатишнинг маҳсус мажмуасидир.

Ангрен шаҳридаги “Халқаро логистика маркази” томонидан 4 миллион тоннадан ортиқ юк ташиш амалга оширилди, мамлакатимиз минтақалари ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида йил давомида узлуксиз автотранспорт қатнови таъминланди.

Ангрен шаҳридаги “Халқаро логистика маркази” 2009 йилда ташкил этилган. Унинг низом жамғармаси 600 млн сўмни ташкил этиб, марказнинг асосий фаолияти юклаш-тушириш ва транспорт-экспедиторликдан иборатdir.

2010 йилда ҳаво транспорти ва темир йўл паркларини янгилаш ишлари давом эттирилди. Ўтган йили “Эйрбас индастри” компаниясининг 6 та A-320-200 русумли самолёти, 8 та замонавий электровоз сотиб олинди, 1 минг 790 та юк ташийдиган ва 38 та йўловчи ташийдиган вагонлар курилди, таъмирланди ва модернизация қилинди.

Логистика - бу моддий-техник таъминотни, товар-моддий захираларни бошқариш

2010 йилда «Кореан Эйр» компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди. Бу Навоий шахри аэропортини глобал логистика тармоғига интеграциялаш имконини берди.

7.3. Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга татбиқ этишининг жорий ҳолати

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга кенг эътибор қаратилмоқда. Натижада республикамиз 2010 йилда мобил алоқанинг ривожланиш бўйича дунёдаги ўнта етакчи мамлакат қаторига қўшилди. 2010 йилда 2039,6 миллиард сўмлик алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари кўрсатилди. Бу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 129 %ни ташкил этди. Мамалакатимиз ялпи ички маҳсулотида алоқанинг улуши 12,4 %га teng бўлди.

2010 йилда Ўзбекистон Республикасида мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 2000 йилга нисбатан 200 баробар ошди. Ҳозирда улар сони 19 миллиондан ортиқдир. Ўн йил аввал мамлакатимиз аҳолисининг ҳар минг нафарига 4 донадан кам мобил телефон тўғри келар эди. Эндиликда бу кўрсаткич 600 донадан ошди.

Бугунги кунда юртимиз мобил алоқанинг ривожланиши кўрсаткичи бўйича дунёда олдинги ўринда турган ўнта мамлакат қаторига киради.

Ислом Каримов

Шунингдек, мамлакатимизда рақамли телефонлардан фойдаланувчилар ва рақамли телефон станциялар сони ортиб бормоқда. 2010 йилга келиб Тошкент, Самарқанд ва Наманган вилоятларида рақамли телефон станцияларнинг сони мос равишда 112, 108 ва 90 тани ташкил этмоқда. Андижон, Сурхондарё ва Жиззах вилоятларида рақамли телефон станцияларининг сони республикамиз бўйича энг оздир. Жиззах вилоятида жами 35 та, Андижон ва Сурхондарё вилоятларида эса жами 45 та рақамли телефон станциялари мавжуд.

7.3.1-жадвал

2007-2010 йилларда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ортиши

	Рақамли АТС (дона)			Ҳар 100 аҳолига тўғри келувчи рақамли телефонлар		
	2006 йил	2010 йил	Ўсиш суръати	2006 йил	2010 йил	Ўсиш суръати
Республика бўйича	450	1008	224%	5,7	6,8	119%
Шу жумладан:						
Қорақалпоғистон Республикаси	26	61	235%	4,74	4,92	104%
Андижон	27	45	167%	4,19	4,64	111%
Бухоро	41	81	198%	7,39	7,57	102%
Жиззах	17	35	206%	2,12	2,42	114%
Қашқадарё	23	83	361%	1,89	2,15	114%

Навоий	23	54	235%	7,09	7,59	107%
Наманган	30	90	300%	3,98	4,4	111%
Самарқанд	35	108	309%	3,94	4,27	108%
Сурхондарё	10	45	450%	1,30	2,65	204%
Сирдарё	27	46	170%	5,70	6,02	106%
Тошкент	53	112	211%	4,93	5,14	104%
Фарғона	38	76	200%	4,15	4,28	103%
Хоразм	27	78	289%	4,49	4,59	102%
Тошкент шаҳри	73	94	129%	14,48	28,47	197%

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, 2010 йилда 2006 йилга нисбатан Сурхондарё, Самарқанд ва Наманган вилоятларида рақамли станциялар сонининг ўсиш суръатлари энг юқори, яъни мос равишда 450, 309, ва 300 %га teng бўлган.

Юқоридаги жадвалда кўриниб турганидек, республика бўйича 2006 йилда жами 450 та рақамли телефон станциялари мавжуд бўлса, 2010 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1008 тани ёки ўша йилга нисбатан 224 %ни ташкил этди. Ушбу ҳолат рақамли телефонлардан фойдаланувчилар сонини ортишига олиб келди. Яъни 2006 йилга нисбатан 2010 йилда рақамли телефонлардан фойдаланувчилар сони 119 %га ўсади. Ҳар 100 кишига 2006 йилда 5,8 та рақамли телефон тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 6,8 тани ташкил этди. Тошкент шаҳрида ушбу кўрсаткич энг юқори, яъни 28,47 тани, энг паст кўрсаткичлар, яъни Жиззахда 2,45 тани Қашқадарёда 2,15 тани ва Сурхондарёда 2,65 тани ташкил этди.

Мамлакатимизда рақамли ва кенг форматли телевидениега тўлиқ ўтиш бўйича ишлар бошлиб юборилди. Ушбу жараён 2015 йилда ниҳоясига етказилиши режалаштирилган.

Республикамизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, жумладан Интернет тармоғидан фойдаланиш жадал ривожланиб бормоқда. Дунё ахборот ҳамжамиятига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қўшилиш, етакчи мамалакатлар билан ўзаро ахборот аламашиш, ахборот ресурсларидан тенг ҳуқуқли шерикчилик асосида фойдаланиш албатта иқтисодиётимизни ривожланишига янгича туртки беради.

Энг қувонарлиси шундаки, мамлакатимизда интернет тармоғидан фойдаланиш кўламини кенгайиши нафақат корхона ва ташкилотлар, балки аҳолининг кенг қатламлари иштирокида бўлаётганлигидadir. Бу эса аҳолининг компьютер саводхонлиги даражасининг ўсиб бораётганлигидан далолат беради.


2010 йилда мамлакатимизда интернет хизматидан фойдаланувчилар умумий сони 6,6 миллион кишидан ошиди. 2009 йилда ҳар минг кишига интернетдан фойдаланувчилар сони 96,8 тани ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йил якунларига кўра 230 тадан зиёдроқни ташкил этди. Интернетдан фойдаланувчилар сонини ортиши ўз навбатида республикамизда ахборот-коммуникация соҳасини жадал ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ва кўрилаётган чора-тадбирлар натижасидир.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз собиқ иттифоқ ҳудудида биринчилардан бўлиб рақамли ва кенг форматли телевидениега тўлиқ ўтиши бўйича катта миқёсдаги дастурни амалга оширишини бошлиди ва бу жараён 2015 йилда ниҳоясига етказилади.

Ислом Каримов


Аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиши имконияти кенгайиб бораётганини албатта ижобий баҳолаш лозим. 2010 йилда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1,4 баробар кўпайди ва 6,6 миллион кишидан ошиди

Ислом Каримов




7.3.1-расм. Интернетдан фойдаланувчилар сонининг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси (минг киши ҳисобида).

Айни вақтда интернет хизматини кўрсатиш тарифларини босқичма-босқич камайтириб бориш ҳисобидан ундан фойдаланувчилар учун шароитлар тобора яхшиланмоқда. Хусусан, 2010 йилда бу борадаги тарифлар 20 фоизга пасайтирилганини алоҳида қайд этиш керак.




7.3.2-расм. Интернет хизмати операторлари ва провайдерларининг умумий сони.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, ахборот-коммуникация технологияларининг кенг равишда жорий этилиши нафақат бу соҳада хизматлар кўрсатиш даражасининг ортишига, балки шу билан бирга инвестицияларнинг кенг жалб этилишига ва янги иш ўринларининг яратилишига, мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ва барқарор ўсиш суръатларига эришишга ҳамда, энг муҳими, барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади – ахоли турмуш фаровонлигининг ортишига олиб келади (7.3.3-расм).



7.3.3-расм. Ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти.


Кейинги йилларда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сонининг кескин ошиши интернетдан умумий фойдаланиш пунктлари сонининг ортишига олиб келди. 2002 йилда республикамиз бўйича бор-йўғи 26 та интернетдан умумий фойдаланиш пунктлари мажуд бўлса, 2009 йилда уларнинг сони 856 тани ташкил этди. 2010 йилда эса улар сони 1000 та этди. Ушбу кўрсаткич 2009 йилга нисбатан 116,8 %ни ташкил этди.



7.3.4-расм. Интернет тармоғидан умумий фойдаланиш пунктларининг сони

Шуниси эътиборга лойиқки, ахборот-коммуникация технологияларини ривожланиши мамлакатимизда электрон имзони жорий этилишига, шунингдек бу соҳанинг ҳуқуқий-меъёрий асосларининг яратилишига сабаб бўлди. 2009 йилда электрон имзони қайд этиш марказлари сони 6 тага етди. Шундай марказларни ташкил этилиши ва йилдан-йилга сонини ортиши электрон имзодан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради ҳамда электрон хужжат айланишини осонлаштиради.

Электрон ҳужжат - электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳамда электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имконини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот




7.3.5-расм. Электрон рақамли имзони қайд этиш марказларининг сони.

Электрон рақамли имзо - электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда маҳсус ўзгартериш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хато йўқлигини аниqlаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасининг идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо.

Бундан ташқари электрон имзо учун бериладиган калитлар сони 2008 йилда 25000 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилда берилган калитлар сони 50399 тани ташкил этди. 2008 йилга нисбатан бу кўрсаткич 201,5% ни ташкил этган.

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити - электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, факат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлиги.




7.3.6-расм. Электрон рақамли имзолар учун берилган калитлар сони.


Электрон рақамли имзонинг очиқ калити - электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон хужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланаган белгилар кетма-кетлиги.

Ўзбекистон Республикасида «.UZ» миллый ҳудудида фаол домен номларининг сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2008 йилда уларнинг умумий сони 7595 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилда улар сони 9550 тани ташкил этди. 2006 йилга нисбатан миллый домен номларининг сони қарийб 3 бараварга ортган.

Домен номи-бу интернет-сервери манзилини топишга ёрдам берувчи рамзий ном




7.3.7-расм. «.UZ» миллый ҳудудида фаол домен номларининг сони



7.3.8-расм. 2010 йилда ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарув тизимиға жорий этилиш ҳолати.

Ўзбекистонда 2010 йилда давлат бошқаруви органларининг компьютер техникаси билан жиҳозланганлик даражаси ҳар 100 нафар ходимга 68 тани ташкил этди. Давлат бошқарув органларида юқори тезлиқда ахборот алмашиш тизимлари 81% ни ташкил этган. Давлат бошқарув органлари ходимларининг компьютер техникасидан фойдаланиш даражаси 73% ни ташкил этди. Умумий хужжат айланиши ҳажмида электрон хужжат айланишининг улуши 22% ни ташкил этган. Бу кўрсаткичлар ўз навбатида ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарув тизимига жорий этилиши жадал ривожланиб бораётганлигидан далолат беради.

Республикамизда Интернет тармоғида давлат органлари веб-сайтларидан ўртача фойдалана олиш имконияти кенгайиб бормоқда. 2009 йилнинг 1-чорагига нисбатан шу йилнинг 4-чорагига давлат органлари веб-сайтларидан ўртача фойдалана олиш даражаси 6,5 %га ошган. Бу ўз навбатида ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарув органлари фаолиятида кенг жорий этилаётганини тасдиқлайди.



7.3.9-расм. Интернет тармоғида давлат органлари веб-сайтларидан ўртача фойдалана олиш имконияти (фоиз ҳисобида)

2009 йилда Бирлашган миллатлар ташкилотининг **ПРООН** ҳисоботига кўра электрон ҳукуматни жорий этишга тайёр мамлакатлар рейтинги аниқланган. Ушбу рейтингдан Ўзбекистон 0,4498 индекс билан 87 ўринни эгаллаган. 2008 йилда ушбуу рейтингда Ўзбекистон 109 ўринда эди. Бир йилнинг ўзида Ўзбекистон ушбуу рейтинг погонасида 22 пунктга кўтарилган.

7.3.2-жадвал

Электрон ҳукуматни жорий этишга тайёрлик индекси

Рейтинг	Мамлакат	Индекс
1	Корея Республикаси	0,8785
2	АҚШ	0,8510
3	Канада	0,8448
МДХ		
46	Қозоғистон	0,5578
54	Украина	0,5181
59	Россия	0,5136
64	Беларусия	0,4900
80	Молдова	0,4611
83	Озарбайджон	0,4571
87	Ўзбекистон	0,4498
91	Қирғизистон	0,4417

100	Грузия	0,4248
110	Арманистон	0,4025
122	Тожикистон	0,3477
130	Туркманистон	0,3226

7.4. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш борасида олиб борилган лойихалар кўлами ва уларнинг натижалари

Мамалакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг роли бекиёсdir. Шунга кўра, мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда республикамизда ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш борасида аҳамиятли ютуқ ва муваффақиятларга эришилмоқда.

Айниқса 2010 йилда сув ва газ қувурлари тармоқларини кенгайтириш бўйича ишлар жадаллик билан амалга оширилди. Натижада республикамиз бўйича жами 2770,2 км, шу жумладан қишлоқ жойларида 2074,9 км узунликдаги ичимлик суви қувурлари ва тармоқлари қуриб битказилди. Бу прогноз кўрсаткичдан 20,2 фоизга кўп дегани. 2010 йилда Навоий, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ичимлик сув қувурлари ва тармоқларини қурилиши кўрсаткичлари нисбатан юқори бўлган.

7.4.1-жадвал

2010 йилда республикамиз худудларида ичимлик сув қувурлари ва тармоқлари қурилиши

Худудлар номи	Ичимлик суви қувурлари ва тармоқлари қурилиши, км					
	2010 й. январ-декабр прогноз		2010 й. январ-декабр ҳақиқатда		% Жами ш.ж. қишлоқ жойларида	
	Жами	ш.ж. қишлоқ жойларида	Жами	ш.ж. қишлоқ жойларида	Жами	ш.ж. қишлоқ жойларида
Республика бўйича жами:	2 305,1	2 006,8	2 770,2	2 074,9	120,2	103,4
ш.ж. худудлар						
Корақалпоғистон Республикаси	95,7	82,7	131,5	86,6	137,4	104,7
Андижон вилояти	73,5	54,5	109,1	93,7	148,4	171,9
Бухоро вилояти	87,1	80,1	123,0	100,3	141,2	125,2
Жиззах вилояти	150,1	102,7	319,3	166,8	2м	162,4
Қашқадарё вилояти	462,7	440,9	300,3	197,9	64,9	44,9
Навоий вилояти	370,3	358,6	409,2	396,3	110,5	110,5
Наманган вилояти	135,0	112,8	188,4	105	139,6	93,1
Самарқанд вилояти	193,2	177,5	250,2	199,8	129,5	112,6
Сурхондарё вилояти	179,2	148,9	228,5	181,7	127,5	122,0
Сирдарё вилояти	82,8	45,1	171,5	66,2	2,1 м	146,8
Тошкент вилояти	207,0	167,9	174,9	171,4	84,5	102,1
Фарғона вилояти	182,4	162,2	247,2	199,6	135,5	123,1

Хоразм вилояти	76,1	72,9	109,6	109,6	144,0	150,3
Тошкент шаҳри	10,0		7,5		75,0	

Шунингдек, республикамиз ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида, 2010 йилда жами 910,6 км узунликдаги газ қувурлари қурилди. Қурилган табиий газ қувурларининг катта қисми, яъни 691,6 минг километри қишлоқ жойларига тўғри келгани аҳамиятлиdir. Айниска Андижон, Навоий вилоятларида янги фойдаланишга топширилган газ қувурларининг қурилишда юқори ўсиш суръатларига эришилди.

Аҳамиятлиси шундаки, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш имкониятларини янада кенгайтиради.

7.4.2-жадвал

2010 йилда республика ҳудудларида табиий газ тармоқлари қурилиши

Ҳудудлар номи	Табиий газ тармоқлари қурилиши, км					
	2010 й. январ-декабр прогноз		2010 й. январ-декабр хақиқатда		% Жами ш.ж. қишлоқ жойларида	
	Жами	ш.ж. қишлоқ жойларида	Жами	ш.ж. қишлоқ жойларида	Жами	ш.ж. қишлоқ жойларида
Республика бўйича жами: ш.ж. ҳудудлар	1 006,5	752,1	910,6	691,6	90,5	92,0
Корақалпоғистон Республикаси	55,7	39,3	57,0	24,1	102,3	61,3
Андижон вилояти	83,8	60,2	100,6	76,2	120,0	126,6
Бухоро вилояти	69,8	55,7	66,2	61,8	94,8	111,0
Жиззах вилояти	55,1	34,7	57,6	35,4	104,5	102,0
Қашқадарё вилояти	12,0	6,6	28,0	26,2	3,3 м	3,1 м
Навоий вилояти	25,6	18,7	29,7	15,1	116,0	80,7
Наманган вилояти	143,8	76,5	93,5	59,1	65,0	77,3
Самарқанд вилояти	80,6	60,9	77,0	57,7	95,5	94,7
Сурхондарё вилояти	44,5	40,3	33,1	27,6	74,4	68,5
Сирдарё вилояти	61,2	49,0	62,2	43,6	101,6	89,0
Тошкент вилояти	102,2	95,5	96,6	90,8	94,5	95,1
Фарғона вилояти	140,7	92,5	104,4	72	74,2	77,8
Хоразм вилояти	131,5	122,2	103,8	102	78,9	83,5
Тошкент шаҳри			0,9			

Мазкур мақсадларни амалга ошириш учун 2009 йилда Президентимиз қарорлари асосида республикада инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бир қанча қарор ва дастурлар қабул қилиниб, ҳаётга кенг татбиқ этилди. «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш» дастури (2009 йил 20 январдаги



ПҚ-1041-сон) ҳамда «Кўшимча инфратузилма обьектларини қуриш» дастури (2009 йил 17 мартағи ПҚ-1073-сон) шулар жумласидандир.

2010 йилда йилига 30,0 млрд.куб.м. газни транзит қилиш қувватига эга бўлган “Ўзбекистон-Хитой” газ қувури ишга туширилди. Ушбу лойихани амалга ошириш учун 3168,9 млн. АҚШ.долл ҳажмида инвестиция киритилди.

Кўкдумалоқ конида йилига инвестиция ҳажми 373,0 млн.АҚШ.долл тенг бўлган 6 млрд.куб.м. йўлдош газларни утилизация қилиш станцияси қурилди.

Хаузак конида “ЛУКОЙЛ” компанияси билан ҳамкорликда инвестиция ҳажми 302,8 млн.АҚШ.долл бўлган йилига 3 млрд. метр куб газни бирламчи тайёрлов мосламаси ишга туширилди.



8-БОБ. 2010 ЙИЛДА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ВА АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАРНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БҮЙИЧА ЯКУНИГА ЕТКАЗИЛГАН ДАСТУРЛАР

8.1. Касб-хунар колледжлари ва академик лицейларни ривожлантиришнинг хуқуқий асослари

1997 йилда таълим-тарбия тизимида барча ислоҳотларни белгилаб берувчи иккита – “Таълим тўғрисида” ва “Кадрларни тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари қабул қилинган эди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган *Кадрлар тайёрлаши миллий дастурининг асосий мақсади* – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдан иборатдир. Дастур *кадрлар тайёрлаши миллий моделини рўёбга чиқаришни назарда тутади*. Миллий моделнинг асосий таркибий қисмларини *шахс, давлат ва жасамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқарии ташкил* қиласиди.

2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши ёшлиарни жисмоний, маънавий ҳамда ақлий жиҳатдан соғлом қилиб ўстиришга, уларга барча шарт-шароитлар яратишга, узлуксиз таълим тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлашга қаратилди.

2009 йил 9 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” фармойиши эълон қилиниб унда баркамол ёш авлодни шакллантиришни таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ҳамда бошка тадбирларга мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларни давом эттириш билан бир каторда қуидаги устувор йўналишлар белгилаб берилди. Хусусан ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида яратилган замонавий моддий-техника базасидан оқилона ва самарали фойдаланишини таъминлаш, замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда, олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида реал иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида талаб етилаётган таълим ва мутахассисликларнинг йўналишларини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогика технологияларини, электрон дарсликлар ҳамда мультимедия воситаларини кенг жорий этиш хисобига мамлакатдаги касб-хунар колледжлари ва лицейларида таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини энг замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникиси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийларнинг машакқатли меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, лицейларда ва колледжларда замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш асосий вазифалардан қилиб белгиланди.

Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак — биз юртимизнинг эртанги ривожи ўйлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режсаларни бажарши учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиётни учун масъулиятни ўз зиммасига олишига қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ислом Каримов

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурини бажариш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан деярли 8 трлн. сўм ва 165 млн. АҚШ долларига тенг миқдордаги маблағ йўналтирилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда ҳар томонлама муносиб ёшларни, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини туғдирди.

Республикамизда узлуксиз таълим тизими ўзининг изчиллиги билан ёш авлоднинг ёркин келажагини таъминлашда ишончли кафолат бўлиб қолмоқда. Бу тизимда ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг ўрни ўзига хосдир, чунки бу тизим, аввало ўзининг янги ижтимоий муҳитни вужудга келтириши билан тавсифланаётган бўлса, иккинчи томондан бу тизим республикамиз меҳнат бозорига малакали мутахассисларни етиштириб бермоқда. Шу асосларга кўра мамлакатимизда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидағи муҳим ва ўзига хос таълим турларидан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги “Ўзбекистон Республикасида ўрта маҳсус, касб-хунар таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 204-сон қарорига асосида «Ўзбекистон Республикасида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тўғрисида»ги низом тасдиқланди. Мазкур қарор асосида академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини ташкил этиш босқичма-босқич амалга оширилди. Академик лицейлар олий таълим муассасалари ҳузурида, ишлаб турган ўрта маҳсус ўқув юртлари, бошқа таълим муассасалари негизида ва янги қурилиш ҳисобига ташкил этилди. Касб-хунар коллежлари эса ишлаб турган ўрта маҳсус ўқув юртлари, хунар-техника билим юртлари ва уларга тенглаштирилган таълим муассасалари негизида, шунингдек янги қурилиш ҳисобига ташкил этила бошланди.

Умумий таълим негизида ўқитиши муддати уч йил бўлган ўрта маҳсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимининг мажбурий мустақил тури ҳисобланади. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билим асосларини чуқур ўрганишни, танланган касб-хунар бўйича кичик мутахассис сифатида мустақил амалий ишлаш учун кадрлар тайёрлашни таъминлайди. Таълим мининг ушбу тури мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқариш учун зарур ташкилий, ўқув-услубий, моддий-техникавий ва психологик-педагогик шарт-шароитларни таъминлайдиган академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳисобланадилар.


Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари юридик шахс ҳисобланади, қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилади, Устав ва «Ўзбекистон Республикасида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тўғрисида»ги Низом асосида фаолият кўрсатади.

Касб-хунар бўйича чуқурлаштирилган, табакалаштирилган таълим бериш, ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишини ва уларнинг ўз қобилияtlари ва мойилликларига мувофиқ танлаган касб-хунар бўйича мутахассисликларни эгаллашини таъминлаш ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг мақсади ҳисобланади.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида кундузги ўқиши шаклида амалга оширилади.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш умумий ўрта таълим негизида мактабларнинг 9-синфини битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва умумий ўрта таълимни тугатишда улар томонидан олинган рейтинг кўрсаткичлари натижалари бўйича, уларнинг академик лицейда ва касб-хунар коллежида ўқиши йўналишини ихтиёрий равишда танлашини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Академик лицейларда ва касб-хунар коллежларида умумий таълим ва касб-хунар дастурлари уч курсда амалга оширилади. Ўқувчилар ўқув курслари бўйича гурухларга, ўқиши йўналишлари бўйича эса бўлинмаларга бирлаштирилади.



8.1.1-расм. Үрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси фаолиятини маблағ билан таъминлаш.

Таълим муассасасининг молиявий маблағлари унинг тасарруфида бўлади ва улардан қонунчилик ва таълим муассасасининг уставдаги вазифаларига мувофиқ фойдаланилади.

Давлат таълим муассасасининг моддий воситалари, бинолари, иншоотлари ва асбоб-ускуналари унинг хўжалик тасарруфида бўлади ҳамда улардан уставдаги вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланилади.

Үрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг устахоналари, лабораториялари ва бошқа обьектларининг жиҳозланиши намунавий нормативлар билан белгиланади.

Таълим тизимининг мазкур турига мансуб бўлган таълим муассасаларида, яъни академик лицей ва касб-хунар коллежларида мамлакатимиз иқтисодиёти ва бошқа соҳаларининг турли йўналишлари учун иқтидорли кичик мутахассислар тайёрланади. Шу ўринда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларининг узлуксиз таълим тизимидағи ўрнига бир назар солайлик.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ

УМУМИЙ ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ (1, 2):

1) Мактабгача таълим. Бола 6-7 ёшга етгунича давлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида, нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва оиласарда мактабгача таълим амалга оширилади. Маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, хайрия ташкилотлари ва халқаро фондлар мактабгача таълим жараёнида фаол иштирок этадилар.

2) Умумий ўрта таълим (9 йиллик мажбурий таълим). Мазкур таълим иккига бўлинади:

- бошланғич таълим (I-IV синклар) ва
- умумий ўрта таълим (I-IX синклар).

КАСБ-ХУНАР ТАЪЛИМИ ДАСТУРЛАРИ (3, 4, 5, 6):

3) Үрта махсус, касб-хунар таълими (3 йиллик мажбурий таълим).

Йўналишлари (ихтиёрий танланади) қўйидагилардан иборат:

— Ўрта махсус таълим (академик лицей):

- Давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради.
- Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

- Ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савилярини оширадилар.
- Ўқувчилар фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантирадилар.
- Битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишини давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини беради.

— *Касб-хунар таълими (касб-хунар коллежи):*

- Тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини беради.
- Ўқувчиларнинг танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.
- Жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади.
- Бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.
- Битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишини давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини беради.

4) Олий таълим (ўрта махсус, касб-хунар таълими негизига асосланади):

Босқичлари:

— *Бакалавриат* (мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида 4 йил давом этадиган таянч олий таълим).

— *Магистратура* (аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълим).

5) Олий ўқув юртидан кейинги таълим.

Бу жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасалари (аспирантура, адъюнктурда, докторантурда, мустақил тадқиқотчилик)да олиш мумкин.

6) Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

7) Мактабдан ташқари таълим.



Умумий ўрта таълим негизида ўқиши муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта маҳсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидағи мустақил турдир. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналиши академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилар томонидан *ихтиёрий* танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта маҳсус таълим беради, ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чукур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлади.

Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чукур ўрганишга қаратилган маҳсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқиши муйян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чукур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чукур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлади. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг битирувчиларида давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқиши давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-хунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш хуқуқини беради.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш ва ривожлантириш учун қўйидагилар зарур:

— академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатишнинг норматив базаларини ишлаб чиқиши ва жорий этиши;

— соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахассисларини жалб этган ҳолда юкори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиши;

— ўрта маҳсус, касб-хунар таълими давлат стандартларини ишлаб чиқиши ва жорий этиши;

— ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб-хунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиши;

— академик лицейларнинг ўқувчилари меҳнат фаолияти кўникмаларини эгаллашлари учун ихтисослаштирилган дастурлар ишлаб чиқиши ва жорий этиши;

— касб-хунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-хунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиши;

— худудларнинг жуғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона

2005 – 2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1500 та касб-хунар коллежи ва академик лицей барпо этилди ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-хунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компьютер техникиси ва мультимедиа ускунаси ўрнатилди.

Ислом Каримов

жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;

— академик лицейлар ва касб-хунар колледжларининг моддий-техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаши.

8.2. Академик лицейлар ва касб-хунар колледжларини қуриш ва қайта таъмирлаш бўйича амалга оширилган ишлар кўлами

Академик лицейлар ва касб-хунар колледжларини қуриш ва қайта таъмирлаш борасида 2005 йилдан бугунги кунга қадар мамлакат ва маҳаллий миқёсда амалга оширилган ишлар кўламини қуидаги жадваллар орқали кўришимиз мумкин.

8.2.1-жадвал

Академик лицейлар қуриш ва қайта таъмирлаш (2005 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм хисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	6840	5850	990	22726,8	19922,3	2804,5
Қорақалпогисто н Республикаси	720	720	-	2068,8	2068,8	-
вилоятлар:						
Андижон	-	-	-	2069,5	2069,5	-
Бухоро	720	720		1042,3	1042,3	-
Жиззах	-	-	-	-	-	-
Қашқадарё	-	-	-	4,7	4,7	-
Навоий	990	990	-	2655,9	2655,9	-
Наманган	720	720	-	1942,6	1942,6	-
Самарқанд	990	990	-	5160,3	5160,3	-
Сурхондарё	-	-	-	33,6	33,6	-
Сирдарё	-	-	-	-	-	-
Тошкент	-	-	-	801,3	-	801,3
Фарғона	1980	990	990	3104,7	1104,3	2000,4
Хоразм	720	720	-	2239,1	2239,1	-
Тошкент ш.	-	-	-	1604,0	1601,2	2,8

8.2.2-жадвал

Касб-хунар колледжларини қуриш ва қайта таъмирлаш (2005 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги курилиш	Қайта таъмирлаш		Янги курилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	65600	36440	29160	193329,9	123462,9	69867,0
Қорақалпоғистон Республикаси	4020	900	3120	13394,8	9362,7	4032,1
вилоятлар:						
Андижон	5580	4140	1440	14360,9	12423,6	1937,3
Бухоро	2550	630	1920	10306,2	2192,2	8114,0
Жиззах	3810	3210	600	8326,3	7434,8	891,5
Қашқадарё	8250	4860	3390	23525,5	19215,1	4310,4
Навоий	3720	3720	-	8722,0	8722,0	-
Наманган	5670	3390	2280	14318,6	8216,2	6102,4
Самарқанд	9300	5160	4140	24272,0	17145,8	7126,2
Сурхондарё	4610	4490	120	15543,4	15457,1	86,3
Сирдарё	1530	1380	150	4252,8	3527,4	725,4
Тошкент	3240	750	2490	23711,3	6471,0	17240,3
Фарғона	7380	2370	5010	17083,9	9153,9	7930,0
Хоразм	3840	1440	2400	9372,3	4141,1	5231,2
Тошкент ш.	2100	-	2100	6139,9	-	6139,9

8.2.3-жадвал

Академик лицейлар қуриш ва қайта таъмирлаш (2006 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги курилиш	Қайта таъмирлаш		Янги курилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	3240	3240	-	15,9	15,2	0,7
Қорақалпоғистон Республикаси	-	-	-	2,0	2,0	-
вилоятлар:						
Андижон	720	720	-	0,9	0,9	-
Бухоро	-	-	-	0,0	0,0	-
Жиззах	-	-	-	0,0	0,0	-
Қашқадарё	-	-	-	0,1	0,1	-
Навоий	720	720	-	2,0	2,0	-
Наманган	-	-	-	2,0	2,0	-
Самарқанд	990	990	-	0,3	0,3	-
Сурхондарё	-	-	-	0,0	0,0	-
Сирдарё	-	-	-	0,0	0,0	-
Тошкент	-	-	-	0,6	-	0,6
Фарғона	-	-	-	0,1	0,1	-
Хоразм	-	-	-	0,9	0,8	0,1
Тошкент ш.	810	810	-	7,0	7,0	-

8.2.4-жадвал

Касб-хунар колледжларини қуриш ва қайта таъмирлаш (2006 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм хисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	69660	47230	22430	179,1	136,2	42,9
Қорақалпоғисто н Республикаси	4120	3160	960	7,8	7,1	0,7
вилоятлар:						
Андижон	6660	6660	-	13,7	13,7	-
Бухоро	2790	1800	990	11,8	6,3	5,5
Жиззах	2820	2520	300	8,1	8,1	-
Қашқадарё	6240	4530	1710	17,0	14,2	2,8
Навоий	2220	2220	-	5,9	5,9	-
Наманган	4860	2700	2160	13,7	9,4	4,3
Самарқанд	10470	7350	3120	26,8	20,0	6,8
Сурхондарё	5220	3780	1440	15,4	13,1	2,3
Сирдарё	2610	1650	960	5,4	4,5	0,9
Тошкент	7470	3480	3990	17,0	9,8	7,2
Фарғона	6930	5580	1350	20,2	17,1	3,1
Хоразм	4140	1800	2340	10,2	7,0	3,2
Тошкент ш.	3110	-	3110	6,1	-	6,1

8.2.5-жадвал

Академик лицейлар қуриш ва қайта таъмирлаш (2007 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм хисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	12885	10365	2520	50,4	42,1	8,3
Қорақалпоғистон Республикаси	735	735	-	2,5	2,5	-
вилоятлар:						
Андижон	-	-	-	1,2	1,2	-
Бухоро	825	825	-	3,1	3,1	-
Жиззах	915	915	-	2,5	2,5	-
Қашқадарё	1470	1470	-	4,5	4,5	-
Навоий	-	-	-	-	-	-
Наманган	1455	1455	-	2,8	2,8	-
Самарқанд	1290	1290	-	4,8	4,8	-
Сурхондарё	-	-	-	2,3	2,3	-
Сирдарё	735	735	-	2,6	2,6	-
Тошкент	-	-	-	1,7	-	1,7
Фарғона	1470	1470	-	4,9	4,9	-
Хоразм	555	-	555	3,8	2,2	1,6
Тошкент ш.	3435	1470	1965	13,7	8,7	5,0

8.2.6-жадвал

Касб-хунар колледжларини қуриш ва қайта таъмирлаш (2007 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм хисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги курилиш	Қайта таъмирлаш		Янги курилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	110940	87720	23220	323,3	270,2	53,1
Қорақалпоғистон Республикаси	7290	5790	1500	22,0	19,1	2,9
вилоятлар:						
Андижон	10215	7335	2880	23,5	16,8	6,7
Бухоро	4230	3765	465	19,0	15,4	3,6
Жиззах	4710	4710	-	14,1	14,1	-
Қашқадарё	11565	9525	2040	33,1	28,4	4,7
Навоий	3615	2850	765	10,0	8,7	1,3
Наманган	7440	7005	435	23,4	22,9	0,5
Самарқанд	15345	11670	3675	42,3	33,8	8,5
Сурхондарё	9045	8460	585	30,1	28,8	1,3
Сирдарё	2715	2715	-	9,7	9,7	-
Тошкент	12060	8430	3630	32,3	26,3	6,0
Фарғона	11835	10665	1170	33,8	30,3	3,5
Хоразм	5385	4800	585	17,6	15,9	1,7
Тошкент ш.	3110	-	3110	6,1	-	6,1

8.2.7-жадвал

Академик лицейлар қуриш ва қайта таъмирлаш (2008 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм хисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги курилиш	Қайта таъмирлаш		Янги курилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	14655	9990	4665	51,8	35,0	16,8
Қорақалпоғистон Республикаси	495	495	-	2,5	2,5	-
вилоятлар:						
Андижон	795	795	-	1,4	1,4	-
Бухоро	795	795	-	2,8	2,8	-
Жиззах	1290	1290	-	5,2	5,2	-
Қашқадарё	-	-	-	0,1	0,1	-
Навоий	-	-	-	-	-	-
Наманган	495	495	-	2,4	2,4	-
Самарқанд	1245	795	450	6,0	2,8	3,2
Сурхондарё	1590	1590	-	3,1	3,1	-
Сирдарё	495	495	-	2,4	2,4	-
Тошкент	720	-	720	2,3	2,2	0,1
Фарғона	1245	795	450	6,2	2,7	3,5
Хоразм	1260	810	450	2,6	-	2,6
Тошкент ш.	4230	1635	2595	14,8	7,4	7,4

8.2.8-жадвал

Касб-хунар колледжларини қуриш ва қайта таъмирлаш (2008 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм хисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	113195	105090	8105	355,0	336,5	18,5
Қорақалпогисто н Республикаси	5850	5850	-	31,1	31,1	-
вилоятлар:						
Андижон	8685	8595	90	24,3	24,2	0,1
Бухоро	8070	7770	300	24,4	23,2	1,2
Жиззах	4770	4770	-	15,8	15,8	-
Қашқадарё	11985	11985	-	35,9	35,3	0,6
Навоий	3645	3645	-	14,2	14,2	-
Наманган	8730	8430	300	23,6	22,9	0,7
Самарқанд	12300	11595	705	36,3	34,1	2,2
Сурхондарё	11760	11760	-	27,2	27,2	-
Сирдарё	2175	2175	-	8,4	8,4	-
Тошкент	11310	9255	2055	32,2	28,4	3,8
Фарғона	9480	8310	1170	28,7	25,7	3,0
Хоразм	7125	7125	-	22,9	22,9	-
Тошкент ш.	7310	3825	3485	30,0	23,1	6,9

8.2.9-жадвал

Академик лицейлар қуриш ва реконструкция қилиш (2009 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм хисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Реконструкция		Янги қурилиш	Реконструкция
Ўзбекистон Республикаси	12300	8895	3405	60,5	46,3	14,2
Қорақалпогистон Республикаси	495	495	-	3,1	3,1	-
вилоятлар:						
Андижон	1755	795	960	7,0	3,6	3,4
Бухоро	795	795	-	3,6	3,6	-
Жиззах	-	-	-	0,8	0,8	-
Қашқадарё	795	795	-	3,6	3,6	-
Навоий	-	-	-	0,0	0,0	-
Наманган	-	-	-	0,0	0,0	-
Самарқанд	495	495	-	4,4	4,4	-
Сурхондарё	930	930	-	5,3	5,3	-
Сирдарё	975	-	975	3,7	0,1	3,6
Тошкент	1290	1290	-	4,3	4,3	-
Фарғона	1290	1290	-	8,2	8,2	-
Хоразм	795	795	-	3,6	3,6	-
Тошкент ш.	2685	1215	1470	12,9	5,7	7,2

8.2.10-жадвал

Касб-хунар колледжларини қуриш ва реконструкция қилиш (2009 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм хисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги курилиш	Реконструкция		Янги курилиш	Реконструкция
Ўзбекистон Республикаси	115610	96165	19445	472,9	421,4	51,5
Қорақалпоғистон Республикаси	2580	1710	870	13,4	11,6	1,8
вилоятлар:						
Андижон	7065	7065	-	30,7	30,7	-
Бухоро	8850	8850	-	39,6	38,0	1,6
Жиззах	7035	7035	-	31,4	31,4	-
Қашқадарё	10590	10590	-	46,3	46,3	-
Навоий	1305	1305	-	6,5	6,5	-
Наманган	4860	4860	-	20,9	20,9	-
Самарқанд	16065	16065	-	68,5	68,5	-
Сурхондарё	7275	7275	-	33,6	33,6	-
Сирдарё	2520	2520	-	10,5	7,9	2,6
Тошкент	14745	9660	5085	51,7	40,0	11,7
Фарғона	15390	14985	405	62,4	60,3	2,1
Хоразм	2760	2760	-	12,3	12,3	-
Тошкент ш.	14570	1485	13085	45,1	13,4	31,7

8.2.11-жадвал

Академик лицейлар қуриш ва қайта таъмирлаш (2010 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм хисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги курилиш	Қайта таъмирлаш		Янги курилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	2250	900	1350	34832,2	24551,8	10280,4
Қорақалпоғистон Республикаси	-	-	-	655,9	655,9	-
вилоятлар:						
Андижон	-	-	-	46,8	-	46,8
Бухоро	-	-	-	2233,4	2202,9	30,5
Жиззах	-	-	-	16,1	-	16,1
Қашқадарё	-	-	-	2535,5	2535,5	-
Навоий	-	-	-	636,8	636,8	-
Наманган	-	-	-	1217,1	1182,0	35,1
Самарқанд	-	-	-	5173,4	5143,0	30,4
Сурхондарё	-	-	-	1809,1	1809,1	-
Сирдарё	-	-	-	409,6	409,6	-
Тошкент	-	-	-	212,5	212,5	-
Фарғона	-	-	-	2823,7	2823,7	-
Хоразм	-	-	-	1241,0	1228,5	12,5
Тошкент ш.	2250	900	1350	15821,3	5712,3	10109,0

8.2.12-жадвал

Касб-хунар колледжларини қуриш ва қайта таъмирлаш (2010 йил)

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
Ўзбекистон Республикаси	20330	12945	7385	149429,2	117951,9	31477,3
Қорақалпогисто н Республикаси	-	-	-	3314,8	3214,6	100,2
вилоятлар:						
Андижон	-	-	-	2106,5	2106,5	-
Бухоро	390	390	-	3809,8	3627,4	182,4
Жиззах	435	435	-	2877,1	2877,1	-
Қашқадарё	3765	2715	1050	19405,0	15845,0	3560,0
Навоий	-	-	-	2111,5	2111,5	-
Наманган	-	-	-	4013,5	4013,5	-
Самарқанд	1635	1050	585	15672,2	13248,5	2423,7
Сурхондарё	4650	3855	795	33196,4	28545,0	4651,4
Сирдарё	-	-	-	-	-	-
Тошкент	1740	1740	-	14399,3	13855,7	543,6
Фарғона	2460	2460	-	17858,9	17858,9	-
Хоразм	-	-	-	3760,2	3760,2	-
Тошкент ш.	5255	300	4955	26903,8	6887,8	20016,0

Ушбу рақамлар эса республика миқёсида академик лицейлар ва касб-хунар колледжларининг ишга туширилиши ва ўзлаштирилган инвестициялар кўламини қўрсатиб турибди.

8.2.13-жадвал

Академик лицейлар қуриш ва қайта таъмирлаш

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
2005	6840	5850	990	22726,8	19922,3	2804,5
2006	3240	3240	-	15,9	15,2	0,7
2007	12885	10365	2520	50,4	42,1	8,3
2008	14655	9990	4665	51,8	35,0	16,8
2009	12300	8895	3405	60,5	46,3	14,2
2010	2250	900	1350	34832,2	24551,8	10280,4

8.2.14-жадвал

Касб-хунар колледжларини қуриш ва қайта таъмирлаш

	Ишга туширилгани (ўқув ўринлари)			Ўзлаштирилган инвестициялар (млрд. сўм ҳисобида)		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш		Янги қурилиш	Қайта таъмирлаш
2005	65600	36440	29160	193329,9	123462,9	69867,0
2006	69660	47230	22430	179,1	136,2	42,9
2007	110940	87720	23220	323,3	270,2	53,1
2008	113195	105090	8105	355,0	336,5	18,5
2009	115610	96165	19445	472,9	421,4	51,5
2010	20330	12945	7385	149429,2	117951,9	31477,3

Ўтган йиллар давомида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида бир минг беш юздан ортиқ академик лицей ва касб-хунар колледжлари бунёд этилди.

КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ

1394 та

1 милион 517 минг 266 нафар
ўқувчи таҳсил олмоқда

АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР

142 та

109 минг 871 нафар ўқувчи таҳсил
олмоқда

Шундай қилиб, бугунги кунда академик лицей ва касб-хунар колледжларининг умумий сони ва уларда таҳсил олаётган ўқувчиларнинг жами қўйидаги рақамларни кўз олдимизда гавдалантиради:

2011 йил январь ойи ҳолати бўйича:

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида жами 1536 та таълим муассаси мавжуд. Касб-хунар колледжлари ва академик лицееларда ҳаммаси бўлиб 1 милион 627 минг 137 нафар ўқувчи таълим олмоқда.

Тизимда меҳнат қилаётган педагоглар сони ва уларнинг маълумоти бўйича ушбу рақамларга эътибор беринг.

Педагоглар сони: 113 431 нафар

Олий маълумотли: 103 812 нафар.

Ўрта маҳсус маълумотли: 9 619 нафар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2010 йилда касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, шунингдек, мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилди. 2010 йилда қурилиши ва қайта таъмирланиши, реконструкция қилиниши кўзда тутилган 900 ўринли иккита академик лицей ва 22 минг 910 ўринли 43 та касб-хунар коллежи, 11 минг 555 ўринга мўлжалланган 98 та ўқувчилар турар жойлари амалда тўлиқ равишда бажарилди. Бунинг учун 190370 млн. сўм сарфланди.

Ушбу жадвал умумий аҳвол ва ўзгаришлар кўламини яққолроқ тасвирлаб беради.

8.2.15-жадвал

Моддий-техник таъминот

Йиллар	Қурилиш ва реконструкция (сўм ҳисобида)	Жиҳозлаш		Адабиётлар чоп этиш (сўм ҳисобида)
		Республика ва маҳаллий бюджет (сўм ҳисобида)	Хорижий давлатлар кредити ва гранти (АҚШ доллари ҳисобида)	
1998-2010	2559,1 млрд.	99,5 млрд.	208,2 млн.	17,6 млрд.
2011	21,1 млрд.	28,5 млрд.	1,2 млн.	3,5 млрд.

8.2.16-жадвал

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими учун чоп этилган дарслклар ва ўқув қўлланмалар

2010/2011 ўқув йили учун:	
<i>Номда</i>	327
<i>Нусхада</i>	464877
<i>Сарфланган маблағ</i>	3,01 млрд. сўм
“ZiyoNET” ахборот ресурс марказларига электрон шаклида жойлаштирилди:	
<i>Ўқув адабиёти</i>	68 номда
<i>Ўқув дастурлари</i>	32 номда
<i>Журнал</i>	“Касб маҳорати” (барча сонлари)

2010 йил 1 сентябргача республика бўйича режада белгиланган 43 та касб-хунар коллежларидан 25 таси ва академик лицейлардан 2 таси фойдаланишга топширилди, 18 та касб-хунар коллежлари муддатидан кечикириб фойдаланишга топширилди, академик лицейлар эса режада белгиланганидек фойдаланишга топширилди.

2010/2011 ўқув йили учун 595 минг 692 нафар 9-синфи битирувчиларнинг 98,2 фоизи касб-хунар коллежлари ва академик коллежларда ўқиш билан қамраб олинди.

Ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилди. Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди, умумий қиймати 3 млн. АҚШ долларига teng бўлган спорт инвентарлари ва ускуналар жойларга етказиб берилди.

Бугунги кунда умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар уч нафаридан бири турли секция ва тўгаракларда спорт билан мунтазам шуғулланмоқда.

2010 йилда болаларнинг ижодий қобилияти ва маънавиятини юксалтиришга қаратилган мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қабул қилинган дастурни амалга ошириш бошланди. Агар 2009 йилда 6 та мусиқа ва санъат мактаби қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, 2010 йилда 46 та ана шундай мактаб фойдаланишга топширилди. Уларнинг қурилишига 51 млрд. сўмдан ортиқ капитал маблағ ўйналтирилди.

Иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари асосида кадрлар тайёрлаш йўналишларининг инвентаризацияси борасида қуидагиларни айтиш мумкин. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 57 та касб-хунар коллежларида 38 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилди, 122 та касб-хунар коллежларида 80 та мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, 30 та касб-хунар коллежида 10 та янги мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди, 20 та касб-хунар коллежларининг ихтисослиги ўзгартирилди, шу жумладан, Навоий эркин индустрисал худуд ташкил этилиши муносабати билан Навоий вилоятидаги 5 та касб-хунар коллежнинг тайёрлов йўналиши ўзгартирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 10 июндаги “Академик лицей ва касб хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, ўрта маҳсус маълумотли кадрларни тайёрлаш, ўрта маҳсус касб хунар таълими муассасаларига қабул тизимини келгусида такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисидаги” баённома топшириғига асосан ўрта маҳсус касб хунар таълими муассасаларида малакали мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг меҳнатидан самарали фойдаланиш масалалари устувор йўналишлар сифатида белгиланди. Ушбу устивор вазифалардан келиб чиқиб, икки муҳим масалага эътиборни қаратиш лозим: касб хунар коллежларида меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган сифатли кадрлар тайёрлаш ва касб хунар коллежлари битирувчиларини бандлигини таъминлашнинг самарали механизмини яратиши.

2011 йилда замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш, 950 километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш, вилоятлар марказларига маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда.

Кўзда тутилган ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан интернетнинг халқаро тармоқларига чиқиши имкониятлари тезлигини 4 баробар ошириш, турғун стационар алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар сонини 3 миллиондан 3,5 миллион нафарга кўпайтириш, кенг форматли телекоммуникация тармоқларидан фойдаланувчилар сонини эса 2 баробар ошириб, 100 мингтага етказиш лозим.

Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник масалалари, ҳеч шубҳасиз, 2011 йилда ҳам дикқат марказида бўлади.

2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади. Бу 2010 йилга қараганда сезиларли даражада кўпдир. Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун ана шу харажатларининг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 трлн. 800 млрд. сўм кўп маблағ сарфланиши белгиланди.

Ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиши мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириши агентлигига Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда “Электрон таълим” миллий тармоғини барпо этишини ниҳоясига етказиши ҳамда 2011 йилда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларини, кейинчалик эса академик лицей ва касб-хунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Ислом Каримов

9-БОБ. 2010 ЙИЛДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ВА УШБУ ТИЗИМДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ДАСТУРЛАР

9.1. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш учун қабул қилингандай Давлат дастури ва унинг аҳамияти

Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг эксперталари таърифига кўра, **соғлиқ** - бу бор-йўғи касалликлар ва жисмоний нуқсонларнинг йўқлиги эмас, балки тўлиқ жисмоний, рухий ва ижтимоий фаровонлик ҳолатидир. Замонавий олимларнинг кўпчилиги соғлиқ тушунчасини кишининг оптимал физиологик, психологик ва ижтимоий фаолият юритишга лаёкати деб таърифлайдилар. Инсоннинг саломатлиги амалда унинг ҳаётий фаолиятининг барча соҳалари билан боғлиқ. Уларнинг исталган биридаги ўзгаришлар бевосита ёки воситали ҳолда соғлиқнинг психосоматик даражасига чиқади. **Соғлиқ** - бу инсоннинг биологик ва ижтимоий хусусиятларининг уйғун яхлит бирикмаси бўлиб, унга макро- ва микросферанинг шароитларга мослашиш, шунингдек ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан маҳсулдор ҳаёт билан яшашга имкон беради.

Инсоннинг соғлиғи ҳаёт сифатининг категорияси бўлиб, физиологик механизmlар, ташки мухитнинг шароитларига мослаша олиш, ўз-ўзини ташкил этиш қобилияти, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини сақлашга лаёкати билан белгилаб берилади.

Саломатлик ҳолати инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига таъсир этади. У инсоннинг жисмоний, психик ва ақлий лаёкатининг юқори салоҳиятини таъминлайди ва унинг тўлақонли яшашининг гарови бўлади. Аҳолининг саломатлиги жамият иқтисодий ривожланишининг динамикасига ниҳоятда улкан таъсир кўрсатади, унинг ижтимоий етуклигининг, давлатнинг ўз фуқароларининг соғлиғи учун қайғуриши даражасининг ўлчови бўлиб хизмат қиласи. Фақат соғлом кишигина тўлақонли меҳнат қилиб, оиласига ва жамиятга катта фойда беришга лаёкатли бўлади. Шу сабабли аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш Президентимиз ва ҳукуматимизнинг дикқат марказида бўлиб, мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ соғлиқни сақлаш соҳасига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва сифат ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида давр талабидан келиб чиқсан ҳолда изчиллик билан бир қатор қарорлар қабул қилинди:

- “Давлат санитария назорати тўғрисида”(1992 йил 3 июнь)
- “Фуқаролар соғлиқини сақлаш тўғрисида” (1996 йил 29 август)
- “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва ҳавфсизлиги тўғрисида” (1997 йил 30 август)
- “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида” (1999 йил 19 август)
- “Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида ” (2007 йил 3 май).

1998 йил 10 ноябр Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури» тўғрисидаги фармони эълон этилди ва унинг асосида дастур ишлаб чиқилди.

Дастурнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Соғлиқни сақлашнинг замонавий таркибий тизимини шакллантириш
- Аҳолига ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатадиган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлар тармоғини янада ривожлантириш ва шундай янги марказлар ташкил қилиш
- Тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, республика худудида диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш
- Аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС билан касалланишини олдини олиш тизимининг ишончлилигини ва самарадорлигини ошириш
- Аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини сифатини тубдан ошириш, педиатрия ва туғруқ муассасалари моддий-техник базасини янада

ривожлантириш ва мустаҳкамлаш

- Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, тиббий ходимларнинг малакаси ва касб маҳоратини муттасил ошириб бориш учун шарт-шароитларни таъминлаш
- Аҳолига даволаш жараёнининг тасдиқланган стандартларига мувофиқ равишда сифатли, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатадиган хусусий тиббий муассасаларнинг ривожланишга кўмаклашиш

Давлат дастурининг муҳим йўналишларидан бири қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий - санитария ёрдами кўрсатишини такомиллаштиришдир.

Соғлиқни сақлаш соҳасида сифат ўзгаришларини амалга оширишни тамиллаш борасидаги ишлар 2010 йилда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ илиш Давлат дастури асосида давом эттирилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шаклланди.

Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда энг замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жихозланган қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти йўлга кўйилди. Қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпайиб, 3 минг 200 тадан ошиди.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинининг тузилмаси ўзгартирилди.

Аввалги тизим - туман марказий шифохонаси, туман шифохонаси, қишлоқ участка шифохонаси, қишлоқ врачлик амбулаторияси, фельдшер-акушерлик пунктларидан ташкил топган бўлса, янги тизимда барча бўғинлар туман марказий шифохонаси ҳамда қишлоқ врачлик пунктларига бирлаштирилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда оналик ва болаликни мукофаза қилиш бўйича юксак самарали замонавий тиббиёт муассасаларининг мустаҳкам тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг ёрқин далили сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, 2009 - 2013 йилларда ахолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиши борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирларга қаратилган дастурни ишлаб чиқилишини қайд этиш мумкин.

Ушбу дастур - ахолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш тизимини такомиллаштириш, соғлом бола туғилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари ҳамда оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи соғлиқни сақлаш бирламчи бўғини муассасаларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, ахоли ўртасида соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга, соғлом турмуш тарзини олиб боришга интилишни шакллантириш бўйича тушунтириш ишларини кучайтириш, болалар ва ўсмирларни жисмоний жиҳатдан бекаму кўст ҳамда уйғун камол топтириш, жисмонан бақувват ва маънан баркамол ёш авлодни шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, тиббиёт ходимларининг малакасини ошириш, оналар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилашга қаратилган.

Маълумки, ёшларнинг соғлом турмуш тарзи, саломатликни сақлаш, тиббий маданият ҳақидаги дастлабки тасаввурлари аввалам бор оилада шаклана боради. Шу сабабли оилада соғлом муҳит шакллантириш, ота-оналарнинг тиббий маданиятини ошириш жуда муҳим ва бу борада бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган ва республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббиёт муассасалари тармоғи шаклланди.

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги ПҚ-1096-сонли «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришни қўшимча чоралари тўғрисида»ги Қарорини ижросини такомиллаштириш мақадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар хокимларни билан хамкорликда ўтказилган даволаш—профилактика муассасаларида кўрсатилаётган тиббий хизматни сифатини ошириш бўйича йиғилишларнинг қарорлари, баёнларини ижросини бажариш юзасидан буйруклар тасдиқланди. Натижада ўткир юқумли касалликларни тарқалишини олдини олишга муввафақ бўлинди.



9.1.1-расм.

2010 йилда республикада 12 маротаба «Фертил ёшдаги аёллар, болалар ва ўсмирқизларни соғломлаштириш ҳафталиги» ўтказилиб, бирламчи бўғин тиббий ходимларига амалий ёрдам бериш мақсадида Республика акушер-гинекологлар асоциациясининг етакчи профессор ўқитувчилари ва Тошкент тиббиёт академияси 1 ва 3-клиникалари, ТошПТИ, ТошВМОИ, Республика Перинатал маркази, Республика ихтисослашган илмий-амалий акушерлик ва гинекология маркази, Республика ихтисослашган илмий-амалий педиатрия маркази, ва Тошкент шаҳар ССБГа қарашли тиббиёт муассасаларининг юқори малакали 612 нафар мутахассислари барча худудларга сафарбар қилиндилар. Улар томонидан республиканинг барча туман ва шаҳарлардаги 2765 та ҚВП ҳамда шаҳар муассасаларида 490712 нафар аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 307297 тасини туғиш ёшидаги аёллар ва 176492 тасини ўсмирқизлар ташкил этган. Касаллиги аниқланган аёллар ва болалар учун Республика ва вилоят миқёсидаги шифохоналарда йулланмалар асосида даволанишлар ташкил этилди.

1 ярим йилликда 8645233 (100%) туғиш ёшдаги аёллар тиббий кўриқдан ўтказилди ва 3857811 (44,6%) нафарида соғломлаштириш ишлари олиб борилди. 2 ярим йилликдан бошлаб режа асосида 5393159 нафар туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўриқдан қайта ўтказилди. Уларнинг 2677891 (47,8%) нафарида соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

1 ярим йилликда 14 ёшгача бўлган болаларнинг 8568116 нафари тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг 3127945 нафари (47,2%) соғломлаштирилди. 2 ярим йилликдан бошлаб режа асосида 14 ёшгача бўлган болаларнинг 4952120 нафари тиббий кўриқдан қайта ўтказилди, уларнинг 2046352 (41,3%) нафарида соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

2010 йилда исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш учун 1 млн. 819дан ортиқ туғиши ёшидаги аёлларда контрацептив воситалари қўлланилди. Бу эса ўтган йилга нисбатан 209 минг 270 тага ёки 13 фоизга кўп дегани.

Аҳоли орасида соғлом оилани шакллантириш ва соғлом турмуш тарзи масалалари борасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш давом эттирилмоқда. Ўтган давр мобайнида 2142913 дан ортиқ тадбир ўтказилди, улардан 1826240 (85,2%) сухбатлар, 260917 марузалар (12,2%), 55756 (2,6%) савол-жавоб кечалари. Ўтказилган тадбирларнинг 88,1% маҳаллаларда, 9,5% мактабларда, 2,4% коллеж ва олий ўқув юртларида амалга оширилди.

Маълумки, ҳар бир инсон оилада таваллуд топади ва илк тарбияни шу маконда олади. Оиладаги соғлом муҳит ва ота-оналарнинг тиббий маданияти фарзанднинг соғлом бўлишига бевосита таъсир кўрсатади. Соғлом оилани шакллантириш оила аъзоларининг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашдан бошланиши зарур.



Ушбу ҳақиқатни чуқур англаған ҳолда Республикаизда оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дастури бажарилиши таъминланмоқда. Шунингдек "Она ва бола скрининги" чақалоклар ва хомиладор аёллардаги туғма ва авлоддан авлодга ўтувчи патологияни эрта аниқлаш давлат тизимини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида "Wallas Oy" фирмасидан (Финляндия) скрининг тадқиқотлари учун диагностика тўпламларини сотиб олинди ва 1998-2001 йиллар даврида "Она ва бола скрининги" дастури доирасида ташкил этилган скрининг марказлари "Wallas Oy" компаниясининг (Финляндия) диагностика аппаратлари, ташкилий техника ва коммуникация воситалари билан жиҳозланди. 2004 йилда "Wallas Oy" компаниясининг (Финляндия) расмий эксклюзив вакили хисобланадиган "Pribori oy" фирмаси (Финляндия) билан "Соғлом авлод учун" жамғармаси ўртасида скрининг тадқиқотлари ўтказиш учун реактивлар етказиб бериш юзасидан контракт тузилди. "Pribori oy" фирмаси билан тузилган 1,1 млн АҚШ доллари суммаси миқдоридаги контрактни молиялаштириш "Pribori oy" фирмаси томонидан 1 йил

муддатга бериладиган фойзсиз товар кредити ҳисобига амалга оширилди. Бугунги кунда барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шақрида скрининг марказлари ташкил этилди ва уларнинг фаолиятини тамиллаш учун 2010 йилнинг ўзида 4 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўриқдан ўтказилди.

Барча вилоятлар марказларида катталар ва болалар учун кўп тармоқли тиббиёт марказлари, ҳар бир туманда енг замонавий медитсина асбобускуналари билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари фаолияти ўйла гўйилди. Ушбу қишлоқ врачлик пунктларининг сони 2000 йилга нисбатан 2 баробар кўпайиб, 3 минг 200 тадан ошиди.

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 июнданги ПК-892 сонли “2008-2012 йилларга мулжалланган «Болалиқдан ногиронликни олдини олиш борасида туғма ва ирсий касалликларни эрта аниқлаш Дастури” хақидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида хисобот даврида Республика скрининг марказларида 101221 нафар наслий ва туғма касалликларга чалиниш хавфли гурухга кираётган хомиладорлар тиббий-генетик текширудан ўтказилди. Туғма гипотиреозга 459040 чақалоқ текширилди ва улардан хавфли гурухни 19825 чақалоқ ташкил этди. ФКУга 460960 чақалоқ текширудан ўтказилди, улардан хавфли гурухни 1543 чақалоқ ташкил этди. Нерв найи нуқсони ва АФП/ХГ хромосомаларнинг синдромлари касалликларига чалиниш хавфли гурухга кирадиган 38356 хомиладор аёл биокимёвий скрининг текширувидан ўтказилиб, улардан 2312 аёлда хомила нерв найи нуқсони ва хромосомаларнинг касалликлари аниқланганлиги сабабли

хомиладорлиги тўхтатилди. Туғма ва транзитор гипотиреоз билан хасталанган болалар ва хомиладор аёллар учун 465 упаковка “Микройодид-100”, 4798 упаковка “Этироекс-100” ва “L-тироксин-100”, фенилкетонурия билан касалланган болаларга 7058та банка шифобаҳаш овқат махсулотлари тарқатилди. Жиззах вилоятида ҳудудий скрининг маркази ташкил этиш бўйича ташкилий ишлар олиб бориб, керакли асбоб-ускуналар ўрнатилди ва жорий йилнинг 23 март куни скрининг маркази ишга туширилди. Сирдарё вилояти скрининг маркази биносини таъмирлаш ишлари тугатилиб, ишга туширилди. Шу билан бирга, **перинатал** марказлар тармоғи ҳам жадал ривожланмоқда. Ўтган ўн йил давомида юртимизда 11 та **перинатал** марказ ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўриқдан ўтказилди.

9.2. Соғлиқни сақлаш тизимида ҳалқаро ҳамкорлик муносабатлари

Соғлиқни сақлаш тизимида ҳалқаро ҳамкорлик муносабатларини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан 2010 йилнинг 10-15 май кунлари Германиянинг “Фриедендорф Интернейшнл” ҳалқаро ташкилоти ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари томонидан Тошкент шаҳри, Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ва Бухоро вилоятларидан 12 ёшгача бўлган жами 367 нафар бемор болалар тиббий кўриқдан ўтказилди. 40 нафардан ортиқ болаларнинг касаллик ва рақалари Германия клиникаларида даволаниш учун танлаб олинди. 22 нафар bemor бола Республика из клиникаларида “Фриедендорф Интернейшнл” ҳалқаро ташкилоти маблағи ҳисобига даволаниш тавсиясини олишди. Хозирги вақтда 19 нафар бола Германия клиникаларда даволанишни давом эттирумокдалар. Ҳисобот даврида Германиянинг грант маблағлари ҳисобидан Республика бўйича 356 нафар туғма лаб-танглай ва ортопедик нуқсонлари бўлган ногирон болалар операция килинди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Софлом авлод учун” жамғармаси ва Жанубий Кореянинг Пундан Ча, Сеул Миллий Университети ҳамда Ин Ха Университети Госпиталарининг мутахассислари томонидан туғма юрак нуқсони мавжуд бўлган болаларни Кореяда 10 нафарига ва Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг клиникасида 10 нафар болага бепул операция ўтказилди. Шунингдек, Тошкент шаҳар, Тошкент ва Навоий вилояларининг 2360 нафар аҳолини тиббий кўриқдан ўтказдилар.

АҚШнинг “Амери Керз” ҳалқаро хайрия ташкилоти орқали жорий йилнинг 13 апрелида қиймати 20822 АҚШ долл. миқдоридаги 550 дона ногиронлик аравачалари қабул қилиниб, Республика нинг барча туман, қишлоқ ва шаҳарларида яшовчи кам таъминланган ва ногирон болаларга тарқатилди. Шунингдек, 2010 йил мобайнида 9 556 нафар туғиши ёшидаги аёлларга “Амери Керз” ҳалқаро ташкилоти томонидан мурувват ёрдами сифатида тақдим этилган таркибида фолели кислотаси мавжуд бўлган 5 921 қути “Пренатал” поливитамини тарқатилди. Бундан ташқари, тиббий текширувдан ўтказилган ва соғломлаштириш мақсадида қишки оромгоҳларга жалб қилинган болажонларга мунтаззам равишда Германиянинг “Фридендорф Интернейшнл” ҳалқаро ташкилоти томонидан мурувват ёрдами сифатида келтирилган 8830 дона “Изотоник” мултивитаминалари тарқатилди. 2010 йилда 612000 минг АҚШ долл. қийматидаги 22 млн. доза полиомиелит, 1 млн. 876 минг доза пентавалент вакциналари ва 425минг доза КПК вакцинаси сотиб олиниб, вилоятларга тарқатилди. Ноябр ойида 300 доза КПК, 300 доза ВГВ Туркиянинг ТИКА орқали мурувват ёрдами 1 млн.800 минг АҚШ долл. олинди. 2010 йилда 2 ёшгача бўлган болаларни бошқарилувчи юқумли касалликларга қарши эмлаш билан қамраб олиш 96,4%дан 99,0%га бажарилди.

2010 йилнинг 29 апрелида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ЖССТ ва ЮНИСЕФ Ҳалқаро ташкилотлари ўртасида «Полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунларини ташкил этиш ва ўтказиш» бўйича меморандум имзоланди.

Республика ҳудудида жорий йилнинг 17-23 май, 7-13 июн ва 5-9 июль кулари полиомиелитга қарши Миллий эмлаш кунлари 3 та раунди ўтказилди. Унда 2,9 млн. нафар 0-

5 ёшгача бўлган болалар орал полиомиелит вакцинаси билан эмландилар. 25-30 октябр кунлари полиомиелитга қарши Миллий эмлаш кунлари 4-раунди ўтказилди. Бунда 0-15 ёш ва Сурхондарё вилоятида 0-25 ёшгача бўлган болалар эмланди. Хамма раундга 22 млн. доза орал моновалент полиомиелит вакцинаси сарфланди.

Ўзбекистонда сўнгги ўн йил ичидаги гўдаклар ўлими даражаси (ГУД) барқарор камаймоқда. Бундай натижага эриш жараёнида Миллий эмлаш режасини амалага ошириш катта аҳамият касб этмоқда. Масалан Вирусли гепатит В турига қарши вакцинация натижасида маълум ютуқлар қўлга киритилди.



9.2.1-расм.

Миллий эмлаш календари асосида Ўзбекистон Республикасида туберкулез, полиомиелит, дифтерия, вирусли гепатит В, қўййутал, столбняқ, қизамиқ, қизилча, эпид.паротит ва ХИБ инфекцияларига қарши эмлаш режали равишда амалга оширилмоқда.

2 ёшгача бўлган болаларни эмлаш (вакцинация) марказлашган бюджет ҳисобидан, 2-14 ёшли болалар ва катталарни эмлаш (ревакцинация) ҳамда эпидемик кўрсатмалар бўйича эмлаш маҳаллий ҳокимликлар маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.



9.2.2-расм. Ўзбекистон Республикасида 1991-2010 йилларда полиомиелит касаллиги бўйича эпид.вазият ва 2 ёшгача бўлган болаларни полиомиелитга қарши эмлаш кўrсаткичлари.

Республикада 1994-1995 йилларда полиомиелит вакцинаси таъминотидаги узилишлар туфайли полиомиелит касаллигининг оммавий тусда қайд этилиши кузатилиб, 114 та холат рўйхатга олинди.

Республикада полиомиелит касаллиги бўйича юзага келган эпидемик вазият ҳисобга олиниб, 1995 йилдан бошлаб 5 ёшгача болалар полиомиелитга карши оммавий эмлаш билан қамраб олинди.

Ўзбекистонда 1996 йилдан бошлаб полиомиелит касаллиги қайд этилмади ва 2002 йилда Ўзбекистон полиомиелит вирусидан холи худудлиги тўғрисида ЖССТнинг сертификатига эга бўлдиди.

Болалар саломатлигини мустахкамлаш мақсадида Ўзбекистонда А витаминини истеъмол қилишнинг лозим бўлган даражасини таъминлаш дастурини мамлакат қўламида муваффақиятли амалга оширмокда. 2003 йилдан бошлаб 5 ёшгача бўлган болалар 2,2 млн. нафар бола бир йилда икки марта А витамини капсуласини қабул қиласди. 1999 йилдан бўён етгита вилоятда 4 миллиондан зиёд тугруқ ёшидаги аёллар ва 2 ёшгача бўлган болалар таркибида темир моддаси ва фолат кислота бўлган қўшимча билан таъминлаш дастури ила қамраб олинган. Витамин А танқислигини профилактика қилиш мақсадида 2010 йилнинг 10-16 май ва 29 ноябр-5 декабр кунлари "Соғлом бола хафта" ларида республиканинг барча худудларида 5 ёшгача бўлган болалар орасида витамин А саплементациясининг 14 ва 15 тури ўтказилиб, 96,8% болалар қамраб олинди.

Тиббиёт ходимлари **неонатал реанимация** ҳамда янги туғилган чақалоқни парваришлиш бўйича мавжуд методларни ўзгартиришни қўллаб-қувватлаш бўйича қайта тайёрловдан ўтказилди. Она ва болани битта палатага жойлаштириш бутун мамлакат бўйича амалиётга киритилиб, 56 тугруқ комплексларини ва туман шифохоналаридаги 182 тугруқ бўлимларини қамраб олди. Барча тугруқ комплексларида асептика ва антицептика қоидаларига риоя этган ҳолда "озода тугруқ" амалиётга киритилди.

Соғликни сақлаш соҳасида хусусий секторнинг тиббий хизматлар кўрсатишнинг текин турларини тақдим қилиш билан қўшилган ҳолда янада кенгроқ иштирок этишига йўналтирилган асосий соғликни сақлаш ислоҳоти 1998 йилда бошланиб, ижобий ўзгаришлар юзага келди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ килишда, бошқа ишлар билан бирга тезкор акушерлик ёрдами ва янги туғилган чақалоқни парваришилаш тизимини кучайтириш йўли билан оналик ва болаликни муҳофаза килишни яхшилаш ҳам назарда тутилган. У репродуктив саломатлик соҳасида кўрсатиладиган хизматни яхшилаш учун соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини таркибини ўзгартиришга қаратилган. Давлат сиёсати ҳамда эмизиш амалиётини ёйиш мақсадида қабул қилинган дастур гўдаклар ўлимини ва болаларнинг касалланишини камайтиришга асос бўлди.

Ҳукумат соғликни сақлашнинг бирламчи бўғини ҳамда аёллар ва болаларга хизмат кўрсатиш муассасалари тармоғини ривожлантиришга изчиллик асосида алоҳида эътибор бермокда. Бинобарин "Соғлом авлод" йили (2000 йил) "Сиҳат-саломатлик" йили (2005 йил) давлат дастурлари доирасида катта амалий натижалар қўлга киритилди.

...кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коеффитсийенти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коеффитсийенти esa 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушибди. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди.

Ислом Каримов

Ўзбекистонда камқонлик аёллар орасида энг кўп учрайдиган ва оналар соғлиғига ҳалокатли таъсири кўрсатадиган касаллик бўлиб қолмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги қайд этишича, 2004 йилда барча ҳомиладор аёлларнинг 74,4%и анемиядан азоб чеккан, бунда минтақалар бўйича фарқ катталиги кузатилган: 2004 йилда анемиядан азоб чеккан ҳомиладор аёллар ҳиссаси Тошкент шаҳридаги 39,1%дан Қорақолпоғистондаги 99,3%гача ўзгариб турган.

1999-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Дастури соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини муассасаларида тезкор акушерлик ёрдами тизимини кучайтириш ва

репродуктив саломатлик соҳасидаги хизматлар тузилмасини қайта куриш йўли билан оналар саломатлигини химоя қилишга қаратилган.

2005 йилга мўлжалланган "Сиҳат-саломатлик" йили давлат дастури оналикни муҳофаза қилиш тизимини инфратузилмасини ривожлантиришга, тиббиёт ходимларининг касбий кўникмаларини ҳамда аҳолининг оналикни муҳофаза қилиш тизимини хабардорлигини оширишга йўналтирилган.

Донор ташкилотлар ҳукумат фаолиятини қўллаб-қувватлشда фаол қатнашмоқда. БМТ аҳолишунослик фонди ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги фаолияти аввал бошданоқ мамлакатда оналар саломатлигини яхшилашга йўналтирилди. Улар оналар саломатлиги бўйича миллий клиник дастурлар ва қоидаларни қайта қўриб чиқишига, тиббиёт ходимларини ўқитишга ҳамда зарур тиббий ускуналар беришга кўмаклашди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кейинги ўн йилда мамлакатимизда оналар ўлими коеффитсиенти 33,1 промилледан 19,7 промиллега, болалар ўлими коеффитсиенти esa 18,9 промилледан 10,1 промиллега тушди. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди.

Шу йилларда аҳолининг юқумли касалликлар, жумладан, сил, гепатит каби оғир турдаги ва бошка хасталикларга чалинишининг умумий даражаси анча пасайди. Бундай натижаларга еришишда шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини моддий рақбатлантиришни кучайтириш, уларнинг касб тайёргарлиги даражасини ошириш, мамлакатимиз фармацевтика саноатини жадал ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам муқим омил бўлмоқда. Биргина 2010 йилнинг ўзида 32 номдаги янги дори препаратларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қарагандан 23 фойзга кўпdir. 2010 йилда стационар тиббиёт муассасаларида қўшимча равишда 1 минг 630 та ёки 2009 йилга нисбатан қарийб 2,5 марта кўп даволаниш ўринлари фойдаланишга топширилди. ҳисобот даврида соқлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун жами 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди, бунинг 1 триллион 700 миллиард сўми буджет маблағларидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, юртимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама етук шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. “Баркамол авлод йили” давлат дастурида акс этган мақсад ва вазифалар замерида ягона ғоя мужассам. Бу ғоя Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом зурриёт, яъни жисмоний ва мъянавий етук авлоднинг шаклланиши, имкониятларини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган тизимни яратиш, ёшларимизнинг ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат.

Мустақилликнинг эълон қилинган биринчи кунлариданоқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов, Республикаизнинг ҳукумати ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиғига доимий ғамхўрлик қилмоқда. Соғлиқни сақлаш ва уйғун ривожланиш, болаларнинг соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири жисмоний тарбия ва спортдир. Оммавий болалар спортининг ривожланишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги 3154-сонли Фармони «Болалар спортини ривожлантириш фондининг тузилиши тўғрисида» ва 2002 йил 31 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамасининг 374-сонли Қарори «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш фонди фаолиятининг ташкил этилиши тўғрисида» қабул қилинган. Ушбу ҳужжатларда Соғлиқни сақлаш Вазирлиги олдида ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳар томонлама жисмоний ва мъянавий ривожланишини таъминлашга имкон берувчи болалар

Барча вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари ташкил етилди ва уларнинг фаолиятини таъминлаш учун 2010 йилнинг ўзида 4 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилди. 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий кўрикдан ўtkazildi.

Ислом Каримов

спорти турларининг асосий йўналишларини ривожлантиришнинг тиббий-илмий асосларини ишлаб чиқиши вазифаси қўйилган.

Соғлом болаларни ривожлантириш соҳасида илмий тадқиқотлар боланинг организмига жисмоний тарбиянинг ҳал қилувчи таъсиридан далолат беради. Инсон организми ҳаракатга бўлган биологик эҳтиёжни сезади, ушбу ҳаракатлар жисмоний ва интеллектуал ривожланишини такомиллаштиришнинг фаол биологик рағбатлантиришнинг омиллари бўлади. Ҳаракатларнинг роли организмнинг кескин ва кучли ўсиши ва ривожланиши даврларида - болалик ва ўсмирлик ёшида айниқса каттадир.

Бола организмининг ўсиш жараёнини пассив кузатиш шунга олиб келадики, ўсмирлик ёшига келиб таянч-ҳаракат тизими ва ички аъзолари тарафидан касалликлар шаклланади. Болада психологик ички ноқулайлик кузатилади. Бугунги кунда Республикаиз фуқаросининг соғлиғини шакллантириш ва уйғун ривожлантириш жисмоний тарбия ва спортсиз тасаввур этилиши мумкин эмас. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш болаларда ва ўсмирларда ҳаётга ишонч, шодлик ва тетикликни ҳосил қиласи, ватанпарварлик туйғуси ва Ватангга муҳаббатни тарбиялайди.

Айтиш жойизки, 2015 йилга бориб болалар ўлимини учдан икки қисмга камайтириш, оналар соғлиғини яхшилаш ва 2015 йилга бориб оналар ўлимини учдан бир қисмга камайтириш Ўзбекистоннинг мингйиллик ривожланиш мақсадларида миллий вазифа сифатида эътироф этилган.

10-БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ҚҰЛАЙ ВА БАРЧА КОММУНАЛ ХИЗМАТ ШАРОИТЛАРИГА ЭГА БҮЛГАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ТУРАР ЖОЙЛАРНИНГ ҚУРИЛГАНЛИГИ

10.1. Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтиришга, қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга, жаҳон андозаларига мос келувчи замонавий архитектура ва дизайн асосда барпо этиладиган, барча қулайликлар ва коммуникация тизимларига эга бўлган шинам уй-жойлар барпо этишга, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 18,3 миллиони ёки 70,4 % и қишлоқда, 7,7 миллиони ёки 29,6 % и шаҳарда истиқомат қиласди. Шундай экан қишлоқда яшаётган аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш миллионлаб ватандошларимизнинг фаровонлигини юксалтиришга, уларда эртанги кунга бўлган ишонч ва ҳаётдан қониқиши хисларини шакллантиришга хизмат қиласди.

Замонавий қишлоқ аввалом бор архитектура ва меъморий режалаштириш талабларига мос келиши, Бош режа асосида тартиб билан қурилиши, барча қулайликлар ва коммуникация тармоқларига (электр узатиш тармоқлари, газ, сув таъминоти, йўллар ва бошқа) эга бўлиши ҳамда замонавий кўриниши ва шинамлиги билан ажралиб туриши лозим.

Ўтган йили қишлоқ жойларда биз 2009 йилда бошлаган, құлай ва барча коммунал хизмат шароитларига эга бўлган якка тартибдаги турар-жой масивларини комплекс қуриши ишлари эътиборимиз марказида бўлгани барчамизга маълум.

Айниқса, якка тартибда қурилаётган уй-жойлар лойиҳаларининг қулайлик нуқтаи назаридан бошқатдан кўриб чиқилиб, ажратиладиган ер участкалари ҳажмини тўрт сотих ўрнига олти сотих қилиб белгилаши тўғрисида қабул қилинган қарорлар алоҳида аҳамият касб этди.

Ислом Каримов

Аҳоли яшаш жойининг Бош режаси – узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий дастурлар, республикани ва унинг минтақаларини ривожлантириш прогнозлари, туманни режалаштириш схемалари ёки лойиҳалари асосида ишлаб чиқиласди, аҳоли яшаш жойларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ва чегараларини, улар ҳудудининг функционал вазифасини ва қурилишни зоналаштиришни, мухандислик, транспорт ижтимоий инфратузилмасини комплекс ривожлантиришни, ҳудудларни ўзлаштиришнинг навбатма-навбатлигини, тарихий-маданий мерос объектларини сақлашга, экологик ва санитария ҳолатига қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

10.2. Қишлоқларни архитектура ва меъморий режалаштириш талабларига кўра лойиҳалаштириш ва қайта қуриш

Ўзбекистон Республикасининг “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 26-моддасида шаҳарсозлик ҳужжатларининг қўйидаги таркиби белгиланган:

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳолини жойлаштириш Бош тархи;
- Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар ҳудудини режалаштириш тархлари;
- туманни (туманлар гурухларини) режалаштириш лойиҳаси;
- аҳоли пунктларининг бош режалари;

- шаҳар ва посёлка чизиги лойиҳалари;
- аҳоли пунктлари ҳудудини ривожлантиришнинг тармоқ тархлари;
- батафсил режалаштириш лойиҳаси;
- бинолар, иншоотлар ва бошқа обьектлар қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари.

Меъморий режалаштириш талабларига кўра қишлоқ аҳоли пунктлари уларда яшаётган аҳоли сонига кўра 4 тоифага ажратилади ва шунга мос қишлоқларнинг меъморий бош режаси ишлаб чиқилади.

Меъморий режалаштириш лойиҳаси - иморатлар қуришнинг ҳажм-макон ва архитектура-бадиий ечимини, биноларнинг неча қават бўлиши ва турларини, иморат қуриш ва ердан фойдаланишини тартибга солишнинг қизил чизиқлари, чегараларини, ердан фойдаланувчилар ҳудудларининг чегараларини, кўчаларнинг кўндаланг кўринишини белгилаб беради, шунингдек, ҳудудларни муҳандислик юзасидан тайёрлаш тадбирларини, атроф муҳитини муҳофаза қилишни назарда тутади.

Биринчи тоифага аҳоли сони 100 дан 1000 кишигача бўлган кичик қишлоқлар, иккинчи тоифага аҳоли сони 1000 кишидан 3000 кишигача бўлган ўртacha қишлоқлар, учинчи тоифага аҳоли сони 3000 кишидан 5000 кишигача бўлган катта қишлоқлар ва тўртинчи тоифага аҳоли сони 5000 кишидан ортиқ бўлган йирик қишлоқлар киритилади.

Мамлакатимизда жами 11820 та қишлоқ аҳоли пунктлари мавжуд бўлиб, уларнинг 5982 тасида (49,8 % и) аҳоли сони 100 дан 1000 кишигачани, 4527 тасида (38,3 % и) 1000 дан 3000 кишигачани, 1026 тасида (8,7 % и) 3000 дан 5000 кишигачани ташкил этади ва фақат 375 тасида (3,2 % и) 5000 кишидан ортиқ (10.2.1-жадвал).

10.2.1-жадвал

Қишлоқ аҳоли пунктларининг тоифаланиши

Аҳоли пунктларининг тоифаси	Аҳоли сони	Аҳоли пунктларининг сони	Жамига нисбатан фоизда
Кичик аҳоли пунктлари	100 дан 1000 кишигача	5882	49,7
Ўртacha аҳоли пунктлари	1000 дан 3000 кишигача	4511	38,2
Катта аҳоли пунктлари	3000 дан 5000 кишигача	1052	8,9
Йирик аҳоли пунктлари	5000 кишидан ортиқ	375	3,2
Жами:		11820	100

Шаҳарсозлик талабларига кўра мамлакатимиздаги ҳар бир аҳоли пунктлари меъморий жиҳатдан Бош режа асосида қурилмоғи мақсадга мувофиқ. Бош режа аҳоли яшаш пунктларини режа асосида барпо этишнинг кенг қамровли режаси бўлиб, у ўз ичига қўйидагиларни олади:

- режалаштириш бўйича чекловлар ва атроф-муҳитнинг мавжуд ҳолатини баҳолаш схемаси;
- бош режа (асосий тарҳ);
- қурилишни биринчи навбатга жойлаштириш схемаси;
- шаҳар ва ташқи транспорт магистралларининг схемаси;
- муҳандислик коммуникациялари схемаси;
- ҳудудни муҳандислик ишлари бўйича тайёрлаш схемаси;
- атроф-муҳит муҳофазаси (атроф-муҳиттга таъсирни баҳолаш) лойиҳаси;
- фуқаролик ҳимояси бўйича техник-муҳандислик тадбирлар;
- бош режанинг асосий қоидалари ва техник-иктисодий кўрсаткичлари.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари Бош режа асосида:

- туманнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш;
- аҳоли пунктлари ва уларнинг қисмларини чегараларини белгилаш;

- мұхандислик коммуникациялар ва транспорт хизматини ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик объектларини жойлаштириш;
- табиатни муҳофаза қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиши;
- шаҳарсозлик фаолиятининг алоҳида тартибга солинадиган объектларини белгилашда ва уларни ривожланишини мувофиқлаштириш;
- объектларни курилишига рухсат бериш;
- ерга эгалик қилиш муносабатларини тартибга солиш ва бошқа масалалар бўйича қарорлар қабул қиласидар.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги барча қишлоқ аҳоли пунктларини юқорида келтирилган замонавий архитектура ва меъморий режалаштириш талабларига тўлиқ жавоб беради дея олмаймиз.

Республикамизда мавжуд жами 11820 та қишлоқлардан 7371 тасининг (62 % и) Бош режаси умуман ишлаб чиқилмаган, 3982 тасининг (34 % и) Бош режаси эскирган, 467 тасининг (4 % и) Бош режаси яроқли ҳисобланади. Демак мавжуд қишлоқларимизнинг 96 % ини замонавий архитектура талаблари даражасида Бош режа билан таъминлаш талаб этилади (10.2.1-расм).



10.2.1-расм. Қишлоқ аҳоли пунктларининг Бош режа билан таъминланганлиги

Замонавий архитектура ва меъморий қурилиш талабларига мос келмайдиган қишлоқ аҳоли пунктлари ягона режанинг мавжуд эмаслигидан кўп ҳолларда тартибсиз ва тарқоқ ҳолда қурилади. Айниқса туманларнинг марказларидан узокда жойлашган қишлоқ аҳоли пунктлари Бош режа асосида қурилмагани боис, уй-жойлар кўчаларга бўлинган ҳолда батартиб қурилмаган. Бундай қишлоқлардаги уй-жойларнинг ташки кўринишида ҳам хилмажиллик учрайди. Шу сабабдан кўриниши замонавий дизайн ва шаҳарсозлик мезонларига мос келмайди ҳамда коммуникация тармоқларига улаш жараёнида нокулайликлар келтириб чиқаради.

Мұхтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуслари билан юртимизда 2009 йилнинг “Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилиши қишлоқларимиз қиёфасини замонавий архитектура ва саноат асосида тубдан ўзgartириш ва янгилаш, уй-жой, ижтимоий ва коммунал обектлар, коммуникацияларни барпо этиш бўйича узок муддатга мўлжалланган аник мақсадли ишларимизнинг бошланиши бўлди.



Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартағи 59-сонли “Замонавий архитектура - шаҳарсозлик талабларини инобатга олган ҳолда аҳоли пунктларини

ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари” ҳамда 2009 йил 7 апрелдаги 148-Ф сонли “Қишлоқ аҳоли пунктларини бош режалар ва худудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳалари билан ўз вақтида таъминлаш, ушбу худудларни шаҳарсозлик жиҳатдан комплекс ривожлантиришни амалга ошириш тўғрисида” ги фармойишига мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктларини замонавий бош режалар билан таъминлаш ва худудларни меъморий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларини амалга оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Замонавий уй-жой лойиҳалари ўз ичига замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини, республика минтақаларининг табиий-иклим шароитларини ва жойнинг рельефини, ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади.

Бугунги кунда замонавий архитектура ва меъморий қурилиш талабларига мос келадиган, шинам ва барча қулайликларга эга бўлган, коммуникация тизимларига уланган, жаҳон андозалари даражасидаги қишлоқларни барпо этиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1046-сонли "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги иили" давлат дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2010-2014 йиллар давомида аҳоли сони 10 минг кишидан ортиқ бўлган қишлоқ аҳоли пунктларини бош режа лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича дастурга жами 62 та, қишлоқ аҳоли пунктларини қурилиши ҳамда қишлоқ ҳўжалиги корхоналари худудларини меъморий режалаштириш ва ташкил қилиш бош режа схема лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича дастурга аҳоли сони 5 минг кишидан кам бўлган қишлоқ аҳоли пунктлари бўйича 990 та, аҳоли сони 5 мингдан 10 минг кишигача бўлган аҳоли пунктлари бўйича 353 та лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Энг аввало, қишлоқда қуриладиган замонавий уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилмаларни лойиҳалаштиришсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунинг учун лойиҳалаштириш ишларидан яхши хабардор бўлган, барча моддий-техникавий базага эга ҳамда етарли илмий салоҳиятга эга ихтисослашган лойиҳа-қидирав институтларини ташкил этиш талаб этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январда қабул қилинган ПҚ-1049 сонли “МЧЖ “Қишлоққурилишлойиҳа” лойиҳа-қидирав институтини ташкил қилиш тўғрисидаги” қарорига мувофиқ ташкил этилган “Қишлоққурилишлойиҳа” лойиҳалаш - қидирав институти айнан шу вазифани амалга оширишга хизмат қиласди.

Ўтган иили “Қишлоққурилишлойиҳа” институти томонидан 31 та уй-жой лойиҳалари, 16 та ижтимоий соҳа обьектларнинг лойиҳлари ва худудлардаги лойиҳа институтлари томонидан 20 та уй-жой лойиҳалари ишлаб чиқилиб, қўллаш учун тавсия этилди.

10.3. Қишлоқ қурилишини молиялаштириш ва имтиёзли кредитлаш

Қишлоқларда замонавий уй-жойлар ва инфратузилмалар барпо этиш узоқ муддатга мўлжалланган, босқичма-босқич амалга ошириладиган йирик дастур бўлиб, уни ҳаётга татбиқ этиш учун катта маблағ талаб этилади.

Қишлоқ қурилишига сарфланадиган маблағларнинг манбалари куйидагилардан иборат:

- қишлоқ аҳолисининг ўз маблағлари;
- “Қишлоқ қурилиш банк” очик турдаги акциядорлик тижорат банкининг кредит ресурслари;
- давлат бюджетидан шу мақсадларга ажратилаётган маблағлар;
- молиялаштиришнинг бошқа манбалари.

2010 иили мамлакатимизнинг барча 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шарти билан 6 800 та уй-жой барпо этилди.

Ушбу мақсадларга қарийб 430 миллиард сўм миқдоридаги капитал қўйилмалар, жумладан, 250 миллиард сўмдан ортиқ узоқ муддатли имтиёзли кредитлар йўналтирилди. Бу маблағ 2009 йилга нисбатан 9 баробар кўпdir.

Ислом Каримов

Гарчи қишлоқларда замонавий уй-жойлар барпо этиш лойиҳасининг бошланганига эндиғина бир йил тўлганига қарамай, хукуматимиз томонидан шу мақсадларга

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки – қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй жой шароитларини яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ 2009 йил 30 марта Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ғалла-банк» акциядорлик тижорат бинки негизида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этилди. «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг устав капитали 150 миллиард сўм миқдорида шакиллантирилган.

молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан 2009 йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Бу борада молиялаш манбалари ва маблағ ажратиш механизми белгилаб олинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 марта қабул қилинган ПҚ-1083 сонли “Қишлоқ қурилиш банк” очиқ турдаги акциядорлик тижорат банкини ташкил қилиш тўғрисидаги” қарорига мувофиқ қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифат жиҳатдан яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида “Қишлоққурилишбанк” ташкил этилди.

2010 йилги Инвестиция дастури доирасида фақат уй-жой қурилиши учун “Қишлоқ қурилиш банк” орқали аҳолига 250 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу 2009 йилда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган маблағ миқдоридан 9 марта кўп демакдир.

Барчамизга сир эмаски замонавий уй-жой барпо этиш катта маблағ талаб этадиган лойиҳадир. Шу туфайли қишлоқ аҳолисининг ҳаммаси ҳам бу уй-жойларни харид этишга қурби етмаслиги мумкин. Шуни эътиборга олган ҳолда, мухтарам Президентимиз ташабbusлари билан қурилаётган уй-жойларни имтиёзли фоиз ставкалари билан узоқ муддатли ипотека кредитлари орқали аҳолига топшириш тартиби ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди.

Ипотека – кўчмас мулкни гаровга қўйиш асосида бериладиган узоқ муддатли қарз; ушбу қарзни таъминлашга хизмат қилувчи гаров.

Ипотека кредити – кўчмас мулк гарови остида банк томонидан берилувчи кредит. Аксарият ҳолларда кўчмас мулкни сотиб олиш учун кредит олишда шу кўчмас мулкнинг ўзи банкка кредитни қайтариш кафолати сифатида ипотека (гаров) бўлиб хизмат қиласди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 25 майда қабул қилинган 148-сонли қарорига биноан якка тартибда уй-жой қуришга узоқ муддатли ипотека кредити беришнинг асосий шартлари қуидагича белгиланган:

- кредит 6-ойлик имтиёзли давр билан 15 йил муддатга берилади;
- кредит миқдори энг кам ойлик иш хақининг 1000 бараваригача берилади (ҳозирги кунда энг кам иш ҳақи миқдори 49735 сўмни ташкил қиласди);
- кредит учун фоиз ставкаси Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг (12 фоиз) 50 фоизи миқдорида белгиланган (ҳозирги кунда 6 фоиз атрофида);
- барпо этиладиган уй-жой смета қийматининг камидা 25 фоизи миқдорида бошланғич бадал киритилади.

Уй-жой қурилиши учун кредит:

- қишлоқ жойларида домий яшайдиган, яъни қишлоқ жойида доимий рўйхатдан ўтган;

- ипотека кредити олиш учун мурожаат қилган кунида 18 ёшга тўлган, яъни 18 ёшдан ошган Ўзбекистон Республикаси фуқаросига;
- охирги 12 ой мобайнида доимий иш жойига, доимий даромадига, шунингдек кредит бўйича тўловларни ҳар ойда тўлашга қодир бўлган;
- қурилидиган уй-жой қийматининг камидаги 25 фоизи миқдорида бошланғич бадал учун маблағга эга бўлган;
- кредит ташкилотларидан муддати ўтган қарзи бўлмаган шахсларга берилади (10.3.1-жадвал).

10.3.1-жадвал

Кредит ажратиш тартиби (мисол тариқасида), минг сўмда

Уй-жойнинг якуний қурилиш нархи	Қурилаётган уй-жойнинг 25% доирасида бошланғич бадал суммаси	Кўпи билан ажратиладиган кредит суммаси	Уй-жой эгаси томонидан уйни қабул қилингана қадар тўланадиган қолдиқ суммаси	Кредитга лаёқати (карз олувчи/ биргаликда қарз олувчилар билан бирга ойлик даромадлари) Оддий усулда	Кредитга лаёқати (карз олувчи/ биргаликда қарз олувчилар билан бирга ойлик даромадлари) Аннуитет усулда
78 000	19 500,0	49 735,0	8 765,0	719,9	558,8

Якка тартибда уй-жой қуриш учун фуқаро, энг аввало ўзи истиқомат қиладиган вилоятдаги “Қишлоқ қурилиш инвест” инжинииринг компаниясининг филиалига ариза билан мурожаат қилиши лозим. Фуқаро ўз аризасида уй-жойларнинг намунавий лойиҳасини ва уй-жой қурилиши учун тўлов турини кўрсатиб ўтиши лозим. “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК аризани ўрганиб чикади ва фуқаро билан дастлабки шартнома тузиш учун таклиф этади. Фуқаро “Қишлоқ қурилиш инвест” ИК билан шартнома тузгандан сўнг, ипотека кредити расмийлаштириш учун фуқаро яшаш жойига яқин бўлган “Қишлоқ қурилиш банк”нинг филиалига мурожаат қилади.

Қарз олувчи фуқаро “Қишлоқ қурилиш инвест” инжинииринг компанияси билан “калити билан топшириш” шартлари асосида тузилган шартномада қурилиш ташкилотини танлаш ва техник назорат қилиш вазифаларини компанияга юклайди. Бунда, қарз олувчи шартномага мувофиқ қурилишнинг бутун даври мобайнида қурилиш жараёнига ҳалақит бермаган ҳолда қурилишнинг боришини кузатиб бориш ҳамда зарурият бўлганда намунавий лойиҳа доирасида ёзма шаклда таклифлар киритиш ва инжинииринг компанияси ва пудратчига эътиrozлар билдириш хукукига эгадир.

Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлашда аҳолининг тўлов қобилиятини ошириш мақсадида ипотека кредитини қайтариш муддатининг 15 йил этиб белгиланиши ва Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 % и даражасида имтиёзли фоиз ставкаси жорий этилишига қўшимча равишда яна бир қатор қуляйликлар яратилган. Жумладан:

- кредитдан фойдаланганлик учун Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизи миқдорида фоиз белгиланади;
- жисмоний шахсларнинг солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг имтиёзли кредит маблағлар ва улар бўйича хисобланган фоизларни қоплаш учун ўйналтирилган суммаси даромад солиги тўланишидан озод қилинади;
- иш берувчи томонидан ходимига уй-жой сотиб олиш учун берилган маблағлар ушбу ходимнинг солиққа тортиладиган даромадларига кирмайди;
- кредитнинг бошланғич 25% тўлови фуқаронинг ишхонаси томонидан ҳам тўлаб берилиши мумкин. Бунда корхона томонидан тўлаб берилган ушбу сумма ҳам даромад солигидан озод қилинади.
- бошланғич бадал сифатида жамғариладиган (намунавий лойиҳанинг 25% дан кам бўлмаган миқдорда) омонат бир йилдан кам бўлмаган муддатда тўпланса Марказий банкнинг

амалдаги қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизи микдорида йиллик даромад тўланади ва имтиёзли тарзда навбатсиз кредит олиш имкониятига эга бўлади.

- шартнома “Қишлоқурилишинвест” инжиниринг компанияси билан “калити билан топшириш” шарти асосида тузилади

- ажратиладиган 6 сотих ер участкаси умрбод мерос қилиб бепул берилади.

Агар қарз олувчининг ипотека кредити ва кредит бўйича фоизларни тўлаш учун маблағлари етишмаса, ҳар ойдаги тўловларда ипотека кредити юзасидан биргаликда жавоб берадиган эри (хотини) ҳамда унинг яқин қариндошлари (ота-онаси, ака-укалари, опасингиллари, фарзандлари) қатнашишига ҳам рухсат берилган.

Бундай имтиёзлар истиқболда қишлоқларимизнинг чирой очиб, гуллаб-яшнашига ва қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга кенг имкониятлар очиб бериши шубҳасиз.

Бугунги кунда “Қишлоқурилишинвест” инжиниринг компанияси томонидан қурилаётган замонавий ва шинам уй-жойларнинг қиймати режа-ҳажм кўрсаткичлари яхшиланиб бормоқда. Масалан, 2009 йилда 4-хонали замонавий уй-жойнинг умумий майдони 133,3, турар жой майдони 62,6 m^2 ни ташкил этиб, умумий қиймати 64,0 млн. сўмга ва 1 m^2 нархи 590,9 минг сўмга teng бўлган бўлса, 2010 йилда уй-жойнинг умумий майдони 153,5 (фарқи 20,2 m^2), турар жой майдони эса 78,8 m^2 ни (фарқи 16,2 m^2) ташкил этиб, умумий қиймати 76,1 млн. сўмни ва 1 m^2 нархи 495,4 минг сўмни (фарқи -70,4 минг сўм) ташкил этди (3-жадвал).

Замонавий уй-жойлар ва коммуникация тармоқларини барпо этиш учун энг сўнги фан-техника ютуқлари ҳамда технологияларга таянадиган, мустаҳкам моддий-техникавий базага эга қурилиш ташкилотлари талаб этилади. Қишлоқ аҳолисига қурилишни комплекс тарзда ташкиллаштириш мақсадида банк томонидан «Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси ташкил этилган.

«Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда аҳоли пунктларининг бош режалар ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар-жой шароитларини тубдан яхшилаш максадида 2009 йил 3 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган.

Ихтисослаштирилган «Қишлоқурилишинвест» компанияси барпо этиладиган уй-жойлар, ижтимоий аҳамиятдаги обьектлар ва муҳандислик инфратузилмалари таркиби ҳамда тузилмасини танлаб олиш, қишлоқ аҳоли пунктларида янги уй-жойларни қишлоқ фуқаролари билан «тайёр холда топшириш» шартларида буюртмачи функцияларини асосида бажариш, пудратчи қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов асосида қурилишни ташкиллаштириш, танланган ер массивларида намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қурилишини ташкиллаштириш ва намунавий лойиҳа бўйича бино қурилиши юзасидан назорат этиш масалалари билан шуғулланмоқда.

10.3.2-жадвал

4-хонали уй-жойларнинг 2009-2011 йиллардаги асосий кўрсаткичлари солиштирма тахлили

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бир.	4-хонали уй-жой			2009-2010 йилга нисбатан фарқи	2010-2011 йилга нисбатан фарқи
			2009 Йил	2010 Йил	2011 Йил		
Режа-ҳажм кўрсаткичлари							
1.	Қурилишнинг умумий майдони	m^2	133,3	133,3	153,5	0,0	20,2
2.	Турар – жой	m^2	62,6	62,6	78,8	0,0	16,2

	майдони						
3.	Курилиш хажми	м ³	549,0	549,0	940,0	0,0	391,0
4.	Шипнинг баландлиги	м	3,0	3,0	3,2	0,0	0,2
Қиймат кўрсаткичлари							
5.	Умумий қиймати	млн. сўм	64,0	61,3	76,1	-2,7	14,8
6.	1 м ² қиймати	минг сўм	590,9	565,8	495,4	-25,1	-70,4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги ПҚ-1051-сонли қарорига қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар барпо этиш учун барча соликлардан озод этилган (пенсия жамғармасидан ташқари) 911 та маҳсус ихтисослаштирилган қурилиштаъмирлаш корхоналари тузилди, улар 4516 дона зарурый техника воситалари, механизмлар ва инвентарлар билан таъминланди ҳамда ушбу ташкилотларда 25195 та янги ишчи ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурида Президентимиз томонидан иқтисодиётнинг реал тармоқларида маҳсулотлар таннархини 20 %га камайтириш вазифаси қўйилган эди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи ўртача 18 фоизга, "Ўзкурилишматериаллари" компанияси таркибиға кирувчи корхоналарда 20-25 фоизга камайгани ижобий ютуқларимиз сирасига киради.

Маҳсулот таннархини пасайтиришга қаратилган мақсадли чора-тадбирлар қишлоқларда барпо этилаётган уй-жойларнинг лойиҳа-смета қийматини камайтиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Зеро уй-жой қийматининг арzonлашуви миллионлаб ватандошларимизнинг манфаатларига хизмат қилади.

Намунавий лойиҳаларнинг ўртача лойиҳа қийматида 23-25 фоизи (ғишт, том ёпиш материаллари (металлочерепица, эшик ва ромлар) каби қурилиш материалларига тўғри келмоқда. Уй-жойларнинг нархларини оптималлаштириш мақсадида қурилаётган уй-жойларда ишлатиладиган асосий қурилиш материаллари:

- цемент ва метоллопрокатлар тўғридан - тўғри ишлаб чиқарувчилардан имтиёзли нархларда олинмоқда;

- пиштган ғишт ва том ёпиш материаллари (металлочерепица) бозор нархларидан 25-30 фоиз арzonлаштирилган ҳолда бевосита ишлаб чиқарувчилардан олинмоқда.

Қурилиш материаллари нархларини арzonлаштириш мақсадида "Қишлоқ қурилиш инвест" компанияси томонидан йилига 300 млн. дона пиштган ғишт ишлаб чиқарадиган 12 та, йиллик қуввати 1,7 млн. кв. метр том ёпиш материаллари (металлочерепица) ҳамда 75 минг донадан эшик ва ром ишлаб чиқарадиган янги корхоналар ташкил этилмоқда. Булар натижасида:

- ўй-жойлар таннархининг асосиз ўсишига йўл қўйилмайди;
- қурилиш индустрясининг моддий-техник базаси мустахкамланади, рақобатдош сифатли ва арzon маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади;
- 500 дан ортиқ янги ишчи ўринлар яратилади.

Қурилаётган уй-жойлар ва ижтимоий инфратузилма обьектларининг таннархини арzonлаштириш мақсадида янгидан ташкил этилган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари ва "Қишлоқ қурилиш инвест" компанияси билан намунавий лойиҳалар асосида уй-жойларнинг қурилиши учун "тайёр ҳолда топшириш" шартларида шартнома тузган барча пудратчи ташкилотлар соликларнинг барча турларини тўлашдан (пенсия жамғармасидан ташқари) озод этилган. Бундан ташқари янгидан ташкил этилаётган ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотларига:

- айланма маблағни шакллантириш ва янги қурилиш техникаси сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар ажратиш;

- олиб кириладиган қурилиш техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёзлар жорий этилган.


Хукуматимиз саъи ҳаракатлари билан ихтисослаштирилган таъмирлаш-курилиш ташкилотлари ва пудратчи ташкилотларни арzon қурилиш материаллари билан таъминловчи 127 та маҳсус фирма дўконларини ташкил этилди. Курилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурига асосан 120 дан ортиқ лойиха амалга оширилмоқда. Жумладан:

- йилига 282 млн. дона ғишт ишлаб чиқарадиган 59 та ғишт заводи;
- цемент ишлаб чиқарадиган 2 та мини завод;
- йилига 2 млн. кв.м гипсакартон ишлаб чиқарадиган 4 та завод;
- йилига 100 минг кв.м металл ва полимер черепица ишлаб чиқарадиган 7 та завод;
- қуруқ қурилиш қоришимлари ишлаб чиқарувчи 5 та цех;
- газобетон ва кўпикбетон ишлаб чиқарувчи 8 та цех қурилиши шулар жумласидандир.

Республикада қишлоқ қурилиши учун замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи 225 та янги корхоналар ишга туширилди ва ушбу корхоналарда 6525 та янги иш ўринлари ташкил этилди

Юқорида келтирилган кенг қамровли тадбирлар натижасида ҳар бир уй-жойнинг таннархини 8-10 млн. сўмга камайтирилишига эришилади. Бу эса қишлоқ ахолисини арzon, шинам ва барча қулайликларга эга замонавий уй-жойлар билан таъминлашда муҳим аҳамият қасб этади.

“Қишлоқ тараққиёти ва фаравонлиги йили” Давлат дастурига биноан “Қишлоққурилишлойиха” лойиха-қидиув институти томонидан худудларнинг табиий-иқлим шароитлари ва рельефини, ижтимоий-демографик хусусиятларни, маҳаллий қурилиш ва норуда материаллари борлигини, мавжуд қурилиш индустрисиал базасини жалб этишни ҳисобга олган ҳолда 31 та уй-жойларининг ва 16 та ижтимоий-маданий, санитария-маишӣий обьектларнинг янги намунавий лойиҳалари ишлаб чиқилди ва Комиссия томонидан баҳоланди.



10.3.1-расм. Қишлоқларда барпо этилаётган уй-жой массивлари ва уйлар сони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3-августдаги “Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-1167 сонли қарори ижроси бўйича қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўйидаги вазифалар амалга оширилди (4-жадвал):

- 2009 йил дастури доирасида 42 та қишлоқ туманларининг 42 та ер массивларида умумий майдони 100,6 минг кв. метр ва лойиҳа қиймати 50,7 млрд. сўмни ташкил этган 847 та уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди;
- 2010 йил дастури доирасида 159 та қишлоқ туманларининг 225 та ер массивларида умумий майдони 809,7 минг кв. метр ва лойиҳа қиймати 428,9 млрд. сўмни ташкил этган 6800 та уй-жойлар қурилиб фойдаланишга топширилди;
- 2011 йил дастури доирасида 157 та қишлоқ туманларининг 372 та ер массивларида умумий майдони 1134,4 минг кв. метр ва лойиҳа қиймати 576,5 млрд. сўмни ташкил этган 7400 та уй-жойларни фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

10.3.3-жадвал

Қурилаётган уй - жойлар түгрисида маълумот

Қурилиш олиб бориладига н йиллар	Массив -лар сони	Уйла р сони	Қурили ш хажми (минг м ²)	Қурилиш қиймати (млн сўм)	шу жумладан		
					аҳоли маблағи хисобидан (млн сўм)	аҳоли маблағи улуши (%)	ажратилг ан имтиёзли кредит ҳисобида н (млн сўм)
2009 йил	42	847	100,6	50 696,0	19 235,0	37,9	31 461,0
2010 йил	225	6 800	809,7	428 980,8	169 516,1	39,5	256 172,7
2011 йил	372	7 400	1 134,4	576 509,3	208 470,3	36,1	368 039,0
Жами	639	15 047	2 044,6	1 056 186,1	397 221,8		655 672,9

Алоҳида эътиборга молик томони шундаки, мазмун-моҳиятига кўра ноёб бўлган бу комплекс лойиҳалар юртимизнинг барча ҳудудларида қишлоқ аҳли ва бутун жамоатчилигимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда барча зарур ижтимоий ва коммуникация инфратузилмасига эга бўлган, изчил ривожланиб бораётган ўта йирик уй-жой бозори шаклланмоқда. Қишлоқ жойларнинг табиий-иқлим шароити ва рельефини, юртимиз ҳудудларининг ижтимоий-демографик хусусиятларини хисобга олган, замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини қўллаган ҳолда, якка тартибда қуриладиган уйлар, ижтимоий-маданий ва санитария-маиший объектлар лойиҳаларини такомиллаштириш ишларини изчил давом эттириш кўзда тутилмоқда.

Бугунги кунда нафакат замонавий ва қулай уй-жойлар ва коттежлар қуриш, айни вақтда болалар боғчалари, умумтаълим мактаблари, мусиқа ва санъат мактаблари, спорт иншоотлари, тиббиёт муассасалари, хизмат қўрсатиш объектлари, кенг ва равон йўллар, бир сўз билан айтганда, қишлоқ аҳолисининг қулай ва муносиб ҳаёт кечириши учун зарур бўлган барча шароитларни ўз ичига олган замонавий ва обод қишлоқларни барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Айни пайдада янгитдан қурилаётган тураржой массивларида замонавий турдаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳам жадал бунёд қилинмоқда. 103 километрдан ортиқ газ, қарийб 100 километрлик сув тармоқлари, 71 километрдан зиёд электр узатиш линиялари, шунингдек, умумий узунлиги 85 километр бўлган ички йўллар қурилди.

Ислом Каримов

Қишлоқларимиз тараққиётини юксалтириш, уларни замонавий архитектура талаблари асосида қайта қуриш, ижтимоий инфратузилмаларни ва коммуникация тизимларини кенг кўламда барпо этиш қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини юксалтириш, улар учун муносиб турмуш тарзини шакллантиришга қаратилгандир.

11-БОБ. МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИ АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ БҮЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР

11.1. Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва уни ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича фаол ижтимоий-иктисодий сиёsat олиб боради. Чунки, меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва юксак тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим манбаси бўлиб ҳисобланади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг деярли барча ҳудудларида ишчи кучининг ортиқчалиги мавжуд ва меҳнат бозорида таклиф талабдан юқоридир. Шу боис ишлашни хоҳловчиларнинг меҳнат бозорида эркин ҳаракат қилишлари ва мустақил иш билан таъминланишлари учун давлат фуқароларга иш билан таъминлаш турини, шу жумладан турли меҳнат режимидағи ишни танлаш эркинлигини; ишга қабул қилишни қонунга хилоф равиша рад этишдан ва меҳнат шартномасини ғайриқонуний равиша бекор қилишдан химояланишни; мақбул ишни танлаш ва ишга жойлашишга бепул ёрдам беришни; ҳар ким касб ва ишга эга бўлишда, меҳнат қилиш ва иш билан таъминланиш шарт-шароитларида, меҳнатга ҳақ тўлашда, хизмат поғонасидан юқорилаб бориша тенг имкониятлар яратишни; янги касбга (мутахассисликка) бепул ўқитишни, маҳаллий меҳнат органларида ёки уларнинг йўлланмаси билан бошқа ўқув юртларида стипендия тўлаб малакасини оширишни; бошқа жойга ишга қабул қилинганда сарф қилинган моддий ҳаражатлар учун қонун хужжатларига мувофиқ компенсация тўлашни кафолатлади.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш тизими

Меҳнат қонунчилиги, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари

Касбга йўналтириш, касбий тайёргарлик, малака ошириш, қайта тайёрлаш тизими

Ижтимоий ҳимоя (энг кам иш ҳақини белгилаш, иш жойларини квоталаш, ишсизларга нафақа

Янги иш ўринлари яратишни кўллаб-куватлаш

11.1.1-расм. Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлашнинг яхлит тизими.

Бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қўйидаги қатор чора-тадбирлар кўриляпти:

1. Меҳнат қонунчилиги тобора такомиллаштирилиб, жойлардаги Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолияти кучайтирилмоқда;
2. Янги иш ўринлари ярататган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солик, кредит ва бошқа имтиёзлар бериляпти;
3. Меҳнат бозорида иш кучи сифати ва рақобатбардошлигини ошириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бунинг учун меҳнат ресурсларини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилди;
4. Аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат қўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал

суръатларда ривожлантирилмоқда;

5. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-куvvatlanmoқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди. Масалан, 2010

Меҳнат ресурслари – меҳнатга қобилиятли ёшдаги бўлган (Ўзбекистон Республикасида эркаклар учун 16 ёшдан 60 ёшгача, аёллар учун 16 ёшдан 55 ёшгача) аҳоли, шунингдек иқтисодиётда банд меҳнатга лаёқатли ёшдаги бўлмаган (ўсмирлар ва меҳнатга лаёқатли ёшдан юқори ёшдагилар) шахслар.

Иқтисодий фаол аҳоли – бу аҳолининг товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш учун ўз ишчи кучини таклиф этишни таъминлайдиган қисми.

Иқтисодий нофаол аҳоли – меҳнат билан банд бўлмаган ва ишсиз деб ҳисобланмайдиган шахслар (ўқувчилар ва талабалар, ишламаётган учинчи гуруҳ ногиронлари, уй бекалари, ихтиёрий равишида меҳнат билан банд бўлмаган шахслар).

Иш билан бандлар – кўриб чиқилаётган даврда тўла ёки тўлиқсиз иш кунида ҳақ олиб меҳнат қилаётганлар ёки вақтинча иш билан банд бўлмаган (касаллиги, касалларни парвариш қилиши, таътилдалиги ва бошқа сабабларга кўра) шахслардир.

Йилда 208 минг нафардан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар, биринчи навбатда, кўп болали аёллар, ногиронлар ва шу каби тоифа аҳолининг иш билан таъминланди;

6. Давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этиляпти.

7. Ташки ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.


Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этиб, уларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда (11.1.1-жадвал).

11.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлиги динамикаси* (минг. киши)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2010 йилда 2005 йилга нисбатан ўзгариши, %
	2005	2006	2008	2009	2010	
Жами аҳоли сони	26167,0	26488,2	27555,3	28000,8	28466,4	108,7
Меҳнат ресурслари сони	14453,2	14816,5	15644,9	16123,6	16504,2	114,2
Шундан:						
Иқтисодий фаол аҳоли сони	10224,0	10492,5	11603,1	11929,2	12286,6	120,1
Иш билан банд бўлган аҳоли сони	10196,3	10467,0	11035,4	11327,7	11628,4	114,0
Иқтисодий нофаол аҳоли сони	4229,2	4324,0	4041,8	4186,4	4217,6	99,7

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2005-2010 йиллар давомида Республикада аҳоли сони 8,7, меҳнат ресурслари сони эса 14,2 фоизга ўсиб, 2010 йил меҳнат ресурслари умумий аҳоли сонининг 58 фоизини ташкил қилди. Республикада меҳнат ресурсларининг йиллик ўртача ўсиш суръати 3,0-3,5 фоизга тўғри келмоқда. Шунингдек, меҳнат ресурсларининг 98,5-99 фоиз қисми меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳолидан ташкил топса, қолган 1-1,5 фоизи ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлардан иборатдир. 2010 йилда иш билан бандлик даражаси иқтисодий фаол аҳолига нисабатан 94,6 фоизни, меҳнат ресурсларига нисбатан эса 70,5 фоизни ташкил этди.



11.1.2-расм. Иқтисодиётнинг нодавлат ва давлат секторларида иш билан банд бўлган аҳоли сони.

11.1.2-расмдан кўриш мумкинки, 2007-2010 йиллар давомида иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги бандларнинг ўртача сони 11,1 фоизга ортган, аксинча давлат секторида банд бўлганлар сони 1,6 фоизга камайган. Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган йилларда давлат секторида банд бўлганлар улуши 22,1 фоиздан 20,0 фоизгача камайган, нодавлат секторда бандлар улуши 77,9 фоиздан 80,0 фоизгача ортган.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, асосий эътибор республикада саноат тармоқларини ривожлантириш, хом ашё етиштиришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш, қишлоқ жойларда саноат корхоналарини барпо этиш ва ишлаб чиқариш кучларини қайта тақсимлашга қаратилди. Ушбу чора-тадбирлар юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида аҳоли бандлигининг тармоқлар бўйича структурасида ижобий ўзгаришлар рўй берди (11.1.2-жадвал).

11.1.2-жадвал

Аҳоли бандлигини иқтисодиёт тармоқлари бўйича тақсимоти (% ҳисобида)

Иқтисодиёт тармоқлари	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Жами банд бўлганлар	100,0	100,0	100,0
<i>шундан:</i>			
Саноатда	13,4	13,4	13,2
қишлоқ ва ўрмон хўжалигида	27,6	26,7	25,5
Курилишда	8,5	8,9	9,1
транспорт ва алоқада	5,0	5,1	5,2
савдо ва сотиқ, умумий овқатланиш, тайёрлашда	10,3	10,5	10,7
тутар жой коммунал хўжалиги ва ахолига номаишӣ хизмат кўрсатиши турларида	3,3	3,4	3,5
соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда	7,6	7,6	7,7
таълим, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатишида	13,9	13,9	13,9
бошқа соҳаларда	10,4	10,5	11,2

Жадвалда келтирилганидек, иқтисодиёт тармоқлари ичida саноат, қишлоқ ва ўрмон хўжалигида банд бўлган аҳоли улуши камайган, қолган тармоқларда эса ортган. Шу ўринда айтиш жоизки, мамлакатимизда кенг бунёдкорлик ишларининг жадал амалга оширилиши

натижасида курилиш тармоқларида меҳнат қилаётганлар улуши юқори суръатларда кўпаймоқда. Бу ҳолатни, айниқса, қишлоқ жойларида ҳам кўриш мумкин, чунки курилиш соҳасида банд бўлган қишлоқ аҳолиси сони 1991 йилга нисбатан 2,4 мартаға ўси.

Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш учун зарурый шароитлар яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда бандлик масалаларини ҳал этишда меҳнат органлари масъулиятини янада кучайтириш мақсадида 2009 йил 30 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1251-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг бугунги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитидаги янги вазифалари белгилаб берилди. Шунингдек, ушбу тизимга тегишли таркибий ўзгартиришлар ҳам киритилди. Жумладан, туман (шаҳар) меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига айлантириш ҳамда йирик маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида аҳолини ишга жойлаштириш бўйича стационар пунктлар ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди. Ушбу марказлар аввалги бўлимлардан тубдан фарқ қилиб, ишсиз аҳолига кўрсатадиган хизмат кўлами кенгайтирилди ва улар зиммасига янги вазифалар юклатилди.

11.2. Бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар

Республиканинг барча ҳудудларида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизмат кўрсатиш сифати ва турларини кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2010 йилда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шаҳар) марказлари томонидан рўйхатга олинган 658,2 минг кишидан 566,3 мингтаси (ўтган йилнинг шу даврига қараганда 4,4% га ўсиш) ишга жойлаштирилди. Улардан 97,3 минг киши квота иш ўринларига ишга жойлаштирилди. 50 та касб-ҳунарга йўналиши бўйича 16,8 мингга яқин ишсизлар касбга қайта тайёрланди (2009 йилнинг шу даврига қараганда 83,1 % бажарилган). Ҳақ тўланадиган жамоат ишларига 78,9 минг киши жалб қилинди (216% ўсиш) (11.2.1-жадвал).

11.2.1-жадвал

2010 йилда Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари (БК ва АИМҚМ) томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизмат кўрсатиш турлари (минг киши)


Худудлар номи	БК ва АИМҚМ га мурожат қилганлар	БК ва АИМҚМ йўлланмаси билан ишга жойлашганлар	Қайта ўқишига юборилганлар	Жамоат ишларига жалб қилинганлар	Ишсизлик нафақаси тайинланганлар
Ўзбекистон Республикаси	658,3	566,3	16,8	46,6	32,1
Қорақалпогистон Республикаси	47,3	43,0	0,4	5,0	5,2
Вилоятлар:					
Андижон вилояти	55,1	49,3	1,5	2,4	1,4
Бухоро вилояти	39,8	31,7	1,3	3,6	1,6
Жizzах вилояти	32,5	28,0	0,3	2,1	0,9
Қашқадарё вилояти	58,9	52,2	0,7	3,2	2,1

Навоий вилояти	30,3	26,8	1,1	1,6	2,1
Наманган вилояти	58,9	49,9	0,5	4,1	2,4
Самарқанд вилояти	64,4	59,0	0,7	3,2	1,2
Сурхондарё вилояти	38,0	32,9	2,3	2,3	0,4
Сирдарё вилояти	20,9	17,7	0,7	1,0	1,7
Тошкент вилояти	43,3	39,2	0,6	2,6	3,4
Фарғона вилояти	76,7	66,6	1,1	6,7	0,7
Хоразм вилояти	46,1	32,1	0,7	4,2	2,4
Тошкент шаҳар	46,2	38,0	5,0	4,1	6,4

Ҳар бир йирик қишлоқ аҳоли пунктларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ишга жойлаштириш бўйича муқум (стационар) пунктлар ташкил қилинган ва фаолият кўрсатмоқда. Республикада қишлоқ аҳолисига қулайлиги ҳисобга олинган ҳолда жами 1372 та муқум пунктлар ташкил қилинди. Ҳар бир муқум пунктда ўртача 10-12 минг нафар қишлоқ аҳолиси ёки 2-2,5 минг оиласа хизмат кўрсатилмоқда.

Мехнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва ишсизликни бартараф этишга қаратилган давлат сиёсатининг яна бир йўналишларидан бири «Аҳолини иш билан таъминлаш» худудий дастурларининг амалга оширилишидир. Мазкур дастурларнинг амалга оширилиши натижасида республикада ҳар йили бир неча юз минглаб янги иш ўринлари барпо қилинмоқда (11.2.1-расм).

Республикада янги иш ўринларини яратиш динамикаси, бирлик



11.2.1-расм.

11.2.1-расмдан кўриниб турганидек, 2005-2010 йиллар давомида республикада яратилган иш ўринлари сони 520 мингтадан 950,0 мингтага ёки 82,6 фоизга ошган.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилганини катта мамнуният билан қайд этишишимиз лозим. Бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиги касаначилик соҳасига тўғри келади.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилганини катта мамнуният билан қайд этишишимиз лозим. Бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиги касаначилик соҳасига тўғри келади.

Ислом Каримов

ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан яратилди (11.2.2-жадвал).

11.2.2-жадвал


2010 йилда Ўзбекистонда яратилган иш ўринлари сони, бирлик

T/p	Йўналишлар	Жами
	Барча йўналишлар бўйича яратиладиган янги иш ўринлари, жами (иш ўрни)	950 001
	шу жумладан:	
1.	Янги ишлаб чиқариш обьектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш	56 316
2.	Кичик корхоналар ва микроfirmаларни ташкил қилиш шундан:	347 408
2.1.	Саноатда	52 882
2.2.	курилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан уй- жой курилиши ва таъмирлаш	43 632
3.	Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	129 177
4.	Уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш	207 972
4.1.	шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида фаолият олиб бораётган касаначилик	62 518
5.	Фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқалар)	127 732
6.	Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш	61 320
7.	Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш	8 889
8.	Бозор инфратузилмасини ривожлантириш	11 187

Жадвалдан кўринадики, мамлакатимизда 2010 йилда яратилган жами 950,0 мингдан ортиқ янги иш ўринларининг 36,6 фоизи кичик корхоналар ва микроfirmаларни ташкил қилиш, 13,6 фоизи якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, 21,9 фоизи уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш ҳисобига ташкил этилган.

Республикада яратилаётган янги иш ўринлари асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келмоқда (11.2.2-расм).

Республикада 2010 йилда яратилган янги иш ўринлари таркиби, %



11.2.2-расм.

Сўнгги йилларда меҳнатга лаёкатли аҳолини иш билан таъминлашнинг янгича ва ноанъанавий кўринишларини жорий этиш ҳамда ривожлантиришга алоҳида эътибор

қаратилмоқда. Жумладан, республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шакларини кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда. Жумладан, 2006 йил 5 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3706 – сонли Фармони қабул қилинди. Мазкур фармонга мувофиқ, иш билан бандликнинг ушбу шаклини рағбатлантириш мақсадида бир қанча имтиёз ва кафолатлар кўзда тутилган (11.2.3-расм).



11.2.3-расм.

Республика ва унинг худудларида Фармонда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари ва аҳоли ўртасидаги меҳнат кооперациясини ривожлантириш мақсадида худудий дастурлар ишлаб чиқилиб, уларнинг доирасида 2010 йилда мамлакатимизнинг 700 га яқин йирик саноат корхоналарида 62,5 мингдан зиёд касаначилик ўринлари яратилди. Натижада ишсиз юрган хотин-қизлар, уй бекалари, ёшлар, ногиронлар ва меҳнат бозорида эркин рақобат қилиш имконияти чекланган шахслар иш билан таъминланди.

Касаначилик меҳнатини ривожлантириш борасида мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида Президентимизнинг 2007 йил 6 апрелда қабул қилинган “Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-616-сонли қарорига мувофиқ, касаначилик меҳнати тамоилларини транспорт, алоқа, қурилиш ва қурилиш индустрияси тармоқларининг йирик корхоналарига ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кичик саноат корхоналарига ҳам қўллаш белгилаб қўйилди. Бу эса, ўз навбатида, аҳоли бандлиги ва даромад манбаининг янги шакли ҳисобланган касаначилик меҳнатининг ривожланиши ва бу борада мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланишга олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартағи ПҚ-308-сонли қарори билан белгиланган чорвачиликни изчил ривожлантиришни амалга ошириш жараёнида,

бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан шахсий ва деҳқончилик хўжаликларида йирик шохли қора мол етишириш билан банд бўлган 101,8 минг аҳоли рўйхатга олинди. Уларнинг барчаларига меҳнат дафтарчалари берилди. Айни вақтга келиб, меҳнат органлари томонидан йирик шохли қорамол етишириш билан банд бўлган рўйхатга олинган аҳоли сони 1,345 млн. кишиг етди ёки банд бўлганлар умумий сонининг 11 фоизини ташкил қилади.

Янги иш ўринлари яратишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли катта бўлмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг қатор хусусиятларига кўра меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражаси ортишига ижобий таъсири кўрсатади.

Биринчидан, бу соҳа кам капитал сифимига эга янги иш ўринларини тез ташкил этишга қодир. Яъни, кичик корхоналарда ҳар бир иш ўрнига капитал сарфи йирик корхоналардагига нисбатан анча кам бўлади.

Иккинчидан, кичик корхоналар учун капиталнинг қуйироқ техник тузилмаси хос. Яъни, кичик корхоналарда йирик корхоналарга нисбатан меҳнат бирлигига ишлатилаётган ишлаб чиқариш воситалари бирлиги кўпроқ тўғри келади.

Учинчидан, кичик бизнес иқтисодий фаол аҳолининг иш билан банд бўлишига маъқулроқдир. Чунки, бу уларга ташаббус кўрсатиш ва ижодий ғояларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратади.

Тўртинчидан, бевосита кичик корхоналарда иш билан бандликнинг мослашувчан шаклларини кўллаш мумкин. Хўжалик юритишнинг бу субъектларидаги тўлиқсиз бўлмаган иш куни ёки ҳафтаси, ўриндошлиқ, сирпанувчан иш графиги меҳнатга лаёқатли аҳолининг турли тоифалари учун мақбул бўлади.

Бешинчидан, кичик бизнес асосан меҳнат сифими кўп талаб этиладиган тармоқларда жадал ривожланиб, ижтимоий меҳнатни ташкил қилишнинг улкан соҳаси, давлат ва маҳаллий бюджетларга молиявий тушумларнинг муҳим манбаси ҳисобланади.

Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу афзалликларидан самарали фойдаланилмоқда ҳамда 2010 йилда иқтисодиётнинг бу секторида 476 мингтадан кўпроқ янги иш ўринлари ташкил этилди (11.2.4-расм).



11.2.4-расм.

11.2.4-расмдан кўриниб турганидек, 2007-2010 йиллар давомида республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган янги иш ўринлари сони бир меъёрда

ортиб борган, яъни ўтган тўрт йилда унинг сони 82,6 фоизга ортган.

Шундай қилиб, республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қатор ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. Жорий “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили”да ҳам бундай тадбирлар, айниқса меҳнатга лаёқатли аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш, иқтисодиётимиз учун истиқболли ва зарур бўлган тармоқлар учун янги касблар ва мутахассисликларга ўқитиш, малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш муҳим ўрин эгаллайди.

12-БОБ. «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР КҮЛАМИ

12.1. “Баркамол авлод йили” давлат дастури – юксак билимли ва соғлом авлодни тарбиялашнинг пойдевори

2011 йил 21 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда республика ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишиланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди» мавзусида маъruzza қилди. Ушбу маърузада 2010 йилда «Баркамол авлод йили» давлат дастурини амалга ошириш бўйича қилинган ишларимизнинг улкан моҳияти ва аҳамияти алоҳида таъкидлаб ўтилди¹⁹.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 18 йиллигига бағишиланган тантанали маросимдаги Президентимизнинг «Мамлакатимизни модерни-зация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир» мавзусидаги маъruzasiда таъкидлаб ўтилганидек, «давлатимиз ва жамиятимизнинг бугунги куни, айниқса, келажаги учун ғоят муҳим бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини ўз олдимизга кўяр эканмиз, авваламбор, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлиқ, юксак билим ва салоҳият талафутига устувор аҳамият касб этадиган аср, деган ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқсан эдик»²⁰.

Ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимида, эзгу мақсадларимизни рӯёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши туфайли мамлакатимиз очиқ демократик, хукукий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш имкониятига эга бўлди. Бу бозор ислоҳотларини изчил амалга ошириш, уни янада чукурлаштириш, одамлар онгига демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан қатъият билан иш олиб боришни белгилаб берди. Шу билан бирга Ўзбекистонда «Кучли давлатдан – кучли жамият сари» концептуал сиёсий дастур вазифаларини изчиллик билан амалга ошириш жараёнларида ёш авлоднинг фаол иштирок этишига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, «бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг таҳминан 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизини ташкил этади²¹. Таълим-тарбия ва профессионал тайёргарлик даражаси келажагимизни, демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал этадиган куч ёшлардир. Ёшлар жамиятимиз ҳаётида ҳал қилувчи куч, таянч ва суюнч бўлишга қодир бўлган лаёкатли, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича белгилаб олган юксак мақсадларимизни бевосита амалга оширади.

Сизларга яхши маълумки, Конституция кунига бағишиланган тантанали йигилишида ушбу дастур ижросини таъминлаш бўйича эришилган асосий натижалар ҳақида атрофлича фикр юритилган.

Ислом Каримов

¹⁹ Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қиласди // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.

²⁰ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш - тараққиётимизнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи, 2010 йил 8 декабрь.

²¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2008. –Б.163.

Ўтган мустақиллик йилларида ёшларга оид давлат сиёсатининг қонуний жиҳатларини қўйидаги хуқуқий асослар билан изоҳлаш мумкин.

1. 1991 йилнинг 20 ноябрида “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун бош ислоҳотчи бўлган давлатнинг ёшлар масаласига доир асосий стратегик йўналишлардаги фаолиятини изчил ва тизимли равишда босқичма-босқич амалга оширишга имконият яратиб берди. Ёшларнинг билим даражаси, касбий малакаси, маънавий ва руҳий баркамоллик каби фазилатлари ва ижтимоий сифатлари бутун жамият ривожланиш даражасига салмоқли таъсир кўрсатмоқда.

Бундай тамойиллар ёшларнинг алоҳида ижтимоий-демографик қатлам сифатида сиёсатнинг фаол субъектига айланиб бораётганлигини билдиради. Ёш авлоддаги туб ўзгаришларни Президентимиз қўйидагича баҳолайди: Ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қиласди. Бугун ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир. Шу боисдан ҳам хозирги даврда улғаяётган ёш авлоднинг муаммоларини ўрганиш ва шу асосда уларнинг ечимини топишга бўлган эҳтиёжлар тобора ортиб бормоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати ҳақидаги қонунда ёшлар сиёсатини амалга ошириш ҳар бир инсоннинг миллати, ирқи, тили, дини, жинси, маълумоти, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, давлат томонидан сиёсий, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг сиёсий ва хуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароитлар яратишга эътибор қаратилди.

Мазкур қонуннинг яна бир дикқатга сазовор томони шундаки, унда ёшларимизнинг пухта билим олиши билан бир қаторда халқаро майдондаги фаоллиги ва иштирокини таъминлаш, шунингдек, вояга етмаган, боқувчисини йўқотган, ёш ҳамда кўп болали оиласларни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш, истеъододли ёшлар орасидан талантларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш каби масалалар аниқ белгилаб қўйилди.

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 йил 8 декабрь). Асосий Қонун Ўзбекистон халқининг иродасидан келиб чиқиб, умуминсоний ва миллий қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда ёшлар онгига сингдиришнинг хуқуқий асосларини ўзида ифода этган. Конституция барча фуқаролар қатори ёшлар хуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг хуқуқий ва меъёрий жиҳатларини ҳам ўзида акс эттириди. Жумладан, 41-моддасида: “Ҳар ким билим олиш хуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир”. 45-моддасида “Вояга етмаганлар меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг хуқуқлари давлат ҳимоясидадир”, 66-моддасида “Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар”, 117-моддада “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш хуқуқига эгадирлар”²², деб белгилаб қўйилиши фикримизнинг далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишлиланган маърузасида шундай деган эди: “Бугун хеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиласидиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойлика интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар”²³.

“Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиши, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириши масаласи жамоатчилигимизнинг дик-қат-марказида туриши шарт”.

Ислом Каримов

²² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 9-10, 13, 31.

²³ Каримов И.А. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустахкам пойdevордир. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.30.

3. 1997 йил 29 августда “Таълим тўғрисида”ги Қонун (янги таҳрирда) ва “Кадрлар тайёрлаши миллий дастури” қабул қилингандан сўнг республикамиз бутун таълим тизими, жумладан, бакалавриат ва магистрлар тайёрлаш йўналишини ҳам тубдан ислоҳ қилишнинг аниқ стратегик дастурига эга бўлди. Ана шу тарихий хужжат қаторида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалий ижросига, шунингдек, бакалавр ва магистрлар тайёрлашга бағишлиланган Ўзбекистон Президентининг ўндан ортиқ Фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Хусусан, 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2008 йилларда Мактаб таълим мини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармойиши, 2004 йил 21 майда “2004-2009 йилларда мактаб таълим мини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги Фармонларнинг қабул қилиниши таълим ривожи миллат, ҳалқ тақдирига, янги ёш авлоднинг келажагига, иқтидорига дахлдор эканини кўзда тутади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълим мини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта маҳсус, касб-хунар таълими босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди. Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга, замонавий касб-хунарга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш якунланмоқда²⁴.

Мазкур хукукий хужжатларда биринчидан, янги таълим тизими, иккинчидан, янги авлод кадрларини тайёрлашда таълим соҳасидаги ўзгаришлар, янги касб соҳаларининг пайдо бўлганлиги ва унинг Ўзбекистон шароити, аҳамиятлиги билан боғлиқ жиҳатлари, учинчидан, бунда ҳар бир вилоят, ҳудуд ва минтақа хусусиятларини ҳисобга олиш тажрибасининг афзалликлари, тўртинчидан, мамлакатимиз олий таълим соҳасидаги 71 та муассаса тайёрлаб берадиган янги авлод кадрлари, уларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилди.

4. 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг “Миллий истиқлол гояси: асосий тушунча ва тамоийиллар фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида”ги фармойиши Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳамоҳанг босқичи сифатида янги ёш авлодни, комил инсонни шакллантириш, унинг ғоявий ва мафкуравий онгини ривожлантиришга қаратилди. Шунингдек, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди. Юртбошимиз ташаббуси билан ўзбек ҳалқи ўз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш каби пировард мақсадларни қўйди. Ана шу мақсадларни амалга ошириш, юртимизда демократик тамоийилларга асосланган жамиятни барпо этиш эҳтиёжи туғилди. Бунинг учун бизга ёт ва бегона ғоя тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол, комил инсонларни вояга етказиш, бу йўлда ғоявий, мафкуравий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузурида Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ташкил топди (2006).

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майда “Ёш оиласларни моддий ва маънавий қўллаб-куватлашга доир қўшишмча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Бу Фармон ёш оиласларга давлат томонидан моддий ва маънавий ёрдам бериш, уларга айрим енгилликлар яратиш кўзда тутилди. Ушбу Фармонда қўйидаги ҳолатлар таъкидлаб ўтилди: Ёш оила тоифасига 30 ёшдан ошмаган (14-30 ёшдаги фуқароларга тааллуқли), биринчи марта никоҳдан ўтган ёшлар киради. 1. Ёш оила аъзоларини ишга жойлаштириш. 2. Уй сотиб олишда уларни қўллаб-куватлаш, микрокредитлар ажратиш. 3. Уларга имтиёзли равишда корамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш. 4. Ёш оиласларни маънавий, миллий қадриятлар руҳида

²⁴ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришdir. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 48.

тарбиялаш. 5. Никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларида давлат томонидан моддий ёрдам бериш. 6. Солиқса тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадлардан озод қилиш. 7. 2007 йил 1 сентябридан давлат тасарруфидаги вақтинча фойдаланимаётган ётоқхоналарни ёш оиласарга ажратиш учун уй-жойлар, кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналар негизида оиласий ётоқхоналар ва ёш оиласар учун имтиёзли нархларда ижарага бериладиган квартиralар ташкил этиш каби масалаларга алоҳида урғу берилди²⁵.

2008 йил “Ёшлар йили” деб номланиб, ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Ўтган давр мобайнида бу йўналиш бўйича Президент ва ҳукумат томонидан 13 та қарор, 1 та фармойиш қабул қилинди ва 2 та қонун лойиҳаси кўрилди ва қабул қилинди. Ҳудудлардаги ёш оиласар учун уй-жой қуриш ишларига 46 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, 15 та кўпқаватли уй фойдаланишга топширилди ва 530 та ёш оила алоҳида квартирага эга бўлди²⁶.

Демак, янги авлод ёшларини истеъдодли қилиб тайёрлаш ва тарбиялаш борасида давлатимиз томонидан муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилиниб, ёшларга бўлган сиёsat маъно ва мазмун жиҳатдан бойитилиб, такомиллаштирилиб борилмоқда.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралда “Ёшлар йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда “Ёшлар йили”да бажарилиши лозим бўлган асосий ва муҳим вазифалар белгилаб берилди ва улар ижроси 9 та йўналишда амалга оширилди.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишлиланган маросимида 2010 йилни юртимизда «Баркамол авлод йили» деб ном беришни таклиф этди ва у халқимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январда “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида”ти қарори қабул қилинди ва уни амалга ошириш учун 11 та устувор йўналиш ва вазифалар белгилаб берилди. Бу масала бўйича тузилган Республика комиссиясига “Баркамол авлод йили” Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва унинг ижроси мониторингини амалга ошириш вазифаси юклатилди. Ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш дастурида белгиланган улкан ва кенг кўламли вазифалар концептуал характерга эгалиги билан фарқ қиласади. Яъни, бу мўлжалланган олижаноб мақсад давлатимиз ва бутун жамиятимизнинг доимий ва узок истиқболга мўлжалланган устувор вазифа қилиб белгилаб берилди.

«Баркамол авлод йили» давлат дастурининг мақсади:


Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилди.

«Баркамол авлод йили» давлат дастурининг асосий йўналишлари бўйича амалга оширилган энг муҳим ишлар кўлами қўйидагича:

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оиласарни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти Фармони // “Туркистон”, 2007 йил 19 май.

²⁶ Каримов И.А. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиздир. – Т.17. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б. 49, 58.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг кўлами ва қамрови



12.1.1-расм.

1-вазифа: Болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар

- 600 тадан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат тўлиқ инвентаризациядан ўтказилган, уларнинг якуни бўйича амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

- «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексга вояга етмаган болаларнинг жиноий муҳитга тортилишининг олдини олиш мақсадида қўшимчалар киритилди.

- «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги қонун биринчи ўқишда қабул қилинди.

- «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

- «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилишни чеклаш тўғрисида»ги қонун яқин кунларда қабул қилинади.

- «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири лойиҳаси ишлаб чиқилди.

2-вазифа: «Оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мухофаза қилиш тизимини такомиллаштириш» бўйича амалга оширилган ишлар. «Соғлом она – соғлом бола» ғоясини ўзида мужассам этган «Она ва бола скрининги» давлат дастури доирасида Гулистон ва Жиззах шаҳарларида янги скрининг марказлари ташкил этилди. Бу кўплаб ирсий касалликларнинг олдини олиш имкониятини яратди.

- Ҳар ойда мунтазам равиша «Туғиш ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги» ўтказилди. 2010 йилнинг ўзида тугруқ ёшидаги 7 миллион 800 минг аёл ва 14 ёшгача бўлган 8 миллион 500 минг бола тиббий қўриқдан ўтказилди. Шунингдек, 2010 йилда 116 минг нафардан зиёд бўлажак она скрининг марказларида тиббий қўриқдан ўтказилди.

- 12 мингдан ортиқ патронаж ҳамширалари, 8 мингдан зиёд педиатр, неонатолог, акушер ва тиббиёт ҳамшираси хотин-қизлар ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича янги технологиялар асосида таълим олиб, ўз малакасини оширилар.

- репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида профилактик тадбирлар амалга оширилди. Бундай чора-тадбирлар натижасида ҳар йили 400 минг нафар ҳомиладор аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ривожланишида нуқсони бўлган болалар туғилишининг олдини олиш имконини бермоқда.

- ўтган ўн йил давомида юртимизда 11 та перинатал марказ ташкил этилди. 2010 йилда уларда 158 минг нафардан ортиқ, яъни 2000 йилга нисбатан 10 баробар кўп она ва бола тиббий кўрикдан ўтказилди.

- мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг 98% ортиғи олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда. Дифтерия, қизамиқ касалликларига чалиниш кескин камайди. Ушбу ишлар самараси натижасида – 2010 йилда юқумли касалликлар билан оғриш ҳолатлари, жумладан, менингококк инфекцияси 28 фоизга, эпидемик паротит 27 фоиз, вирусли гепатит 13 фоизга камайган.

- мамлакатимизда ўтказилган яна бир кенг кўламли тадбир – полиомиелитга қарши эмлаш милллий кунлари давомида 15 ёшгача бўлган 4 миллион бола эмланди.

- ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва МДХ мамлакатлари бўйича оғиси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда, хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилишда Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида минтақада намунавий модель сифатида эътироф этилди, ҳамда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

- мамлакатимиз фармацевтика саноати жадал ривожланди. Биргина 2010 йилнинг ўзида 32 номдаги янги дори препаратларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди ва бу 2009 йилга қараганда 23 фоизга кўпdir.

- оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, умуман, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида 2010 йилда давлат бюджетидан жами 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоиз ва 2008 йилга нисбатан 2 баробар кўп демакдир.

З-вазифа: «Таълим соҳасида моддий-техника базаси шакллантирилиши ва ундан самарали фойдаланишини таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш» бўйича амалга оширилган ишлар

- Кадрлар тайёрлаш милллий дастури ва мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-хунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни, деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди.

- ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам янгилаб бориш, тизимли асосда замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебел ва ўқув анжомлари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда яратилган бу улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида мутлақо янги бир тузилма – молия вазирлиги ҳазурида маҳсус жамғарма ташкил этилди. Жамғарманинг ҳисоб рақамига 2010 йили 315 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, 2011 йилда 370 миллиард сўм ажратмоқда.

- 2010 йилда Тошкент шаҳрида Турин политехника университетининг янги, замонавий ўқув комплекси барпо этилди. Ушбу олий ўқув юрти мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган автомобиль саноати ва бошқа тармоқлар учун юқори малакали кадрлар тайёрламоқда.

- Шу давр мобайнида кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилди. Олий таълим бакалавриат босқичининг 50 та йўналиши ва магистратура босқичининг 74 та мутахассислиги унификация қилинди, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг янги классификаторлари жорий этилди.

- Наманган шаҳрида 9900 ўқувчи ўринли 14 та умумтаълим мактаби, 1350 ўқувчи ўринли 4 та академик лицей, 23240 ўқувчи ўринли 41 та касб-хунар коллежи қуриб ишга туширилди ва реконструкция қилинди.

Кейинги ўн йилда мамлака-тимизда оналар ўлими коэффициен-ти 33,1 промилледан 19,7 профил-лега, болалар ўлими коэффициенти эса 18,9 промилледан 10,1 промил-лега тушиди. Туғма ва ирсий касал-ликлар билан тугиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди.

Ислом Каримов

- 2010 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг 3200 ўқувчи ўринли янги ўқув корпуси қурилиши тугалланди ва у жиҳозланмоқда. Тошкент молия институтининг 3500 ўқувчи ўринли ўқув корпуслари бинолари реконструкция қилинди. Термиз давлат университетининг 2300 ўқувчи ўринли янги ўқув корпусининг иккинчи навбати қурилди. Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалининг янги биноси қурилди. Қарши давлат университети ўқув корпуслари бинолари реконструкция қилинди.

- Мамлакатимизда умумий ва ўрта маҳсус таълим давлат томонидан кафолатланмоқда. 7-15 ёшдаги болаларнинг бошланғич ва умумий таълимга қамраб олиниши, шунингдек аҳолининг саводхонлик даражаси бугунги кунда юз фоизни ташкил этади. Бу эса БМТнинг бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш соҳасида минг йиллик ривожланиш мақсадларининг Ўзбекистон томонидан етакчи давлатлар қаторида бажарилаётганини тўла тасдиқлайди.

4-вазифа: «Баркамол авлодни шакллантириш учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқув юртларида ўқув лабораториялари базасини такомиллаштириш» бўйича амалга оширилган ишлар

- 2010 йилда 560 та етакчи кластер мактаблари қиймати қарийб 6 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 13 минг 500 та компьютер техникаси билан таъминланди. 750 дан ортиқ қишлоқ мактаби замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мультимедия воситалари билан жиҳозланди, 1,5 мингта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400 та шахсий компьютер билан таъминланди.

- Узлуксиз таълим тизимида, шу жумладан, мактабгача тарбия болалар муассасалари, мактаблар, ўрта маҳсус касб-хунар таълими муассасалари (касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар), олий ўқув юртларида янги стандартлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

- 2010-2011 йиллар мобайнида ҳар бир умумтаълим мактабида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида маҳаллий тармоқли замонавий компьютер синфи жиҳозланиб ва фаолият кўрсатиши таъминланмоқда.

- 2010-2011 йиллар даврида ҳар бир умумтаълим мактабини 41 номдаги электрон дарслклар ва ўқув фильмлари, шунингдек, Ўзбекистон тарихи, маданияти ва замонавий ютуқлари бўйича электрон манбалар билан таъминланмоқда.

- умумтаълим мактабларининг компьютер техникаси ва ўқув-лаборатория жиҳозлари сақланиши, уларга техник хизмат кўрсатилишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилиди.

- имконияти чекланган ва уйда ўқишига жалб қилинган 5-9-синфларнинг 10 тадан ўқувчисини ҳар бир туманда шахсий компьютерлар билан таъминлаш, шунингдек, уларни «Ziyo-Net» тармоғига (ҳаммаси бўлиб 2000 киши) уланди. Жисмоний имкониятлари чекланган талабаларни уйда қўшимча равишда ўқитиш учун 250 талабани «Ziyo-Net» тармоғига уланди.

- Мактаблар, лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари, илмий тадқиқот ташкилотларининг ходимлари ўртасида «Йилнинг энг яхши педагоги», «Йилнинг энг яхши мураббийси», «Йилнинг энг яхши илмий раҳбари» танловлари ташкил қилинди.

- Ўқув жараёнини ва педагогик технологияларни такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни тайёрлаган энг яхши педагогларга танлов асосида педагогик грантлар бериш борасидаги чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш давом эттирилди.

5-вазифа: «Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг тармоқли телекоммуникация алоқа воситалари ва интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш» бўйича амалга оширилган ишлар.

1994 йилда республикада 475 та ОАВ, улардан 384 та газета, 66 та журнал, 19 та телестудия, 3 та кабель телевидениеси, 2 та радиостудия ва битта агентлик фаолият

кўрсатаётган бўлса²⁷, давлатимиз раҳбари ўз маърузасида таъкидлаганидек, кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда²⁸.

- мамлакатимиздаги барча, яъни 12 мингдан ортиқ таълим муассасалари, илмий ва маданий-маърифий ташкилотлар 25 мингдан зиёд ўқув материаллари ва ресурсларни ўз ичига олган таълим порталига (масофадан туриб ўқитиш усусларини таълим тизимиға жорий этиш) уланди.

- замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига, балки ҳар бир оиласа жорий қилиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда. Бу ишлар натижасида юртимизда 6,6 миллион киши интернетдан фойдаланмоқда, уларнинг ярмини мобиль алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар ташкил этади.

- Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёning 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшилтиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

- Дастур доирасида ҳаётнинг барча соҳаларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, улардан ҳар бир ташкилот ва оиласа фойдаланишни тарғиб қилиш оммавий тадбирлари ўтказилди.

- Аҳолига, шу жумладан қишлоқ жойлардаги аҳолига Интернет тармоғининг халқаро каналларига кириши босқичма-босқич кенгайтириб борилди. Аҳолининг ўқув юртлари компьютер синфлари ва Интернет тармоғидан жамоатчилик фойдаланиш пунктлари базасида ахборот технологиялари асосларига ўқитиш тизими ташкил этилди.

- Бугунги кунда юртимизда мобиль алоқанинг ривожланиш кўрсаткичи бўйича дунёда олдинги ўринда турган ўнта мамлакат қаторига киради. Ўзбекистонда мобиль алоқа хизматидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 2000 йилга нисбатан 200 баробар ошиб 19 миллиондан ортиқ абонентни ташкил этмоқда. Агар ўн йил олдин мамлакатимиз аҳолисининг ҳар минг нафарига 4 донадан кам мобиль телефон тўғри келган бўлса, бугун бу кўрсаткич 600 донадан ошиб кетди.

6-вазифа: «Ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спорти соҳасида ҳамда ёшларни спорт билан доимий шуғулланишлари борасидаги ишларни кучайтириш, янги спорт комплексларини қуриш ҳамда жиҳозлаш, уларни юқори малакали устоз ва мураббийлар билан таъминлаш» бўйича амалга оширилган ишлар.

- Мустақиллик йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншоотлари барпо этилиб, уларнинг мингдан ортиғи қишлоқ жойларида курилди. Бу эса 260 минг нафардан зиёд боланинг спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиш учун имконият яратди.

- Андижон шаҳрида «Универсиада – 2010» спорт ўйинлари ўтилди.

Аҳолининг интернет тармоғидан фойдаланиши имконияти кенгайиб бораётганини албатта ижсобий баҳолаш лозим. 2010 йилда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1,4 баробар кўпайди ва 6,6 миллион кишидан ошиди.

Ислом Каримов

²⁷ ОВА: хукуқий база такомиллаштирилмоқда // Халқ сўзи, 2010 йил 20 август.

²⁸ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик жамиятини ривожлантириш концепцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б.30.

- Спорт ҳаётидан ҳеч ким четда қолмаслиги керак» деган шиордан келиб чиқсан ҳолда, кам таъминланган оилаларнинг 120 минг нафар қизлари учун 3 миллиард 500 миллион сўмлик спорт кийими ва жиҳозлари билан таъминланди.

12.2. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида эришилган ютуқлар ва натижалар

- Мамлакатимизда бадиий гимнастикани ривожлантириш дастури доирасида ушбу спорт тури билан шуғилланадиган қизлар сони 2010 йилнинг ўзида 6-7 баробар, айрим вилоятларда эса 10-12 баробар ортди.

- Хитойда якунига етган ўн олтинчи ёзги Осиё ўйинларида бадиий гимнастика бўйича қизларимиз Осиё қитъаси вакиллари орасида шарафли иккинчи ўринни эгаллашди.

- 2010 йилда ўтказилган 42 та халқаро мусобақада Ўзбекистондан иштирок этган 500 нафардан зиёд ёш спортчининг учдан бир қисмини қизлар ташкил қилди.

- 2010 йил ёзида Сингапурда бўлиб ўтган биринчи ўсмиirlar Olimpiya ўйинларида спортчи ёшларимиз муносиб қатнашиб, 9 та медални қўлга киритди.

- шунингдек: ушбу Осиё ўйинларида 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза медалларини қўлга киритди. Умумжамоа ҳисобида саккизинчи ўринни эгаллаб, кучли ўнликдан жой олишди.

- Айниқса, Тошкент давлат жисмоний тарбия институтининг талабаси, Каноэда эшкак эшиш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Вадим Менков халқимизнинг ҳақиқий ифтихорига айланди. Бу истеъоддли спортчимиз 2010 йилда ўз йўналиши бўйича дунёning энг яхши спортчиси деб тан олинди.

- футбол бўйича Ўзбекистон ўсмиirlar терма жамоаси Осиё чемпионатида фахрли 2-ўринни қўлга киритиб, Мексикада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида иштирок этиш имкониятига эга бўлишди.

- Аргентинада бўлиб ўтган ногиронлар-ампутант ўртасида футбол бўйича жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи маротаба жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлишди.

7-вазифа: «Ёшларни, касб-хунар коллажлари ва олий таълим муассасалари битиувчиларини, хусусан, қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш» бўйича амалга оширилган ишлар

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битиувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Битиувчиларга ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли кредитлар бериш бўйича банклар томонидан имтиёзли кредитлар бериш тизими йўлга қўйилди.

Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириши, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга жалб этиши, ўз ижодий ва интелектуал салоҳиятини рўёбга чиқарилари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ислом Каримов

- 2010 йилда ёшлар учун 520 минг янги иш ўринлари ташкил этилди. Касб-хунар коллажлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битиувчиларини ишга жойлаштиришни рағбатлантиришга йўналтирилган кичик корхоналар ходимларининг чекланган сонини белгилаш тартиби такомиллаштирилди.

- Ёшларда меҳнат қўнималарини тарбиялаш ва тадбиркорлик ташаббускорлигини шакллантириш мақсадида тажриба тариқасида аграр йўналишдаги касб-хунар коллажлари хузурида ўқув-ёрдамчи хўжаликлар, саноат, қурилиш, архитектура, конструкторлик ва сервис каби корхоналар, ишлаб чиқариш цехлари, устахоналар, сервис хизмати кўрсатувчи кичик корхоналар ташкил этилди.

- Узлуксиз таълим тизимида ўқувчилар ва талаба ёшларда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун мажбурий зарур энг кам кўникма ва малакаларни шакллантириш чора-тадбирлари кўрилди.

- «Келажак овози» минтақавий ёшлар ташаббуслари марказлари базасида ёш тадбиркорлар учун микрокредитлар берган ҳолда тадбиркорликни ва замонавий менежерлар тайёрлашни ривожлантириш бўйича маҳсус мактаблар ташкил этилди.

- Ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш маркази фаолияти янада фаоллашди.

8-Вазифа «Ёшларнинг ижодий ва интелектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга фаол жалб этиш» бўйича амалга оширилган ишлар

- «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Президент қарори қабул қилинди.

Натижада:

- Илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантураси каби эскирган шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида стажор-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий-изланувчилар институти жорий этилди.

- Энг муҳими ана шу тадқиқотчиларнинг иш ҳақи 1,6 баробарга кўпайди.

- Олий таълим муассасаларида Ёш олимларнинг илмий тадқиқотларини қўллаб-куvvatlash жамғармалари янада шакллантирилди.

- Иқтидорли ёшларнинг интеллектуал савиасини ривожлантириш учун фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишлар лойиҳалари танлови ҳамда ёш олимларнинг илмий-техник дастурлари шакллантирилди. Ёшлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш, республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди ҳамда инновацион ғоялар маркази ташкил топди.

- Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида иқтидорли ёшлар учун ёзги ва қишки ўқув оромгоҳлари ташкил этилди.

- 2010 йилда болалар ва ёшларнинг ижодий истеъодиди ва қобилиятини ривожлантириш бўйича б ёшдан 14 ёшгача бўлган бололар учун “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивали, “Ягонасан, муқаддас Ватан!” республика танлови, “Ниҳол” республика муқофотига ижодкор ёшларни танлаш каби танловлар ўтказилди.

9-вазифа: «Ёш оиласларга ғамхўрликни кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини ташкил қилишни таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш» бўйича амалга оширилган ишлар.

- 2010 йилда оила институтини қўллаб-куvvatlash бўйича аввалги йилларда бошлаган ишларимиз давом эттирилиб, 2,5 минг ёш оиласи уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш каби масалаларни ҳал этиш учун тижорат банклари томонидан 107 миллиард 600 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди.

- Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан нотурар-жой биноларини реконструкция қилиш ва уй-жой харид қилиш учун ҳомийларнинг 5 миллиард 800 миллион сўмлик маблағлари жалб этилди.

- Шунингдек, 7 минг 200 дан зиёд ёш оиласи бепул қорамол берилди, шу мақсадлар учун 5 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди.

- Республиkaning ҳар бир тумани (шаҳар)да 10 та кам таъминланган оиласи тўй ва оиласий тантаналарни ўтказишда кўмаклашилди.

- Ёшлар ўртасида оиласий қадриятларни тарғиб қилиш бўйича биргаликда яшаётганига 5 йил, 10 йил ва 25 йил бўлган аҳил ва баҳтли оиласлар тўғрисидаги ҳикоя қилувчи «Ибратли оила» телекўрсатувлари олиб борилди.

Ҳалоллик, эзгулик ва меҳрибонлик ҳақидаги тушунчалар, катталарага ҳурмат туйғуси, авволо, оиласда пайдо бўлади, инсоннинг дунёқараси миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида айнан шу муҳитда шаклланади.

Ислом Каримов

- Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш түғрисида “Сиз оилага масъулсиз”, “Ёш оиланинг турмуш моданияти” номли буклетлар, рисолалар, плокотлар, маҳалар ва ижтимоий роликлар тайёрланди.

10-вазифа: «Ёшларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини мустаҳкамлаш, уларни наркомания, маънавиятсизлик, ўзга ёт маданиятлар, таҳдидлар ва ташқи таъсирлардан сақлаш» бўйича амалга оширилган ишлар.

- Ёшларда «Оммавий маданият» ниқоби остидаги хуружлар, диний экстремизм, халқаро терроризм, халқимизга ёт бўлган ғоя ва қадриятларнинг четдан «экспорт» қилинишига қарши қатъий позицияни шакллантириш бўйича ахборот ва педагогик технологияларнинг замонавий, янги шакллари жорий қилинди.

“Оммавий маданият” – маданият мавжудлигининг мураккаб, ҳамма вакт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли.

“Оммавий маданият”ни Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, унга ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган. XX асрда ва XXI аср бошларга келиб радио, кино телевидение, видно компьютер, Интернет тизимиning пайда бўлиш ва ривожи натижасида оммавий маданият ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйди. Бу босқич кўпчилик учун мақбул бўлган қарашлар ва қадриятларни шакллантириш имканиятлари кескин ҳам ижобий ҳам солбий томонга ўзгарганлиги билан фарқланади. Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида бугунги кунда “фаоллашаётган оммавий маданиятга қуидаги изоҳ берган. “Коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғаявий бўшлиқдан файдаланиб, четдан биз учун мутлоқ ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак²⁹, деган эди.

- “Оммавий маданият” остида кириб келаётган хуружлар: 1) Молиявий имкониятларга эга бўлган айрим сиёсий кучлар ғаразли ниятларини амалга оширишда мафкуравий қурал сифатида «Оммавий маданият»дан фойдалонмоқда. 2) Одамларнинг, ёшларнинг онги тафаккурини, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган. Сохта ғоя ва мафкураларни тарғиб қилмоқда. 3) Замонавий ахборот технологияларини ишлатмоқда. 4) Ахлоқий бузуқлик ва зўровонликни тарғиб қилишга қаратилган. 5) Индивидуализм. 6) Эгоцентризм (шахснинг ўз қизиқиши доирасига боғланиб қолиши, ўз фикрини ўзгартира олмаслиги). 7) Бюрократия. 8) Манбаатпарастлик. 9) Порохўрлик. 10) Маҳаллийчилик. 11) Шуҳратпарастлик. 12) Лоқайдлик. 13) Бефарқлик. 14) Сотқинлик каби иллатларга қариш курашиш ҳам “Баркамол авлод йили” Давлат дастурнинг бош мақсадларидан бири бўлди.

- “Оммавий маданиятнинг савияси паст, енгил-елпи намуналарига қарши хақиқий санъат асарларининг юксак дурдоналарини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш ишига эътибор қаратилди.

- «Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқда» комплекс дастури ишлаб чиқилиб, ҳар бир таълим муассасасида гиёҳвандликка қариш кураш халқаро ойлиги, “Биз - гиёҳвандликка қаршимиз” ёшлар фестивали ўтказилди. “Соғлом турмуш тарзи - ёшларни уйғун камол топтириш гарови” маҳсус таълим-маърифат сайти ташкил этилди. “Ёшлар соғлом турмуш тарзини танламоқда» шиори остида шоу-концертлар ташкил қилинди.

- Миллий ғоя ва мафкура, мамлакатимиз тарихи мавзулари бўйича веб-ресурслари янада кенгайтирилди. Республика олий ўқув юртлари, лицейлари, коллежлари ва мактабларида «Ziyo-Net» тармоғи имкониятлари ва ахборот ресурсларидан кенг фойдаланилди.

- Давлат музейларига кириш 18 ёшгача бўлган болалар учун бепул бўлган тартиб жорий этилди.

- Катъий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, маънавий таҳдидларга ва четдан кўрсатилаётган таъсирларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга эътибор

²⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Тошкент, Маънавият, 2008. -Б. 117.

берилди. Ахлоқий маданиятни ва Интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш, паст савияли “оммавий маданият”нинг кириб келишига қарши чора-тадбирлар амалга оширилди.

11-вазифа: “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг мақсади, мазмуни ва аҳамияти түғрисида оммовий ахборот-тушунтириш ишларини тизимли асосда ташкил этиш” бўйича амалга оширилган ишлар.

- Оммавий ахборот воситалари аҳолининг барча қатламлари ўртасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 ва 18 йиллигига бағишлиланган тантанали йиғишиларидаги маърузаларида баён қилиган “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг мақсад, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди.

- Чет элларда Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналари орқали, шу жумладан, замонавий ахборот техноло-гиялари, алоқанинг ер сунъий йўлдоши каналларидан фойдаланган ҳолда “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида тизимли тушунтириш ишлар йўлга қўйилди.

- “Баркамол авлод йили» давлат дастурини бажариш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 2010 йилда қарийб 8 триллион сўм ва 165 миллион доллар маблағ йўналтирилди.

Бу эса, ўз навбатида, мамлакати-мизда ҳар томонлама муносаб ёшларни Ватанимиз келажаги учун масъулият-ни ўз зинмасига олишга қодир бўлган, жисмоний ва маъновий соглом, бар-камол авлодни тарбиялаш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини тугдирди.

Ислом Каримов

II БЎЛИМ. 2011 ЙИЛНИНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

1-БОБ. ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР ВА ЮҚСАК ТЕХНОЛОГИЯЛАРГА АСОСЛАНГАН ЗАМОНАВИЙ ТАРМОҚЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАЛАРИНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ

1.1. Ишлаб чиқариш жараёнига янги, самарали технологияларни татбиқ этиш зарурати ва истиқболлари

Маълумки, маҳаллийлаштириш жараёни иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ривожланишини таъминлаш, унинг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтириш, ишлаб чиқариш жараёнларига янги, самарали технологияларни татбиқ қилишни жадаллаштириш, маҳаллий хом ашё ва ишлаб чиқариш ресурсларидан кенг фойдаланиш, шунинг асосида замонавий рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, валюта маблағларидан тежамли ва оқилона фойдаланиш, шунингдек янги иш жойларини яратиш имконини беради. Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши қуидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

- мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
- саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юқори даражада бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва тегишли равишда, анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;
- самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;
- иқтисодиётнинг реал секторида мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш;
- маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ.к.

Президентимиз Ислом Каримов 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағищланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратишни истардим. 2010 йилда саноат ишлаб чиқариш таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этди.”³⁰ – деб таъкидлаб ўтган эди.

2009 йилда мамлакатимиздаги енгил ва озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг кўламли қўшимча солик ва божхона имтиёзлари берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги 1048-сонли қарорига кўра бутловчи қисмлар ва

Маҳаллийлаштириши – импорт қилинадиган тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материалларни мамлакатда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали унга бўлган ички талабни қондириш ва экспортини йўлга қўйиш.

³⁰ Ислом Каримов. “2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодитӣ ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағищланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси”. – Т.: Ҳалқ сўзи, 2011 йил. № 16.

деталлар, тайёр маҳсулотлар, материаллар ва хом ашё турларини ишлаб чиқарувчи корхоналар 2011 йил 1 январгача:

- четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек маҳаллийлаштириладиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган компонентлар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йифимларидан ташқари);

- маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар бўйича фойда солиғи, ягона солиқ тўлови (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллайдиган субъектлар учун);

- маҳаллийлаштирилладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилиндилар.

2008 йилда Республика Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасига халқаро мақоми берилди. Иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш вазифаларини ҳал эта бориб Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси узоқ муддатли хўжалик алоқаларини йўлга қўйиш ва кенгайтириш учун зарур қонунчилик базаси ва бозор инфратузилмасини яратиш, тармоқ ичидаги, тармоқлараро ва халқаро кооперация доирасида корхоналарга зарур хом ашё ва кредит ресурсларидан эркин фойдаланишлари имкониятини таъминлашга хизмат қиласди.

Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси икки босқичда:

- биринчи босқичда – тармоқ қўргазмалари ва ярмаркалари;
- иккинчи босқичда – Халқаро тармоқлараро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ўтказилади.

2009 йил 20-27 октябрь кунлари ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг қуидаги натижалари унинг юқори самара берганлигини кўрсатади:

- ярмаркада 378 та маҳаллий корхона, 46 та хорижий давлатнинг 600 та фирмаси вакиллари иштирок этди;
- жами ташриф буюрганлар сони 41 минг кишини ташкил этди;
- ярмаркада илгаридан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан бирга 124 турдаги янги тайёр маҳсулот, бутловчи қисмлар ва материаллар намойиш қилинди;
- кооперация биржаси давомида 1,9 трлн. сўмлик, яъни 2008 йилга нисбатан 1,4 марта кўп ҳажмдаги шартномалар имзоланди;
- мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилган 2,3 млрд. АҚШ долларлик маҳсулотларни экспорт қилиш бўйича хорижий фирмалар билан шартномалар тузилди ва х.к.

Корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ўзаро чамбарчас боғланган жараёнлардир. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро саноат кооперациясининг кенгайиши тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлашириш учун шарт-шароит яратади.

Иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш борасидаги муҳим йўналишлардан яна бири – бу саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва

Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириши – саноат ишлаб чиқаришининг турли босқичларида импорт шаклида харид қилиш орқали қўлланиувчи деталлар, бутловчи қисмлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларни маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида ишлаб чиқаришга ўтказиш жараёни.

Импорт ўрнини босиши самараси – маҳаллийлаштириш жараёнини амалга ошириш орқали ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар натижасида тежалган импорт маҳсулотлари қиймати.


материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнидир.

Кенг қўламли ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2009 йил давомида 333 та корхона негизида 843 та амалга оширилаётган лойиҳа бўйича 2854,0 млрд.

сўм ҳажмида маҳсулотлар ишлаб чиқарилган (1.1.1-расм). Нефть-газ ускуналари, кимё саноати маҳсулотлари, автомобиль саноати учун бутловчи қисмлар ва бошқа 120 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот турлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 2,3 баробар ўсиб, импорт ўрнини босиш самараси 1,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.


2009 йилда мамлакатимиздаги енгил ва озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг кўламли қўшимча солик ва божхона имтиёзлари берилди.



1.1.1-расм. Маҳаллийлаштириш бўйича амалга оширилган ва уларга иштирок этган корхоналар сони.


Бундан кўринадики, жаҳон молиявий-иктисодий инқизози шароитида мамлакатимизда иктисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-куватлаш чораларининг изчил амалга оширилиши барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш учун етарли шарт-шароитларни яратди.

Корхоналар ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ўзаро чамбарчас боғланган жараёнлардир. Тармоқ ичидаги ва тармоқлараро саноат кооперациясининг кенгайиши тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлашириш учун шарт-шароит яратади.



1.1.2-расм. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўм).

Мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан ўтган йили 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар, жумладан, мутлақо янги технологик платформа негизида “Спарк” енгил автомобилини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, катта хажмдаги юк ташийдиган “МАН” автомобилларини, энегия тежайдиган лампалар, “ЭлЖи” русумидаги холодильникларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.



1.1.3-расм. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш хажмининг жами саноат ишлаб чиқаришидаги улуши.

Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари:

- саноат корхоналарининг ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияси доирасида узок муддатли хўжалик алоқаларини шакллантириш ҳамда кенгайтириш учун зарур қонунчилик базасини ва бозор инфратузилмасини яратиш;
- ускуналар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни амалга ошираётган корхоналарнинг зарур хом ашё ва кредит заҳираларидан эркин фойдаланишини таъминлаш;
- маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида ҳар йили қабул қилинадиган Дастурларнинг саноат кооперациясини ривожлантиришдаги роли ва ахамиятини ошириш, шунингдек дастурларга киритилган маҳаллийлаштириш лойиҳаларининг ўз вақтида бажарилиши учун ижрочиларнинг жавобгарлигини кучайтириш;
- янги технологияларни ишлаб чиқиши ҳамда уларни йирик ва кичик корхоналарда жорий этиш имконини берадиган инновация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш учун венчур жамғармаларини, шунингдек инфратузилма объектларини ташкил этиш.

1.1.1-жадвал

Тармоқлараро ва минтақавий саноат ярмаркалари

Вилоятлар	2010 йил тузилган шартномалар хажми (млн.сум)
Фарғона	974
Қашқадарё	2233,6
Навоий	445
Самарқанд	2613,7

Қарақалпоғистон	414,8
Тошкент шаҳри	3354
Бухоро	2952
Жиззах	2348,4
Хоразм	2700
Сирдарё	1501,4
Сурхондарё	4675
Тошкент вилояти	8203,8
Жами	34415,7

1.1.2-жадвал

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг 2010 йил якунлари

Вилоятлар	2009 йил (млн.сум)	2010 йил (млн.сум)
Қарақалпоғистон	1958,0	1749,3
Андижон	7450,4	12753,3
Бухоро	3649,7	7005,3
Жиззах	3886,5	6042,0
Қашқадарё	2102,5	2508,5
Навоий	2060,5	2488,5
Наманган	2099,3	5759,4
Самарқанд	5151,9	4056,8
Сурхондарё	1105,5	1574,4
Сирдаре	2427,4	537,6
Тошкент вилояти	19417,6	30230,6
Фарғона	3195,7	8486,0
Хоразм	2307,5	3177,0
Тошкент шаҳри	89103,1	139292,4
Жами	145 915	225 661

2-БОБ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ, ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ, ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЕТАКЧИ ТАРМОҚЛАРИНИ ЖАДАЛ ЯНГИЛАШ

2.1. Мамлакатни модернизациялаш борасида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар

Ўзбекистон иқтисодиётини либераллаштириш ва модернизациялаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш масалаларига эътибор ҳозирги кунда, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқизорзининг салбий оқибатларидан сақланиш даврида долзарб масалага айланиб бормоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар асосан қуйидаги меъёрий-хуқукий ҳужжатлар негизида бажарилмоқда:

❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 1 июндаги “2007-2011 йиллардаги даврда қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги Қарори;

❖ 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқизорзга қарши чоралар дастури;

❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 марта “2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Қарори;

❖ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори.

Мамлакатда иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобатдошлик кўрсаткичини оширишга эришиш, биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга боғлиқ. Айнан шу борада, Президентимиз Ислом Каримов “Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади.” деган фикрни таъкидлаб ўтди.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ўз-ўзидан мамлакатда товарлар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги иқтисодий ресурсларни оқилона ишлатишда асос бўлади.



2.1.1-расм. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг ресурсларни тежашдаги таъсири

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мамлакатлар иқтисодиётига ўз таъсирини кўрсатишда давом этаётган бир вақтда фан ва технологияни жадал ривожлантириш ва унинг ютуқларидан самарали фойдаланишга талаб тобора ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз замонавий техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилигандай товарлар ва хизматлар орқали нафакат ички бозорда, балки рақобат кураши кучайиб бораётган жаҳон бозорларида ўз ўрнини топиши учун ягона йўл бўлиб қолди. Ишлаб чиқаришни замон талабларига жавоб беришидан корхона ва фирмалар билан бир қаторда истеъмолчилар ҳам наф кўради. Бу ҳолни қуйидаги схемада кўриш мумкин.



2.1.2-расм. Юқори технологиялардан фойдаланишнинг ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга бўлган таъсири.

Бизга маълумки, ҳар қандай мамлакат миллий бойлигининг ортиши, иқтисодий ўсиши, фақат унинг табиий ресурслари ҳисобига эмас, балки ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган техника-технологиясининг ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқ. Бу боғлиқликни буюк математик П.Пильцер қуйидаги формула орқали изоҳлаган:

$$W = P \times T^n$$

Бу ерда, W – мамлакатнинг бойлиги, P – табиий ресурслар, T – технология, n – техника тараққиётининг технологияга таъсири даражаси.

2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўлида белгиланган асосий вазифалар ҳисобланмиш, ислоҳотларни давом эттириш, чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш, макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг асосий етакчи соҳаларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестиция сиёсатини олиб бориш каби долзарб масалалар жорий йил учун ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Инқирозга қарши чоралар дастурига биноан мамлакат иқтисодиётига инвестициялар жалб этиш, биринчи навбатда ички манбаларни йўналтириш асосида иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, иккинчидан, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш, учинчидан эса, ижтимоий инфратузилма обьектларини барпо этиш кўзда тутилган эди.

Барча қабул қилинаётган мөйөрий-хукукий ҳужжатлар ҳамда ишлаб чиқаришни модернизациялашга қаратилған дастурлар аввало ақоли истемолини тұла-түкис ва сифатли товарлар билан таъминлашга қаратилған бўлади. Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047 сонли “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳам шу мақсадга қаратилған. Ушбу қарорда асосан қуидагиларга кўпроқ эътибор қаратилған:

- Ихтисослаштирилған “Мевасабавоттайёрловсавдо” компанияларини ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этиш
- Асосий фаолият тури гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкасини 50 %га камайтириш
- Гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган, четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларниң эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари тўлашдан озод қилиш

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишиланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида қайд этилган муҳим устувор вазифалардан бири ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш деб топилди. Маърузага кўра, 2011 йилда иқтисодиётга жалб этиладиган барча инвестицияларнинг 36,4 фоиздан ортиғини саноатни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини амалга оширишга йўналтириш кўзда тутилаётгани ҳамда замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш харажатлари умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг камида 46 фоизини ташкил этаётганини қайд этилди.



2.1.3-расм.

Расмдаги лойиҳаларнинг амалга оширилиши иқтисодиёт тармоқларини ҳар томонлама модернизациялаш ҳамда техник ва технологик қуроллантиришга асос бўлади.

Шу жумладан, 2011 йилда 35 тадан ортиқ йирик ишлаб чиқариш корхонасини қурилишини якунлаш ва фойдаланишга топшириш вазифаси ҳам ушбу маъruzada келтирилган. Бу корхоналарга мисол тарзида “Дженерал моторс” компанияси билан ҳамкорликда йилига 225 минг дона автомобиль кучланиш агрегатларини ишлаб чиқарадиган корхона, “Индорама” компанияси билан ҳамкорликда эса, якуний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган тўқимачилик комплекси, умумий қуввати 30 минг тонна калава ишлаб чиқаришдан иборат бўлан яна бир қатор тўқимачилик комплексларини келтириш мумкин.

Тошкент шахрида қўп ўринли “Мерседес-Бенс” йўловчи автобусларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, Муборак газни қайта ишлаш заводи ва “Шўртан нефт-газ” унитар корхонасида 400 минг тонна суюлтирилган газ ва газ конденсати ишлаб чиқарадиган қурилмаларни ўрнатиш, Олмалиқ ва Навоий комбинатларининг корхона ва ишлаб чиқариш қувватларини техник қайта жиҳозлаш, Бекобод металлургия комбинатини модернизация қилиш ва бошқа шу каби муҳим лойиҳаларни амалга ошириш ҳам маъruzada кўрсатиб ўтилди.

Булардан ташқари, мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, етакчи тармоқларни жадал янгилашга қаратилган бир қатор лойиҳалар амалга ошириши кўзда тутилмоқда. Шу мақсадда тармоқ дастурларига қаратилган кўмаклашувчи дастурлар ҳам ишлаб чиқилиб, ушбу дастурлар ҳам ўз ичига бир қанча лойиҳаларни олади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга кўмаклашувчи Давлат дастурлари

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва хўжаликлараро йўлларни қурилиши, таъмирланиши ва қайта жиҳозланиши

- Темир йўллари қурилишівча электрлаштирилиши

Электр станцияларни модернизациялаш, юқори волтли электр узатиш линияларини қуриш ва таъмирлаш

Хом ашё компонентларини ишлаб чиқариш мақсадида йирик саноат корхоналари қурилишини молиялаштириш

- Маҳаллий бутловчи қисмлар ишлаб чиқарышни ривожланишини рағбатлантириш

Янги технологиялар ривожлантарилишига кўмаклашшиш ва илм-фан ва саноат ўртасида ўзаро алоқаларни таъминлаш

- Логистика марказларини ривожлантариш

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиши муассасаларининг замон талаблари даражасида фаолият юритиши мақсадида 2011 йилнинг охирига қадар, идоравий мансублигидан қатъий назар, барча йирик корхона ва ишлаб чиқариш қувватларида жаҳон тажрибасида синовдан ўтган замонавий технологиялар билан алмаштирилиши лозим бўлган ускуна ва технологияларнинг рўйхатини аниқлаш мақсадида техник аудитдан ўтказилиш дастурлари бажарилиши Вазирлар Маҳкамаси назоратига топширилди.

Модернизациялаш – объектни янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, уни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат кўрсаткичларига мувофиқлаштириш.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён.

Маърузада алоҳида эътибор берилган яна бир жиҳат, бу модернизация сўзининг нотўғри тушуниб келинаётгани бўлди. Президентимиз Ислом Каримов “Минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганимиз.” деб қайд этди.

Модернизация сўзининг туб маъносидан келиб чиқсан ҳолда, нафақат саноат, балки иқтисодиётнинг барча тармоқларини янгилаш, яхшилаш, такомиллаштириш, объектларни янги талаблар ва меъёрларга, техник шартларга, сифат белгиларига мос келтириш лозим. Аммо мамлакатни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш масалалари кўпроқ саноат тармоғига қаратилиб қолди. Маърузага биноан, саноат билан бир қаторда иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳани ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига кирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик янгилаш ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Қуйидаги лойиҳалар вилоятлар кесимида тармоқ Дастурлари доирасида амалга оширилаётган йирик инвестицион лойиҳалар ҳисобланади:

- ❖ Корақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида – нефть ва газ саноатини модернизациялаш дастури доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар
- ❖ Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида – Хандиза конида полиметалл рудасини қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаси (ОТМК)
- ❖ Қашқадарё вилояти Шўртан ГККда тозаланган метандан синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш ва Талимаржон ГЭСини кенгайтириш учун қуввати 450 МВт бўлган иккита газ-буғ ускунасини ўрнатиш
 - ❖ Навоий вилоятида аммиак ва корбамид ишлаб чиқарадиган қурилиш
 - ❖ “Навоий” эркин индустрисал зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар ва бошқалар
 - ❖ Навоий ва Самарқанд вилоятларида – Зармитон олтинкон зонасида қазиб олиш ва қайта ишлаш мажмуаси (НКМК)
 - ❖ Андижон, Наманган ва Фаргона вилоятларида – енгил саноати ва чарм пойабзали саноатини модернизациялаш дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳалар
 - ❖ Тошкент вилоятида – Джи Эм Пауэртрейн автомобиль двигателларини ишлаб чиқариш заводи (Ўзавтосаноат) ва бошқалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг саноат тармоғини модернизациялаш йўлида қўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Шулар қаторига, Президентимизнинг “2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарори ҳам ушбу соҳани янада ривожлантиришга асос бўлади.

Қарорга мувофиқ, жами қиймати 47,5 млрд. АҚШ долларига тенг 519 та лойиҳа, шу жумладан, 2011 йилнинг ўзида 5,58 млрд. АҚШ долларлик 334 та лойиҳа бажарилиши режалаштирилган.

⇒ **Жами 30,1 млрд.долл. қийматдаги 260** лойиҳа бўйича молиялаштириш манбалари анткланган ва келишибилган;

⇒ **Жами 6,4 млрд.долл. қийматдаги 100** лойиҳа тайёрлов жараёнгидан (чет эл инвестори, молиялаштириш шартлари ва манбаларини антклаш);

⇒ **Жами 11,0 млрд.долл. миқдоридаги 159** истиқболли лойиҳалар бўйича дастлабки ишлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш борасида. аввало, ерларнинг унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор бериш муҳимлиги, бу соҳадаги қилинаётган ишларнинг кенгайиб

бораётганлигига қарамасдан, сұғориладиган объектларнинг мавжуд мелиоратив ҳолати атрофлича муаммоларни көлтириб чиқариши мүмкінлиги әзтироф этилди.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда мамлакатда жами сұғориладиган ерларнинг деярли 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир. Сұғориладиган ерларнинг 23 фоизидан ортиқроқ қисми бонитети паст ерлар тоифасига мансуб. Мелиоратив ҳолати қониқарсиз ерларнинг катта қисми Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Жиззах ва Фарғона вилоятларига тўғри келиши маълум бўлди.

Маърузада мелиоратив ҳолати қониқарсиз даражага келган ерларни яхшилаш ва унумдорлигини оширишга қаратилаётган инвестициялар ҳажмини келгуси даврларда тобора кўпайтириб бориш даркорлиги айтиб ўтилган. Айни пайтда сұғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш орқали қишлоқ хўжалиги соҳаларида самарадорликни ошириш, замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш борасидаги ишларни тартига солиш лозим.

Қишлоқ хўжалиги соҳаларида амалга оширилаётган ишлар талайгина бўлишига қарамасдан, чорвачилик, ғаллачилик, картошкачилик каби соҳаларида замонавий сұғориш тизимлари ва энергияни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш ҳамда бу борадаги ривожланган мамлакатлар тажрибаларини мамлакатда тадбиқ этиш суст даражада бажарилмоқда.

Чорвачилик соҳасида эришилаётган натижалар борасида қуйидаги маълумотлар келтириб ўтилди, яъни сут соғиб олиш бўйича Дания ва Жанубий Кореяда ўртача 8-9,5 минг килограммни, Венгрия, Германия, Голландия мамлакатларида эса, 6-7 минг килограммни ташкил этса, бизнинг республикада бу кўрсаткич 1,7 минг килограммдан ошмаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Бу ҳол фақатгина иқлим шароитига эмас, балки шу соҳада фойдаланиб келинаётган техника ва технологиялар даражасига ҳам боғлиқ. Шунинг учун, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига замонавий агротехнологияларни ўрганиш ва амалда қўллаш масалалари билан чукур шуғуланиши, селекция ишларини тобора такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалигига унумдорлик кўрсаткичларини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиши вазифаси юклатилди.

Қишлоқ хўжалигига фойдаланиб келинаётган чопик тракторларининг 55 фоизидан кўпроғи ва ер ҳайдайдиган тракторларнинг қарийб 46 фоизидан 15 йилдан ортиқ вақт мобайнида фойдаланиб келинаётгани, уларнинг қуввати, иш унуми ва ёқилғи истеъмол қилиш бўйича замонавий талабларга жавоб бермаслиги аниқ бўлади.

Шунга ўхшаш қишлоқ хўжалигига тегишли долзарб масалаларни ҳал этиш мақсадида маърузада қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, маҳсулотни ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш соҳаларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда ер унумдорлигини ошириш бўйича маҳсус дастур тайёрлаш лозимлиги ҳам кўрсатиб ўтилди.

Қишлоқ хўжалигига техник ва технологик қуроллантириш ишларини бажаришда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан чукур фойдаланиш ҳамда улар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш лозим. Бу борада, Президентимиз Германиянинг “Клаас” компанияси билан замонавий, иш унуми юқори бўлган тракторлар, ғалла ўриш комбайнлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни янада кенгайтиришга эътибор қаратилишини айтиб ўтди.

3-БОБ. ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ КЕНГ ЖАЛЬ ҚИЛИШ, ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАР УЧУН ЯНАДА ҚҰЛАЙ ШАРОИТЛАР ЯРАТИШ

3.1. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда хорижий инвестицияларнинг ўрни

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни барпо этиш ва реконструкция қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш нечоғлик катта ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу авваламбор, аҳоли бандлиги, унинг иш ҳақи ва даромадларини ошириш каби энг мухим ижтимоий муаммоларни ечиш имкониятини беради. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий инвестициялар жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта мухим масалалардан бири ҳисобланади.

Хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатдош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имкониятлар ва резервларни ишга солиши, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштиришга, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда мухим аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, у қуйидагилар билан изоҳланади:

- биринчидан, хорижий инвестициялар ишлаб чиқаришга замонавий техника ва технологияларни жорий этиб, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиради;
- иккинчидан, импорт ўрнини босувчи товар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бунинг учун хорижий инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтириш ва пировардида аҳолининг меъёрдаги турмуш даражасини таъминлаш имконини яратади;
- учинчидан, кичик бизнесни ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини кенгайтириш орқали ўсиб бораётган аҳолини иш жойлари билан таъминлайди;
- тўртинчидан, корхоналарнинг эскирган ишлаб чиқариш қувватларини, моддий-техник базасини янгилайди ва техник қайта қуроллантиради.

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

Ушбу инвестицияларнинг салкам 72 фоизи ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишга, жумладан, 38 фоизга яқини асбоб-ускуна ва илфор технологиилар сотиб олишга йўналтирилди. Шу борадаги умумий қўйилмалар ҳажмида хорижий инвестициялар ва кредитлар улуши 28,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори эса 2 миллиард 400 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил етди.

Мустақиллик йилларида Республикализга 33,6 млрд. АҚШ долларидан зиёд хорижий инвестициялар жалб этилган.

Ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган яна бир мухим устувор йўналиши – чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиши, хорижий инвесторлар учун янада құлай шароитлар яратишга улкан эътибор қарататётганимизни алоҳида қайд этмоқчиман.

Ислом Каримов

Ўзбекистонда инвесторлар учун, айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан бекиёс, ўта қулай инвестицион муҳит, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган, деб айтишга барча асосларимиз бор. Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар ҳажми йилдан йилга ортиб бораётгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш дастурларини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни бекиёсдир. Бунда илгор технологияларни тадбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган. Қуйида берилган жадвалда мамлакатимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар, шунингдек тўғридан-тўғри киритилган инвестицияларни йиллар бўйича ўзгариш динамикаси келтирилган.(3.1.1-жадвал)

3.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган ва тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар ҳажмининг йиллар бўйича ўзгариш динамикаси

Йиллар	Хорижий инвестициялар (млн. АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестициялар (млн. АҚШ доллари)
2001	823.9	96.5
2002	516.5	80.1
2003	602.1	166.7
2004	754.6	333.8
2005	746.6	545.5
2006	895.7	683.8
2007	1009,3	768,4
2008	1700	1258
2009	2856	2264
2010	3635,2	3107,9

Жадвалдан кўриниб тарибдики, 2010 йилда хорижий инвестициялар ҳажми 3,6 млрд.АҚШ доллардан кўпроқни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2009 йилдагидан қарийб 800 млн.АҚШ долларга кўп эканини кузатиш мумкин.

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард АҚШ долларидан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, бу маблағнинг 2 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортиғи ёки 73 фоиздан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этади.

3.1.2-жадвал

2011 йил давомида жалб қилиниши режалаштирилаётган хорижий инвестиция ва кредитлар, (млн. АҚШ долл.)

Кўрсаткичлар	2011 йил
Жалб қилиниши кўзда тутилган хорижий инвестициялар умумий миқдори:	3723,8
Давлат инвестиция дастури доирасида	3233,8
Худудий инвестиция дастурлари доирасида	490,0

Тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ҳисобидан иқтисодиётимизнинг қўплаб тармоқларида 70 тадан ортиқ инвестиция лойиҳасини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар - ўзга мамлакат резидентлари томонидан бошқа мамлакат реал активларига маблағ киритиш, уни тасарруф этиши ва улар ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириши ташкилоти тавсифига кўра акцияларни камидаги 10 фоизига эгалик қилиши.

Бу газни қайта ишлайдиган замонавий завод қуришни ўз таркибига олган Қандим гурухи конларини, шунингдек, Хаузак ва Шоди конларини ўзлаштириш, истиқболли углеводород хомашё конларида геология-қидируг ишларини олиб бориш бўйича йирик лойиҳалардир.

Айни вақтда, Навоий вилоятида аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси барпо этиш, Қорақалпогистон Республикасида цемент заводи қуриш, Тошкент вилоятида турли мато ва тикувчилик маҳсулотлари, тайёр дори препаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳалар ҳам шулар қаторига киради. Булар – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан барпо этиладиган истиқболли объектларнинг бир қисми ташкил этади холос.

Халқаро статистикада инвестицияларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар турига киритиш бўйича ҳар хил ёндашувлар мавжуд. Хорижий инвесторлар томонидан назорат қилиш хуқуқини белгиловчи кўрсаткич сифатида улар эга бўлган акционерлик капиталининг хиссаси кўрсаткичидан фойдаланилади (3.1.1-расм).



3.1.1-расм. Бир қатор мамлакатларда акционерлик капиталида хорижий инвесторнинг назорат қилиш хуқуқини берувчи хиссаси.

Бу кўрсаткич АҚШда 10 фоиз, Франция ва Буюк Британияда 20 фоизга яқин, Германияда 25 фоиздан 50 фоизгача, Ўзбекистонда эса 49 фоиз даражасида белгиланган. Шунингдек, шу корхонанинг бошқарувида бевосита амалга оширилаётган инвестицияларнинг узоқ муддатли эканлиги ҳам унинг муҳим белгиларидан биридир. Инвестициянинг бу кўриниши таваккалчиликни, инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги учун маъсулиятни давлат ва аҳоли зиммасига юкламасдан, балки уларни тадбиркорлик тизимлари ўртасида тақсимлашнинг энг яхши ва синалган усули ҳисобланади.

Президентимиз ўз маъруzasида “...ишончим комилки, хорижий шерикларимиз билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, мамлакатимизда янада қулай инвестиция мұхитини шакллантириш учун ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз етарли. Содда қилиб айтганда, бу борада ишончли кафолатларни яратиш, хорижий инвесторларнинг ишончини қозониш ва мустаҳкамлаш даркор.” – деб таъкидлаб ўтди.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни янада кенгроқ миқёсда жалб қилиш, хорижий инвесторларни ўз маблағларини мамлакатимиз иқтисодиёти учун сарфлашга қизиқтириш мақсадида қонун асосида улар учун имтиёзли молиявий шароитлар яратилған. Улар қуйидаги чизмада ўз ифодасини топган.

Кўрилган заарларнинг қопланиши учун кафолатлар

Хорижий инвесторлар капиталининг сақланиши учун кафолатлар

Солиққа тортиш тизимида уларга оид белгиланган имтиёзлар

Фойда ва даромадларни хорижга олиб чиқиб кетишнинг эркинлиги

Миллий сўмда ва чет эл валутасида олинган фойдаларни ўтказиш ва олиб чиқиб кетиш имконияти

Божхона имтиёзларининг мавжудлиги

Хорижий инвесторларнинг мулклари ва уларнинг ўзларини хавф-хатарлардан сұғартавий муҳофаза қилиш тизимини яратилғани

3.1.2-расм. Ўзбекистон Республикасида яратилған имтиёзли молиявий шароитлар.

Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг бир маромда фаолият юритиши ва инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши учун меъерий ҳужжатлар қабул қилинганд. Жумладан, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинганд «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги, «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Солиқ кодекси чет эл сармояларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари ва тартибини белгилаб беради.

Ҳозирга келиб, Ўзбекистон худудида хорижий компаниялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш жараёни асосан ниҳоясига етказилди ва амалда қўлланилмоқда. Бу фаолиятни рағбатлантиришга йўналтирилған чора-тадбирларнинг қуйидаги тизими ишлаб чиқилган:

- хусусийлаштириш жараёнида хорижий инвестицияларнинг қатнашиши;
- техникавий қайта қуролланиш;
- ҳалқ истеъмоли ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикаси хорижий инвестицияларни миллийлаштириш ва реквизиция қилинmasлигига кафолат беради.

Хорижий инвесторларнинг қонуний фаолиятлари доирасида олган даромадлари хорижий валютада, чегараланмаган миқдорда чегарадан олиб ўтишлари давлат томонидан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш мақсадида инвесторларга бир қатор имтиёзлар (иқтисодий платформа) берилади.

Хорижий инвестициялар билан ташкил этилган корхоналар (савдо, воситачилик, хом ашё етказиб берувчилардан ташқари) рўйхатдан ўтган кундан бошлаб:

- даромад (фойда) солигидан биринчи йил 25 фоиз қисмидан, иккинчи йил 50 фоиз қисмидан, учинчи йил 100 фоиз озод қилинади, қишлоқ худудида эса биринчи йилдан 100 фоиз озод қилинади;

-мулк солигидан 2 йилга озод қилинади;

-ишлаб чиқарган маҳсулотининг 30 фоиздан ортиғи экспортга чиқарилса, 50 фоиз даромад солигидан (фойда солиги), 15-30 фоиз экспортга чиқарилса, 30 фоиз даромад (фойда) солигидан озод қилинади;

-ишлаб чиқариш билан банд бўлса, ер солигидан 2 йилга озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида соҳаларга имтиёзлар бериш кўзда тутилган. Унга кўра нефть ва газ конларини очиш ва қидириш ишларига хорижий компанияларни жалб қилган корхоналар ушбу ишларни амалга ошириш даврида барча соликлардан, шунингдек ушбу ишларни амалга ошириш учун зарур ускуналарни импорт қилишда божлардан озод қилинади.

Мазкур соҳа корхонаси чет эллик ҳамкорлар билан бирга очилса:

- нефть ва газ қазиб чиқарилган кундан бошлаб 7 йилга даромад (фойда) солигидан;

- хорижий ҳамкорлар улуши капиталидан олинадиган даромад ва мулк солигидан озод қилинади.

Енгил саноат соҳасида:

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар қўшимча қиймат солигидандан ташқари барча соликлардан озод қилинади;

- ўз эҳтиёжи учун ишлаб чиқариш ускуналари, эҳтиёт қисмларини импорт қилишда корхоналар божхона тўловларидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги Фармони мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш дастурларини амалга оширишга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, шунингдек, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий химоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган. Унга кўра тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиги, мулк солиги, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва худудларни ободонлаштириш солиги, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қўйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача - 3 йил муддатга;

- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача - 5 йил муддатга;

- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда - 7 йил муддатга.

Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор тузилмаларга қисқа муддатларда хорижий инвесторлар фаолияти учун яратилган амалдаги шароитларни чукур ва танқидий ўрганиб

Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома битимлар асосида 2011 йилда иқтисодиётимизнинг реал секторига 3 миллиард доллардан ортиқ инвестиция киритиш кўзда тутилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, бу маблагнинг 2 миллиард 200 миллион доллардан ортиги ёки 73 фоизидан зиёдини чет эл инвестициялари ташкил этади.

Ислом Каримов

чиқиши ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишига киришганлар. Ушбу таклифларни тайёрлашда мавжуд норматив базани, инвесторларни жалб этиш ва хорижий инвестициялар иштирокида ташкил қилинган корхоналарни рўйхатга олишнинг тартиб-қоидаларини, уларни ҳимоя қилиш бўйича ишончли кафолатларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда Республикаизда инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг қўйидаги манбалари мавжуддир:

1. Корхона ва жисмоний шахслар жамғармалари.

2. Банк кредитлари ҳисобидан молиялаштириш.

3. Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобига молиялаштириш.

4. Хорижий инвестициялар.

Сўнгги йилларда инвестициялар таркиби, хусусан, бюджетдан ажратиладиган инвестициялар ва банк кредитлари аҳамияти кескин ўзгарди.

Айни пайтда инвестициялар молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (3.1.3-жадвал).

3.1.3-жадвал

2005-2011 йилларда инвестициялар таркибини ўзгариши, (фоизда)

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6

Жадвал маълумотларидан кўринадики, инвестициялар молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2005 йилдаги 12,7 фоиздан 2010 йилда 7,4 фоизга қадар пасайган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 19,2 фоиздан 28,8 фоизга қадар кўтарилиган.

Мамлакатимизда 2011 йил учун амалга ошириш белгилаб олинган инвестиция дастурида молиялаштиришнинг аҳамиятли қисми корхона маблағлари (36,4 фоиз) ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш (18,5 фоиз) орқали амалга оширилиши режалаштирилган (3.1.3-расм). Тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, аҳоли маблағлари ва Тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари ҳисобига 2011 йилда жами инвестицион маблағларнинг 29 фоизи тўғри келиши назарда тутилган. Бундан кўриниб турибдик, асосий эътибор корхона маблағлари ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми кўламини ошириш ва бунинг натижасида ишлаб чиқаришнинг техника ва технологик қувватларини модернизациялаш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳолининг юқори даромад олишига эришиш, буларнинг оқибатида эса, халқимиз фаровонлигини ошириш мақсад этиб кўйилган.




3.1.3-расм. Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурининг 2011 йилга белгиланган асосий кўрсаткичлари (млрд. сўм).

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати мавжуд маблағлардан, вақтдан ва имкониятлардан самарали фойдаланишга, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб бойликларни самарали жойлаштиришга ва шу йўл билан республика иқтисодиётини кўтаришга, унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига, рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни иқтисодиётнинг устувор тармоқларига жалб қилишга ҳамда улардан самарали фойдаланишга қаратилган.


2011 йил Давлат инвестиция дастури аниқ манзилли қисми бўйича

Жами 119 та инвестиция лойиҳаси



3.1.4-расм.

2011 йил Давлат инвестиция дастури устувор инвестиция таклифлари йигма рўйхати



3.1.5-расм.

Бугунги кунда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг бир қанча шакллари мавжуд. Улар қуйидаги чизмада акс эттирилган (3.1.6-расм).



3.1.6-расм. Хорижий инвестицияларни жалб қилиш шакллари

3.1.4-жадвал

2006-2010 йиллар давомида Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар динамикаси, млн. АҚШ долл.

	2006 й.		2007 й.		2008 й.		2009 й.		2010 й.	
Жами, шу жумладан:	895,8	100%	1285,9	100%	1882,0	100%	2941,7	100%	3284,64	100%
Хукумат кафолати остидаги кредитлар	211,9	23,7%	272,3	21,2%	458,8	24,4%	445,9	15,2%	527,3	16,1%
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	683,9	76,3%	1013,6	78,8%	1423,2	75,6%	2495,8	84,8%	2757,4	83,9%
Лойиҳалар сони	176		116		109		114		163	

Мамлакатимиздаги ўз ички ресурсларимизнинг кўламини кенгайтириш борасида Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролини кучайтириш ғоят муҳим ўрин тутади. Ҳозирги вақтда 6 миллиард АҚШ долларидан ортиқ маблағ жамлаган ушбу Фонд стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий инвесторлар билан биргаликда молиялаштиришда етакчи шериклардан бири сифатида фаолият олиб бормоқда.

2011 йилда мазкур Фонднинг маблағлари хисобидан қиймати 780 миллион АҚШ доллардан ортиқ бўлган 24 тадан зиёд лойиҳани молиялаштириш кўзда тутилаётган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 2,1 баробар кўпдир.

Бу лойиҳалар сирасига, энг аввало, Сургил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуасини барпо етиш, Қалмоққир конини кенгайтириш ва реконструкция қилиш, Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ мосламасини қуриш, Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг бешта энергия блокини йил давомида кўумир асосида ишлаш тизимига ўtkазиш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мисни бойитиш фабрикасини реконструкция қилиш ва бошқа лойиҳалар киради.

Фонднинг хорижий шериклар билан биргаликда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасидаги самарали ҳамкорлигига мисол сифатида Талимаржон иссиқлик электр станциясида умумий қиймати 1 миллиард 280 миллион АҚШ долларлик иккита буғ-

Чет эл инвестициялари деб, чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиши мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият обьектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромад эътироф этилади. ("Чет эл инвестициялари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни З-модда.)

газ мосламасини қуриш лойиҳасини келтириш мумкин.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фондидан ташқари Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги каби хорижий шериклар инвестор сифатида иштирок этмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва чет эл инвестицияларини жалб қилишнинг кенгайиб бориши даражасига қараб инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, бевосита чет эл инвестицияларини янги лойиҳаларга, шунингдек, хусусий тадбиркорлик субъектларининг катта қисмини инвестиция фаолиятига жалб қилишни ҳам назарда тутади. Бунда чет эл инвестициялар оқимини рағбатлантириш, шу билан бирга миллий иқтисодиёт субъектларининг бу фаолиятда иштирок этишини тақдирлаш мухим ўринда туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2010 йил 21 декабр ПҚ-1446 сонли Қарори доирасида**, 2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация, инфратузилмани ривожлантириш учун жами 6935,5 млн. доллар микдорида инвестициялар жалб қилиниши режалаштирилган. Жумладан, молиялаштириш манбаига кўра:

- хорижий инвестициялар ва кредитлар – 3235,9 млн. АҚШ доллар;
- Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт Фонди – 461,1 млн. АҚШ долл.;
- Давлат бюджети ва мақсадли давлат фондлари – 1934,5 млн. АҚШ доллар;
- ўз маблағлари – 1304 млн. АҚШ долларни ташкил қиласди.

3.1.5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қароридаги инвестицион лойиҳаларнинг молиявий манбалар бўйича тақсимланиши**

№	Молиялаштириш манбалари	Қиймати, миллион АҚШ доллари
1	Лойиҳалар сони	519 та
2	Умумий қиймати	47 499,7
	шу жумладан молиялаштириш манбалари бўйича:	
2.1	Корхоналарнинг ўз маблағлари	8 132,9
2.2	Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари	3 060,9
2.3	Тижорат банклари кредитлари	1 640,7
2.4	Хорижий инвестициялар ва кредитлар	23 685,6
2.5	молиялаштириш манбалари аниқланмаган	10 979,6

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, фукаролари, юридик шахслари

Ҳамкорликда инвестиция фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек давлатлар ва халқаро ташкилотлар

Инвестор ва инвестиция фаолиятининг иштирокчилари-субъектлари

Маҳаллий давлат хокимияти органлари ва давлат бошқаруви органлари

Чет эллик инвесторлар: хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва чет эллик юридик шахслар ҳамда фукаролар, шунингдек фукаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикасининг чет элда доимий яшовчи фукаролари

3.1.7-расм. Инвестиция фаолиятининг иштирокчилари.

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар қўйидаги жадвалда келтирилган.

3.1.6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан шуғулланадиган расмий муассасалар

№	Расмий муассаса номи	Муассасанинг чет эл инвестицияларини тартибга солиш ва жалб этиш билан боғлиқ фаолият доираси
1.	Вазирлар Маҳкамасининг ташқи иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш департаменти	<i>Қўйидаги жорий жараёнларни мувофиқлаштиради:</i> -инвестиция фаолиятини, биринчи навбатда чет эл инвестициялари билан амалга ошириладиган лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича зарур ҳукумат қарорларини ишлаб чиқши; -давлат бошқаруви идоралари, вазирликлар ва идоралар ишини ташкил этиши.
2.	Иқтисодиёт вазирлиги	<i>Инвестиция сиёсатини ва дастурларини ишлаб чиқши</i>
3.	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги	-Мамлакат ва хориж инвесторларининг инвестиция таклифлари тўғрисида маълумотлар банкини шакллантириши; -инвестиция муҳитини ўрганиши; -хорижий инвесторларга ахборот ва бошقا хизматлар кўрсатиш; -инвестиция лойиҳаларини амалга оширишида мамлакат ва хориж инвесторларига ёрдам кўрсатиш; -чет эл капитали иштирокида амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг бажарилишини кузатиш (мониторинг); -корхоналарни ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари тарзида рўйхатга олиш ва хорижий компаниялар ваколатхоналарини аккредитациялаш
4.	Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси	Давлатга тегишили мулкни хусусийлаштириши ва тасарруф этиши жараёнларида чет эл инвестицияларини тартибга солиши.
5.	Молия вазирлиги	<i>Қарз сиёсати ва ҳукумат кафолатларини берши.</i>
6.	Адлия вазирлиги	<i>Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни рўйхатга олиши.</i>
7.	Ташқи ишлар вазирлиги	<i>Хорижий инвесторларга ва Ўзбекистонда ишилаётган хорижий фуқароларга визалар берши.</i>
8.	Ички ишлар вазирлиги	<i>Хорижий инвесторларни ва Ўзбекистонда ишилаётган хорижий фуқароларни турар жойи бўйича рўйхатга олиши.</i>
9.	Давлат солик қўмитаси	<i>Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни солиқча тортиши ва уларнинг бојхона билан боғлиқ фаолиятини тартибга солиши.</i>
10.	Марказий банк	<i>Конвертация тартиб-қоидаларини, шунингдек, унинг ўтказилишини, валюта маблагларидан фойдаланишини тартибга солиши, қарз сиёсати.</i>
11.	Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки	<i>Ташқи иқтисодий фаолиятга банк хизмати кўрсатиш ва лойиҳани молиялашини амалга ошириши.</i>
12.	«Ўзбекинвест» давлат суғурта компанияси ва «Ўзбекинвест-интернешнл» қўшма корхонаси	<i>Чет эл инвестицияларини инвестиция таваккалчилигидан ва хавф-хатарлардан сугурталаш.</i>

13.	«Ўзбекинвестлойиҳа» миллий инжиниринг компанияси	<i>Дастлабки техник-иктисодий асосномани ва инвестиация лойиҳалари техник-иктисодий асосномаларини тайёрлаши.</i>
14.	Давлат мулки қўмитаси хузуридаги кимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази	<i>Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириши, ривожлантириши, назорат қилиш ва тартибга солиш соҳаларида давлат сиёсатини амалга ошириши. Мамлакат ва хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиши орқали мажсума инвестицияларини амалга ошириши.</i>

Ўзбекистон улкан хорижий инвестициялар йўналтирилаётган мамлакатлар гуруҳига кириш учун барча шарт-шароитларга, хорижий инвестицияларни жалб этиш учун бир қатор афзалликларга эга. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти олдида ўзининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражаси, дунё ҳаритасида географик жойлашиши, табиий ресурсларининг таркиби ва захираси, ҳукумат олиб бораётган иқтисодий сиёsat ва бошқалар билан муҳим роль уйнайди.

Бозор иқтисодиётининг асосий иқтисодий тушунчаларидан бири инвестициялар тушунчаси бугунги ҳаётимизга кенг ва тез кириб келишининг ўзи унинг моҳияти ва аҳамиятини, зарурлигини кўрсатади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги янги корхоналарнинг сонини тобора ортиб бориши ва барпо этилаётганлиги ҳукуматимизнинг бу соҳага бўлган катта эътибори ва уларга яратиб бераётган қулайликлари натижасидир. Шу боисдан ҳам мамлакатимизга хорижий сармояларни жалб этаётган корхоналарни иқтисодий рағбатлантириш ва зарурий шароитларни яратиб бериш ўта муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

3.1.7-жадвал

Хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар

Жами корхоналар сони шу жумладан:	4563 та
2010 йилда янгидан ташкил этилган корхоналар сони	536 та
Фаолият юритаётган корхоналар сони	4201 та
Ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналар сони	1600 та
Фаолият кўрсатмаётган корхоналар сони	362 та
Корхоналарнинг ташқи савдо айланмаси (млрд. долл.) (21,3 млрд.долл. республика товар айланмаси)	7,8
Умумий ташқи савдо айланмасидаги улуши	36,9%

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги № ПҚ-1464 қарорида мамлакатимизда 2011-2015 йилларда ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш, қулай тадбиркорлик фаолиятини шакллантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди:

- Хуқуқий базани янада ривожлантириш ва янги қонунлар қабул қилиш;
- Мамлакатимизда ва худудларда ҳар томонлама қулай бизнес муҳитини яратиш;
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида солиқ ва бошқа тўловлар бўйича қулай шароит яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш;
- Молия-банк тизимини либераллаштириш, молия ва кредит ресурслари бозорини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- Фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш ҳисобига иқтисодиётни модернизация қилиш ва унинг таркибини диверсификация қилиш;
- Ташқи иқтисодий фаолиятни янада либераллаштириш, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш.

4-БОБ. ИНФРАТУЗИЛМА, ТРАНСПОРТ ВА КОММУНИКАЦИЯ ҚУРИЛИШИНИ КОМПЛЕКС ВА ЖАДАЛ РАВИШДА РИВОЖЛАНТИРИШ


4.1. 2011 йилда мамлакатимизда транспорт коммуникацияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

Минг йиллар давомида Ўзбекистон савдо, иқтисодий, маданий алоқалар ва Буюк ипак ўёли бўйлаб цивилизацияларни туташтириб турувчи марказ бўлиб келган. Глобализация шароитида Марказий Осиёнинг халқаро ташувлардаги аҳамияти тўхтовсиз ўсиб бормоқда. Бу ўринда, биринчи навбатда минтақа етакчиларидан бири бўлган Ўзбекистоннинг салоҳияти яққол ажралиб турди.

Бугунги кунга келиб самарали ташувлар тизими иқтисодий ўсишнинг қалит омили эканлиги ҳеч кимга сир бўлмай қолди. Транспорт тизимлари ва транспорт коммуникациялари Марказий Осиё орқали трансосиё ва трансевропа ташувларининг асосидир.

Денгизга чиқиши йўлининг мавжуд эмаслигига қарамасдан, Марказий Осиёнинг қулай географик жойлашуви унга қатор қулайликларни яратиб беради. Ижобий жиҳат шундан иборатки, Марказий Осиё етакчи минтақавий иқтисодий бозорлар – Европа ва Жанубий ва Жануби-ғарбий Осиёй, Узок Шарқ орасида жойлашган. Ушбу ҳудуднинг йиллик умумий импорт ҳажми 335 млрд. АҚШ долларини ташкил қиласди. Марказий Осиё орқали Яқин ва Ўрта Шарққа боришнинг энг қиска йўли ўтган.

Ёвроосиё қитъасини айланиб ўтишга мажбур бўлган денгиз кемаларидан фарқли ўлароқ, Марказий Осиё орқали ташувлар тўғридан-тўғри амалга ошиши мумкин. Бу эса ташувлар вақтини ва юқ жўнатувчиларнинг молиявий маблағлари сарфини сезиларли равиша камайтиришга имкон беради. Бу эса савдо келишувларини тузишда катта аҳамиятга эга.



Марказий Осиё коридорларидан фойдаланишининг яна бир сабаби глобал бозорнинг жорий муаммолари билан боғлиқdir. Жанубий-шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатларининг барқарор юқори иқтисодий ўсиши уларнинг маҳсулотларининг иирик истеъмолчилари – АҚШ, Европа Иттифоқи, МДҲ мамлакатлари билан мисли кўрилмаган даражада товар алмашинишининг ўсишига олиб келди. Шу билан биргаликда, бир вақтнинг ўзида Осиё мамлакатларининг хомашё етказиб берувчи давлатлар билан товар алмашинувларининг ошиши ҳам кузатилмоқда.

Бундай жараёнларнинг кечиши натижасида анъанавий, биринчи навбатда, Ҳинд океани кўрфазлари орқали ўтадиган транспорт йўналишларининг ҳаддан ташқари юк билан бандлигига олиб келмоқда. Бундай ҳолат эса баъзи ҳудудларда дengиз қароқчиларининг таъсири доирасига айланадиганда сабаб бўлмоқда. Денгиз қароқчилигидан кўрилаётган иқтисодий зарар 16-20 миллиард АҚШ доллари деб баҳоланмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, бундай вазиятда, Президентимизнинг таъбири билан айтганда, бизнинг пировард мақсадимиз «... Европа ва Осиё ўртасидаги савдо оқимининг маълум қисмини мамлакатимиздаги транзит йўналишларига буриш ва шу асосда юртимизда транспорт ва транзит хизмати ҳажмини ошириш, мавжуд инфратузилма негизида логистика марказларини ташкил этиш, минглаб одамларни иш билан таъминлашдан иборат».

Аммо Ўзбекистоннинг Марказий Осиёнинг калит транспорт-транзит тармоғига айланиши учун коммуникация инфратузилмасини модернизациялаш ва юкларнинг ўтиш йўлларини диверсификациялашга имкон берадиган янги транспорт йўлакларини ривожлантириш талаб этилади. Бу борада чора-тадбирлар қатор йиллардан бери амалга оширилмоқда.

Марказий Осиё, МДХ, Европа, Шимолий Америка, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари, Жанубий Осиё ҳамда Осиё-Тинч океани миңтақаси (ОТМ) давлатлари мутахассислари, транспорт коммуникациялари ва ҳудудий юк ташишга ихтисослашган ҳалқаро компания ва ташкилотлар вакиллари ҳамда эксперtlари томонидан Ўзбекистонда транспорт тизими борасида қилинаётган саъй-ҳаракатларга жуда юқори баҳо берилмоқда. Айниқса ҳалқаро юк ташувларининг истиқболлари, Марказий Осиё транспорт соҳасига сармоя жалб қилиш масалалари, ҳудудий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон-Туркманистон-Эрон-Уммон-Қатар транспорт коридорини яратиш ташабуси, мазкур транспорт коридори ёрдамида Марказий Осиё давлатларини Форс кўрфази билан боғлаш имкониятининг долзарб аҳамияти хусусида ўзининг ижобий фикрларини баён этмоқда.

Шунингдек, эксперtlар томонидан Афғонистондан ўтган транспорт коридорини такомиллаштириш йўлида Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган ишлар кўлами алоҳида эътироф этилмоқда. Биринчи навбатда Хайратон-Мозори Шариф темир йўл тармоғининг қурилиши қўшни афғон мамлакати иқтисодиётини тиклашга салмоқли ҳисса қўшиши таъкидланмоқда.

Ҳалқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг ҳалқаро логистика салоҳиятини ошириш билан ҳамоҳанг равишида мамлакатимизда қатор салмоқли дастур ва режалар жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Президентимиз маъруzasида инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал ривожлантиришга алоҳида ургу берилди. Маърузада таъкидлангандек, бу муҳим устувор вазифани изчил амалга ошириш учун 2015 йилгача бўлган даврга мўлжалланган маҳсус дастур ишлаб чиқилган. Таъкидлаш жоизки, бу дастурни амалга ошириш мақсадида 85 та инвестиция лойиҳасини жорий этиш ва бу ишларга барча манбалар ҳисобидан жами 6935,5 миллион АҚШ доллар йўналтириш мўлжалланмоқда. 2011 йилда бу маблағнинг 1 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортигини ўзлаштириши режалаштирилган.

Шу ўринда, 2011 йилда транспорт ва коммуникация қурилишига Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Қувайт араб иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан 152 миллион АҚШ доллардан ортиқ маблағ ажратилиши кўзда тутилаётганини ҳам таъкидлаш ўринлиdir.

Бизнинг 2011 йилги ва истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизни амалга оширишида инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишида ривожлантириши устувор йўналишига айланиши даркор.

Ислом Каримов

Таъкидлаш лозимки, транспорт ва коммуникацияни ривожлантириш ҳудудларда саноат ва ижтимоий инфратузилма билан узвийликда ва ўзаро алоқадорликда олиб борилади. Ижтимоий инфратузилма, транспорт ва коммуникацияларни ривожлантириш дастури доирасида 2011 йилнинг ўзида республикамиз бўйича жами 102 та ҳудудий лойиҳа амалга оширилади ва натижада қўшимча 5339 та иш ўринлари яратилади.

4.1.1-жадвал

2011 йилда ижтимоий инфратузилма транспорт ва коммуникацияларни ривожлантириш дастури

Ҳудудлар номи	Лойиҳалар сони	Яратилаётган иш ўринлари (бирлик)
Республика бўйича	102	5 339
Қорақалпоғистон	15	574
Республикаси		
Андижон вилояти	7	302
Бухоро вилояти	14	488
Жиззах вилояти	4	258
Қашқадарё вилояти	8	561
Навоий вилояти	9	314
Наманган вилояти	3	256
Самарқанд вилояти	9	534
Сурхондарё вилояти	8	297
Сирдарё вилояти	3	514
Тошкент вилояти	6	264
Фарғона вилояти	5	544
Хоразм вилояти	4	256
Тошкент шаҳри	7	177

Ўзбекистон миллий автомагистралি таркибига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ягона миллий автомобиль транспорт тизимини ташкил этиш лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлашга биринчи даражали аҳамият қаратилади. Бундан ташқари, юкори юк ташиш қувватига эга магистрал автомобильлар паркини янгилаш ва модернизациялаш, “эшиқдан эшиккача” хизматлар дастурини амалга оширишга ҳам аҳамиятли даражада ёътибор берилади.

Биз Фарғона водийси минтақаларини мамлакатимизнинг бошқа минтақалари билан йил давомида ишончли ва кафолатли боғлаб турадиган транспорт алоқасини таъминлашимиз зарур.

Ислом Каримов

Президентимиз томонидан таъкидлангандек, “2011 йилда ушбу мақсадлар учун 2010 йилга қараганда 1,4 баробар кўп, яъни 547 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмаларни йўналтириш, халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган 302 километрлик автомобиль

йўлларини фойдаланишга топшириш қўзда тутилмоқда”.

Бу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатни барқарор ривожлантиришда минтақаларнинг ҳудудий ўзаро узвий иқтисодий алоқадорлигини таъминлаш зарур. Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа минтақалари алоқа билан доимий ва тезкор боғлаш масаласи анча долзарб масала бўлиб келган. Шу нуқтаи назардан қараганда “Тошкент — Андижон” автомобиль йўлининг “Қамчик” довони орқали ўтадиган тоғли участкасини реконструкция қилиш, бу ерда 4 полосали, цемент-бетон қопламали йўл қурилиши бўйича ишларни жадаллаштириш устувор вазифалардан ҳисобланади. “Тошкент — Андижон” автомобиль йўлининг Қамчик довони орқали ўтадиган тоғли участкасини реконструкция қилиш натижасида йўлнинг умумий юк ўтказувчанлиги, хавфсизлиги ортади. Бу эса, ўз

навбатида, бутун йил давомида Фарғона водийсини республикамизнинг қолган ҳудудлари билан йил давомида автомобиль транспорти воситасида маълум техник қийинчиликларсиз боғлаш имконини беради.

2010-2015 йилларда иқтисодиётимизнинг қон томири бўлган Ўзбекистон миллий автомагистрални йўналиши бўйлаб инфратузилма ва сервис тармоқларини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган дастур бўйича ишлар давом эттирилиб, 2011-2012 йилларда жами 243 та объект қурилиб, фойдаланишга топширилади. Биргина 2011 йилнинг ўзида 92 та объект қурилиши режалаштирилган бўлиб, жорий йилда анъанавий сервис ва коммуникация объектлари, яъни кўп тармоқли ёқилғи қуийш шахобчалари (16 та), автомобильга газ тўлдириш компрессор станциялари (26 та) билан биргаликда тиббий ва авария-чақирав хизмати билан таъминланган техник ёрдам кўрсатиш пунктлари (24 та), автомобиллар учун қисқа тўхташ майдонлари ҳамда санитария гигиена тармоқлари (43 та), замонавий кемпинглар (7 та) ва мотеллар (6 та) ҳам бунёд этилади.

4.1.2-жадвал

Ўзбекистон миллий автомагистрални бўйлаб йўл атрофи инфратузилмасини ишга тушириш бўйича мақсадли параметрлар

Объектлар номи	Ўл. бир- лиги	Жами	шу жумладан:				
			2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2015 й.
Кемпинглар	дона	18	7	8	2	1	
Мотеллар	дона	16	6	5	5		
Кўп тармоқли ёқилғи қуийш шахобчалари	дона	53	16	15	12	10	
АГТКС	дона	59	26	14	8	7	4
Тиббий ва авария-чақирав хизмати билан таъминланган техник ёрдам кўрсатиш пунктлари	дона	54	24	21	5	4	
Автомобиллар учун қисқа тўхташ майдонлари ҳамда санитария гигиена тармоқлари	дона	43	13	9	6	8	7
Жами:	дона	243	92	72	38	30	11

Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузасида автомобиль транспорти билан биргаликда темир йўл транспорти истиқболларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Ўзбекистон Республикасида темир йўл тармоғини ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар қўйидагилардан иборат:

- темир йўл магистралларини қуриш, реконструкция қилиш ва реабилитациялаш;
- электрлаштириш;
- контейнерлаштириш;
- моддий-техник базани модернизация қилиш ва янгилаш;
- тезкор ташувларни ташкил этиш;
- халқаро темир йўл тизимиға интеграцияни янада кучайтириш.

Ушбу устувор вазифалар доирасида 2011 йилда амалга оширилиши лозим бўлган лойиҳаларга сирасига “Жиззах — Янгиер” йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли темир йўл тармоғи ва “Янгиер — Фарҳод” йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўлли темир йўл тармоғи қурилишини нихоясига етказиш, “Мароқанд — Қарши” ва “Қарши —

Термиз” йўналиши бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган темир йўл тармоқларини электрлаштиришни киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган вазифаларни бажариш пировардида сарф-харожатларни 20 фоизга камайтириш ва йўловчи ҳамда юкларни манзилга етказиш тезлигини 1,3 баробар ошириш имконига эга бўламиш.

Шу билан бирга, йўловчи ташиш локомотивлари паркини янгилаш, юк ташиш локомотивлари ҳамда вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш, темир йўлларни модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш лозим. Шулар қаторида Испаниянинг “Тальго” компанияси билан ҳамкорликда “Тошкент — Самарқанд” темир йўл участкасида Ўрта Осиёда биринчи бор бунёд этиладиган тезюар темир йўл магистралини қуриш ва фойдаланишга топшириш ишларининг белгиланган муддатларда якунланишини таъминлаш мухимdir.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабр ПҚ-1446 сонли Қарорида кўзда тутилганидек, 7110 дона юк вагонларининг фойдаланиш муддатини чўзиш мақсадида уларни қайта тиклаш, модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш бўйича прогноз қиймати 95,1 миллион доллар бўлган лойиҳа, шунингдек 78 дона йўловчи ташиш вагонларини қайта тиклаш ва модернизациялаш бўйича прогноз қиймати 9,6 миллион доллар бўлган лойиҳа ҳам режаллаштирилган. Бу йўналишдаги ишларга “Андижон механика заводи” ва “Қуиши механика заводи” учун 2550 та юк вагонлари қуриш прогноз қиймати 273,1 миллион долларлик лойиҳа ҳамда “Ўзтемирийўлмаштаъмир” корхонаси учун 259 дона локомотивни модернизациялаш ва тиклаш прогноз қиймати 79,5 миллион долларлик лойиҳаларни ҳам қўшиш мумкин.

4.1.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида темир йўл транспортининг моддий-техник базасини мустақкамлаш бўйича мақсадли лойиҳалар

Лойиҳа номи	Куввати	Лойиҳанинг прогноз қиймати млн. АҚШ долл.	Амалга оширилиш муддатлари йй.
Юк вагонларининг фойдаланиш муддатини чўзиш мақсадида уларни қайта тиклаш, модернизациялаш ва қайта жиҳозлаш	7110 дона	95,1	2011-2015
Йўловчи ташиш вагонларини қайта тиклаш ва модернизациялаш	78 дона	9,6	2011-2013
“Андижон механика заводи” ва “Қуиши механика заводи” учун юк вагонлари қуриш	2550	273,1	2011-2015
“Ўзтемирийўлмаштаъмир” корхонаси учун локомотивларни модернизациялаш ва тиклаш	259	79,5	2011-2015

Бу ўринда, шу нарсага эътибор қаратиш лозимки, темир йўлни электрлаштириш лойиҳалари умуман олганда энергетика соҳасини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларининг таркибий қисмига киради. Бу дастурлар кенг қамровли бўлиб, пировардида саноат инфратузилмасини ривожлантиришни кўзлайди. Дастурдан иссиқлик, гидро ва электр станцияларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизациялаш, юқори кучланишли электр тармоқларини қуриш ва бошқа ишлар ўрин олган.

4.2. Электр энергетика, ахборот-коммуникация соҳаларини модернизациялаш бўйича амалга оширилиши кутилаётган лойиҳалар

2009-2014 йилларда электр энергетикани модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни, яъни иссиқлик электр станциялари қуриш бўйича 8 та, ноанъанавий энергетика бўйича 1 та, гидравлик электростанциялар қуриш бўйича 15 та, электр тармоқлари бўйича 12 та лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Ушбу лойиҳаларни умумий қиймати 3575,1 миллион АҚШ доллари ташкил этади.

4.2.1-жадвал

2009-2014 йилларда электр энергетикани модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чоратадбирлар дастури

Энергетик сектор номи	Амалга ошириладиган лойиҳалар, дона	Ишга киритиладиган қувват	Нархи, млн. АҚШ долл
Иссиқлик электр станциялари	8	2255 МВт	2309,6
Гидравлик электростанциялар	15	440 МВт	512,9
Ноанъанавий энергетика	1	0,5МВт	0,5
Электр тармоқлари	12	1418,2 км, 1754 МВА	681,4
Бошқалар	2	АСКУЭ (1 этап), ЗШО-2 Янги-Ангрен ИЭС – 7,5 млн. куб.м	70,7
Жами	38	2695,6 МВт ишлаб чиқарувчи қувватлар 1418,2 км электр узатиш линиялари 1754 МВА трансформаторлар	3575,1

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ва инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига (ПҚ-1442, ПҚ-1446) кирган лойиҳаларнининг ичди юқори кучланишли электр тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари ҳам жой олган.

4.2.2-жадвал

2011-2015 йилларда юқори кучланишли электр тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳалари

Қурилиш ишлари			
“Талимаржон ИЭС – Суғдиёна ПС” 500 кВли юқори кучланишли электр тармоғи (очиқ тақсимлаш ускунаси билан бирга)	218 км, 3x167 МВА	152,8	2011-2013
“Фозилмон ПС-Лочин ПС” 220 кВли юқори кучланишли электр тармоғи	36 км	9,0	2011-2012
“Қизил ровот ПС-Юлдуз ПС” 220 кВли юқори кучланишли электр тармоғи	30 км	7,5	2011-2012
“Гулча ПС-Денов ПС” 220 кВли юқори	30 км	6,3	2010-2011

кучланишили электр тармоғи			
“Андижон ГЭС- Фозилмон ПС” 110 кВли юқори кучланишили электр тармоғи	10 км	2,5	2010-2011
220 кВ ли юқори кучланишили электр тармоғига эга қуввати 220 кВ бўлган “Иштиҳон” ПС ва 110 кВ ли юқори кучланишили электр тармоғига эга бўлган қуввати 10 кВ бўлган “Горнорудная ” ПС	126 МВА и 50 МВА, 86,4 км	34,2	2009-2011
Реконструкция ишлари			
“Сирдарё ИЭС – Лочин ПС” 500 кВли юқори кучланишили электр тармоғи	70 км	22,0	2011-2012
“Сирдарё ИЭС – Қоракилсой ПС” 220 кВли юқори кучланишили электр тармоғи	71,8 км	9,4	2010-2012
Сурхон ПСни АТ-2-220/110 кВ ускунаси билан биргаликда	63 МВА	11,1	2011-2012
ИЭС-2-Фозилмон ПС 110 кВли юқори кучланишили электр тармоғи ва Фозилмон ПС	2x125 МВА, 7 км	9,6	2011-2012
“Л-Советобод – Л-Тошохур” 110 кВли юқори кучланишили электр тармоғи	20 км	3,5	2011-2012

Мамлакатимиздаги ўз ички ресурсларимизнинг кўламини кенгайтиришда Тикланиш ва тараққиёт фондининг ролини кучайтириш ғоят муҳим ўрин тутади.

2010 йилда ташкил этилган “Ангрен” логистика марказини янада ривожлантиришни кўзда тутиш, жорий йилда “Қамчик” довони орқали камида 5 миллион тонна юқ ташишни таъминлаш зарур. Бунинг учун Ҳукумат ушбу марказнинг контейнер билан келадиган юкларни қабул қилиб олиш, сақлаш ва жўнатиш қувватини ошириш, уни Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган “МАН” автотягачлари билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириши керак.

Шунингдек, ҳозирги вақтда ҳалқаро транспорт логистикасининг глобал тармоғида барқарор ўрин эгаллаган “Навоий” аэропорти базасидаги Ҳалқаро логистика марказини янада ривожлантиришни таъминлаш даркор. Жорий йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси мазкур аэропорт оператори бўлмиш “Кореан Эйр” компанияси билан ҳамкорликда ҳаво қатновлари географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ҳажми тобора ортиб бораётган юкларни ташиш учун самолётлар сонини кўпайтириш ишларини давом эттириши зарур.

Президентимиз маърузасида Ўзбекистонда ахборот-коммуникация соҳасини янада жадаллаштиришга алоҳида ургу берилди. Умуман олганда, бу соҳа давлатимизнинг иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутади ва бу борада аниқ устувор вазифалар белгилаб олинган.

Ўзбекистонда ахборот-коммуникация соҳасидаги устувор вазифалар:

ахборотлаштиришнинг миллий тизимини ривожлантириш;

иқтисодиётни барча тармоқ ва соҳаларида, шунингдек жамият ҳаётида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш ва жорий этиш;

фуқароларни ахборотга оид бўлган эҳтиёжини қондириш;

жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш ва жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириш учун қулай шароитларни яратиш.

4.2.1-расм. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация соҳасидаги устувор вазифалар.

Ахборот-коммуникация соҳасини ривожлантириш асносида миллий ахборот тизимини ривожлантириш давлат органлари, идоралар, тармоқлар ва бошқа таркибий тузилмалар орасидаги ахборот алмашинувини яхшилаш, уларнинг интеграция даражасини ва бошқарув самарадорлигини оширишга имкон беради.

давлат органлари ўртасида ахборот тизимларини ўзаро алоқаларини таъминлайдиган меъёрлар, қоидалар ва стандартларни ишлаб чиқиш;

миллий ахборот тизимлари дастурий-техник инфратузилмасини ривожлантириш;

тармоқ, худудий ва миллий ахборот тизимлари доирасида ташқилотлар ахборот тизимларининг интеграциялашувини таъминлаш;

идоралараро ва ички электрон ҳужжат айланиси тизимларини жорий этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

давлат интерфаол хизматларини тақдим этиш бўйича ягона технологик қарорни амалга ошириш бўйича техник ёрдам кўрсатиш.

4.2.2-расм. Миллий ахборот тизимини ривожлантириш вазифалари.

Мамлакатимизда 2011 йилда замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни жорий этиш асосида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва модернизация қилиш, 950 километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш, вилоятлар марказларига маълумотлар узатишнинг транспорт тармоғини кенгайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Кўзда тутилган ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан интернетнинг халқаро тармоқларига чиқиш имкониятлари тезлигини 4 баробар ошириш, турғун стационар алоқа орқали интернетдан фойдаланувчилар сонини 3 миллиондан 3,5 миллион нафарга кўпайтириш, кенг форматли телекоммуникация тармоқларидан фойдаланувчилар сонини эса икки баробар ошириб, 100 мингтага етказиш лозим. Ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига Олий ва ўрта маҳсус

таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда “Электрон таълим” миллий тармоғини барпо этишни ниҳоясига етказиш ҳамда 2011 йилда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларини, кейинчалик эса академик лицей ва касб-хунар колледжларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш вазифаси юклатилади.

2015 йилгача мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рақамли телевидениега ўтишни таъминлаш бўйича комплекс дастурнинг амалга оширилиши биз учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу лойиҳа доирасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига 2011 йилда Нукус, Урганч, Андижон ва Қарши шаҳарлари телемарказларида замонавий рақамли узатиш ускуналарини ўрнатиш, аҳолини рақамли форматдаги теледастурлар трансляцияси билан қамраб олишни 23 фоиздан 37 фоизга ошириш, шунингдек, “Навоий” эркин индустриал-иктисодий зонасида рақамли телевидение учун маҳсус мосламалар ишлаб чиқариш қувватини 50 минг донага етказиш вазифаси топширилади. 2011 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг медиамарказини Япония ва Германиянинг етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган энг замонавий мультимедиа техникаси билан жиҳозлаб, фойдаланишга топширишни таъминлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрда ПҚ-1442 сонли Қарори доирасида, 2011-2015 йилларда:


Молиялаштириш манбалари аниқланган лойиҳалар рўйхати бўйича:

- 29,4 млрд. АҚШ доллари қийматига эга 259 та йирик тармоқ лойиҳалари,
- 642,2 млн. АҚШ долларига teng 1064 та ҳудудий лойиҳаларни амалга оширилиши режалаштирилган.

2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ва инфратузилмасини ривожлантириш дастурларига (ПҚ-1442, ПҚ-1446) кирган лойиҳаларни амалга оширишнинг тармоқ жадвалларида газ ва сув тармоқларини қуриш лойиҳаларига алоҳида ўрин берилган.

Мазкур лойиҳалар ичida қиймати 2978,6 миллион АҚШ долларига teng бўлган, йиллик газ ўтказиш қуввати 30 миллиард кубни ташкил этувчи “Ўзбекистон-Хитой” газ қувуруни қуриш лойиҳаси, шунингдек қиймати 15,5 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги техник сувни йиғиш ва чучуклаштириш иншоотини қуриш лойиҳаси ва қиймати 81,0 миллион АҚШ доллари ҳажмидаги “Ўзтрансгаз” акциядорлик компаниясининг газ етказиб бериш (траспортировка) тизими бўйлаб технологик алоқа ва бошқарув тизимини таъминлаш лойиҳаси алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси саноатини ва инфратузилмасини ривожлантиришда газ таъминоти муҳим аҳамият касб этади. Айниқса йилдан-йилга мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб кенг ёйилиб бораётган газ тармоқларининг узунлиги ўсиб бормоқда. 2011 йилда ҳам ушбу газ тармоқларини 1000 км қуриш режалаштирилган. 2011 йилда жами газ тармоғининг узунлиги 124,9 минг км.га етказилиши кўзда тутилган.



4.2.3-расм. Газ тармоқларининг ўсиши (минг.км.).

Инфратузилма, траснпорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар натижасида янги иш ўринларини барпо этилаётгани ва ахолининг ушбу соҳалардаги бандлигини ошиб браётгани ҳам ижобий ютуқлардан ҳисобланади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2011 йил ва яқин истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши сифатида эътироф этилиши шубҳасизdir. 2011 йилга мўлжаллаб қабул қилинган ва мамлакатимиз Парламенти томонидан маъқулланган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини, асосан, қишлоқ жойларда яратиш кўзда тутилган. Бу иш жойларининг 73 мингдан ортиқ иш ўрни транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш лойиҳаларини амалга ошириш натижасида ташкил этилиши ҳам аҳамиятга моликdir.

5-БОБ. ТАЪЛИМ ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИ ЖИҲОЗЛАШ

5.1. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш борасида эришилган натижалар ва амалга оширилиши кутилаётган муҳим тадбирлар

Мустақиллик йилларида Юргашимиз раҳномолигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга тадбиқ этилиши, мазкур дастурнинг мантиқий давоми бўлган “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури” доирасида амалга оширилаётган ишларимиз замирида фарзандларимизни комил инсонлар қилиб тарбиялаш орқали Юргашимиз тараққиётининг мустаҳкам пойдеворини қўйиш, унинг буюк келажагини бунёд этишдек эзгу мақсад ётади.

Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги 3431-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги 321-сонли қарори қабул қилинди. Дастурда умумтаълим мактаблари биноларини ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур қарорга асосан 2004-2009 йилларда 3 млн. 012 минг ўринли 8500 та мактабларда қурилиш-тиклаш ишлари амалга оширилди. Шу жумладан 116640 ўкувчи ўринли 351 та янги мактаб бинолари қурилди, 850951 ўкувчи ўринли 2470 та мактаб бинолари ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси мукаммал реконструкция қилинди, 2044582 ўкувчи ўринли 3607 та мактабларнинг бино ва иншоотлари мукаммал ва 2072 та мактаблар жорий таъмирлашдан чиқарилди.

Бунинг натижасида қишлоқ ва шаҳарларда ҳамда борилиши қийин бўлган худудларда замонавий лойиха асосида қурилган мактаблар сони кенгайиб ўзгача тус олди.

Дастур доирасида 2004-2009 йилларда 325 та бузиб ўрнига янги мактаб бинолари қурилиши режалаштирилган бўлса, амалда уларнинг 351 таси (108%) тўлиқ битказилди.

Дастур бўйича капитал реконструкция қилинадиган 2313 та мактабдан, 2470 таси (107%)да капитал реконструкция ишлари тўлиқ бажарилди.

Капитал таъмирланадиган 3769 та мактабдан 3607 та (96%) сининг бино ва иншоотлари тўлиқ таъмирлашдан чиқарилди.

2004-2009 йиллар дастури доирасида қайта тиклаш ишлари амалга оширилган республика бўйича жами 8500 та мактабларнинг 1326 таси (16%) шаҳарларда, 6887 таси (81%) қишлоқ худудларида, 287 таси эса (3%) борилиши қийин бўлган худудларда жойлашгандир.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури том маънода умумхалқ ҳаракатига айланди десак муболага бўлмайди.

Бунинг сабаби, 2004-2009 йиллар мобайнида маҳаллий ҳокимликлар, ҳомий ташкилотлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига

2011 йилда Республика нейрохирургия илмий маркази, Республика жарроҳлик маркази ҳузуридаги кардиохирургия бўлими, Гематология ва қон қуиши институтининг янги бўлими каби йирик соглиқни сақлаши обьектларини фойдаланишига топшириши ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилади. Нукус, Андижон, Гулистон ва Термиз шаҳарларида кўп тармоқли вилоят болалар марказлари, Қарши, Наманган ва Термиз шаҳарларида кўп тармоқли тиббиёт марказларини, жами б минг 400 ўринга мўлжалланган 51 та стационар муассасаси, бир кунда б минг кишини қабул қила оладиган 23 та поликлиникани қуриши ва реконструкция қилишини якунига етказиши кўзда туттилмоқда.

Ислом Каримов

қүшімча ревища республика бүйіча жами 220573 үкүвчіга мұлжалланган 402 та, шу жумладан, 14997 үкүвчи ўрнига мұлжалланган 47 та янги мактаб бинолари қурилди, 14424 үкүвчи ўрнига мұлжалланган 30 та мактаб бинолари капитал реконструкция қилинди, 58532 үкүвчіга мұлжалланган 95 та мавжуд мактаб бино ва иншоотлари капитал ва 132620 үкүвчіга мұлжалланган 230 та мактаблар жорий таъмирланды. Ушбу ишларга жами 37,9 млрд.сүм мікдорида ҳомийлар маблағлари йўналтирилди.

Бундан ташқари, 2004-2009 йиллар дастурига киристилган мактабларга қўшимча ревища маҳаллий ҳокимликлар, фермер хўжаликлари, ҳомий ташкилотлар, жисмоний шахслар ва ота-оналар томонидан Республика бүйіча жами 8,2 млрд. сўмлик ёрдам кўрсатилди. 1607 та (16,0%) мактаб ичимлик суви билан таъминланди. 1163 та (11,8%) мактаб газлаштирилди, 1607 та (16,4%) мактабга телефон алоқалари ўрнатилди, 1076 та (11,2%) мактаб марказий ва мактаб ҳовлисига мослаштирилган канализация тармоғига уланди.

Шунингдек, янгидан қурилган ва капитал реконструкция қилинган таълим обьектларини фойдаланишга қабул қилиш бўйича ҳар бир таълим обьекти бўйича маҳалла оқсоқоли ва қишлоқ фаоллари томонидан жамоатчилик комиссиялари тузилиб, улар томонидан обьектга келтирилаётган ҳар-бир қурилиши материаллари сифати, бажарилаётган ишларнинг сифати кундалик назорат қилиб борилди.

2005-2009 йилларда умумтаълим мактабларини замонавий мактаб мебеллари, үкүвлаборатория жиҳозлари, спорт анжомлари ва компьютер техникалари билан жиҳозлаш бўйича маҳсус дастурни тайёрлашда академик лицей ва касб-хунар коллежларини жиҳозлашдаги тажрибалардан келиб чиқиб, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Маркази ҳамда Иқтисодиёт, Соғликни сақлаш ва Молия вазирликлари билан биргаликда “Умумтаълим мактабларини үқув мебели ва үкүвлаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш меъёрлари” ва “Мактаб мебеллари ва спорт инвентарларига қўйилган ягона талаблар” меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари учун етказиб берилаётган мебель, үкүвлаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари, спорт анжомлари ва маҳсус жиҳозлар бўйича ўқитувчи, методистлар, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари фикрларини ҳамда кўргазмага қўйилган мактаб мебеллари сифати ва дизайнларини ўрганиш максадида ҳар йили мактаб жиҳозлари намуналари кўргазмаси ташкил этилди.

Ушбу ташкил этилган кўргазмалар натижаси бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилган ҳолда ҳар йили мактаб жиҳозларининг сифати оширилди, дизайнни ва қулагиллиги такомиллаштирилди:

Дастлаб үкүв-лаборатория асбоб-ускуналари ва бутловчи қисмлари четдан келтирилиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар томонидан маҳаллийлаштириш йўлга қўйилди.

Бунинг натижасида, дастур доирасида амалга оширилаётган ишлар билан бир қаторда мактаб мебеллари ва жиҳозлар етказиб берувчи ташкилотларда қўшимча ревища 2900 тадан ортиқ янги ишчи ўринлари яратилди.

Натижада, таълим муассасаларидаги физика лаборатория хоналари сони 9875 тага (2004 йилга нисбатан 71,5 фоизга ёки 6 957 тага кўп), кимё лаборатория хоналари 9487 тага (2004 йилга нисбатан 68,5 фоизга ёки 6667 тага кўп), биология хоналари 9390 тага (2004 йилга нисбатан 68,5 фоизга ёки 6667 тага кўп) спорт заллари 6626 тага (2004 йилга нисбатан 45,1 фоизга ёки 4386 тага кўп) ошиди.

2004 йилда республика бўйича бор-йўғи 1431 та (14,6 %) умумтаълим мактаблари замонавий компьютер техникаси билан таъминланган эди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, етказиб берувчи корхона ва ташкилотлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан таълим соҳаси учун 2,8 млрд. сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Ўтган йилларда дастурга қўшимча ревища умумтаълим мактабларига маҳаллий ҳокимликлар, турли жисмоний шахслар ва ҳомийлар маблағлари ҳисобидан, жами 701,1 млн. сўмлик мактаб жиҳозлари етказиб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўкув – методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги 548-сонли ҳамда 362-сонли қарорлари мазкур жараённинг Ҳукумат даражасидаги ўта жиддий масала эканлигини кўрсатади.

Ушбу қарорлар қабул қилингандан буён 5 йил мобайнида дарсликларни янги авлодини яратиш юзасидан қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Айниқса, қувонарлиси шундаки, дарсликлар танлов асосида яратилаётгани, уни ўкувчилар, ўқитувчилар ва ота-оналарга ҳам мазмун, дизайн жиҳатини сифатли эканлиги билан ажralиб туради.

2005-2009 йилларда мазкур Дастур доирасида тегишли фанлардан 119 номдаги жумладан: 65 номдаги электрон дарсликлар, 26 номдаги ўкув фильмлари ҳамда 28 номдаги мультимедиа дастурий воситалари яратилди. Барча ўкув фанлари бўйича электрон ўкув воситаларининг яратилиши мазкур фанларни ўқитишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини кенгайтиради ва ўз навбатида ўкувчиларнинг мазкур фанларни чуқур ўзлаштириш самарадорлигини оширади.

Таълимнинг мазмунини белгиловчи Давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурларини такомиллаштириш, таълим-тарбия самарадорлигини ошириш мақсадида умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартлари ва ўкув дастурларининг такомиллашган варианatlари ишлаб чиқилиб, 2004-2009 йилларда босқичма-босқич тажриба-синовдан ўtkазилди.

Умумтаълим фанлари бўйича мавжуд ДТС лар янгидан таҳrir этилиб, ўкув дастурлари модернизация қилинди. Қирғиз, қозоқ, тожик, туркман, қорақалпоқ тили ва адабиётлари, 8-синфларда рус адабиёти, 4 ва 8 синфларда меҳнат таълимнинг 5 та йўналиши, 5-7 синфларда информатика фанларидан ДТС янгидан яратилди. Бошланғич синфларда билим, кўникма ва малакалар ишлаб чиқилди.

Барча умумтаълим фанларидан ДТС лар янги таҳrirдан ўтказилганда қўйидаги ўзгартиришлар киритилди:

1.Давлат таълим стандартлари бўйича ўкувчилар ўзлаштириши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар ҳар бир синфлар учун алоҳида белгилаб берилди.

2.ДТС бўйича билим, кўникма ва малакалар бир-биридан ажратилди.

Янги таҳrirдаги ДТС ва модернизация қилинган ўкув дастурларини босқичма-босқич тажриба-синовдан ўтказиш белгиланди.

Айтиш жоизки, таълим сифати ва самарадорлиги педагогнинг касбий салоҳияти, педагогик маҳоратига бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим тизимини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг янги тизимини яратиш, улар меҳнатини рағбатлантириши кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилган.

Мустақиллик йиллари малака ошириш тизими янада такомиллаштирилди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Сурхондарё, Сирдарё, вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги малака ошириш институтлари учун ўкув ва ётоқхона бинолари ажратилди.

Ўқитувчиларни малакасини ошириш йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш мақсадида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги “Таълим секторини ривожлантириш дастури” лойиҳаси доирасида А.Авлоний номидаги малака ошириш институти, 14 та худудий малака ошириш институтлари ва 70 та (ҳар бир вилоятда 5 тадан) таянч мактаблар қошида масофадан ўқитишининг таълим-ресурс марказлари ташкил қилинди. 215 нафар тизимдаги мутахассислар Германияда малака оширилди.

Бугунги кунда таълим муассасасининг буюртмасига асосан педагогнинг тоифаси, стажи, касбий тайёргарлигини оширишга бўлган эҳтиёжига мос ҳолда унинг турлари ва даврийлиги қайта кўриб чиқилиб, малака оширишнинг “Режали-мажбурий” тизимдан “Йўналтирилган мақсадли” такомиллаштирилган тизимга ўтказилди. Таълим мазмунининг

тез суръатларда янгиланиб бораётганлиги муносабати билан педагогларнинг малака ошириш даврийлиги 5 йилдан 3 йилга келтирилди.

2010 йил 10 ноябрда олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида Президент қарори қабул қилинди. Ушбу хужжатнинг моҳияти илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантураси каби эскирган шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлари ва илмий-тадқиқот муассасаларида стажор-тадқиқотчи-изланувчилар ва катта илмий ходим-изланувчилар институти жорий этишга қаратилган.

Энг муҳими, уларни рағбатлантириш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рӯёбга чиқариш мақсадида стажор-тадқиқотчи-изланувчиларнинг лавозим маоши стажор-тадқиқотчилар лавозим маошининг базавий миқдорига, катта илмий ходим-изланувчилар лавозим маошининг ҳажми эса фан номзоди унвонига эга бўлган катта илмий ходимларнинг маошига tenglashтирилди. Бу амалда ушбу тадқиқотчилар иш ҳақининг 1,6 баробар кўпайишини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузасида 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб номлаш ва Давлат дастурини ишлаб чиқиши таклифи берилди. Ушбу дастурни амалга ошириш учун 8 триллион сўм маблағ ажратилди.



18

“Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратилди ва куйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- она ва болаларни репродуктив саломатлиги муҳофазаси тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини кучайтириш ва ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш;

- ўсиб келаётган авлоднинг бугунги кунда таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базасидан самарали фойдаланишни таъминлаш, олий ва ўрта маҳсус таълими тизимидағи ўйналишлар ва мутахассислар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиши ва такомиллаштириш;

- баркамол авлодни шаклантириш учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқув юртларида ўқув лабораториялари базасини такомиллаштириш, ўқитувчи-

мураббийлар меҳнат фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини яратиш;

- замонавий информацион ва коммуникацион технологиялар, рақамли ва кенг тармоқли телекоммуникация алоқалари ва Интернет тизимини ҳар бир оила хаётига кириб келишини таминлашга кўмаклашиш;

- ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбия ва болалар спорти соҳасида, ҳамда ёшларни спорт билан доимий шуғулланишлари борасидаги ишларни кучайтириш, янги спорт комплексларини қуриш ҳамда жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан таъминлаш.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дасурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-хунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни, деярли хаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди. Ушбу ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам янгилаш бориши, тизимли асосда замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва ўқув анжомлари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда яратилган бу улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида мутлақо янги бир тузилма – Молия вазирлиги ҳузурида маҳсус жамғарма ташкил этилди. Бу жамғарманинг ҳисоб рақамига 2010 йили 315 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, 2011 йилда 370 миллиард сўм ажратиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда Тошкент шахрида Турин политехника университетининг янги, замонавий ўқув комплексининг барпо этилгани ҳам мақтовга лойиқdir. Турин политехника университети мамлакатимизда жадал ривожланиб бораётган автомобиль саноати ва бошқа тармоқлар учун юқори малакали кадрлар тайёрлайди ва ушбу соҳанинг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшиши кутилмоқда. Бундан ташкари ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим тизимини такомиллаштириш моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилиб, олий таълим бакалавриат босқичининг 50 та йўналиши ва магистратура босқичининг 74 та мутахассислиги унификация қилинди, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг янги классификаторлари жорий этилди. Дастур доирасида 2010 йилда 560 та етакчи кластер мактаблари қиймати қарийб 6 миллион АҚШ доллари бўлган 13 минг 500 та компьютер техникаси билан таъминланди, 750 дан ортиқ қишлоқ мактаби замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мултимедиа воситалари билан жиҳозланди, 1,5 мингта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400 та шахсий компьютер билан таъминланди. Айни пайтда мамлакатимиздаги барча, яъни 12 мингдан ортиқ таълим муассасалари, илмий ва маданий-мәърифий ташкилотлар 25 мингдан зиёд ўқув материаллари ва ресурсларни ўз ичига олган таълим порталига уланди. Бу масофадан туриб ўқитиши усууларини таълим тизимида кенг жорий этиш, ўқувчи ва ёшларга бошқа хил ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатиш имконини беради. Шу билан бирга, замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникациялар, интернетни нафақат мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларига, балки ҳар бир оиласига жорий қилиш ҳаракатлари бугунги кунда тобора кучайиб бормоқда.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурида ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиш ва иқтидорли ёшларнинг илмий ишларга фаол жалб этиш учун шароитлар яратиш мақсадида истеъодли болалар учун кўрик танловларини ташкил этиш, болалар мусиқа ва санъат мактабларини қуриш ва капитал таъмирдан чиқариш, иқтидорли болалар учун ёзги ва қишки ўқув оромгоҳларни ташкил этиш каби чора-тадбирлар белгиланган.

Президентимиз бугунги кунда ёшларни, умуман илм-фан инсонларини, олимларни тараққий топган давлатлар илмий жамоатчилигининг эътибор марказида турган, энг илғор, истиқболли илмий изланиш ва тадқиқот ишларини юртимизда ривожлантиришга унданб, ушбу мақсадда Фанлар академияси ва олий ўқув юртлари таркибида янги лабораторияларни

ташкел қилиш, уларнинг ривожланган мамлакатлардаги илм-фан марказлари билан самарали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш зарурлигига эътибор қаратди.

Бу йўналишдаги ишларга янги туртки бериш, хорижий давлатлардан замонавий илмий жиҳоз ва ускуналарни олиб келиш, энг иқтидорли ёшларни бу ишга сафарбар қилиш ва рағбатлантириш мақсадида Президент томонидан Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси қошида алоҳида фонд тузиш ва уни етарли даражада маблағлар билан таъминлаш таклиф этилди.

Ёшларни жисмонан чиниккан, мард, билимли, қатъиятли, Ватанини ҳимоя қила олдиган авлод сифатида камол топтириш учун жисмонан ривожланишга хизмат килувчи масканларини барпо этиш ва ривожлантириш талаб этилади. Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва кишлоқда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур анжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо этилиши ёшларимиз олдида кенг имкониятларни очилишига асос бўлди. Айтиш жоизки, истиқлол йиллари бу соҳага алоҳида эътибор берилиб моддий-техник база мустаҳкамланди, юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилди ва 260 минг нафардан зиёд болалар спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратилди. Кам таъминланган оиласаларнинг 120 минг нафар қизлари учун 3 миллиард 500 миллион сўмлик спорт кийими ва жиҳозлари харид қилинди. Бадиий гимнастикани ривожлантириш дасури қабул қилинди. Ҳозирда спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланадиган қизлар сони шу йилнинг ўзида 6-7 баробар, айрим вилоятларда эса 10-12 баробар ортди. Ўн олтинчи ёзги Осиё ўйинларида бадиий гимнасика бўйича қизларимиз ўз истеъдод ва маҳоратини намоён этиб, Осиё қитъаси вакиллари орасида шарафли иккинчи ўринни эгаллашди.

Ҳозирда ўсиб келаётган авлоднинг таълим соҳасида ташкел этилган замонавий моддий-техник базасидан самарали фойдаланишни таъминлаш, олий ва ўрта маҳсус таълими тизимидағи йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, 2010 йилда таълим муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштириш доирасида 14 та умумтаълим мактаблари, 4 та академик лицей, 99 та ўқувчи талabalар турар жойларини, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Термиз Давлат университети, Тошкент Ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг янги ўқув биноларини қуриш, Тошкент Молия институтининг ўқув корпусини қайта таъмирлаш ишлари давом эттирилмоқда. 2010-2011 йиллар мобайнода янги стандартларни ишлаб чиқиш, ҳар бир умумтаълим мактабида, академик лицей ва касб-хунар колледжида маҳаллий тармоқли замонавий компьютер синфи жиҳозланиши ва фаолият кўрсатишига эришиш, ҳар бир умумтаълим мактабини 41 номдаги электрон дарсликлар ва ўқув фильмлари, ҳар бир мактабгача муассасани ўйинли ва билиш билан боғлиқ мультимедиа дастурларини намойиш қилиш учун ВУВ- проигривателлари билан таъминлаш, умумтаълим мактабларининг компьютер техникаси ва ўқув-лаборатория жиҳозлари сақланишини, уларга техник хизмат кўрсатилишини таъминлаш бўйича комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда.

2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг 60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади. Бу ўтган йилга қараганда сезиларли даражада кўпdir. Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун ана шу харажатларнинг 48 фоизи ёки 2010 йилга нисбатан 1 трилион 800 миллиард сўм кўп маблағ сарфланади.

Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар колледжлари ўқитувчилари, шифокорлар ва тиббиёт ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. 2011 йилда ушбу тоифалардаги ходимларнинг иш ҳақи ўртача камида 25 фоизга оширилади. Таълим ва соғлиқни сақлаш ходимларининг иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаш учун бюджетдан 420 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилади.

Молия вазирлиги ҳузурида ташкил етилган Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал тамирлаш ва жиҳозлаш жамғармасининг 367 миллиард сўм миқдоридаги маблағи ҳисобидан жорий йилда 336 та таълим муассасасини, 65 та болалар мусиқа ва санъат мактабини реконструкция қилиш ва капитал тамирлаш, қарийб 1500 та компьютер синфини ташкил қилишни тамирлаш, шунингдек, 118 та спорт залини қуриш ва жиҳозлаш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Корея Эксимбанкининг 30 миллион доллар миқдоридаги кредити ҳисобидан умумтаълим мактабларида яна қўшимча равишда 1,5 мингта компьютер синфи жиҳозланади.

Ҳозирги кунда 2011-2015 йилларда Олий ўкув юртларини ривожлантириш дастури тайёрланмоқда ва ушбу ҳужжат яқин вақт ичидан қабул қилинади. Дастурдан кўзланган асосий мақсад - олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, уларни замонавий ўкув, лаборатория ва илмий ускуналар билан жиҳозлаш, пировардида ўкув дастурларини такомиллаштириш, тобора кучайиб бораётган замон талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлашда сифат жиҳатидан янгича ёндашувларни ҳаётга тадбиқ этишдир.

Ижтимоий соҳанинг яна бир ажралмас қисми бу-соғлиқни сақлаш тизимиdir. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнида соҳа структурасини такомиллаштириш, малакали мутахассисларни етиштириш ва қайта тайёрлаш, энг янги техника билан жиҳозлаш ўта муҳим масала бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли кейинги йилларда хукуматимиз соғлиқни сақлаш соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йилнинг 28 октябрдаги ПҚ-1213-сонли Қарори асосида "Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил Инвестиция дастури тўғрисида" санитария-эпидемиология хизматининг моддий техника базасини кучайтириш борасидаги тадбирлари ишлаб чиқилди. Ушбу дастур доирасида Бухоро вилоятининг Когон шаҳар ва Когон туман ДСЭНМ бинолари янгидан қурилди. Тошкент вилоятининг Чирчик тумани ва Сурхондарё вилоятининг Бандиҳон тумани ДСЭНМлари биноларида реконструкция ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу тадбирлар учун 2810,0 млн.сўм маблағ сарфланди. Фарғона вилоят ОИТС маркази биноси, Сирдарё ва Тошкент шаҳар ОИТС марказлари лаборатория корпуслари янгидан қурилиб, қолган бинолари реконструкция қилинди. Қашқадарё ва Андижон вилояти ОИТС марказларининг бинолари реконструкция қилиниб, ишга туширилди. Навоий вилояти ОИТС маркази биносини қуриш ишлари 2010 йилда бошланган бўлиб, уни 2011 йилда фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Мазкур тадбирлар учун 4248,2 млн.сўм маблағ ажратилган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги 59 та туманлараро ОИТС диагностика лабораторияларининг 51 тасида 500 млн. сўмдан ортиқ маблағ ҳисобига жорий ва капитал таъмирлаш ишлари ўтказилди.

2011 йилда Республика нейрохирургия илмий маркази, Республика жарроҳлик маркази ҳузуридаги кардиохирургия бўлими, Гематология ва кон қуиши институтининг янги бўлими каби йирик соғлиқни сақлаш обектларини фойдаланишга топшириш ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари давом эттирилади. Нукус, Андижон, Гулистон ва Термиз шаҳарларида кўп тармоқли вилоят болалар марказлари, Қарши, Намангандарё ва Термиз шаҳарларида кўп тармоқли тиббиёт марказларини, жами 6 минг 400 ўринга мўлжалланган 51 та стационар муассаса, бир кунда 6 минг кишини қабул кила оладиган 23 та поликлиникани қуриш ва реконструкция қилишни яқунига етказиш кўзда тутилмоқда.

Тараққиётнинг мавжуд босқичида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари олдига янгидан-янги мураккаб вазифалар қўйиб борилмоқдаки, уларни юқори даражада бажариш учун ушбу соҳаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш талаб этилмоқда. Ана шу талабни чукур англаған ҳолда хукуматимиз ушбу соҳаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласини устувор йўналишлардан бири сифатида қабул қилмоқда.

6-БОБ. “КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШ

6.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллади. Бугунги кунда биз бу соҳани ривожлантирмасдан туриб иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносаб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда энг асосий омиллардан бири ҳисобланади ҳамда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган мулкдорлар синфининг, яъни ўрта синфнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишини таъминлайди. Шунингдек, бу соҳа ҳозирда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан 2011 йил «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб номланди.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиласми бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 14 декабрдаги Р-3539-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат Дастурини ишлаб

Якка тартибдаги тадбиркорлик – юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс(якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши. Якка тартибдаги тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ходимлар ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуки асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек мол-мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равища амалга оширилади.

Хусусий тадбиркорлик – бу фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор ҳўжалик фаолиятидир.

Микрофирма – кичик бизнес корхонасининг бир тури. Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Кичик корхона – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари микдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектдир. Республикаизда саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва х.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

чиқиши ва амалга оширишнинг ташкилий чоралари ҳақидаги Фармойишида: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилишни кучайтиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш тартибини соддалаштириш ва фаолият юритишнинг моддий-техник шарт-шароитларини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ ва бошқа тўловлар борасида енгилликлар яратиш, ҳисобот топшириш тизимини такомиллаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш, кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, уларининг ташки иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес субъектларига тақдим этилаётган имтиёзлар ва қулай шароитлар тизимини янада ривожлантириш каби устувор йўналишлар белгилаб берилган.


Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда(6.1.1-жадвал).

6.1.1-жадвал

Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши, минг киши

Кўрсаткичлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари	661	940,5	950
шу жумладан:			
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқда	374,3	391,8	600
Фоиз ҳисобида	57,0	41,7	65
Жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	72,7	74,2	74,3

2009 йилда мамлакатимизда жами 940 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, шундан қарийб 400 минги кичик бизнес соҳасига тўғри келган. 2010 йилда эса 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган иш ўринлари фермер хўжаликлари билан бирга ҳисоблаганда 600 минг кишидан ортиқни ёки 65 фоизни ташкил этди. 2010 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида мамлакатимизнинг иқтисодиётида банд бўлган жами аҳолининг 74,3 фоизи фаолият кўрсатди(6.1.1-расм). Бу эса кичик бизнес соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатмоқда ёки 2000 йилга нисбатан 24,6 фоизга кўпайди.



6.1.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улушки.

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес субъектларининг бандликдаги улушки 2000 йилда 49,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 74,3 фоизга етди ёки 2000 йилга нисбатан 24,6 фоизга кўпайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улушини вилоятлар кесимида кўрадиган бўлсак, Андижон ва Самарқанд вилоятларида ушбу соҳада банд бўлганлар сони 80 фоиздан юқоридир (6.1.2-жадвал).

6.1.2-жадвал


Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улушки

Вилоятлар	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандликдаги улушки,%		
	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Ўзбекистон Республикаси	73,1	73,9	
Қорақалпоғистон Республикаси	69,9	70,5	71,2
вилоятлар:			
Андижон	80,3	81,0	81,2
Бухоро	75	76,3	76,3
Жizzах	76,8	77,3	78,0
Қашқадарё	73,3	74,4	74,9
Навоий	55,3	55,9	55,9
Наманган	77,1	77,8	78,4
Самарқанд	80	80,8	81,2
Сурхандарё	73,8	74,3	75,0
Сирдарё	76,2	76,9	77,8
Тошкент	71,8	72,6	73,0
Фарғона	77	77,5	77,5
Хоразм	76,5	77,5	78,0
Тошкент ш.	56,5	56,5	56,6

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушкига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда эса 52,5 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 21,5 фоизга ўсиши.

Ҳозирги кунда бизнинг энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришида унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда.

Ислом Каримов



6.1.2-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини вилоятлар кесимида ўсишини 6.1.3-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

6.1.3-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлар кесими бўйича ялпи ички маҳсулотдаги улуши

Вилоятлар	Кичик бизнесва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши, %		
	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Ўзбекистон Республикаси	48,2	50,1	52,5
Қоракалпоғистон Республикаси	58,6	60,7	63,6
вилоятлар:			
Андижон	48,9	51,2	54,7
Бухоро	59,3	61,4	64,1
Жиззах	72,3	74,4	77,3
Қашқадарё	50,9	52,6	55,0
Навоий	29,1	31,2	34,4
Наманган	69,7	72,4	76,0

Самарқанд	68,8	71,2	73,6
Сурхандарё	67,2	70,0	71,7
Сирдарё	72,1	75,5	77,4
Тошкент	49,6	51,8	54,7
Фарғона	55,0	56,1	59,5
Хоразм	66,1	68,2	71,8
Тошкент ш.	48,0	46,7	49,9

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши Сирдарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Хоразм ва Сурхондарё вилоятлари иқтисодиётидаги салмоқли ўринни эгалламоқда.


Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини кенгайиши иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2005 йилдаги 10,0 фоиздан 2010 йилда 19,6 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 95,7 фоиздан 97,9 фоизга, савдода 43,7 фоиздан 50,5 фоизга, юқ ташишида 24,6 фоиздан 40 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида 24 фоиздан 30 фоизга, экспорт ҳажмида эса 6 фоиздан 13,6 фоизга қадар ошди(6.1.4-жадвал).

6.1.4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидағи улушкининг 2005-2010 йиллардаги ўсиш динамикаси, фоиз

Кўрсаткичлар	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил
Саноат	10,0	10,9	13,2	14,6	16,9	19,6
Қишлоқ хўжалиги	85,7	93,9	97,5	97,8	97,9	97,9
Инвестиция	24,0	26,5	23,7	24,6	23,7	30,8
Курилиш	50,9	52,1	55,4	58,4	41,6	52,3
Савдо	43,7	45,7	48,2	48,1	46,3	50,5
Хизмат кўрсатиш	52,5	50,8	50,1	48,5	47,6	47,7
Юқ ташиш	24,6	27,2	34,7	38,9	39,5	40,0
Йўловчилар ташиш	65,7	69,4	75,7	78,5	78,9	78,9
Бандлик	64,8	69,1	72,1	73,1	73,9	74,3
Экспорт	6,0	10,7	14,8	12,4	14,6	13,6
Импорт	33,7	34,5	32,0	35,7	42,5	36,6

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солик имтиёзлари етарли даражадаги рафбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солик тўлови 8 фоиздан 7 фозга пасайтирилган бўлса, 2011 йилда эса бу кўрсаткични 6 фоизга тушириш мўлжалланган (6.1.3-расм).



6.1.3-расм. Кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари.

6.1.3-расмдаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2011 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 6 фоизга ёки 6,3 мартаға қисқарган.

Келгусида тармоқ йўналишларига кўра кичик бизнес субъектлари учун қўйидаги солиқ имтиёзлари белгиланган:

- 2014 йил 1 январгача янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-курилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган;
- 2012 йилнинг 1 январигача гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилган, четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилинган;
- 2012 йилнинг 1 январигача 15 хилдаги ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиги, мулк солиги ва ягона солиқ тўловларидан озод қилинган;
- 2012 йилнинг 1 январгача республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан; ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган ускуналарини импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий жиҳатдан қўллаб-куватлаш тадбирлари ҳам кучайтирилди. Хусусан, 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 1851,7 млрд.сўм кредит ажратилган бўлса, 2010 йилда эса бу кўрсаткич 2690,2 млрд. сўмни ташкил этди(6.1.4-расм).

6.1.4-расмдаги маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори 2001-2010 йиллар мобайнида деярли 20 мартаға ўстган.

2011 йилда тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга ажратиладиган кредитлар ҳажмини камида 1,3 баробарга кўпайтириш белгиланди.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди, бу ялти ички маҳсулотнинг 25 фоизини ташкил этади.

Ислом Каримов


түўрсисида”ги қарори асосида күйидаги чора тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 бараварга ошириш;
- халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар хукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;
- тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узок ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек аҳоли зич яшовчи худудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;
- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш;
- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳарид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва ҳоказолар.




6.1.4-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан кредитлар ажратилди. 2010 йилда халқаро молия институтлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга 146 млн. АҚШ доллари ҳажмда кредитлар жалб этилди(6.1.5-расм).




6.1.5-расм. Халқаро молия институтлари томонидан ажратилган кредитлар миқдори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1438 сонли қарорига кўра халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар хукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори 2011 йилда 75 млн.долларни, 2015 йилга бориб эса 155 млн.долларни ташкил этиши мўлжалланган (6.1.6-расм).



6.1.6-расм. 2011-2015 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар хукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни астасекин кенгайиб бормоқда. Унинг экспорт хажмидаги улуши 2010 йилда 13,6 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 3,4 фоизга ошган(6.1.7-расм). 2010 йилда кичик бизнеснинг экспорт ҳажми 1723,6 миллион АҚШ долларига етди. Уларнинг асосий экспорт маҳсулотларини қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ишлов берувчи, электротехник ишлаб чиқариш маҳсулотлари, халқ амалий санъати буюмлари ташкил этади.



6.1.7-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши, фоизда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улушини вилоятлар кесимида кўрадиган бўлсак, Наманган (86,7 фоиз), Самарқанд (61 фоиз), Жizzах (44,7 фоиз) ва Сирдарё (30,3 фоиз) вилоятларида уларнинг салмоғи анча юқори бўлган(6.1.5-жадвал).

6.1.5-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши динамикаси

Вилоятлар	Кичик бизнеснинг экспортдаги улуши, фоиз		
	2008йил	2009йил	2010йил
Ўзбекистон Республикаси	12,4	14,6	13,6
Қорақалпогистон Республикаси	11,4	8,0	12,5
вилоятлар:			
Андижон	1,9	4,2	6,4
Бухоро	7,8	6,5	7,6
Жizzах	28,8	13,3	44,7
Қашқадарё	26,6	21,7	9,0
Навоий	7,6	6,5	9,5
Наманган	52,8	69,2	86,7
Самарқанд	40,4	68,1	61,0
Сурхондарё	16,4	10,2	19,5
Сирдарё	5,3	10,4	30,3
Тошкент	12,8	20,1	17,0
Фарғона	17,7	19,8	18,3
Хоразм	11,3	7,5	9,3
Тошкент ш.	17,1	19,8	13,9

Хулоса қилиб айтганда, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурининг самарали амалга оширилишини таъминлаш борасида амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қуидагилардан иборатdir:

- жойлардаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолиятига ҳалақит бераётган, тўсқинлик қилаётган ёки қилиши мумкин бўлган муаммоларни муутазам равишда ўрганиб бориш ва ўз вақтида бартараф этиш чоратадбирларини кўриш;

- худуддаги бўш ёки самарали фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар тўғрисидаги аниқ маълумотларнинг қисқа муддатларда олиниши ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тақдим этилиши жараёнларини самарали ташкил этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш борасида ҳар бир худуддаги ўзига хос хусусиятларни аниқлаш ва улардан келиб чиққан ҳолда мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш йўлидаги ҳар қандай бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;

- ҳудуддаги кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби мұхандислик-коммуникация тармоқларига уланиши жараёнларига эътибор қаратиш ҳамда бу борадаги илғор тажрибаларни қўллаш;
 - маҳаллаларда оиласиб бизнесни ривожлантириш бўйича мавжуд имкониятлар ва уларни рўёбга чиқариш йўлларини аниқлаш, шу асосда оиласиб бизнесни ташкил этишининг намунавий шаклларини тавсия этиш ва қўллаб-қувватлаш;
 - ҳудудда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг фаолият йўналишлари жиҳатидан таркибини такомиллаштириш чора-тадбирларини қўллаш, хусусан, саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантиришнинг турли йўл ва чораларини излаб топиш;
 - ҳудуддаги экспортга маҳсулот чиқарувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига аниқ ва таъсирчан ёрдам кўрсатиш орқали уларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтириш;
- Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.

7-БОБ. АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

7.1. Ўзбекистон Республикасида 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурининг аҳамияти

Аҳоли бандлигини таъминлаш жамият ижтимоий-иктисодий ривожланишининг энг муҳим иқтисодий хусусиятларидан бири ҳисобланади ва у иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини кўллаб-куватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантириш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 18 ноябрда ва Сенати томонидан 2010 йил 3 декабрда тасдиқланган.

Дастурни амалга ошириш меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшларни, йил давомида алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти қисқариши (тугаши) натижасида бўшатиладиган ходимлар, шунингдек ишга жойлашишга муҳтож бўлган ва талаб

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиши 2011 йил ва яқин истиқболда мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришининг алоҳида устувор йўналиши ва ҳеч муболагасиз энг муҳим шартидир

Ислом Каримов

Иш ўрни – муайян касбдаги бир ходимнинг меҳнат вазифаларини амалга ошириши учун мослаштирилган ва ишни бажариш учун ишлаб чиқариш воситалари, меҳнат қуроллари билан жиҳозланган жой.

Ишга жойлаштириш – Ўзбекистон Республикасида меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий тусдаги давлат тадбирлари тизими.

қилинадиган малака (касб)га эга бўлмаган шахслар бандлигини таъминлаш имконини беради.

Меҳнат бозорида давлатнинг амалга оширадиган сиёсатларидан бири – ижтимоий ҳимоя сиёсатидир. Унга қўра, давлат меҳнат бозорида рақобатдош бўлмаган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш бўйича чора-тадбирларни кўзда тутади. Яъни, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида ташкилотларга ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш топишда қийналадиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдори белгиланади. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналанаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ, фуқароларнинг ушбу тоифасига таълим муассасаларини тутатган ёшлар, муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар, ногиронлар ва жазони ўташ муассасаларидан бўшатилган шахслар киради. Мазкур шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 20 нафардан кўпни ташкил этадиган ташкилотлар учун белгиланади.

Қонунчиликка қўра, ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун ажратилган меҳнат ўринларига жойлаштириш иш берувчи томонидан туман (шаҳар) Бандликка қўмаклашиш ва

аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказининг йўлланмаси бўйича ёки мустақил равишда амалга оширилади (7.1.1-жадвал).

7.1.1-жадвал

Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг квоталанган иш жойлари билан таъминланиши, минг киши

	2006 йил			2010 йил		
	Жами	Шу жумладан:		Жами	Шу жумладан:	
		аёллар	ёшлар		аёллар	ёшлар
Квоталанган иш ўринларига жойлаштирилганлар – жами	82,3	45,1	38	69,7	26,2	14,6
Шу жумладан:						
Мехнат органлари йўлланмаси билан	47,7	25,9	27,3	52,4	15,1	8,1
Мустақил тарзда	34,6	19,2	10,7	17,3	11,1	6,5

2006 йил мобайнида меҳнат бозорида тенг шароитда рақобатлашишга қодир бўлмаган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож 82,3 минг нафар фуқаролар улар учун маҳсус барпо этилган (ажратилган) иш ўринларига жойлашган бўлиб, улардан 47,7 мингтаси (58,0 фоизи) меҳнат органлари йўлланмаси асосида ушбу ўринларга эга бўлишган. 2010 йилда ушбу кўрсаткич камайиб, мазкур тоифага мансуб 69,7 мингта фуқаро корхона ва ташкилотлардаги квоталанган иш ўринларига сафарбар этилган. Ушбу чора-тадбирлар натижасида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли нафақат ўзларини муносаб иш билан таъминланадилар, балки улар ижтимоий ҳаётнинг фаол кишисига айланиб, ўзларини ушбу жамиятнинг тўлақонли аъзоси эканликларини ҳис қиладилар. Шунингдек, улар нормал турмуш тарзини юритиш ва зарурий ҳаётйи эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат даромадларига эга бўладилар.

Ўзбекистон Республикасида 2011 йилда 956,2 мингта иш ўринлари ташкил этиш параметрлари тасдиқланган. Унинг асосий йўналишлари қўйдагилардан иборат:

- инвестиция дастури, маҳаллийлаштириш, тармоқларни модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни технологик қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш;

- кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;

- уй меҳнати ва касаначиликни, энг аввало, корхоналар билан кооперация асосида меҳнат шартномалари бўйича, ҳунармандчиликни ва оиласиб тадбиркорликни ривожлантириш;

- паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик, мева-сабзавот, боғдорчилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини этиштиришга ихтисослашган фермер ва дехқон хўжаликларини ташкил қилиш ва кенгайтириш;

- ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани, жумладан аҳоли яшаш пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш автомобиль ва темир йўлларни, электр, сув ва газ таъминоти объектларини қуриш ва таъмирлаш, телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларни кенг кўламда ривожлантириш;

- вақтинчалик ишламаётган корхоналарнинг, шу жумладан тижорат банклари балансига берилган банкрот корхоналарнинг фаолиятини тиклаш (7.1.2-жадвал).

2011 йилга мўлжаллаб қабул қилинган ва мамлакатимиз Парламенти томонидан маъқулланган Республика дастурида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрнини, асосан, қишлоқ жойларда яратиш кўзда туттилган.

Бу иш жойларининг 600 мингдан зиёдини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида очиши мўлжалланмоқда. 73 мингдан ортиқ иш ўрни транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириши лойиҳаларини амалга оширии натижасида ташкил этилади.

Ислом Каримов

7.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2011 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури

Т/р	Йўналишлар	Жами
	Иш ўринларини ташкил этиш, жами шу жумладан, қуйидагилар ҳисобига:	956 247
1.	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш	57469
2.	Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш	365888
2.1.	Саноатда	54941
2.2.	Уй-жой қуриш ва таъмирлаш соҳасида	43863
3.	Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	111871
4.	Касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш	216165
4.1.	Шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида	55357
5.	Фермер ва дехқон хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик)	122399
6.	Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш	72850
7.	Ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш	9605

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2011 йилда мамлакатимизда жами 956,2 мингта янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда. Уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, пудрат асосидаги қурилиш, шу жумладан, уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилади.

Шу билан бирга, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб номланган 2011 йилда аҳолини иш билан таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Инвестиция дастурини, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жихатдан қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш. Ушбу дастурлар ҳисобига 57,4 мингта янги иш ўринлари, шундан 25,1 мингта иш ўрни - тармоқларнинг хўжалик бошқаруви республика органлари таркибида кирувчи корхоналарда, 31,2 мингта иш ўрни - худудларнинг инвестиция ва ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Тармоқлар бўйича энг кўп янги иш ўринлари металлургия, енгил саноат, нефть ва газ, кимё, автомобиль саноатининг йирик корхоналарида ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида яратилади.

2. 365,8 мингта янги иш ўрни яратилишини таъминлайдиган кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш ва якка тартибдаги хусусий тадбиркорликни ривожлантириш. Кичик бизнесда яратиладиган янги иш ўринларининг сезиларли қисми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида (282 мингта), саноатда (54,9 мингта), пудрат-қурилиш ишларида, шу жумладан уй-жойларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш соҳасида (43,8 мингта) ташкил этилади;

3. Касаначиликни, энг аввало корхоналар билан кооперациялашув асосида меҳнат шартномалари бўйича касаначиликни, халқ ҳунармандчилигини, шунингдек оиласий тадбиркорликни ривожлантириш. Бунинг натижасида 216,1 минг нафар банд бўлмаган фуқарони, асосан кўп болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бошқа тоифаларини иш билан таъминлаш имконияти яратилади. Шундан 62,5 мингта иш ўрни енгил саноат, озиқ-овқат саноати, кимё саноати, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика мажмуи, шунингдек қурилиш, транспорт, алоқа ва иқтисодиёт бошқа тармоқларининг йирик ва кичик корхоналари билан кооперация асосида касаначиликни ташкил этиш ҳисобига яратилади.

“Уста-шогирд” усулида касаначиларни ўқитиш ва тайёrlашни ташкил этиш ҳамда уларни имтиёзли микрокредитлар ажратиш орқали қўллаб-қувватлаш йўли билан миллий ҳунармандчиликнинг анъанавий марказлари ҳисобланган туманлар ва шаҳарларда ташкил этиладиган касаначилик иш ўринлари сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилади. Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Кўқон, Марғилон шаҳарлари, шунингдек Шахрихон, Гиждувон, Чуст, Ургут, Риштон каби туманлар ана шундай анъанавий миллий ҳунармандчилик марказлари ҳисобланади.

4. Паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликка, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар этиширишга ихтисослашган фермер ва деҳқон хўжаликларини ташкил этиш ва кенгайтириш. Бунинг ҳисобига 122,4 мингта иш ўрни ташкил этилади. Ҳар бир фермер хўжалигида камида 200 та парранда этишириш, ҳар бир туманда камида 2 та ихтисослаштирилган паррандачилик хўжалиги, 5 та енгил конструкцияли иссиқхона ташкил этиш назарда тутилмоқда.

5. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини кенгайтириш. Бу автомобиль йўллари ва темир йўллар, электр, сув ва газ таъминоти объектлари қуриш ва таъмирлаш, телекоммуникация тармоқлари ва иншоотларини модернизация қилиш ва ривожлантириш ишларини бажариш ҳисобига 72,8 мингта янги иш ўрни ташкил этиш имконини беради.

6. Вақтинча фаолият кўрсатмаётган корхоналар фаолиятини, шу жумладан тижорат банклари балансига берилган банкрот корхоналарнинг фаолиятини тиклаш чоратадбирларини кўриш. Бу 9,6 мингта иш ўрни ташкил этиш имконини беради, шунингдек 11,2 мингта иш ўрни ташкил этиш имконини берадиган бозор инфратузилмаси объектларини ҳамма жойда ривожлантиришни таъминлайди.

Инвестиция дастурига, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашнинг тармоқ дастурларига, энг муҳим мақсадли дастурларга ва бошқа дастурларга мувофиқ янги иш ўринлари ташкил этишга доир ташкилий тадбирлар амалга оширилиши жараёнида капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 18833,3 млрд. сўмни ташкил этади, шу жумладан:

ижтимоий инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ишга тушириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш мақсадлари учун - бюджетдан 825 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар;

тармоқлар дастурларини амалга ошириш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун - корхоналар ва аҳолининг 8 993,7 млрд. сўм маблағлари;

инвестиция ва мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш учун жалб этиладиган хорижий инвесторларнинг - 4 751,5 млрд. сўм маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасининг 2 120,1 млрд. сўм маблағлари;

кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инқирозга қарши чоратадбирларларни амалга оширишни давом эттириш учун - тижорат банкларининг 2 134,9 млрд. сўм маблағлари;

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида, айниқса, меҳнат бозоридаги вазият мураккаб бўлган чекка қишлоқ туманлари ва минтақаларда касаначиликни, оиласи тадбиркорликни ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Бандликка қўмаклашиш жамғармасининг - 8,1 млрд. сўм маблағлари йўналтирилади.

Касаначиликни, аввало, меҳнат шартномалари бўйича корхоналар билан кооперация асосидаги касаначиликни, шунингдек, оиласи тадбиркорликни ривожлантириши бандликни таъминлашнинг муҳим йўналиши бўлиб қолади ва бу қарийб 220 минг кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Ислом Каримов

Худудлар бўйича 241,3 мингта иш ўрни аҳоли зич жойлашган Фарғона водийси вилоятларида, 107,9 мингтаси шимолий ҳудудлар (Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти)да, 82,1 мингтаси – Сирдарё ва Жиззах вилоятларида, 166,7 мингтаси – пойтахт ҳудудида (Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида), 92 мингдан ортиқроғи – Самарқанд вилоятида, 113,9 мингтаси – Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳамда 86,9 мингтаси Қашқадарё ва 64,6 мингтаси Сурхондарё вилоятида ташкил этилади. Бунда меҳнат бозоридаги вазият оғир бўлган 30 туман (шаҳар)ларда яратилаётган иш ўринлари сонининг анча ўсиши кўзда тутилган.

2011 йилда ҳам аҳолини турли шаклдаги касаначилик ишларига жалб этиш, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, оилавий тадбиркорликни рафбатлантириш – буларнинг барчаси бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари бўлиб қолади.

Касаначи – иш берувчилар билан тузилган меҳнат шартномаси асосида ўз меҳнат вазифаларини уйларида бажарувчи ходимлар тоифаси.

Касаначилик – ҳунармандларнинг меҳнат шартномалари асосида ёлланиб ўз уйда ишлаши, яшаш жойида ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш.

Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш чора-тадбирлари қўйидаги 7.1.1-расмда келтирилган.



7.1.1-rasm.

Хозирги пайтда маҳаллий ҳокимият органлари томонидан ижтимоий тадбирларни ташкил этиш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни изчил амалга ошириб юзасидан зарур чора-табдирлар кўрилмоқда. Юқори малака талаб этмайдиган, турли ёрдамчи юмушларни бажариш билан боғлиқ қўйидаги жамоат ишларини ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда:

- автомобиль йўллари қуриш, уларни таъмирлаш, эксплуатация қилиш, ичимлик сув, газ, оқова сув қувурлари ва бошқа коммуникациялар ўтказиш билан боғлиқ ишлар;
- қишлоқ хўжалигида мелиоратив (сугориш) ишларини бажариш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғишириб олиш, қайта ишлаш ва сақлаш билан боғлиқ ишлар;
- турар жойлар ҳамда ижтимоий обьектлар қуриш, уй-жой фондини таъмирлаш;
- йўловчи транспорти ва алоқа корхоналарида аҳолига хизмат кўрсатиш;
- коммунал хўжалигини эксплуатация қилиш;
- аҳолига майший хизмат кўрсатиш;

- худудларни кўкаламламзорлаштириш ва ободонлаштириш;
- қариялар, ногиронлар ва беморларни парваришиш;
- ёзги таътил даврида болаларни соғломлаштириш ва дам олишини ташкил этишга кўмаклашиш;
- санаторий ва курорт зоналарида аҳолига турли хизматлар кўрсатиш;
- иккиламчи хом ашё ҳамда чиқитларни тўплаш ва қайта ишлаш.

Аҳоли таркибидан маълумки, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар ичида битирувчи ёшлар юқори улушга эга. Таълимни ривожлантириш ислоҳотлари ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши натижасида республикамизда ёшларнинг касб-хунар коллежларига бўлган қизиқишилари тобора ортиб бормоқда. Шунга мос равишида коллежлар битирувчилар сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда (7.1.3 -жадвал).

7.1.3-жадвал

Касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳолати, минг кииши

Худудлар	Битирувчилар сони			Ишга жойлашганлар сони		
	2008 й	2009 й	2010 й	2008 й	2009 й	2010 й
Ўзбекистон	238,4	332,3	400,9	227,9	268,2	326,8
Қорақалпоғистон	19,3	28,6	30,7	18,1	24,9	27,4
вилоятлар:						
Андижон	23,3	29,1	33,5	22,2	24,3	26,9
Бухоро	11,3	16,8	21,1	11,2	13,3	17,2
Жиззах	8,9	12,5	15,1	8,7	12,0	13,0
Қашқадарё	18,8	28,4	30,9	18,5	22,8	25,5
Навоий	7,9	11,1	13,9	7,6	10,0	11,9
Наманган	18,2	25,7	33,6	17,5	23,8	27,2
Самарқанд	24,2	34,4	43,8	23,2	31,5	35,1
Сурхондарё	16,7	22,9	27,5	15,5	13,2	21,1
Сирдарё	6,4	9,4	12,2	5,9	8,3	10,4
Тошкент	16,0	22,6	31,2	15,3	18,1	25,9
Фарғона	23,7	34,2	42,2	21,6	27,6	34,2
Хоразм	16,2	22,0	24,4	15,1	15,8	18,0
Тошкент ш.	27,3	34,4	40,9	26,9	22,3	33,0

Жадвалдан кўриниб турганидек, 2008 йилда касб-хунар коллежларини 238,4 минг нафар ёшлар битириб чиқкан бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 1,7 мартаға ошган ва 400,9 мингтани ташкил этган. Шу ўринда айтиш керакки, касб-хунар коллежини битирувчилари сони ошиши билан бир қаторда улардан ишга жойлашганлар улуши ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилда битирувчиларнинг 95,6 фоиз, 2009 йилда 80,7 фоиз қисми ишга жойлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 81,5 фоизга тенг бўлган.

Касб-хунар коллежлари фаолиятидаги энг заиф бўғин ҳисобланган ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида куйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

2011 йилда касб-хунар коллежларини тамомлайдиган 450 мингдан ортиқ ўқувчини ишга жойлаштириши масаласи эътиборимиз марказида бўлиши даркор.

Ислом Каримов

1) 9-синф битирувчилари касб-хунар таълими билан тўлақонли қамраб олинишини назарда тутган ҳолда, уларни ўқишига қабул қилишни тегишли равишида тартибга солиш.

2) Ўқитувчилар таркибини тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиш.

3) Касб-хунар коллежларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш.

Шу билан бирга, бугунги кунда касб-хунар колледжларини тамомлаб чиқаётган битириувчиларни ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида корхоналарда квота иш ўринларини шакллантирилмоқда; меҳнат органлари касб-хунар колледжлари билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бормоқда; касб-хунар колледжлари битириувчиларини ишга жойлаштириш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланишга қаратилган худудий дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг битириувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш юзасидан аниқ мақсадли режаларни тайёрламоқда ва уларни амалга оширмоқдалар.

Республикада касб-хунар колледжларининг иш берувчилар билан маркетинг ёндашувлари асосида ўзаро алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда (7.1.2-расм).

... муайян корхона ва иши берувчиларни турдоши колледжларга бириктириши тажрибасини, доимий амал қиласидаган “корхона-колледж” ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйшии борасидаги ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши лозим.

Ислом Каримов

Касб-хунар колледжлари ва иш берувчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги элементлари

- Корхоналар учун шартнома асосида кадрлар тайёрлаш
- Ўрта маҳсус таълим муассасалари мутахассисларининг корхоналар учун консалтинг хизматлари (мутахассисларга эҳтиёж ва улар самарали тайёрланиши тўғрисида маълумотлар банкини яратиш)
- Таълим муассасаларининг таълим хизматлари ярмаркаларида иштирок этиши
- Битириувчиларга иш топиш учун иш берувчиларни таклиф этган ҳолда семинарлар ташкил этиш
- Иш берувчилар мутахассисларини ўқув жараёнида иштирок этишга таклиф қилиш
- Иш берувчилар корхоналарида ўқувчи ёшлар амалий машғулотларини ташкил этиш
- Ҳамкорлик фаолиятини Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан мувофиқлаштириш

7.1.2-расм.

Шундай қилиб, бандликнинг ноанъанавий шакллари – касаначилик, уй меҳнати, оиласиб бизнес, хизмат кўрсатиши ва қорамолчилик каби фаолият турлари билан шуғулланиш ҳамда ўз-ўзини иш билан таъминлашни рағбатлантириш Ўзбекистонда мавжуд меҳнат салоҳиятидан фойдаланишнинг асосий йўлларидан биридир.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

**2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий
ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг
муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва
дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз
фаровонлигини оширишга хизмат қиласи” мавзусидаги
маъruzасини ўрганиш бўйича**

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Мамлакат иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар асосан:

- а) Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбирокорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинмоқда;
- б) Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини инқизордан ҳимоя қилиш, йирик корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун жалб қилинмоқда;
- с) Экспортга йўналтирилган корхоналар имкониятини кучайтириш учун жалб қилинмоқда;
- д) Импортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг салоҳиятини ошириш учун жалб қилинмоқда.

2. Инқизорга қарши чоралар дастуридан қўзланган асосий мақсад:

- а) Ўзбекистонни инқизордан олиб чиқиш;
- б) Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни кенгайтириш;
- с) Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;
- д) Молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш.

3. 2010 йилда 2009 йилга нисбатан иқтисодиётига инвестициялар киритиш ҳажми неча фоизга ўсган?

- а) 20,5 фоизга;
- б) 15,7 фоизга;
- с) 24,8 фоизга;
- д) 9,2 фоизга.

4. 2010 йилда иқтисодиётига инвестициялар киритиш ҳажми 15409,1 миллиард сўмни, яъни 2009 йилга нисбатан 109,2 фозни ташкил этган бўлса, 2009 йилда иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажмини аниқланг?

- а) 12531,9 миллиард сўм
- б) 15409,1 миллиард сўм
- с) 14513 миллиард сўм
- д) 5,5 миллиард доллар

5. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги инвестиция дастурида барча манбалар ҳисобидан иқтисодиётига 20634,9 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда. Мазкур маблағ манбаларида давлат бюджетининг улуши 4,6 фозни ташкил этмоқда. Берилган рақамлардан фойдаланиб 2011 йилда давлат бюджети ҳисобидан ажратиладиган инвестициялар ҳажмини қиймат қўринишида ҳисобланг.

- а) Қарийб 950 миллиард сўм
- б) 5409,1 миллиард сўм
- с) 2584,8 миллиард сўм
- д) 105 миллиард сўм

6. Инвестиция муҳитига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллардан нотўғри кўрсатилган жавобни белгиланг.

- а) Сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик
- б) Ишлаб чиқариш учун зарур инфратузилмаларнинг мавжудлиги
- с) Малакали ишчи кучи ва хом ашё базаси ва ундан фойдаланиш имкониятларнинг яратилгани
- д) Инвестицион лойиҳанинг белгиланган тартибда тасдиқланган техник иқтисодий асосининг мавжудлиги

7. Давлат инвестиция дастурига инвестицион лойиҳани киритиш тартиби қайси ҳукуқий хужжат асосида оширилади?

- а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон Қарори билан

b) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони билан

c) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-927-сон Қарори билан

d) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442 Қарори билан

8. Давлат инвестиция дастурига лойиҳани киритишга қўйилган талаблар қайси жавобда тўғри келтирилган?

a) Инвестицион лойиҳанинг белгиланган тартибда тасдиқланган техник иқтисодий асосининг мавжудлиги

b) Молиялаштириш манбаларининг аниқлиги ва шартномада келишилган муддатда кредитларнинг тўланиши

c) Лойиҳа ташаббускори томонидан лойиҳа паспорти, амалга оширилиши графиги ва лойиҳа ҳолати хақида батафсил маълумотнинг мавжудлиги

d) Барча жавоблар тўғри

9. Хорижий кредит линиялари орқали лойиҳаларни молиялаштиришнинг асосий шартлари ва талаб этиладиган ҳужжатлари тўғри кўрсатилмаган жавобни аниқланг.

a) 120-125 фоиз гаров таъминотининг мавжудлиги

b) Ажратилган кредит маблағларини қайтариш муддатлари 5-6 йил

c) Лойиҳа ташаббускорларининг шахсий маблағлари лойиҳанинг умумий қийматида 50-55 фоизни ташкил этиши

d) Бизнес-режа ёки лойаҳанинг техник-иктисодий асосларининг мавжудлиги

10. “Ўзинфоинвест” агентлиги қайси йўналишлар бўйича хорижий инвестицияларни жалб этмайди?

a) Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

b) Корхоналарнинг акциялар пакетини

c) Ким ошди савдоларига мулкий мажмуа сифатида қўйилган корхоналарни

d) Давлат кафолати асосидаги хорижий инвестицияларни

11. 2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича давлат дастурига нечта лойиҳа киритилди ҳамда уларнинг қиймати қанчани ташкил этади?

a) 300 та лойиҳа, қиймати 50 миллиард долларга тенг

b) 327 та лойиҳа, қиймати 42,5 миллиард долларга тенг

c) 42 та лойиҳа, қиймати 52,5 миллиард долларга тенг

d) 500 та лойиҳа, қиймати 60 миллиард долларга тенг

12. Инвестиция муҳитига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар қайсила?

a) Инвесторлар учун солиқ, божхона имтиёзларнинг берилганлиги

b) Тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятини назорат қилишининг қисқарганлиги

c) Худудларда инвесторлар учун қулай инвестицион муҳитнинг яратилганлиги

d) Тўғри жавоб келтирилмаган

13. 2011 йилда иқтисодиётга киритиладиган инвестициялар ҳажмининг неча фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда?

a) 28,3 фоизга

b) 24,8 фоизга

c) 9,2 фоизга

d) 12,1 фоизга

14. 2010 йилда умумий инвестициялар ҳажмида корхоналар ва ахоли маблағлари неча фоизни ташкил қилди?

a) 32,4 фоизни

b) 47,3 фоизни

c) 49 фоизни

d) 28,8 фоизни

15. 2010 йилда амалдаги баҳоларда мамлакат иқтисодиётига 15409,1 миллиард сўмлик инвестиция жалб этилди. Шунда марказлашган инвестициялар жорий баҳоларда 2855,3 миллиард сўмдан иборат бўлган. Берилган статистик маълумотлардан фойдаланиб, марказлашган инвестициялар умумий инвестициялар ҳажмининг неча фоизини ташкил қилганлигини аниқланг.

a) 28 фоизни

b) 18,5 фоизни

c) 15 фоизни

d) 81,5 фоизни

16. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун мавжуд хорижий кредит линиялари нотўғри келтирилган жавобни қўрсатинг.

a) Ислом тараққиёти банкининг глобал молиялаштириш линияси

b) Хитой Таракқиёт банки кредит линияси

c) Корея хукумати кредит линияси

d) Ўзбекистон “ТИФ Миллий банки” кредит линияси

17. Инвесторлар деганда кимлар назарда тутилади?

a) Хусусий ва қарзга олинган мулкий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳақида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари

b) Инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи шахслар

c) Табиий, минерал-хом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланишини йўлга кўйган тадбиркорлар

d) Кредит олиш йўли билан ўз фаолиятини йўлга кўйган ҳамда таваккалчиллик асосида маблағини сарфлаётган субъектлар

18. Хорижий инвестициялар қайси манбалар ҳисобидан амалга оширилади?

a) Инвесторларнинг ўз молиявий ресурсларидан (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва х.к.)

b) Қарз олинган молиявий маблағлардан (облигация заёmlари, банк кредитлари);

c) Жалб қилинган молиявий маблағлардан (акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай, аъзолик бадаллари ва бошқа тўловлари)

d) чет элликлар маблағларидан

19. Мамлакатимизда инвестицияларни жалб этишда қайси манбалардан кўпроқ фойдаланишга устуворлик қаратилмоқда?

a) Корхоналар маблағларига

b) Давлат бюджетига

c) Бюджетдан ташқари маблағларга

d) Банк кредитларига

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарорига мувофиқ нечта инвестицион лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган ҳамда уларнинг молиявий қийматини қанчани ташкил этади?

a) 519 та лойиҳа, қиймати 47 499,7 млн. АҚШ долларига тенг

b) 327 та лойиҳа, қиймати 42,5 миллиард долларга тенг

c) 42 та лойиҳа, қиймати 52,5 миллиард долларга тенг

d) 500 та лойиҳа, қиймати 60 миллиард долларга тенг

21. Инвестицияларни жалб қилишдаги асосий муаммолар нималардан иборат?

a) Инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда кредит учун гаров предметининг етарли бўлмаслиги, кредит таъминотини расмийлаштириш жараёнларининг мураккаблиги

b) Инвестицион лойиҳа бўйича маркетинг тадқиқотларининг чўқур олиб борилмаслиги ва бу лойиҳанинг келгусидаги пул оқимлари ҳаракатининг барқарорлигига ҳамда кредитни қайтариш манбасининг ишончлилигига салбий таъсир этиши

c) Тижорат банкларининг кредит-молия муассасаларига хос бўлмаган вазифаларни бажариши

d) Барча жавоблар тўғри

22. Мамлакат миқёсидаги инвестиция фаолиятини самарали амалга ошириш мақсадида:

a) Инвестиция дастури ишлаб чиқилади

b) Тармоқ дастури ишлаб чиқилади

c) Модернизация ва диверсификация дастури ишлаб чиқилади

d) Маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилади

23. Инвестиция дастури ўз ичига нималарни қамраб олади?

a) Муайян даврда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, уларнинг бажарилиш босқичлари ва сарфланиши кўзда тутилган маблағлар қийматини

b) Лойиҳалар сони ва уларнинг манбаларини

c) Фақат лойиҳалар сонини

d) Фақат лойиҳанинг манбаларини

24. Умумий инвестициялар ҳажмида давлат бюджети маблағлари улушининг камайиб бораётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

a) Инвестицияларни жалб этишда корхоналар ва чет эл маблағлари улушининг кескин ошаётганлиги ва уларга устуворлик қаратилаётганлиги билан

b) Ижтимоий тўловларга ажратилаётган маблағларнинг ошаётганлиги билан

c) Глобал молиявий-иктисодий инқизознинг ҳукм сураётганлиги билан

d) Давлат бюджети танқислиги билан

25. 2010 йилда ЯИМда инвестициялар улуши қанчани ташкил этган?

a) 56 фоизни

b) 45 фоизни

c) 24,9 фоизни

d) 15 фоизни

26. Бир давлатдан бошқа давлатга даромад олиш учун йуналтирилган хар қандай шаклдаги мулк нима деб аталади ?

a) шахсий мулк

b) хорижий инвестиция

c) хусусий мулк

d) аралаш мулк

27. Хорижий инвестиция шартномаси қайси муассаса орқали тузилади ?

a) Инвестициялар ва савдо вазирлиги

b) Савдо ва саноат палатаси

c) Ички ва ташқи ишлар вазирлиги

d) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали

28. Молиявий инвестициялар таркибига қайсилар киради?

a) сертификатлар, акциялар, облигациялар

b) асосий ишлаб чиқариш фондларининг актив ва пассив қисмлари ҳамда ақлий меҳнатга оид шаклдаги инвестициялар

c) акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар

d) а ва с жавоблар тўғри

29. Инвестиция фаолиятини амалга оширишни муҳим шартларидан бири?

a) Фоиз ҳисобида қисқа муддатга маблағ беришdir

b) Техника ва технологияни ижарага беришdir

c) Қарзга капитал беришdir

d) Муомалада бўлган пул бирлигини қадрсизланишини олдини олишdir

30. Мақсадига кўра, хорижий инвестициялар қандай инвестицияларга бўлинади?

- a) билвосита
- b) бевосита ва портфель
- c) тўғридан тўғри
- d) молиявий

31. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида Ҳукумат қарорлари билан қандай имтиёзлар жорий этилган ?

- a) мулк солиги, фойда солиги, ижтимоий сугурта фондига тўлов ва божхона тўловлари;
- b)** божхона тўловлари (божхона йиғимидан ташқари), фойда солиги, ягона солиқ тўлови ва мулк солиги;
- с) божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари), фойда солиги, ягона солиқ тўлови ва мулк солиги (солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини кўлладиган субъектлар учун);
- d) божхона тўловлари, фойда солиги, даромад солиги.

32. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича 2011 йилда жойларда ҳокимлар олдидаги асосий устивор вазифалар нималардан иборат?

- a) Ҳудудларда маҳаллий ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, маҳаллий хомашёдан тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини рағбатлантирувчи чоралар кўриш;
- b) Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва шу орқали янги иш жойларни яратишни кенгайтириш;
- с) Ҳалқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида фаол иштирок этиш ҳамда улар имкониятларидан ҳудудда тўла-тўқис фойдаланиш.
- d) Ҳудудларда ишлаб чиқариш ва маҳсулот сотиши кенгайтириш.

33. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури ким томонидан тасдиқланади?

- a) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан;
- b) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;
- с) Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси тақдимоти билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан.
- d) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги тақдимоти билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан.

34. Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳасига қандай турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш лойиҳалари киритилмайди?

- a) Бозорда яхши рақобат муҳити яратилган маҳсулот лойиҳаси ёки маҳаллий бозорлар ушбу маҳсулот турлари билан тўйинган бўлса;
- b) Бозорда лойиҳада кўзда тутилган маҳсулот тури бўйича аввал қабул қилинган маҳаллийлаштириш дастурларида ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлса;
- с) Лойиҳада ишлаб чиқарилиши кўзда тутилаётган маҳсулот тури чет элдан импорт бўйича олиб келинаётган бўлса.
- d) Бозорда яхши рақобат муҳити яратилган ҳамда маҳсулот баҳоси импорт бўйича юкори бўлган;

35. 2011 йилда маҳаллийлаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қанчага ошириш кўзда тутилган ?

- a) 1,3 марта;
- b) 1,4 марта;
- c) 1,7 марта;
- d) 1,1 марта;

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 декабрдаги ПҚ-1236 рақамли “Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чукурлаштиришга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан қайси ташкилот таркибига ўзгартириш киритилган ?

a) “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазма компанияси хузуридаги Ҳалқаро саноат ярмаркаси таркибига;

b) Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги таркибига;

c) Ҳалқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси таркибий тузилишига.

d) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари таркибига;

37. Ҳалқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси неча босқичда ўтказилиши белгиланган ?

a) 3 босқичда;

b) 2 босқичда;

c) 4 босқичда;

d) 1 босқичда;

38. Ҳалқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган шартномалар бажарилиши мониторинги қайси ташкилотлар томонидан амалга оширилади ?

a) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари томонидан;

b) Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа идоралар томонидан;

c) Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси ва бошқа идоралар томонидан;

d) Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа идоралар томонидан;

39. 2010 йилда худудлар кесимида маҳаллийлаштириш дастури бўйича амалда нисбатан энг кам маҳсулот ҳажми қайси вилоятлар улушига тўғри келади ?

a) Навои, Сирдарё, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари;

b) Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари;

c) Қорақолпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти;

d) Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти;

40. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилаётган лойиха бўйича ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг маҳаллийлаштириш даражаси энг ками (қўйи чегараси) неча фоизни ташкил қиласи ?

a) 30 %;

b) 35 %;

c) 50 %;

d) 45 %;

41. Маҳаллийлаштириш дастурига корхоналарнинг битта турдаги маҳсулотини киритиш муддати қайси қаторда тўғри кўрсатилган ?

a) 1 марта 3 йилдан кўп бўлмаган муддатга;

b) 1 йил муддатга;

c) 1 марта 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга;

d) 1 марта 4 йилдан кўп бўлмаган муддатга.

42. Маҳаллийлаштириш дастурига корхоналарнинг битта турдаги маҳсулотини киритиш муддатини қандай холатларда узайтирилиши мумкин ?

a) Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхона лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичлари бажарилмаган бўлса;

b) Босқичма-босқич маҳаллийлаштириш дастурини чукурлашиши импорт улуши камайиши ҳамда янги турдаги маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотни оммавий ишлаб чиқаришга ўтганда;

c) Маҳаллийлаштириш дастурига кирган корхона маҳсулотига эҳтиёж ошса ҳамда прогноз қилинган ҳажми миқдори камайиб борса.

d) Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхона лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичлари бажарилган бўлса;

43. Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш қайси ташкилотларнинг хulosалари асосида амалга оширилади?

a) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги;

b) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси;

c) Ўзбекистон Республикаси Президент Девони, Вазирлар Маҳкамаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги;

d) Ўзбекистон Республикаси Президент Девони, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги.

44. Маҳаллийлаштириш дастурини тузиш ва амалга ошириш ишларини ким ёки қайси ташкилот мувофиқлаштиради?

a) Вазирлар Маҳкамасининг Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишни таъминлаш бўйича департаменти;

b) Иқтисодиёт вазирлигининг Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишни таъминлаш бўйича бошқармаси;

c) Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишни таъминлаш бўйича маҳсус идоралараро комиссия;

d) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги.

45. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастурига лойиҳаларни киритиш қайси қарорга асосан амалга оширилади ?

a) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 23 мартағи ПҚ-1306-сонли қарорида белгиланган тартибга асосан;

b) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 июлдаги 154-сонли қарорида белгиланган тартибга асосан;

c) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 2 апрелдаги 94-сонли қарорида белгиланган тартибга асосан;

d) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги ПҚ-1050-сонли қарорида белгиланган тартибга асосан;

46. Ўзбекистон Республикасида 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш дастури қайси орган томонидан тасдиқланган?

a) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан

b) Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан

c) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан

d) Ўзбекистон Республикаси Президенти девони томонидан

47. 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш дастуридаги иш ўринларининг энг катта қисмини таъминлайдиган йўналишлар қайси жавобда тўғри келтирилган?

a) Кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш ва якка тадбиркорликни ривожлантириш

b) Янги иирик обьектларни ишга тушириш ва мавжудларини кенгайтириш

c) Бозор инфратузилмасини ривожлантириш

d) Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш

48. Янги иш жойларига бўлган эҳтиёжнинг катта қисмини ишсизларнинг қайси тоифаси ташкил этади?

- a)Биринчи марта меҳнат бозорига кириб келадиган ёшлар
- b)Иш жойлари қисқариши натижасида бўшаб чиқадиганлар
- c) Узоқ муддатли таътилдан сўнг иш изловчилар
- d)Хорижда ишлаб қайтганлар

49. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг «қуий ва юқори» чегараси қандай белгиланган?

- a)Эркаклар-16-59 ёш, аёллар – 16-54 ёш
- b)Эркаклар – 18 – 60 ёш, аёллар – 18 – 55 ёш
- c)Эркаклар –16-65 ёш, аёллар – 16-60 ёш
- d)Эркаклар ва аёллар – 16-60 ёш

50. Иқтисодий фаол аҳоли таркиби қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

- a)Иш билан бандлар ва ишсиз сифатида рўйхатдан ўтганлар
- b)Меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатга лаёқатли ёшдагилари
- c)Иш билан банд бўлганлар ва ишсизлар, иш қидираётганлар
- d)Меҳнатга лаёқатли бўлмаганлар

51. Умумий асосларда фуқаролар неча ёшдан меҳнат шартномаси тузган ҳолда касаначилик меҳнатига жалб этилиши мумкин ?

- a)16 ёшдан
- b)14 ёшдан
- c)18 ёшдан
- d)21 ёшдан

52. Меҳнат шартномаси асосида касаначиликни ташкил этганда, корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун техник фойдаланишга берилган асбобускуна, жихозлар ва инвентарлар мулк солигидан қайси даврга озод этилади?

- a)Фойдаланиш даврига
- b)3 йилга
- c)4 йилга
- d)10 йилга

53. Янги иш ўринлари ташкил этишининг молиявий манбаси қайси жавобда тўғри келтирилмаган?

- a)Ишловчи ходимларнинг иш хақлари ва улардан ажратмалар
- b)Тижорат банклари кредитлари
- c)Хорижий инвестициялар
- d)Давлат бюджети маблағлағлари

54. Таълим муассасалари битирувчиларини ишга олганда кичик бизнес корхоналарига қандай имтиёз берилган?

- a)Ишловчиларнинг юқори чекланган сони 20% ошганда ҳам имтиёзларнинг сақлаб қолиниши
- b)Ишловчиларнинг юқори чекланган сони 30% ошганда ҳам имтиёзларнинг сақлаб қолиниши
- c)Фойда солигидан озод этилган
- d)Пенсия жамғармасига ажратмалар қилинмайди

55. Меҳнат бозорида ишсизларни давлат томонидан ҳимоялаш чораларидан бири қайси жавобда келтирилган?

- a)Касбга қайта тайёрлаш, ўқитиш ва ишга жойлаштириш
- b)Кам таъминланганлик нафақасини тўлаш
- c)Пенсия тайинлаш
- d)Мажбурий тартибда ишга жойлаштириш

56. Янги иш ўринлари ташкил этиш асосий йўналишларидан бири сифатида ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларида қўйидагилардан қайси бири назарда тутилмаган?

- a)Шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларини ривожлантириш
- b)Йўллар қурилиши
- c)Йўл атрофида хизмат кўрсатиш объектлари ташкил этиш
- d)Коммуникация тармоқларини ривожлантириш

57. Қайси жавобда уй меҳнатини ривожлантиришнинг йўналиши нотўғри келтирилган?

- a)Савдо ва хизмат кўрсатиш
- b)Меҳнат шартномалари асосида касаначилик
- c)Пудрат шартномалари асосида уй меҳнати
- d)Миллий ҳунармандчилик ва оиласий тадбиркорлик

58. Қайси тоифадаги фуқаролар учун ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ташкил этилади?

- a)Ишсиз деб эътироф этилганлар учун
- b)Ободонлаштириш ишларида банд бўлганлар учун
- c)Мавсумий ишларда банд бўлганлар учун
- d)Вақтинча иш билан таъминланмаганлар учун

59. Ногиронлар ва ахолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож тоифалари учун иш ўринларини заҳира қилиш кимнинг қарори билан амалга оширилади?

- a)Шаҳар ва тумани ҳокимликларининг
- b)Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофaza қилиш вазирлигининг
- c)Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
- d)Фуқаролик судлари

60. 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш дастури назорати ва мониторингини амалга оширишда қўйидагилардан қайси бири бевосита масъул бўлмасада, иштирок этади?

- a)Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси
- b)Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофaza қилиш вазирлиги
- c)Ҳокимликлар
- d)Тижорат банклари

61. 2011 йилда транспорт ва коммуникация қурилишига Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Кувайт араб иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан қанча миқдордаги маблағ ажратилиши кўзда тутилган?

- a) 152 миллион доллардан ортиқ
- b) 180 миллион доллардан ортиқ
- c) 228 миллион доллардан ортиқ
- d) 256 миллион доллардан ортиқ

62. 2011 йилда “Қамчиқ” довони орқали ташиладиган юк ҳажмини қанча миқдорга етказиш кўзда тутилган?

- a) камида 13 миллион тоннага
- b) камида 6 миллион тоннага
- c) камида 12 миллион тоннага
- d) камида 5 миллион тоннага

63. Ўзбекистон-Уммон қўшма инвестиция компанияси иштирокида тўқимачилик, телекоммуникация тармоқлари ва молия секторида қанча миқдордаги ва нечта лойиҳани молиялаштириш ишлари бошланди?

- a) 120 миллион долларлик 7 та инвестиция лойиҳаси
- b) 60 миллион долларлик 4 та инвестиция лойиҳаси
- c) 150 миллион долларлик 9 та инвестиция лойиҳаси
- d) 80 миллион долларлик 3 та инвестиция лойиҳаси

64. Мамлакатимизда рақамли ва кенг форматли телевидениега ўтиш бўйича ишлар қайси йилда якунланиши режалаштирилган?

a) рақамли ва кенг форматли телевидениега ўтиш бўйича ишлар 2015 йилда ниҳоясига етказилади

b) 2011 йилда тўлиқ рақамли телевиденияга ўтилади

c) Дастурни амалга ошириш бошланди бу жараён 2012 йилда ниҳоясига етказилади

d) рақамли ва кенг форматли телевидениега ўтиш бўйича ишлар 2011 йилда тўлиқ ниҳоясига етказилади

65. 2011 йилда замонавий кенг форматли ва оптик технологияларни жорий этиш бўйича қандай ишлар режалаштирилмоқда?

a) 950 километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш

b) Алоқа тармоқларини бутунлай янгилаш

c) 1580 километрдан ортиқ оптик толали алоқа тармоғини фойдаланишга топшириш

d) Оптик технологиялардан фойдаланувчи корхоналарни солиқлардан озод этиш

66. 2011 йилда халқаро талаб ва стандартларга жавоб берадиган неча километрлик автомобиль йўлларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда?

a) 505 километрлик

b) 302 километрлик

c) 409 километрлик

d) 302 километрлик

67. 2011 йилда қайси йўналишлар бўйича электрлаштирилган икки йўлли темирйўл тармоқлари қурилиши ниҳоясига етказилиши режалаштирилган?

a) “Жиззах – Янгиер” ва “Янгиер – Фарҳод” йўналиши бўйича

b) “Тошкент – Янгиер” ва “Янгиер – Тошкент” йўналиши бўйича

c) “Жиззах – Самарқанд” ва “Янгиер – Самарқанд” йўналиши бўйича

d) “Янгийўл – Янгиер” ва “Янгиер – Янгийўл” йўналиши бўйича

68. Ўзбекистон худудидаги қайси темир йўл участкасида Ўрта Осиёда биринчи бор бунёд этиладиган тезюарар темир йўл магистралини қуриш ва фойдаланишга топшириш ишларининг белгиланган муддатларда якунланишини таъминлаш даркор ?

a) Андижон – Самарқанд темир йўл участкасида

b) Қарши – Бухоро темир йўл участкасида

c) Тошкент – Навоий темир йўл участкасида

d) Тошкент – Самарқанд темир йўл участкасида

69. Ўзбекистон худудида юкларнинг ички ва халқаро транзитини ишончли равишда таъминлайдиган қайси тизимларини такомиллаштиришга қаратилган изчил ишларни 2011 йилда давом эттиришимиз лозим ?

a) ахборот ва логистика тизимларини

b) транспорт ва рақамли телевидение

c) транспорт ва логистика тизимларини

d) суд-хукуқ тизимларини

70. 2011 йилда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси қайси хорижий авиакомпанияси билан ҳамкорликда ҳаво қатновлари географиясини янада кенгайтириш, аэропорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва ҳажми тобора ортиб бораётган юкларни ташиш учун самолётлар сонини қўпайтириш ишларини давом эттириши мақсадга мувофиқ?

a) “Кореан Эйр” компанияси билан

b) “Трансаэро” компанияси билан

c) “Люфтганза” компанияси билан

d) “Туркиш Эйрлайнс” компанияси билан

71. 2010 йилда мамлакатимизда неча километрлик замонавий автомобиль йўли фойдаланишга топширилди?

a) 290 километрлик

- b) 210 километрлик
- c) 350 километрлик
- d) 270 километрлик

72. 2010 йилда Ўзбекистон миллий автомагистрали лойиҳаси таркибига кирадиган цемент-бетон қопламали автомобил йўлини қуриш ва реконструкция қилиш учун қайси банк билан ҳамкорлик йўлга қўйилди?

- a) Осиё тараққиёт банки
- b) Жаҳон банки
- c) Европа тикланиш ва тараққиёт банки
- d) ABN AMRO.

73. 2010 йилда мамлакатимизда темир йўл транспортини ривожлантириш мақсадида қанча замонавий электровоз сотиб олинди?

- a) 8 та
- b) 14 та
- c) 11 та
- d) 7 та

74. 2010 йилда автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш учун қанча миқдордаги маблағ ўзлаштирилди?

- a) 369 миллион доллар
- b) 394,3 миллион доллар
- c) 380 миллион доллар
- d) 378 миллион доллар

75. 2010 йилда Ангрен шаҳридаги Халқаро логистика маркази томонидан қанча миқдордаги юқ ташиш амалга оширилди?

- a) 4 миллион тоннадан кам
- b) 4,4 миллион тоннадан ортиқ
- c) 5 миллион тонна
- d) 4 миллион тоннадан ортиқ

76. 2010 йилда қанча миқдордаги вагонлар қурилди, таъмирланди ва модернизация қилинди?

- a) 2 минг 101 та юқ ташийдиган ва 120 та йўловчи ташийдиган вагонлар
- b) 1 минг 790 та юқ ташийдиган ва 38 та йўловчи ташийдиган вагонлар
- c) 4 минг 210 та юқ ташийдиган ва 79 та йўловчи ташийдиган вагонлар
- d) 3 минг 645 та юқ ташийдиган ва 557 та йўловчи ташийдиган вагонлар

77. 2010 йилда мамлакатимизда ҳаво транспортини ривожлантириш мақсадида қанча замонавий самолёт сотиб олинди?

- a) 6 та;
- b) 14 та;
- c) 10 та;
- d) 7 та.

78. 2010 йилда “Навоий” халқаро интермодал логистика марказининг юқ терминали орқали қанча миқдорда юқ ташилди?

- a) 40,1 минг тонна дан зиёд;
- b) 50,1 минг тонна;
- c) 52,1 минг тонна яқин;
- d) 50 минг тонна.

79. 2010 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида транспортнинг улуши неча фоизни ташкил этди?

- a) 7,7 фоиз
- b) 12,4 фоиз
- c) 7,6 фоиз
- d) 12,7 фоиз

80. 2010 йилда интернет хизмати тарифлари неча фоизга пасайтирилди?

- a) 18 фоизга
- b) 19 фоизга
- c) 20 фоизга
- d) 21 фоизга

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

**2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий
ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг
муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва
дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз
фаровонлигини оширишга хизмат қиласи” мавзусидаги
маъruzасини ўрганиш бўйича**

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Бугунги кунда Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида қуидаги қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?
2. Аҳолининг иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандлигида қандай ўзгаришлар юз бермоқда?
3. Республикада янги иш ўринларини яратишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?
4. Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан банд бўлмаган аҳолига қандай хизматлар қўрсатилмоқда?
5. Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашнинг қандай янгича ва ноанъанавий кўринишлари жорий этилмоқда?
6. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида алоқанинг улуши неча фоизга тенг бўлди?
7. Мамалакатимизда транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар ва уларни аҳамиятини тушунтириб беринг.
8. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иктисодий ривожланишида транспорт хизматларининг аҳамияти қандай?
9. Мамалакатимизда замонавий транспорт коммуникация тизимини яратишдан асосий кўзланагн мақсад нима?
10. 2010 йилда Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл атрофи инфратузилмасини шакллантириш бўйича нечта обьект қурилиши якунланди?
11. Халқаро логистик марказларнинг фаолияти ва аҳамиятини тушунтириб беринг.
12. Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга татбиқ этишнинг жорий ҳолати қандай?
13. Республикамида Интернет тармоғидан фойдаланувчиларнинг умумий сони нечта?
14. Электрон имзо, электрон калит ва электрон ҳужжатлар ҳақида тушунча беринг.
15. 2010 йилда ахборот-коммуникация технологияларини давлат бошқарув тизимиға жорий этилиши борасида қандай натижаларга эришилди?
16. Иқтисодиётнинг таркибий тузилиши деганда нимани тушунасиз ва унинг қандай кўринишлари мавжуд?
17. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
18. Ўзбекистонда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар сиёсатининг стратегик вазифаларини тушунтириб беринг.
19. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсатининг устувор вазифалари нималардан иборат?
20. Мамлакатимизда олиб борилган таркибий сиёsat натижасида иқтисодиётнинг таркибий тузилишида қандай сифат силжишлари рўй берди?
21. Саноат тармоқларида рўй бераётган таркибий ўзгаришлар қандай тенденцияга эга?
22. Кейинги йилларда ишга туширилиши иқтисодиётнинг таркибий тузилиши ўзгаришига таъсир кўрсатган қандай йирик ишлаб чиқариш обьектларини биласиз?
23. Хизматлар соҳасини жадал ривожлантиришнинг таркибий ўзгаришлар сиёсатини амалга оширишдаги аҳамиятини қандай баҳолайсиз?
24. Республикализ иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши, унинг иқтисодиёт асосий тармоқларидағи улушининг ўзгаришига баҳо беринг.
25. Модернизациялаш сўзининг маъноси нима?
26. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашдан мақсад нима?
27. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланишда қандай таъсирлари мавжуд?

28. Иқтисодиётда юқори технологиялардан фойдаланиш ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга қандай нафлар келтиради?
29. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш корхоналариға қандай имтиёзлар берилган?
30. Ишлаб чиқаришда юқори технологияларнинг қўлланилиши мамлакат иқтисодиёти ва аҳоли учун қандай ижобий таъсиrlари мавжуд?
31. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурига қандай лойиҳалар киритилган?
32. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга оид тармоқ ости кўмаклашувчи давлат дастури лойиҳаларининг иқтисодиётга қандай ижобий таъсири бўлиши мумкин?
33. Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда кўпроқ қайси мамлакатлар билан ҳамкорликлар йўлга қўйилган?
34. Сухориладиган ерларнинг қанча қисми шўрланган ҳамда ўта шўрланган ҳолатга келиб қолган?
35. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг «қуий ва юқори» чегараси қандай белгиланган?
36. 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастуридаги иш ўринларининг энг катта қисмини таъминлайдиган йўналишларни санаб ўтинг.
37. 3. Янги иш жойларига бўлган эҳтиёжнинг катта қисмини ишсизларнинг қайси тоифаси ташкил этади?
38. Умумий асосларда фуқаролар неча ёшдан меҳнат шартномаси тузган ҳолда касаначилик меҳнатига жалб этилиши мумкин?
39. Меҳнат шартномаси асосида касаначиликни ташкил этганда, корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш учун техник фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлар мулк солигидан қайси даврга озод этилади?
40. Янги иш ўринлари ташкил этишининг молиявий манбаси нима?
41. Таълим муассасалари битирувчиларини ишга олганда кичик бизнес корхоналариға қандай имтиёз берилган?
42. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш зарурати нималарда кўринади?
43. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг устивор йўналишлари нималардан иборат?
44. Ер-сув ислоҳотлари деганда нимани тушунасиз?
45. Молия-кредит ва солиқ ислоҳотлари ўз ичига қандай чора-тадбирларни олади?
46. Нарх ислоҳотларининг мазмунини сўзлаб беринг.
47. Фермер хўжаликлари ер майдонларини оптималлаштириш зарурати нималарда намоён бўлди?
48. Оптималлаштириш натижалари қандай натижаларга олиб келди?
49. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари тўғрисида нималарни биласиз?
50. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз миллий иқтисодиётидаги аҳамияти ҳамда ролини изоҳлаб беринг.
51. Нима сабабдан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан 2011 йилнинг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қыилинишини асослаб беринг?
52. Мамлакатимизнинг барча минтақаларида кичик бизнес соҳасини ривожлантириш учун янада кулай ишчан муҳит яратиш учун қандай зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим?
53. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал қилишда кичик бизнес соҳасининг аҳамияти нималардан иборат?
54. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга соладиган қандай янги қонунларни ишлаб чиқиш керак?

55. Мамлакатимизда кичик бизнес соҳасини экспорт салоҳиятини ошириш учун қандай шароитлар яратиш зарур?

56. Ватанимиз равнақи ва халқимизфаравонлигини оширишда кичик бизнес соҳасини ривожлантириш қандай ўринни эгаллайди?

57. 2010 йилда мамлакатимиз бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қанча янги иш ўринлари ташкил этади?

58. 2011 йилда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2011 йилда 2010 йилга нисбатан неча фоизгача пасайтирилган?

59. Мамлакатимиз ҳудудларида кичик бизнес соҳасини янада ривожлантиришдаги айрим тўсиқлар ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича ўз фикрингизни изохлаб беринг?

60. Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва инфратузилмаларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти нимада?

61. Аҳоли яшаш жойининг Бош режаси қандай талабларга жавоб бериши керак?

62. Замонавий қишлоқни сиз қандай тасаввур этасиз?

63. Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуришни меъморий режалаштириш лойиҳасида нималарга эътибор қаратилмоқда?

64. Қишлоқларда уй-жойлар барпо этишни молиялаштириш тартиби ва бу соҳада берилган имтиёзларни сўзлаб беринг.

65. Қишлоқда яратилаётган замонавий уй-жойлар учун коммуникация тизимлари барпо этиш ўз ичига қандай тадбирларни олади?

66. Қишлоқда ижтимоий инфратузилма обьектларини ривожлантиришнинг қандай йўналишлари мавжуд?

67. 2011 йилда касб-хунар коллажлари ва академик лицейларнинг моддий-техник таъминоти учун республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан неча сўм ажратилиши кўзда тутилган?

68. Ҳозирги кунда касб-хунар коллажлари ва академик лицейларнинг сони қанча?

69. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг таълим тизимидағи ўрни қандай?

70. 2011 йилда неча сўмлик қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилади?

71. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятини маблағ билан таъминлаш асослари нималардан иборат?

72. Академик лицейлар ва касб-хунар коллажлари ўз фаолиятларини қандай қонун хужжатлари асосида олиб борадилар?

73. Нима учун ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимидағи муассасаларнинг моддий-техник таъминотига катта эътибор берилмоқда?

74. 2011 йилда Давлат бюджети барча харажатларининг қанча фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади?

75. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг жисмонан соғлом бўлишлари йўлида қандай амалий ишлар қилинмоқда?

76. 2010 йилда қурилиши ва қайта таъмирланиши кўзда тутилган академик лицей ва касб-хунар коллажлари учун қанча сўм сарфланди?

77. Мамлакат иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар асосан қайси соҳа ва тармоқларига жалб қилинмоқда?

78. 2010 йилда 2009 йилга нисбатан иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми неча фоизга ўсган?

79. Давлат инвестиция дастурига инвестицион лойиҳани киритиш тартиби қайси хукуқий хужжат асосида амалга оширилади?

80. Хорижий инвестициялар қайси манбалар ҳисобидан амалга оширилади?

81. 2010 йилда ЯИМда инвестициялар улуши қанчани ташкил этган?

82. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш борасида қандай чоралар кўрилди?

83. Ишлаб чиқаришни модернизация қилишнинг мазмуни ва аҳамиятини изоҳланг.

84. Кооперация алоқаларининг кенгайтирилиши ва мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйилишининг иқтисодиётга таъсири қандай?

85. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабнинг рағбатлантирилиши қандай амалга оширилмоқда?

86. Давлат томонидан қўллаб-куватлаш мақсадида корхоналар кредитор қарздорлигининг қайта кўриб чиқилиши натижаларини баҳоланг.

87. Саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархининг пасайтирилиши бўйича қандай натижаларга эришилди?

88. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида эришилган натижаларни таҳлил қилинг.

89. Халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг халқаро логистика салоҳиятини оширишдан асосий мақсад нима?

90. Республикаимизда 2011 йилда транспорт ва коммуникация қурилиши бўйича қайси молиявий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилинмоқда?

91. 2010-2015 йилларда иқтисодиётимизнинг қон томири бўлган Ўзбекистон миллий автомагистрали йўналиши бўйлаб инфратузилма ва сервис тармоқларини ривожлантириш юзасидан қабул қилинган дастур бўйича қандай обьектлар қурилиши режалаштирилган?

92. Ўзбекистон Республикасида темир йўл тармоғини ривожлантириш бўйича устувор йўналишларни тушунтириб беринг.

93. 2009-2014 йилларда электр энергетикани модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурида қандай лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган?

94. “Навоий” аэропорти базасидаги Халқаро логистика марказини янада ривожлантиришнинг моҳияти нимадан иборат?

95. 2011 йилда интернетнинг халқаро тармоқларига чиқиш имкониятлари кенгайтириш бўйича қандай ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда?

96. Ўзбекистонда ахборот-коммуникация соҳасидаги устувор вазифалар нималардан иборат?

97. 2015 йилгача мамлакатимизнинг барча ҳудудларида рақамли телевидениега ўтишни таъминлаш бўйича комплекс дастурқандай мақсадни кўзлайди?

98. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрда ПҚ-1442 сонли Қарори доирасида амалга оширишлиши режалаштирилаётган лойиҳаларни ҳақида нималарни биласиз?

99. Ҳалқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида тузилган шартномалар бажарилиши мониторинги қайси ташкилотлар томонидан амалга оширилади?

100. Молиявий инвестициялар таркибига қайсилар киради ?

101. 2011 йилда маҳаллийлаштириш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини қанчага ошириш кўзда тутилган ?

102. Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича 2011 йилда жойларда ҳокимлар олдидаги асосий устивор вазифалар нималардан иборат?

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг**

**2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий
ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг
муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Ўзбекистон
Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва
дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз
фаровонлигини оширишга хизмат қиласи” мавзусидаги
маъruzасини ўрганиш бўйича**

Г Л О С С А Р И Й

Актив тўлов баланси - тўлов балансида тушумлар суммаси тўловлар суммасидан ортиқ бўлади.

Айланма маблағлар – хўжалик юритувчи субъектларнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил этувчи маблағлар. Айланма фондлар таркибига ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари киради. Муомала фондлари таркибига тайёр маҳсулотлар, пул маблағлари, ҳисоб-китобдаги маблағлар киради.

Ахборот инфратузилмаси - бу мамлакат ахборот фазосининг ривожланиши ва ўзаро фаолиятини таъминловчи тизимчалар, ташкилий таркиблар тизимиdir.

Ахборот коммуникация технологиялари - хусусий, умумий ва ишлаб чиқариш коммуникациясида ахборотлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлган обьектлар, харакатлар ва қоидалар, шунингдек барча технологиилар ҳамда санаб ўтилган жараёнларни бирлашган равишда таъминловчи соҳалар мажмуаси. АКТ тушунчасига микроэлектроника, компьютер ва дастурний таъминот, телекоммуникациялар ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқариш, Интернетдан эркин фойдаланишини таъминлаш, Интернетнинг ахборот ресурсларини таъминлаш, шунингдек санаб ўтилган соҳалар билан боғлиқ бўлган турли хил ҳодисалар ва бу фаолият соҳаларини тартибга солувчи расмий ва норасмий қоидалар киради.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш – давлат томонидан аҳолига барча ҳаёт кечириш шарт-шароитларини яратиш учун мақсадли йуналтирилган кафолатлар тизими.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш – аҳолини бозор иқтисодиётининг салбий ижтимоий ва иқтисодий оқибатларидан асраш, шу оқибатларнинг аҳоли ижтимоий-иктисодий аҳволига таъсирини юмшатиш.

Аҳолининг реал даромадлари – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

Базель қўмитаси талаблари – банк тизимининг барқарор амал қилиши ҳамда ўз мажбуриятларини бажара олишини таъминлаш учун ўрнатилган ҳалқаро меъёрлар мажмуи бўлиб, у капиталнинг етарлилик даражасини, банкларни назорат қилиш жараёнига ҳамда бозор интизомига қўйилган талабларни ифодалайди.

Бандлик – меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

Банк активлари – банкларнинг асосий фаолиятини амалга оширишда фойдаланувчи турли моддий ва молиявий ресурслар мажмуи. Улар асосан банк кредитлари, асосий воситалари, сотиб олган қимматли қофозлари, инвестициялари, валюта кўринишида бўлади.

Банк депозитлари – жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддатсиз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари.

Банк капиталининг етарлилик даражаси – бу жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у ҳалқаро Базель келишувига кўра камидаги 8% ни ташкил этиши керак.

Банк кредити - экспорт ва импортни кредитлашда ссуда формасида намоён бўлади ва у товарлар, товар ҳужжатлари, векселларни, ҳамда траттани гаровга олган ҳолда берилади. Баъзан банклар ўзларига чамбарчас алоқада бўлган йирик экспортёр- фирмаларга бланкли кредит, яъни расмий таъминланмаган кредитлар беришади.

Банк тизимининг ликвидлиги – банкнинг ўз мажбуриятларини вақтида ва сўзсиз бажара олиш имконияти.

Банклар ликвидлиги – банклар активларининг қисқа муддат ичида пулга айланиш қобилияти. Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни ҳам билдиради.

Банкларнинг кредит портфели – тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий жамланмаси. Улар қуидагича таснифланади: а) яхши; б) стандарт; в) субстандарт; г) шубҳали; д) умидсиз. Тижорат банкларига маълум санага ссуда хисобварақаларида қолган пул маблағлари мажмуаси (қолдиғи).

Банк-молия тизимининг барқарорлиги – банкларнинг ва бошқа молия муассасаларининг ўз мажбуриятлари юзасидан талабларга тўла жавоб бера олиши. Бу ликвидлилик, капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, рентабеллик кўрсаткичлари орқали аниқланади.

Банкрот – хўжалик суди томонидан эътироф этилган, қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича крудиторлар талабларини тўла хажмда қондиришга ёки мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги.

Барқарорлик – нарса ва ҳодисаларнинг амал қилиши ва ривожланишдаги ўзига хос муайянлик ҳолати.

Бевосита инвестиция – капитал қўйилмаларни инвестор томонидан тўғридан-тўғри инвестицион объектларга йўналтирилиши назарда тутилади.

Бизнес – фойда олишга қаратилган (эҳтиёж ва муҳтожликни қондириш натижасида) тадбиркорлик фаолиятини англатади.

Билвосита инвестиция – воситачи молиявий ташкилотлар орқали инвесторлар томонидан капитал қўйилмаларнинг қўйилиши тарзида ифодаланади.

Бозор конъюнктураси – муайян вакт мобайнида товарлар бозорининг ҳолатини тавсифловчи вақтингчалик иқтисодий вазият бўлиб, қуидаги белгилар орқали аниқланади: ички ва ташки савдодаги ўзгаришлар; ишлаб чиқариш ва қурилиш динамикаси; товар захиралари ҳаракати; нархлар динамикаси ва бошқалар.

Бюджет дефицити – бюджет харажатларининг бюджет даромадларидан ошиб кетиши натижасида вужудга келган тақчиллик.

Глобал молиявий-иқтисодий бозор – жаҳон мамлакатлари ўртасидаги молиявий-иқтисодий алоқаларни ягона хўжалик тарзида амал қилишига асосланган муносабатлар.

Давлат бюджети – давлат даромадлари ва сарфларининг молиявий режаси.

Давлат инвестицияси – давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат фондлари ҳамда давлат корхоналари томонидан капиталлар қўйилишини ифодалайди.

Даромаднинг ички меъёри – инвестициядан пул оқимини, келажакдаги қийматини дисконт ставкаси билан белгиланган инвестицион маблағларни ҳозирги қийматига келтирилган аниқ бир инвестицион лойиҳанинг даромадлилик даражасини ифодалайди.

Даромад солиги – фуқароларни бир йил давомидаги ялпи даромадидан олинадиган мажбурий тўлов (солиқ).

Даромад солиги ставкалари – аҳоли даромадларидан табақалаштирилган ҳолда олинадиган солиқларнинг фоизлардаги даражалари.

Демократия – «Демократия» сўзи ҳалқ ҳокимияти деган маънони англатади. Бу ҳукумат шакли, ҳаёт йўли, мақсад ёки идеал, яъни энг юксак орзу ва сиёсий фалсафа. Бу термин ҳукуматнинг демократик шаклига эга мамлакат учун ҳам тегишлидир. Демократия (яъни ҳукуматнинг демократик шаклига эга мамлакат) фуқаролари ҳукумат ишида билвосита ёки бевосита қатнашадилар. Билвосита демократияда – бу қўпинча «соф демократия» деб ҳам аталади, кишилар ўз жамоалари учун зарур қонунлар ишлаб чиқиш мақсадида бир жойда учрашадилар. Демократиянинг асосий хусусиятлари: барча демократик давлатлар учун бир хилдир. 1. Эркин сайловлар. 2. Сиёсий партиялар мавжудлиги. 3. Давлатнинг назорат этилиши. 4. Конституцион ҳукумат. 5. Хусусий ташкилотлар.

Диверсификация – (лотинчадан diversus- ҳар хил ва facere-қилмоқ, бажармоқ) – ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш, маҳсулот ва хизматларни сотиш бозорларни кенгайтириш мақсадида тармоқ ва корхоналар фаолият соҳаларини кенгайтириш, маҳсулот ва хизматлар ассортиментларини кўпайтириш.

Диверсификация стратегияси – корхона фаолиятини мавжуд маҳсулотлар ва бозорлар турини кенгайтириш орқали ривожланиш стратегиясидир. Диверсификация стратегияси

корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятини ривожлантиришнинг энг етакчи замонавий тенденциялардан бири ҳисобланиб, у орқали корхоналарни бозор шароитида вужудга келадиган турли қалтисликларга бўлган рақобатбардошлигини оширади. Диверсификация стратегияси – корхоналарда янги маҳсулотлар линияларини ишга тушириш, қўшма корхоналар тузиш, бошқа корхоналарни сотиб олиш ва бошқа турли услубларда амалга ошириши мумкин.

Дивиденд – акционерлик жамияти соф фойдасидан акция эгаларига тўланадиган қисми бўлиб, у акционерларга нақд пул ёки акциялар билан тўланади.

Дисконтланган қоплаш меъёри – инвестицион лойиҳанинг амалга оширилишидан бошлаб, иқтисодий ижобий самараға эришгунга бўлган қисқа вақт интервали.

Жаҳон банки – 1944 йилда Халқаро валюта жамғармаси билан бир вақтда тузилган биринчи давлатлараро инвестиция институтидир. Банк ўзининг фаолиятини 1946 йил 25 июндан бошлаган.

Жаҳон бозори — моддийлаштирилган ва моддийлаштирилмаган кўринишидаги ижтимоий маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол боскичларни ўз ичига олувчи ХИМ субъектлари (миллий ва худудий иқтисодиётлар, халқаро ташкилотлар ва корпорациялар)нинг ўзаро иқтисодий таъсирлашиш глобал мухитидир.

Жаҳон бозори конъюнктураси - жаҳон товар бозорларидаги сотиш шарти, ушбу бозорлардаги талаб, таклиф, нархлар даражаси, уларнинг ўзгариш тенденциялари.

Жорий конъюнктура – муайян даврда товарларга бўлган талаб ва таклифнинг таркиби, динамикасини шакллантирувчи иқтисодий шароит ва омиллар мажмуи. Жорий конъюнктура айни даврдаги миллий ва жаҳон иқтисодиётининг у ёки бу омилларидан таркиб топган вақтинчалик вазиятни ифодалайди.

Ижтимоий адолат – жамият барқарор ва тўлақонли ривожланиши учун ўта зарур омилдир. У биринчидан, шахс, жамият, давлат алоқадорлигига тенглик ва ўзаро ҳамкорликни тақозо этади. Иккинчидан, мазкур тамойил шахснинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва хукуқий неъматлардан баҳраманд бўлишда тенг хукуқли бўлишини таъминлашга қаратилган мезонлар ва кафолатларнинг мавжудлигини билдиради. Ижтимоий адолатни таъминлаш хар бир хукуқий давлатнинг асосий вазифаларидан биридир.

Ижтимоий муҳофаза тизими – бу, аҳолининг ҳаётий муҳим манфаатлари соҳаси бўлиб, унинг сифат ва миқдор кўрсаткичлари давлат ва жамиятнинг иқтисодий, хукуқий ва маданий ривожланиш даражасидан дарак беради.

Ижтимоий соҳа обектлари – аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуи. Булар қаторига уй-жой фонdlари, соғлиқни сақлаш, маориф, спорт, маданият муассасалари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ижтимоий фикр – аҳолининг муайян гурухлари, қатлами, табакаларининг воқеликдаги турли ходиса ва ҳаракатларга нисбатан баҳоловчи муносабатидир. Бундай баҳо маъқуллаш, қоралаш ёки бетараф позицияда намоён бўлиши мумкин.

Ижтимоий ҳамкорлик – хилма-хил фикр ва қарашларга эга бўлган, турли миллат, ирқ ва динга мансуб шахс ва гурухларнинг умумий мақсад йўлидаги ҳамжиҳатлиги.

Иқтисодиётнинг рақобатдошлиги – мамлакат иқтисодиётининг халқаро савдода иштирок этиш, жаҳон бозоридаги ўз ўрни ва мавқеини сақлаб қолиши ва кенгайтира олиш, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқара олиш лаёқати бўлиб, қўйидагилар орқали белгиланади: мамлакатдаги ишлаб чиқаришнинг техник-иктисодий даражаси, ишлаб чиқариш харажатлари миқдори, ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати, инфратузилманинг ривожланганлик даражаси, мутлақ ва нисбий устунликларнинг мавжудлиги.

Иқтисодиётнинг реал сектори – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларини олади.

Иқтисодий начор корхоналар – муайян миқдорда капитал йўқотиш, ишлаб чиқариш майдонларининг қисқариши, ишсизлар сонининг ортиши, рақобатбардош бўлмаган маҳсулот

ишлиб чиқарадиган ва бунинг учун катта миқдорда материаллар, хом ашё, ёнилғи, меҳнат ресурслари сарфлайдиган қолоқ, самарасиз корхона.

Иқтисодий ўсиш – реал ялпи ички маҳсулот умумий ҳажмининг ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал ялпи ички маҳсулотнинг олдинги йилга нисбатан ўсиши.

Импорт – мамлакат ички бозорларида сотиш учун чет эл молларини, капиталини, технологиясини ва хизматларни олиб келиш. Импорт халқаро меҳнат тақсимоти натижасидир. У вактни тежашга, иқтисодиёт, аҳоли эҳтиёжини қондириш вазифаларини муваффақият билан ҳал қилишга кўмаклашади.

Инвентаризация – корхоналар, фирмалар, ташкилотларда нақд мулк ва товарларни рўйхатдан ўтказиш; натура ҳолидаги бойликларнинг мавжудлиги ёки ҳолатини, маблағларни мунтазам текшириб туриш, шунингдек, уларнинг моддий бойликларни ҳисобга олиш қайдномаларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадларида даврий қайта ҳисобга олиш.

Инвестицион жозибадорлик – инвестиция обьектларини таснифлаш ва баҳолаш, рейтинг орқали таққослашни амалга ошириш, турли иқтисодий ривожланиш босқичлари ва даражасидаги хўжалик ҳамда инвестицион жараёнларини қиёшлаш орқали таҳлил қилиш.

Инвестицион кредитлар – ишлиб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситалар ҳамда қимматли қофозларни сотиб олиш мақсадида олинган узоқ муддатли кредитлар.

Инвестицион лойиха - маълум харакатларни амалга оширувчи, яъни келгусида фойда олиш мақсадида капитал қўйилишига асосланган, ташкилий-хуқуқий ва молиявий ҳисобкитоб хужжатлари тизими.

Инвестицион лойиха дастури - Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган қонунчилик андозаларига мувофиқ ишилб чиқилган зарурий хужжатларни ҳисобга олган ҳолда капитал қўйилмалар ҳажми ва амалга ошириш муддатининг мақсадга мувофиқлигини асословчи ва инвестицияларни (бизнес-режа) амалга ошириш бўйича амалий фаолият дастури.

Инвестицион муҳит – корхона, тармоқ, худудда инвестицион жозибадорликни таъминловчи иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, хуқуқий ва бошқа шарт-шароитларнинг обьектив жамламаси.

Инвестицион сиёsat – савдо менежменти умумий стратегиясининг бир қисми бўлиб, корхонани ривожлантириш учун активларни кенгайтиришнинг энг самарали йўлларини тиклашни назарда тутади.

Инвестицион ҳамкорлик - халқаро иқтисодий муносабатларнинг бир қўриниши бўлиб, ресурсларни рационал тақсимлаш, халқаро меҳнат тақсимотида иштирок этиш натижасидаги устунликларидан фойдаланиш орқали давлат томонидан иқтисодиётда нисбатан юқори натижаларга эришиш, технологик ишилб чиқариш тузилмасини янгилаш кабиларни мақсад қилган.

Инвестиция – бу иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қофозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбобускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлардир.

Инвестиция дастури – ишилб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда иқтисодиётнинг турли тармоқларига узоқ муддатли капитал киритиш учун ишилб чиқилган дастур.

Инвестиция комплекси - инвестиция фаолиятини таъминловчи ташкилотлар, корхоналар ва фирмалар мажмуаси.

Инвестиция муҳити – инвестициялар жозибадорлиги ҳамда хавф-хатар даражасини белгилаб берувчи ижтимоий-иктисодий, молиявий ва сиёсий омиллар мажмуи.

Инвестиция фаолияти - инвестиция мақсадларини амалга ошириш билан боғлиқ фаолият. Инвестиция комплекси ташкилотлари орқали амалга оширилади.

Инвестиция фаолияти иштирокчилари - буюртмачилар, пудратчилар, етказиб берувчилар, банклар, суғурта компаниялари, лойиҳаловчилар, воситачилар, илмий-маслаҳат фирмалари, ўз мамлакатидаги қонунчиликка кўра инвестициявий мулк эгалари (тасарруфчилари) ёки буюртмалардан фойдаланувчи сифатида қатнаша олувчи хорижий ташкилотларни киритиш мумкин.

Инвесторлар - хусусий ва қарзга олинган мулкий ва интеллектуал қийматларни сарфлаш ҳакида қарор қабул қилувчи инвестиция фаолияти субъектлари. Инвесторлар объектлар ва инвестиция натижаларига эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳукуқига эга бўлади. Инвесторлар кредиторлар ва харидорлар ролини бажаришлари, шунингдек, инвестиция фаолиятининг бошқа иштирокчилари функцияларини бажаришлари мумкин. Одатда инвесторлар капитал қўйилмалар сарфланадиган соҳаларни аниқлайдилар, контракт ва шартномаларнинг шартларини ишлаб чиқадилар ва инвестиция актининг бошқа томонлари билан - контрактор, ҳукумат органлари, пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва шу маҳсулотнинг истеъмолчилари билан ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

Инқирозга қарши чоралар дастури – Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2009-2012 йилларга мўлжалланиб инқирозга қарши ишлаб чиқилган чоралар дастури бўлиб, мазкур дастурда талабни рағбатлантиришга йўналтирилган бир қатор молиявий имтиёзлар ва барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминловчи чора-табдирлар мажмуи ўз аксини топган.

Инновацион технологиялар – иқтисодиётга янгиликларни татбиқ этиш босқичларида қўлланилувчи усул ва воситалар мажмуи бўлиб, ўз ичига жорий этиш, тренинг, консалтинг, трансферт, аудит, инжинииринг каби турларини олади.

Инновация жараёни - янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий изчилиларда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иктисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари мавжуд - янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш.

Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари – инсонга бекаму-кўст яшаш имкониятларини берувчи иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий соҳаларда ўзининг имконият ва талабларини амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқий мақом. Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этиш Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумининг асосидир.

Инсон омили – амалга оширилаётган барча ислоҳотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берувчи асосий тамойил. Инсон омили таркибан икки муҳим жихатни ўз ичига олади. Биринчи жихат Ўзбекистонда жами ижтимоий тузилма, таълим ва соғлиқни сақлаш, нафақа билан таъминлаш тизимини, аҳолини экологик ва бошқа хавф-хатардан химоя қилишдан иборат. Давлатнинг доимий эътиборини ўзида ифодалайди. Иккинчи жихат эса ялпи ижтимоий тараққиёт жараёнларида шахснинг ўз иштироки, бунёдкорлиги, яратиш завқи, саъй-ҳаракатлари ва шиҷоатини ифодаланишини назарда тутади.

Инсон ҳуқуқлари – кишиларнинг яшаш ва фаоллашиб бориши учун уларга берилган ҳуқуқлардир.

Институционал сиёsat - давлат томонидан мулкчилик, меҳнат, молиявий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда янги иқтисодий институтларни шакллантириш, эскиларини йўқотиш, мавжудларини трансформациялаш бўйича амалга оширадиган чора-тадбирлар, ҳатти-ҳаракатлар.

Интеллектуал инвестиция – патентлар, лицензиялар, ноу-хаулар, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга инвестицияларга йўналтирилиши.

Интермодаль марказ – юқ ташишлар бўйича халқаро коммуникация ва логистика маркази.

Интернет хизматлари - интернет тармоғи абонентларига амалий баённомалар томонидан тақдим этилувчи функционал имкониятлар мажмуи: электрон почта, файлларни қабул қилиш ва узатиш, веб-хужжатларни ўқиш, воқеий вақтдаги мулоқот (чат), терминал орқали эркин фойдаланиш, тармоқда ҳужжатларни сақлаш ва ишлаш ва х.к.

Инфляция – пул муомаласи қонунларининг бузилиши натижасида миллий валютанинг қадрсизланиши, нархларнинг ўсиши.

Инфляция даражаси – маълум вақт ичидаги (ой, йил) камида 300 та товар ва хизматлардан ташкил топган истеъмол савати бўйича нархлар даражасининг фоиздаги ўзгариши.

Инфратузилма – товар ишлаб чиқариш шартларини таъминловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш тармоқлари комплекси: йўллар, алоқа, транспорт, маориф, соғлиқни сақлаш.

Ипотека – банкнинг гаров хат, кўчмас мулк гарови асосида муайян муддатга ссуда бериси.

Ипотека кредити – жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилишига барпо этиладиган уй-жой гарови остида бериладиган узоқ муддатли кредит. Ипотека кредитлари тижорат банклари томонидан қайтаришлиқ, тўловлилиқ, таъминланганлик ва муддатлилик шартларида берилади.

Истеъмол – ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг охирги фазаси, ижтимоий маҳсулотдан ахолини иқтисодий талабларини қондириш жараёни.

Истеъмол кредити – марказий банк томонидан барқарорлик даврида қўлланиладиган пул сиёсати дастаги. У банклар ва бошқа маҳсус кредит институтлари томонидан ахолининг узоқ муддатли истеъмол товарларини сотиб олиш учун бериладиган кредит.

Истеъмол товарлари – инсон эҳтиёжини қондиришга мўлжалланган истеъмол буюмларининг товар шакли; пулга сотиб олиб, истеъмол этиладиган моддий маҳсулотлар ва ҳар хил хизматлар.

Иш билан банд бўлган жами аҳоли – ишчи кучи (иктисодий фаол аҳоли)нинг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлган қисми.

Иш ўрни – бу ишлаб чиқариш маконининг бир қисми бўлиб, унда барча асосий ва ёрдамчи технология ускуналари, мосламалар, иш мебеллари ва маҳсус қурилмалар жойлашган ва улар муайян турдаги ишларни бажариш учун мўлжалланган бўлади.

Иш ҳақи – бу, ёлланма ходим даромадининг элементи, унга тегишли ишчи кучига бўлган мулкчилик хуқукини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш шаклидир.

Ишлаб чиқариш – маълум даврда алоҳида хўжалик юритувчи субъектлар тармоқлар ва иқтисодий секторлар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар қиймати.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси – ишлаб чиқаришнинг ривожланиши учун ташқи шарт-шароитларни таъминловчи тармоқлар мажмуи бўлиб, ўз ичига темир ва автомобиль йўллари, электр, газ ва сув таъминоти, алоқа коммуникациялари, омбор хўжалиги ва бошқаларни олади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариб; замонавий техника ва технологиялар билан алмаштириш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Ишсизлик – иқтисодий жиҳатдан актив (фаол) ахолининг бир қисми ўз кучини қўллай олмай «ортиқча» бўлиб, меҳнат захираси армияси бўлиб қолиш ҳодисаси.

Иқтисодий nochor корхона – кредиторларнинг товар (иш, хизмат)лар ҳақини тўлаш бўйича талабларини қондириш, шунингдек, бюджет ва нобюджет фондларига мажбурий тўловларни таъминлашга лаёқатсиз бўлган корхона.

Ички инвестиция – мамлакат ичида турли шаклдаги капиталлар қўйилишини ифодалайди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури – «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 1997 йил 29 августда қабул қилинган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимининг жаҳон миқёсидаги ютуқлари асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари сурин ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилган.

Капитал қурилиш - янги қурилиш, корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлаш, асосий воситаларни мукаммал таъмираш, шу жумладан лойиха-қидирув ишларини бажариш.

Капитал қўйилмалар - қувватларни такрор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш обьектларини қуришга қаратилган ресурслар ва жами ижтимоий меҳнатнинг қийматини акс эттирувчи иқтисодий категория. Давлат томонидан (давлат буюртмаси), турли мулкчилик шаклларида корхоналар, ташкилотлар, банклар ҳамда хусусий шахслар томонидан ажратиладиган пул маблағлари капитал қўйилмаларнинг манбалари бўлиши мумкин. Капитал қўйилмалар янги корхоналар қуришга ёки амалдаги корхоналарни қайта таъмирашга йўналтирилиши мумкин.

Капитал таъмираш – асосий воситаларни йирик кўламда буткул деталлари, қисмларини алмаштириш билан боғлиқ қайта таъмираш тушунилади.

Капитал харажатлар - асосий капиталга киритиладиган маблағлар ва захираларнинг ўсиши.

Касаначилик – йирик саноат корхоналари билан тузилган шартнома асосида уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш.

«Катта йигирмалик» – 20 та йирик мамлакатлар гурухи бўлиб, унга жаҳондаги энг бой мамлакатлар ва йирик ривожланаётган давлатлар киради ва улар хиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 90 фоиз улуши тўғри келади.

Кичик бизнес субъектлари – корхона қўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари микдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикамизда кичик бизнес субъектлари тоифасига якка тартиbdаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради.

Кичик корхона – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг айrim тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик корхона ҳисобланади.

Қисқа муддатли инвестицион лойиха – бундай лойиха бир йилгача муддатда амалга оширилиб, асосан, маълум турдаги янги дастгоҳларни сотиб олиш, инновацияларни инвестициялаш, моддий айланма активлар захираси ўсишини инвестициялаш билан боғлиқ.

Қонун – олий юридик кучга эга бўлган, давлатнинг қонун чиқарувчи муассасаси томонидан ёки аҳоли томонидан тўғридан-тўғри, референдум ўтказиш талабларига мувофиқ қабул қилинган ва ўзида қонуннинг амал қилиш худуди, муддати ва шахслар доирасида ҳуқуқий муносабатлар субъектлари фаолиятининг умумий намунасини мужассамлаштирган меъёрий-хуқуқий хужжат.

Қонун устуворлиги – ушбу тамойилнинг мазмуни шуни англатадики, қонун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қатъий хукмрон бўлади. Яъни ҳеч ким, ҳеч бир давлат органи, мансабдор шахс, тадбиркор ёки бошқа бир фуқаро қонунга бўйсунмаслиги мумкин эмас, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар фақат қонун билан тартибга солинади; унинг барча иштирокчилари эса, ҳеч бир истисносиз, ҳуқуқ нормаларини бузганлиги учун жавобгарликка тортилиши керак. Ҳуқуқий нормаларни татбиқ этишда конституция ва қонунларнинг нормалари бошқа ҳуқуқий нормалардан устун туради.

Қонунчилик – 1) давлат томонидан ўз функцияларини амалга ошириш-нинг асосий усулларидан бири бўлиб, давлат ҳукумати органлари томонидан қонунлар чиқаришда ифодаланади; 2) ижтимоий муносабатларни тўла тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йигиндиси ёки ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши.

Конъюнктура – бу бозорда маълум бир вактда юзага келган иқтисодий ҳолатdir (асосан талаб ҳамда таклиф нисбати ва у билан боғлиқ бўлган нархлар даражаси орқали юзага келади).

Кооперация алоқалари – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш.

Корхоналарга преференция бериш – миллий иқтисодиётда фаолият кўрсатувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида улар томонидан ишлаб чиқаришга чет элдан олиб кириладиган хомашё ва материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, шунингдек асбоб-ускуналарни олиб киришда бож тўловлари ва бошқа жараёнлар бўйича енгилликлар (имтиёзлар) берилиши.

Корхоналарни техник қайта қуроллантириш – алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускуналарни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуаси. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлади.

Корхонанинг инновацион салоҳияти – корхонанинг янгиликларни жорий қилиш ёрдамида бозор шароитларида фаолиятнинг самарадорлигини ошириш мақсадида корхонанинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланадиган ривожланиш қобилияти. Корхонанинг инновацион салоҳиятининг ички инновация жараёнидаги барча босқичларнинг (ижтимоий меҳнат ва ресурсларнинг сарф меъёрлари асосида) бир маромда кечишига имкон беради.

Кредит – жисмоний ва юридик шахсларнинг вақтингчалик бўш маблағларларини муайян тамойиллар асосида қайтариш шарти билан фойдаланишга бериш жараённида вужудга келган иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Кутилаётган инфляция даражаси – мавжуд ижтимоий-иктисодий ахборотлар, маълумотлар асосида алоҳида шахс ва корхоналар томонидан кутиладиган бўлғуси даврдаги инфляция даражаси.

Кучли давлатдан кучли жамият сари – мустаҳкам иқтисодий асосга эга бўлган, демократик қадриятлар қарор топган, маънавий-маърифий юксакликка эришган ва бошқарувнинг демократик услублари шаклланган давлатдан жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳал қилувчи ўрин тутадиган жамоатчилик фикри, ташабbusи ва давлат идоралари устидан назорати устувор аҳамият касб этадиган, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш идораларининг роли муттасил ортиб борадиган жамиятга ўтиш концепцияси.

Лизинг – машина, асбоб-ускуна, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш иншоатларини ижарага берувчида мулкий ҳуқуқ сақланишини кўзда тутувчи узоқ муддатли ижарага беришнинг янги маҳсус шакли бўлиб, капитал қўйилмаларини молиялаштириш банк кредитининг муқобил шаклидир.

Макроиктисодий кўрсаткичлар – мамлакат яхлит иқтисодиёти даражасидаги ижтимоий-иктисодий жараён ва ҳодисаларни ўлчаш ва баҳолаш имкониятини берувчи

кўрсаткичлар. Масалан, ялпи ички маҳсулот, миллий даромад, иқтисодий ўсиш, ишсизлик, инфляция даражаси ва бошқалар.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури – Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ кучга кирган. Мазкур Фармонга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 сентябрда ПФ-3661-сон Фармонига мувофиқ ўзгаришлар киритилган.

Мамлакат тўлов баланси – мамлакат резидентлари (уй хўжаликлари, корхоналар ва давлат) ва чет элликлар ўртасида маълум вақт (одатда бир йил) оралиғида амалга оширилган барча иқтисодий битимлар бўйича тўловлар суммасининг нисбати бўлиб, у ўз ичига савдо баланси, хизматлар баланси, ўтказмалар баланси ва капитал операцияларини олади.

Мелиорация – ернинг унумдорлигини тубдан яхшилашга қаратилган ташкилий-хўжалик, муҳандислик ва агротехник тадбирлар туркуми.

Меҳнат бозори – меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи шартномалар асосида ишчи кучи харид қилиш - сотишни амалга оширувчи, шунингдек, унга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспектли, ўсувчи ва очиқ ижтимоий-иктисодий тизимчасидир.

Меҳнат ресурслари – бу ўзининг ақлий ва жисмоний меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этадиган меҳнатга қобилиятли кишилар тўпламидири.

Меҳнат унумдорлиги – бу, ходимлар меҳнат фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг меҳнат харажатларига нисбатан, яъни меҳнат харажатлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот билан белгиланади.

Меҳнат ҳақи – жорий даврда иш берувчи томонидан ёлланган ходимга бажарган ишлари учун берилган пул ёки натура усулидаги тўловлар бўлиб, улар ҳисобланган суммалар йиғиндисидан ташкил топади ва икки қисмга бўлинади: иш ҳақи ва ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Микрокредит – хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошланғич сармояни шакллантиришга бериладиган кредитлар. Микрокредитлар: а) юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик фаолияти учун – энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача; б) микрофирма ва деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 баробаригача; в) фермер хўжалигига энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача берилади.

Микрофирма – кичик бизнес корхонасининг бир тури. Мамлакатимизда саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Модернизация – обьектни тақомиллаштириш, яхшилаш, янгилаш, уни янги талаб ва меъёрларга, техник шарт-шароитларга, сифат кўрсаткичларига мослаштириш.

Молия тизими – молиявий муносабатлар ва турли даражада уларга хизмат қилувчи молиявий муассасалар мажмуаси.

Молия-банк тизими – тарихан шаклланган ва белгиланган қонун қоидалар асосида фаолияти юритувчи мамлакатдаги молия-кредит муассасалари мажмуидир.

Молиявий «кўпиклар» – реал қийматга эга бўлмаган пул ва облигациялар хажмининг кўпайиши.

Молиявий инвестиция – даромад олиш мақсадида инвестицияларни турли қимматли қоғозларга (акциялар, облигациялар, банкларнинг депозит сертификатлари ва бошқалар) қўйилиши назарда тутилади.

Молиявий институтлар – белгиланган қонун-қоидалар доирасида фаолият юритувчи мамлакатдаги молия-кредит ташкилотлари.

Молиявий манбалар – иқтисодиётнинг турли даражасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун тақозо этилувчи молиявий маблағларнинг келиб чиқиш манбалари. Масалан, молиявий манбалар аҳоли ва корхоналарнинг манбалари, давлат бюджети маблағлари, қарзга олинган маблағлар, хорижий инвесторларнинг маблағлари ва бошқа қўринишларда бўлиши мумкин.

«Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зonasи – жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳистини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустрисал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган. «Навоий» эркин индустрисал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат.

Нарх – товар қийматининг пулдаги ифодаси.

Нодавлат ва жамоат ташкилотлари – давлатга қарашли бўлмаган, аммо маълум қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатадиган тузилмалар нодавлат ва жамоат ташкилотлари ҳисобланади.

Преференция – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айrim соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

Протекционизм – давлатнинг хориж рақобатидан ички бозорни ҳимоя қилиш сиёсати, мамалакатга олиб келинаётган товарларга юқори божлар белгилайди, айrim товарларни олиб келиш чекланади ёки умуман тақиқланади.

Пудрат – шартнома ёки хўжалик юритишининг бир тури. Бир томоннинг иккинчи томон талабига кўра белгиланган ишни бажариши тўғрисидаги шартнома.

Пул - кредит сиёсати – давлат томонидан иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул муомаласини ташкил этиш ва барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган барча чора-тадбирлар мажмуи.

Пул – ҳамма товар ва хизматлар айирбошланадиган, умумий эквивалент сифатида фойдаланиладиган, бошқа барча товарлар қийматини ифодалайдиган маҳсус товар.

Реал инвестиция – асосий воситаларни вужудга келтириш, товар моддий бойликлари захирасини оширишга қўйиладиган капитал, яъни корхоналарини бунёд этиш ҳамда уларни бир маромда ишлашини таъминлаш учун етарли миқдорда хомашё захираларини барпо этишга йўналтирилиши.

Реинвестициялар – инвесторнинг фаолияти натижасида олинган фойдани (даромадни) муаомалага киритиши.

Реконструкция (қайта тиклаш) – фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартириш. Қайта тиклашда эски цехлар ўrniga янги цехларни қуришга рухсат берилади.

Рентабеллик – корхона фаолиятининг фойдалиларини даражаси. Унинг уч хил кўрсаткичи мавжуд: корхона активлари рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги ва сотилган маҳсулот рентабеллиги. Бу кўрсаткичларни балансдаги (соф) фойда кўрсаткичини корхона активларининг ўртача йиллик қиймати, муомалага чиқарилган акциялар миқдори, хусусий капитал миқдори ва сотилган маҳсулот таннархига нисбати билан аниқланади.

Рентабеллик индекси – лойиҳа бўйича инвестицион харажатлар ҳажми билан кутилаётган соф пул оқими ўртасидаги боғланишни аниқлаш.

Референдум – лотинча сўз бўлиб, давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини халқ маслаҳатига тақдим этиш, умумхалқ овозига қўйиш деган маънони билдиради.

Сайлов тизими – ҳукуқий меъёрларда мустаҳкамлаб қўйилган, шунингдек, давлат ва жамият институтлари фаолиятлари тажрибасида шаклланган, вакиллик органлари ёки айрим раҳбарлик лавозимига сайлашни ўтказиш ва ташкил этишга доир тартиботдир. Сайловлар тизими – сиёсий тизимнинг таркибий қисмидир.

Сайлов ҳуқуқи – икки хил маънода ишлатилади. Биринчиси, сайловни ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи ҳукуқий меъёрлар йиғиндисидир; иккинчи маъноси фуқароларнинг сайлов ҳуқуқи, яъни овоз бериш, сайланиш, сайлов даврида ва бошқа тадбирларда иштирок этишдир.

Сайловлар – муҳим демократик институт бўлиб, халқнинг хоҳиш-иродасини ифодалашнинг асосий шаклларидан биридир. Халқнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштироки, асосан, сайловлар орқали амалга оширилади. Шу маънода, мамлакатнинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори, кўп жиҳатдан, сайлов тизимининг очиқлиги ва демократиклиги билан белгиланади.

Сальдо - муайян вақт давомида молиявий тушумлар ва сарфлар, экспорт ва импорт қиймати (савдо баланси сальдоси), хорижий тўловлар ва тушумлар (тўлов баланси сальдоси) ўртасидаги фарқ.

Самарали иқтисодий сиёsat – давлатнинг иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга қаратилган, ҳар томонлама асосланган, изчил ва ўзаро уйғунлаштирилган чора-тадбирлари мажмуи.

Сектор – институцион бирликлар йиғиндиси бўлиб, уларнинг мақсади, молиялаштириш манбалари ва функциялари бир хил бўлади, натижада уларнинг иқтисодий ҳуқуқи ҳам ўхшашиб кетади.

Сервис – жисмоний ва юридик шахсларга, умуман кенг аҳоли қатламига хизмат кўрсатиш; ишлаб чиқариш-техника мақсадларида маҳсулотларни, моддий-маиший, хўжалик ва бошқа саноат маҳсулотларини сотиш ҳамда уларни ишлатиш билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳалари.

Солик имтиёзи – солик тўловчиларнинг айрим тоифаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солик тўлашдан тўлиқ, қисман ва вақтинча озод қилиш шакли.

Солик кредити – бюджетга тўланиши лозим бўлган солик суммасини маълум муддатга кечикириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки соликни қайтариш шакли.

Солик солишининг соддалаштирилган тартиби – солик солишининг айрим тоифадаги солик тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги соликларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солик ҳисоботини тақдим этишининг маҳсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.

Солик ставкаси – соликларни ҳисоблашда солик базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солик меъёри.

Солик юки – маблағларни бошқа фойдаланиш мумкин бўлган йўналишлардан олиб, соликларни тўлаш учун йўналтириш орқали вужудга келадиган иқтисодий чекловлар даражаси бўлиб, одатда солик тўловчининг муайян даврда бюджетга тўланган соликлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғиндиси сифатида намоён бўлади. Мамлакат миқёсида солик юки даражасини соликларнинг ялпи ички маҳсулотдаги салмоғи орқали ифодаланади.

Солик юкини енгиллаштириш – соликларнинг фоиз ставкалари камайтириш ва имтиёzlар яратиш.

Солиқлар – белгиланган ва муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва бегараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.

Солиқларни унификация қилиш – солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш обьекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

Стратегик инвестиция – стратегик инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун йўналтирилади.

Талаб – харидор, истеъмолчиларни бозорда муайян товарларни, неъматларни сотиб олиш истаги; бозорга олиб чиқилган ва пул имкониятлари билан таъминланган эҳтиёжлар.

Таннарҳ – маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ барча харажатлар.

Таркибий ўзгаришлар – миллий иқтисодиётнинг самарали ва барқарор таркибий тузилишини таъминлаш мақсадида унинг тармоқ ва соҳаларини изчил равишда ўзгаришиб бориши. Таркибий ўзгаришлар ўз ичига янги тармоқларни барпо этиш, баъзиларини кенгайтириш, айрим самарасиз, истиқболга эга бўлмаган тармоқларни қисқартириш каби чора-тадбирларни олади.

Ташқи қарз – мамлакат хукумати, молия-кредит ташкилотлари, йирик корхоналарининг бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

Ташқи нодавлат қарзлар – мамлакатдаги хусусий шахслар (молия муассасалари, корхоналар ва аҳоли) томонидан бошқа мамлакатлар молия-кредит муассасаларидан қарзга олган молиявий маблағларининг жами ҳажми.

Ташқи савдо – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдоси.

Ташқи савдо сиёсати – бир мамлакатни бошқа мамлакатлар билан олиб бораётган савдоси (экспорти ва импорти) борасидаги сиёсати. Бунга тенг хуқуклилик ва икки томонлама манфаат олиш кўзда тутилади. Экспорт ва импортнинг товар таркиби ва географик ҳажмига асосан олиб борилади.

Телекоммуникацион инфратузилма – компаниянинг телекоммуникацион инфратузилмаси – бу турли ахборотларни: автоматлашган бошқарув тизимлари маълумотлари, электрон хабарлар, интернет-графика, турли файллар ҳамда «овоз» ва видео кўринишидаги ахборотларни узатиш вазифасини ҳал қилувчи ўзаро алоқадор тизимчалар мажмуасидир.

Телекоммуникация – симли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланиб сигнал, белги, матн, тасвир ва товушларни ёки бошқа кўринишидаги ахборотни узатиш, қабул қилиш ва унга ишлов бериш жараёни. Ахборот-коммуникация технологиялари асосида маълумотларни масофадан узатиш жараёни.

Тижорат банклари – саноат ва савдони қисқа муддатли кредитлар билан таъминлаш, шунингдек хусусий мижозларга турли турдаги банк хизматларини кўрсатишга ихтисослашган банклар.

Турмуш даражаси – аҳолининг зарурий, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси.

Тўғридан – тўғри инвестициялар – бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этиш ёки янада кенгайтириш мақсадида хорижий шериклар томонидан узоқ муддатли капитал қўйилмалар киритиш. Тўғридан-тўғри инвестициялар инвесторларга мазкур ишлаб чиқариш жараёнлари устидан назорат қилиш имконини беради.

Тўлов баланси – муайян муддат давомида мамлакатнинг чет элларга тўлаган ва худди шу давр мобайнида мамлакатга чет элдан тушган тўловлар суммалари нисбатини тавсифлайди. Тўлов туркумига ташқи қарз, унинг фоизи, четдан олинган товарлар ва хизматлар ҳаки, хорижий инвестициялар, хорижда дипломатик ишларни, иқтисодий алоқаларни юритиш харажатлари, фуқаролар ва қўшма корхоналарнинг чет элга пул ўтказмалари ва бошқалар киради.

Узок муддатли депозитлар – жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат банкларига бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган пул кўринишидаги жамғарма ва омонатлар.

Узок муддатли инвестицион лойиха – бу турдаги лойихани амалга ошириш муддати уч йилдан кўп бўлиб, бу даварда янги йирик қурилиш ишлари ёки корхонада таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида тўла реконструкция ишлари бажарилади.

Унификация – турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа қўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларни рационал жиҳатдан бир хиллигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди – конун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятларнинг ҳужжатлари Конституцияга қанчалик мослигига доир ишларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати – Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Сенати (юқори палатаси) ҳудудий вакиллик палатасидар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди – фуқаролик, жиной ва маъмурий судлов ишларини юргизиш борасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Олий суд томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ва республиканинг барча ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди – хўжалик суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги молиявий муассаса бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади иқтисодиётнинг етакчи, энг аввало базавий тармоқларини модернизациялаш ва техникавий қайта қуроллантириш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек мамлакатни муттасил, барқарор ва мутаносиб равишда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш ҳамда самарали таркибий ва инвестициявий сиёсатни амалга оширишдан иборат. Бугунги кунда мазкур фонднинг жамғармаси 3,7 миллиард долларни ташкил этади.

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи мустакил хўжалик юритувчи субъект.

«Фитч Рейтинг», «Мудис», «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг компанияси – фаолияти банклар, молиявий институтлар, инвестиция ва акционерлик компанияларининг кредит лаёқатини ўз вақтида ва аниқ баҳолашга йўналтирилган халқаро рейтинг агентликлари.

Фонд бозори – қимматли қофозлар ва бошқа молиявий воситаларнинг олди-сотди жараёнлари амалга оширилувчи маҳсус ташкиллаштирилган бозор.

Фуқаролик жамияти – Конституциявий ҳуқуқ назариясида ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқ ва демократияга асосланган зарурӣ ва оқилона усули, инсонга унинг иқтисодий ва сиёсий борлиқнинг шаклларини эркин танлаш ҳуқуқи кафолатланадиган, инсон ҳуқуқлари қарор топадиган, мафкуравий плюрализм таъминланадиган ижтимоий тузум.

Фуқаролик жамияти институтлари – жамиятда қарор топган нодавлат ташкилотлари ҳисобланади. Улар муайян ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва сиёсий фаолиятни амалга оширадилар.

Фуқаролик масъулияти – жамиятнинг демократик ривожланиши жараёнида эришган ютуқ ва муваффақиятига фуқароларнинг онгли муносабати, ютуқларни янада кўпайтириш ва улардан фойдаланишда фаол қатнашиши.

Халқаро валюта жамғармаси – халқаро савдо ва валюта ҳамкорлигини ривожлантиришга таъсир кўрсатиш мақсадида 1944 йилда ташкил этилган халқаро валюта-молия ташкилоти. Халқаро валюта жамғарамаси – аъзо давлатлар ўртасида валюта-кредит муносабатларини тартибга солиб туриш ва уларга тўлов балансининг камомади билан боғлиқ валютавий қийинчиликлар пайтида чет эл валютасида киска ва узок муддатли кредитлар бериш йўли билан молиявий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ҳукуматлараро ташкилот. ХВЖ ўз амалий фаолиятини 1947 йил 1 марта бошлаган.

Халқаро ташкилотлар – уларнинг ҳар бири халқаро сиёсатда ўзларининг фаолият мақсадлари йўналишларига қараб, ер юзи тараққиётида эгаллаб турган мавқеларига қараб, умуман халқаро сиёсий-амалий муносабатлар жараёнида ҳаракатларга киришадиган бошқа халқаро ташкилотлар тизимидағи мақомларига қараб аҳамият касб этадилар.

Халқаро транзит - хорижий юкларни жўнатиш ва қабул қилиб олиш пунктлари берилган мамлакат ҳудудидан ташқарида бўлиши шартида ташилишидир. Агар товарлар божхона омборига жойлаштирилмасдан ташилса бевосита халқаро транзит, божхона омборидан фойдаланилса – билвосита халқаро транзит ҳисобланади.

Хизмат кўрсатиши соҳаси – ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиши (транспорт, алоқа, савдо, майший хизмат ва бошқалар) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиши (хуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)ни олади.

Хорижий инвестиция – чет эллик инвесторлар фойда (даромад) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига қўшаётган мулкий бойликларнинг ва уларга нисбатан ҳуқуқларнинг, шунингдек, интеллектуал мулкка нисбатан ҳуқуқларнинг барча турлари чет эл инвестициялари ҳисобланади.

Хусусий тадбиркорлик – бу фуқаролар (алоҳида фуқаролар) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Шахсий даромад – жисмоний шахсларнинг солиқ тўлагунга қадар даромади.

Шахсни мунтазам камол топтириш – фуқаролик жамияти асосларини барпо этишининг муҳим шарти ва таркибий қисми. Шахсни ривожлантириш жараёнлари инсоннинг салоҳият ва мақсадларини рўёбга чиқариш борасида нафақат давлат, жамият таъсири, балки шахснинг ўз саъй-ҳаракатларини фаоллаштиришни ҳам тақозо этади.

Экспорт – товарлар, хизматлар, инвестиция, қимматли қоғозлар, технологиялар ва бошқаларни ташки бозорга чиқариш.

Эмиссия – қоғоз пулларнинг ғазнахонага ёки бошқа давлат молия органлари томонидан муомалага чиқарилиши; барча шаклдаги пул белгиларини муомалага чиқариш.

Эркин индустрисий зона – мамлакат ҳудудининг хорижий мамлакатлар томонидан турли шакллардаги ҳамкорликдаги тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун рухсат этилган қисми. Мазкур зоналарда махсус имтиёзли шарт-шароитлар, жумладан, имтиёзли солиқлар, божхона тўловлари, ижара, виза олиш, валюта айирбошлиш, меҳнатга ёллашнинг қулай тартиблари белгиланган бўлади.

Эркин сайловлар – халққа ўз лидерларини танлаш ҳуқуқини ҳамда лидерлар ва халққа ўз фикрларини баҳсли масалаларда эркин билдириш ҳуқуқини беради. Сайловларда сайланган шахслар чиндан ҳам халқнинг вакиллари эканлигига ишонтириш учун вақти – вақти билан учрашувлар ўтказиб турадилар. Сайланиш имконияти бундай вакилларни халқ фикр иродасига эътибор беришларини кафолатлаш учун кўмак бўлади.

Ягона солиқ тўлови – кичик бизнес субъектларини кўллаб-қувватлаш мақсадида турли солиқ ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи солиқ тури.

Ялпи ички маҳсулот – мамлакатда бир йил давомида ишлаб чиқарилган жами пировард товар ва хизматларнинг бозор қиймати.

МУНДАРИЖА

Муқаддима.....
Ўқув дастури.....
(А. Бекмуродов, У. Гафуров, Ш. Мустафакулов)
Ўқув қўлланма

Биринчи бўлим

2010 йилда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар

1-боб. Мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий қўрсаткичлар таҳлили

(А. Бекмуродов, У. Гафуров)

- 1.1. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини танқидий баҳолаш ва 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини аниқлаб олиш зарурлиги.....
- 1.2. Жаҳон иқтисодиётидаги бугунги аҳволни таҳлил қилиш асосида чиқарилган хуносалар.....
- 1.3. Иқтисодиётнинг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолганлиги.....
- 1.4. Молия-бюджет тизимининг ривожланиши.....
- 1.5. Ташқи савдо ва тўлов балансларининг мустаҳкамланганлиги.....

2-боб. Мамлакатимизда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар

(З. Джумаев, F. Зоҳидов)

- 2.1. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг моҳияти ва зарурати..
- 2.2. Иқтисодий ислоҳотлар даврида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг устувор вазифалари.....
- 2.3. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилган таркибий ислоҳотлар таҳлили.....

3-боб. Молия-банк тизими ликвидлигини янада мустаҳкамлаш, унинг

барқарорлигини кучайтириш

(С. Ҳудайқулов, И. Тоймуҳамедов)

- 3.1. Солиқ юкини камайтириб бориш бюджет солиқ сиёсатининг устувор йўналиши сифатида.....
- 3.2. Давлат бюджетининг харажатлари ва унинг устувор йўналишлари.....
- 3.3. Маҳаллий бюджетларнинг барқарорлигини таъминлаш ва уларни дотациядан чиқариш бўйича чора тадбирлар.....
- 3.4. Бюджет тақчиллиги ва давлат қарзларини бошқариш самарадорлиги.....
- 3.5. Иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш бўйича йирик ва стратегик лойиҳаларни амалга оширишда бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlарнинг аҳамияти.....
- 3.6. Иқтисодиётни модернизациялаш ва инвестицион фаолликни оширишда банкларнинг аҳамияти.....
- 3.7. Банкларнинг капиталлашув даражасини янада ошириш - уларнинг молиявий барқарорлиги ва иқтисодий ислоҳотлардаги аҳамиятини оширишнинг молиявий омили сифатида.....
- 3.8. Тижорат банклари кредитлари ва уларни кўпайтириш.....
- 3.9. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш.....
- 3.10. Зарап кўриб ишлаётган ва иқтисодий начор корхоналарни молиявий соғломлаштириш жараёнида банкларнинг аҳамияти ва уни янада ошириш.....

- 3.11. Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этиш ва банк хизматлари турини ривожлантириш.....
- 3.12. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида тижорат банклари фаолиятига берилган имтиёзлар.....

4-боб. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва фермер хўжаликларига бириктирилган ер участкаларни оптималлаштириш орқали аграр секторда юз берган таркибий ўзгаришлар
(*Б. Салимов, М. Юсупов*)

- 4.1. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш шарт-шароитлари.....
- 4.2. Қишлоқ хўжалигидаги амалга оширилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари.
- 4.3. Фермер хўжаликларининг ер майдонларини оптималлаштириш.....
- 4.4. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш тизими.....
- 4.5. Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари.....

5-боб. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида амалга оширилган тизимишлар
(*О. Ҳамодов, Ш. Сайфуддинов*)

- 5.1. Ўзбекистон республикаси минтақалари бўйича хизматларнинг ривожланиши.....

6-боб. Мамлакатни модернизациялаш ва иқтисодиётни диверсификациялашда инвестициялар, унинг кўлами
(*Ш. Мустафакулов, М. Исоков*)

- 6.1. Мамлакатни модернизациялашда инвестициялар ва уларнинг аҳамияти.....
- 6.2. Мамалкат иқтисодиётига киритилган хорижий инвестициялар таҳлили.....
- 6.3. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсишида инвестицияларнинг ўрни ва роли.....
- 6.4. Ҳудудий инвестиция дастурларига кирган лойиҳалар ва уларни молиялаштириш манбалари.....

7-боб. Транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган лойиҳалар
(*Н. Каттаев, И. Нематов*)

- 7.1. Мамлакатимиз транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар.....
- 7.2. 2010 йилда мамлакатимизда халқаро логистика марказларини ривожлантириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг натижалари.....
- 7.3. Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга татбиқ этишнинг жорий ҳолати.....
- 7.4. Ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш борасида олиб борилган лойиҳалар кўлами ва уларнинг натижалари.....

8-боб. 2010 йилда касб-хунар коллажлари ва академик лицейларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича якунига етказилган дастурлар
(*Б. Алиев, А. Рахмонов*)

- 8.1. Касб-хунар коллажлари ва академик лицейларни ривожлантиришнинг ҳуқукий асослари.....
- 8.2. Академик лицейлар ва касб-хунар коллажларини қуриш ва қайта таъмирлаш бўйича амалга оширилган ишлар кўлами.....

9-боб. 2010 йилда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва ушбу тизимда амалга оширилган дастурлар
(*М. Хошимова, Х. Баракаева*)

- 9.1. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш учун қабул килинган Давлат дастури ва унинг аҳамияти.....

9.2. Соғлиқни сақлаш тизимида халқаро ҳамкорлик муносабатлари.....

**10-боб. Қишлоқ жойларида қулай ва барча коммунал хизмат шароитларига
эга бўлган якка тартибдаги турар жойларнинг қурилганлиги**

(Б. Салимов, М. Юсупов)

10.1. Қишлоқда замонавий уй-жойлар қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий аҳамияти.....

10.2. Қишлоқларни архитектура ва меъморий режалаштириш талабларига қўра лойиҳалаштириш ва қайта қуриш.....

10.3. Қишлоқ қурилишини молиялаштириш ва имтиёзли кредитлаш.....

11-боб. Мехнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар

(Н. Шоюсупова, Х. Абдурамонов)

11.1. Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва уни ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар.....

11.2. Бандликка қўмаклашувчи марказлар томонидан банд бўлмаган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар.....

12-боб. «Баркамол авлод йили» давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар кўлами

(А. Мухторов, Т. Султонов)

12.1. “Баркамол авлод йили” давлат дастури – юксак билимли ва соғлом авлодни тарбиялашнинг пойдевори.....

12.2. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида эришилган ютуқлар ва натижалар.....

Иккинчи бўлим

2011 йилнинг муҳим устувор йўналишлари

1-боб. Таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш

(З. Джумаев, Ф. Зоҳидов)

1.1. Ишлаб чиқариш жараёнига янги, самарали технологияларни татбиқ этиш зарурати ва истиқболлари.....

2-боб. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш

(Ж. Курбонов, М. Махмудов)

2.1. Мамлакатни модернизациялаш борасида амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар.....

3-боб. Чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш, хорижий инвесторлар учун янада қулай шароитлар яратиш

(М. Исоков, Ш. Мустафакулов)

3.1. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда хорижий инвестицияларнинг ўрни.....

4-боб. Инфратузилма, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш

(Н. Каттаев, И. Немматов)

4.1. 2011 йилда мамлакатимизда транспорт коммуникацияларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....

4.2. Электр энергетика, ахборот-коммуникация соҳаларини модернизациялаш бўйича амалга оширилиши кутилаётган лойиҳалар.....

5-боб. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни жиҳозлаш

(М. Хошимова, Х. Баракаева)

5.1. Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш борасида эришилган

	натижалар ва амалга оширилиши кутилаётган муҳим тадбирлар.....
	6-боб. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш
	(Ш. Эргашходжаева, А. Самадов, М. Юсупов)
6.1.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида.....
	7-боб. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш
	(Н. Шоюсупова, Х. Абдураманов)
7.1.	Ўзбекистон Республикасида 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурининг аҳамияти.....
	Таълим технологияси.....
	(Ш. Мустафакулов, К. Ахметова, Д. Хашимова)
	Тестлар.....
	Назорат саволлари.....
	Глоссарий.....
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати